счет импорта. В 1991 в страны было импортировано 150 тыс. т. мяса и 325 тыс. т. картофель, в настоящее время не импортируются, В 2021 г. экспортировано более 200 тыс. тонн фруктов и овощей, 70 тыс. т больше чем в 2020 г. В 2 последних, в нашей стране и многих странах мира продолжается засуха и маловодие. По данным ООН в десятках странах наблюдается голод. Надо серьезно относиться к использованию земли, воды и др. Наряду с этим соответствующим структурам и органам необходимо полностью реализовать отраслевые стратегии и программы, и принять своевременные меры для развития семеноводства, улучшения урожайности сельскохозяйственных культур, умножения объема производства сельскохозяйственной продукции, а также увеличения экспортного потенциала страны.

Мы создали национальное образования и вхождение в атмосферу международного образования объявили своей важнейшей целью и приоритетным направлениям социальной политики, придавать к изучению математических, точных и естественных наук, информационных технологий и освоению иностранных языков (русского и английского), повышения уровня знаний и профессионализм учителей. Сегодня Таджикистан имеет дипотношения с 180, торгово-экономического отношения с 130 государствами. В Вузах подготовлено 315 тыс. специалистов педуклона, 115 тыс. для СПО, в образовательные учреждения (ОУ) преподают 129 тыс. учителей. ОУ обеспечено педкадрами 98%. Подготовить нужных кадров. Особо обратить внимание развитию национальной науки, определено основные задачи наука, ученых-обществоведов, ученых других сферы, культура («Шашмаком», «Фалак», «Навруз», «Тиргон», «Мехргон», «Сада» и др.), изучение 6000 летней истории народа, Национальной библиотеки (10 млн экз. книг). Организации конкурсов «Мудрости зари сияние-книга», «Таджикистан- моя любимая Родина», «Наука- светоч просвещения», издание 50-томной серии книг «Звезды литературы», книга Б. Гафурова «Таджики», и др. В 2021 г. ООН совместное начинания «Шелковый путь: коридор *Зеравшан – Кара-Кум*» 9 исторических и культурных местностей Таджикистана были включены в Список наследия ЮНЕСКО. «Тахти Сангин» в 2022-2023 гг. в список ЮНЕСКО и «Фалак» (16.12.2021). В октябре месяц 2021 г. впервые в Европейском регионе во французском музее Гиме состоялась выставка фресок Таджикистана под названием «Таджикистан-страна золотых рек» в течение 3 месяцев.

В 1990 г. осуществляли 2860 медучреждений с 52 800 работниками, в 2021 г. 4700 медучреждений с 78 800 работников, за 30 лет подготовлено 187 тыс. врачей средне медработников, за 3 года (2019-2021гг.) было создано 1858 объектов, обеспечение врачами 84%, средне медперсоналом 96%, в течение 5 будущих лет окончат 13 770 человек, средне медперсонал 47 880 человек. Обратит особое внимание подготовки кадров вирусологов и фармацевтов. 60% люди прошли вакцинация. Роль женщин весьма велика, и они составляет 49,3% населения, они успешно работает во всех сферах, в

сферы здравоохранения-68%, образования-73%, наука-27%, аграрный сектор-23%. Повышать статус женщин до 2030 г. до 30% в госслужащих, 25% в руководящих кадров, в Было разработано «Госпрограммы воспитания, подбора и расстановки руководящих кадров за счет одаренных женщин на 2023-2030 годы», *«что женщина-мать является святым созданием, ибо все великие люди мира, будь то государственный деятель, политик или ученый, в том числе и Пророк ислама, были рождены и вскормлены молоком матери. И впрямь, статус женщины-матери в исламе очень высок, и не зря священный Коран ниспослана четвертая сура под названием «Нисо» (женщины)»*. 11 500 девушек из отдаленных районов по президентский квота окончили ВУЗ. 222 тыс. девушек окончили и 100 тыс. девушек учится в ВУЗ. Из 42 тыс. обучающихся студентов зарубежных стран 8 тыс. девушек. Поддержки молодежи, в 2011-2020гг. построено 300 спорт объектов. *«Будущее за молодежью, она является ведущей силой общества и стратегическим резервом государства и Правительства страны. Мы живем в третьем тысячелетии, в век беспрецедентного развития науки и технологий, то есть в веке, в котором все сферы жизни управляются посредством знаний, науки и технологий.*

Для решение актуальные проблемы современной экономики имеет особый значение следующие задачи: повышение уровня и улучшение качества законов, совершенствование механизм их исполнение, соответствие норм действующих законов требованиям общества и граждан требуют постоянного и всестороннего сотрудничества всех ветвей госвласти (права человека, справедливость. Генпрокуратура, суды, МВД, КНБ, НА и др.). Обеспечит безопасности страны, борьба против наркотиков, терроризма, экстремизма, торговлей людьми и оружием. [5, 4]

Главный принцип метода «открытых дверей», которого мы придерживаемся и осуществляем в своей внешней политике, означает налаживание и развитие отношений дружбы, добрососедства, партнерства, плодотворное сотрудничество с зарубежными странами, разных международными и региональными организациями. РТ установил дипотношения с 180 государствами мира. И является членами ООН, СНГ, ШОС, ОДКБ, ОБСЕ, ОИС и др. Придаем особой значение в сотрудничества с СНГ, РФ, НРК, ЕС, США, страны Азии, Среднего Востока и др. Ряд инициативы РТ по водным проблемам в мире, «Душанбинский водный процесс», четвертая инициатива – Международное десятилетие действий «Вода для устойчивого развития» на 2018-2028 годы. За последние время исчезли почти треть общего объема ледников страны и это серьезный проблемы. Более 60% водных ресурсов ЦА формируются в РТ. 2025 год объявить Международным годом защите ледников, назначения Всемирного дня защиты ледников и образования Международного фонда защиты ледников. Более 20 лет РТ привлекает внимание ООН к проблеме

Афганистана имеет 1400 км общих границ с Таджикистаном, более 43 лет продолжает война и проблемы надо решать с мирным путем, диалога.

Наши созидательные планы разработаны в рамках 4 национальных стратегических целей и важных стратегий и программы и славный народ свои силы мобилизуют благоустройства Родины и достойной встречи этого славного и великого праздника 35-летия Государственной независимости. Для решение этих проблем имеют особый значение *современные тенденции и перспективы развития финансовой системы, государственные финансы, комплексной развитие финансовой системы, повышения финансовой грамотности населения, альтернативные финансирования и другие тенденции глобальной финансовой системы*. Быть всегда бдительным и сплоченным. Народы Таджикистана в годы независимости заложили твердую основу для светлого будущего нашего народа, укрепления экономической мощи государства, благоустройства Родины и, что важное всего, для неуклонного повышения уровня и улучшения качества жизни народа. С этим намерением постепенно решаем основные актуальные проблемы современной экономики и развитие финансовой системы Таджикистана. [6, 3]

Список использованной литературы

1. «Народная газета» № 50 (20331). 22 декабря 2021 года.
2. Послание Президента Республики Таджикистана Эмомали Рахмона «Об основных направлениях внутренней и внешней политики республики», 21.12.2021 года, город Душанбе.-Душанбе: Шарки Озод, 2021.- 48 стр.
3. «Согдийская правда» №102 (17020) 21 декабря 2021 года.
4. «Сугд хакикати» 22.12. 2021, №102 (2858).
5. «Хакикати Сугд» 21.12.2021, № 152 (18457).
6. «Народная газета» № 17 (20350) 20 апреля 2022 года.

КОНЦЕПЦИИ ТЕОРИЙ ФИНАНСОВ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Мусабекова Айнаш Орикбаевна, докторант
Карагандинский университет имени Е.А. Букетова

Женское предпринимательство играет важную роль в создании рабочих мест и стимулировании экономического роста, но в то же время малые и средние предприятия, возглавляемые женщинами, сталкиваются с достаточно большими препятствиями в организации и развитии. В статье рассматривается развитие женского предпринимательства в Республике Казахстан. На основании изучения специфики национальной модели женского предпринимательства определяются закономерности и проблемы женского бизнеса и определяются перспективные направления его развития. Женщины-предприниматели вносят свой вклад в экономику,

создавая рабочие места. Малые и средние предприятия во главе с женщинами являются важным источником создания рабочих мест [1, 2].

Гендерное неравенство продолжает оставаться значительным в крупном бизнесе и органах власти. В крупнейших мировых компаниях женщины составляют около 41 % из общего числа работников, но лишь 19 % занимают должности высшего руководящего звена и 12 % – должности в правлении. Женщины возглавляют только 15 % крупных предприятий, 27 % малых и 31,8 % средних предприятий Казахстана.

Поддержка женского предпринимательства способствует финансовой независимости женщин, расширению их прав и свобод, а также экономическому росту всей страны.

Создание условий гендерного равенства является официальной политикой государства Республики Казахстан. Гендерное равенство в стране рассматривается как обеспечение равного доступа мужчин и женщин к ресурсам и благам вне зависимости от половой принадлежности при выполнении социальных функций. С 1993 года в республике последовательно реализуется законодательная инициатива по нормативному обеспечению равенства прав мужчин и женщин. В 1997 году была принята Концепция государственной политики улучшения положения женщин, в 1999 году вступил в силу Национальный план действий по улучшению положения женщин, в период 2006-2016 годов реализована Стратегия гендерного равенства. В настоящее время в республике действует Концепция гендерной и семейной политики, которая будет реализована до 2030 года.

Наличие препятствий для развития участия женщин в государственных учреждениях и наличие гендерных стереотипов в домашнем бизнесе, которые препятствуют карьерному росту и снижают уровень заработной платы женщин по сравнению с мужчинами, заставляет казахстанцев искать возможности в предпринимательстве.

Согласно отчетам глобального мониторинга предпринимательства, в 2018 году 11,3 % женщин Казахстана от 18 до 64 лет либо уже открывали свое дело, либо только что его начали [5].

Однако, прежде всего, женщины прибегают к собственным предпринимательским инициативам по самозанятости. Женщины работают самостоятельно, потому что у них мало шансов получить желаемую официальную работу, достойные условия труда и выплаты социального обеспечения. Сегодня женщины могут быстрее найти работу в незарегистрированном секторе, называемом "самозанятыми", в основном женщины, для которых торговля является единственным источником дохода и жизни для всей семьи. Процент самозанятости женщин особенно высок в сельскохозяйственной отрасли, где он достигает 60%.

Развитие женского предпринимательства переход к рыночной системе ознаменовал для Казахстана время, когда женщины могут быстро

адаптироваться в переходный период, принимая на себя активную экономическую роль. В современную эпоху глобальных экономических проблем гибкость, креативность и социальная ориентация женщин являются важным ресурсом для реализации потенциала человеческого капитала нации при переходе к постиндустриальной экономике.

В Казахстане на сегодняшний день сформирована комплексная система поддержки женского предпринимательства, которая включает меры финансового характера и меры сервисной поддержки. Развитие женского бизнеса в республике осуществляется через государственные программы, соглашения между правительством и международными институтами развития: ЕБРР, ПРООН, Всемирный банк, ООН Женщины и др. Основным инструментом женского предпринимательства – это Единая программа поддержки и развития бизнеса «Дорожная карта занятости 2020».

Это программа сотрудничества с международными финансовыми институтами, в частности с ЕБРР по проекту «Женщины в бизнесе», а также программы Фонда предпринимательства «Даму». В рамках программы поддержки и развития бизнеса «ДКБ 2020» на сегодня предусмотрены инструменты финансовой поддержки, в целом можно отметить, что в рамках «ДКЗ 2020» более трети всех мер поддержки направлены именно на поддержку женского предпринимательства.

Основная причина высокой представленности женщин в малом бизнесе и низкой – в крупном кроется в «специализации» женского бизнеса в стране.

Казахстанские предприниматели в первую очередь обращаются за помощью в ведении бухгалтерской и статистической отчетности, а также в юридических консультациях. Эти услуги помогают сохранить бизнес и защитить его от рисков. Однако для развития бизнеса необходимо использовать инструменты маркетинга, управления и расширения использования ИТ-технологий. Сегодня предприниматели все еще не ищут достаточно этой услуги, что препятствует дальнейшему развитию бизнеса.

Исследование, проведенное группой казахстанских ученых-женщин, позволило уточнить некоторые характеристики национальной модели женского предпринимательства [4, 5].

В последнее десятилетие наблюдается изменение профиля социальных ожиданий женского предпринимательства. В бизнес приходит все больше женщин, для которых на первом месте стоит самореализация и социальный успех, а только затем материальная выгода и обеспечение семьи. Среди таких бизнес-леди выше уровень удовлетворенности предпринимательской деятельностью. Каждая третья казахстанская бизнес-леди ранее занимала руководящие посты, но в силу гендерных стереотипов ее способности оказывались недостаточно оценены. Она выбрала предпринимательство как сферу свободного приложения своих

компетенций и рассчитывает на «экономическую справедливость» – достижение высоких результатов в соответствии со вложенными усилиями и собственными компетенциями. Женщины более открыты для: обучения, обсуждения в группах проблем, коллаборации и т.п. Женщины осуществляют предпринимательскую деятельность на более активном эмоциональном фоне, им важна эмпатия с партнерами, они имеют тенденцию к преувеличению. Это следует считать их неотъемлемой частью и особенностью ведения бизнес-процессов. Креативность, эмоциональность и персонализация являются конкурентными преимуществами женского предпринимательства.

Обобщая обзор тенденций женского предпринимательства в Казахстане, можно сказать, что его развитие несет специфические черты, сформированные исторически наследием и национальной спецификой. Женский труд и предпринимательство в Казахстане обладают особенностями, требующими специального изучения, в том числе в разрезе сфер деятельности и регионов страны.

Список использованной литературы

1. Pewresearch.org. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.pewresearch.org/facttank/2017/03/07/in-many-countries-at-leastfour-in-ten-in-the-laborforce-are-women>.
2. Economist.com. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.economist.com/news/economic-and-financialindicators/21564857>.
3. Гендерная политика Казахстана в условиях социально-экономических преобразований. Dknews.kz. [Электронный ресурс]. URL: <https://dknews.kz/in-the-newspaper/7109-gendernaya-politika-kazahstana-v-usloviyah-sotsial-no-e-konomicheskij-preobrazovaniy.html>.
4. Stat. [Электронный ресурс]. URL: <http://stat.gov.kz>.
5. Global Entrepreneurship Monitor 2016/2017 Report on Women's Entrepreneurship. Gemconsortium.org. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.gemconsortium.org/report/49860>.

ФОНД БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Султонов Шерали Нуралиевич доц.в.б., PhD
“Молия” кафедраси, Тошкент молия институти

Ҳозирда Ўзбекистон фонд бозорининг инфратузилмаси маълум даражада шаклланганлиги ва унда турли молиявий инструментлар мавжудлиги, иқтисодиётда муҳим, лекин муаммоли аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Унинг муаммоси шундан иборатки, ҳозирча Ўзбекистон учун юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишда фаоллиги кам сезилмоқда. Бунга сабаб, унинг ривожланиши ҳозирча индикаторлар мезонининг ижобий миқдорий кўрсаткичларига тўлиқ эмас. Чунки фонд

бозори қатнашчиларининг фаоллиги сууст, муомаладаги молиявий инструментларининг тури кам, рисклилиги ва волатиллик даражаси баланд, капитализацияси ва ликвидлилиги паст, ҳажми кам, обороти секин, тартиблаштириш механизми такомиллашган эмас ва ҳ.к. Буларнинг барчаси вақтинчалик ҳолат бўлиб, келажакда бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг фонд бозорлари сингари рақобатбардошлик даражасига эришиши муқаррар. Айтиш мумкинки, ўрта ва узоқ муддатда Ўзбекистон фонд бозорининг кескин ривожланишини башорат қилса бўлади. Бунинг учун унда барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг фонд бозори мамлакатда жадал суръатларда кенг кўламли ва босқичма-босқич амалга оширалаётган ислохотларнинг маҳсули сифатида, ўзининг такомиллашиб бораётган ривожланиш йўлига эга. Уни ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ўтиш даврига мансуб бўлган Ўзбекистоннинг танлаган ривожланиш моделига асосланган.

Ҳозирда ҳар қандай ўтиш иқтисодиётига мансуб мамлакатлар сингари Ўзбекистон учун асосий муаммолар–ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестицияларни жалб қилиш ва индустриал ўсишни таъминлашдир⁴³. Бу муаммоларни ечишда миллий фонд бозорининг роли ва функциялари катта аҳамиятга эга. Чунки, жаҳон амалиётидан маълумки, айнан фонд бозори миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро миқёсда рақобатбардошлиги, ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш, реал секторни модернизациялаш, ишлаб чиқаришда ва умуман иқтисодиётда ўсишни рағбатлантириш мақсадида молиявий ресурсларни жалб қилишнинг самарали механизмидир. Айтиш жоизки, фонд бозорининг очиклиги, жалбдорлиги, барқарор-лиги, умуман юқори даражада ташкил этилаётганлиги ва ривожланаётганлиги миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро миқёсда рақобатбардошилиги ва самарадорлигини ифодалайди. Барча мамлакатларнинг шундай ҳоссаларга эга бўлган фонд бозорлари инвестициялар мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва савдо фаоллигини таъминлаш имкониятига эга бўлиш учун ўзаро рақобатлашадилар. Бундай рақобатда Ўзбекистон фонд бозорининг ҳозирча кичик бўлсада ҳам ўзига ҳос ўрни бор бўлиб, босқичма-босқич жаҳон фонд бозорларини эришган ҳоссалари даражаси томон такомиллашиб ва ривожланиб бормоқда.

Табиийки, кўпчилик ривожланаётган (ўтиш иқтисодиётига мансуб) мамлакатларнинг фонд бозорлари ҳам Ўзбекистон сингари инвестициялар мақсадида фонд ресурслари учун кучли рақобат шароитларини бошидан кечирмоқда. Ўзбекистонда фонд бозори модели аралаш (гибрид, кўшма) моделга мансуб бўлиб, ўзида англо-саксон, континентал ва Япон моделлари элементларини маълум даражада мужассамлаштирган. Унинг хусусияти

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2018. 189-б

шундаки, унда ҳозирча на банкларнинг, на фонд институтларининг (инвестиция институтлари, суғурта ташкилотлари, фондлар), на институционал инвесторларнинг, на майда чакана инвесторларнинг алоҳида устунлиги кузатилмайди. Алоҳида сегментларга (пул, валюталар, корпоратив ва давлат қимматли қоғозлари, суғурта инструментлари, кредит ва банкларнинг бошқа инструментлари бозорларига) эга бўлиб, улар ҳозирда бир-бири билан тўлиқ боғлиқ эмас ва ҳар бири турли ваколатли давлат органлар томонидан алоҳида тартиблаштирилади (мувофиқлаштирилади ва назорат қилинади).

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларининг ривожланиши қимматли қоғозлар бозорига бўлган муносабатларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилаётган бугунги кунда, ушбу жараённинг кескинлигини оширмоқда. Чунки, айнан қимматли қоғозлар бозори кўп жиҳатдан қийматнинг қайтиш ҳаракати самарадорлигини ошириш, мулкчилик шаклининг ўзгариши, уни хусусий эгалikka топшириш муаммоларини ечишнинг калити ҳисобланади.

Фонд бозорининг асосий вазифаси сармоядорларнинг пул маблағларини бир жойга жамлаб, уларни турфа инвестиция мақсадларида ишлатишдан, ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат.

Қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистоннинг кўпгина акциядорлик жамиятлари давлат корхоналари негизда ташкил этилган бўлиб, ўз моддий базасига, асосий ва айланма капиталларига эга.

Бозор кўп миқдордаги сармоядорларнинг маблағларини йиғиб, уни турли хил қўйилмалар учун тақсимлаши лозим. Бу бозорнинг ҳажмдорлигига ва хилма-хиллигига, яъни муомаладаги қимматли қоғозларнинг мумкин қадар сармоядорлар ўртасида тарқатилишига боғлиқ.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ушбу бозордан, бир томондан давлат корхона ва ташкилотлар, аҳоли ўзлари учун зарур бўлган маблағни жалб қилсалар, иккинчи томондан, корхона, ташкилот ва аҳоли ўзларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишга йўналтириб фойда кўрадилар.

Ушбу тизим брокерлик идоралари ўртасида кафотланган ҳисоб-китобларни таъминланган ҳолда савдо сессияси мобайнида акцияларни олиш-сотиш бўйича қайта-қайта битимларни тузишни тақозо этади. Бунинг учун янги технология савдолар тизимини ҳамда савдоларни иккиёқлама аукцион усулда олиб бориб, бир вақтнинг ўзида пул маблағлари ва қимматли қоғозларни бир мижоздан иккинчисига ўтказиш имконини берадиган электрон дастур яратиш зарур. Шу тажрибадан келиб чиқсак, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тизимини хаётга татбиқ этиш мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий тараккиётдан ортда қолмаслик учун, бизда ҳам иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш зарур.

Бизнинг амалиётда, қимматли қоғозлар бозорининг асосий таркибий қисми сифатида иккиламчи бозор механизми ҳалқаро андозалар тизимига мос эмаслиги сезилади.

Бугунги кунда асосий эътиборни аҳоли ва муассасавий сармоядорларни акциялари сотувга қўйиладиган акциядорлик жамиятлари, улар жорий фаолиятининг натижалари ва ривожланиш истикболлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларига эътиборни қаратишлари лозим.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, миллий корхоналар фаолиятида капиталлаштириш даражасининг пастлиги, бошқаришдаги самарали усулларнинг йўқлиги, мамлакат миқёсидаги оммавий наشريётларда акцияларнинг бозордаги қийматини шакллантириш механизмларининг етарлича ёритилмаслиги, ушбу йўналиш бўйича махсус курсатмалар, параметрлар, моделлар, статистик маълумотлар, иқтисодий таҳлил андозаларини тартибга солиш зуруриятини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги иқтисодиётни диверсификациялаш ҳамда модернизациялаш шароитида иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун етарлича ишчан механизм яратилган. Айни пайтда, мамлакат миллий фонд бозорининг йил сайин ривожланаётганлиги жумладан, ривожланган фонд бозорлари тажрибалари кенг ўрганилиб, амалиётда тадбиқ этилаётганлиги акциялар иккиламчи бозорининг ривожланишига замин яратади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мейлиев Обид Рахматуллаевич

мустақил тадқиқотчи. Тошкент молия институти

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тартиби доимий равишда долзарб тадқиқот мавзуси бўлиб ҳисобланган. Иқтисодчи олимларнинг асосий диққат марказида маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кенгайтириш ва шу асосда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш каби масалаларга нисбатан кенгроқ ўрин берилган.

Маҳаллий бюджет, унинг тузилиш асослари, маҳаллий бюджет даромадлари ҳамда уларни шакллантириш механизми, маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларини ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларининг етарлилигини таъминлаш каби муаммолар олимлар томонидан доимий равишда тадқиқот объекти сифатида қаралган.

Шу билан биргаликда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш масалалари билан бир қатор иқтисодчи олимлар узок йиллардан бери шуғулланиб келишларига қарамасдан бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг тан олинган умумэътироф этилган оптимал механизмини яратиш масаласи ҳамон ўз ечимини топмаган.

Шу нуқтаи назардан маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва улар барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёни тадқиқ этиш ҳар доим иқтисодчи олимларнинг эътиборини ўзига тортиб келган муаммолардан бири саналади.

Хорижий олимлардан L.M.Sinervo маҳаллий ҳукумат ўз фуқаролари учун етарли ва барқарор фаровонликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, бу эса солиқ тўлайдиган аҳолига сифатли давлат хизматларини ташкил этиш орқали амалга оширилади деб ҳисоблайди⁴⁴. Унинг фикрича молиявий бошқарувнинг иккита асоси яъни, биринчидан, давлат сектори узок муддатли истиқболда ўз иқтисоди ва маблағларини мувозанатлаштириши керак, бу аҳолидан олинадиган солиқлар етарли бўлишини англатади, иккинчидан, улар учун хизматларни ташкил қилиш ва тенг равишда ишлатилишини таъминлаши керак. Ушбу асослар маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий барқарорлигини намоиш этади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлиги, молиявий салоҳиятининг кўрсаткичлари давлат ва унинг алоҳида минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маълумотлар тизимини ифодалашини ҳисобга олиш муҳимдир⁴⁵.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда уларнинг даромадларини ошириш жараёнлари илмий назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этилган.

Профессор Н.Хайдаров фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хорижий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиш лозим⁴⁶ дея таъкидлайди.

Иқтисодиёт фанлари доктори А.Исламқулов маҳаллий бюджет даромадлари биринчидан ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш натижаси ҳисобланса,

⁴⁴ Sinervo, L.M. Interpreting financial balance in local government: A case study from Finland. *Public Money Manag.* 2014, 34, 123–130. [CrossRef] www.scopus.com.

⁴⁵ Tommaso Oliviero, Annalisa Scognamiglio. Property tax and property values: Evidence from the 2012 Italian Tax Reform *European Economic Review*. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii>

⁴⁶ Н.Х.Хайдаров “Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар”. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 2-сон..

иккинчидан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир⁴⁷ дея таъкидлаган.

Маҳаллий иқтисодчи олим Х.Қобулов фикрича ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларининг ўз вақтида бажарилиши маҳаллий ҳокимият органлари самарали фаолиятининг асосий шартидир. Муаллиф фикрича маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш, хусусан, уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади⁴⁸.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва давлат бюджет харажатлари мамлакатда яратилган миллий даромаднинг тақсимланиши асосида ҳудудларда истиқомат этувчи аҳолига ва унинг натижаларини етказиб берувчи маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилади⁴⁹.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н. Юлдашева эса маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш орқали уларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш ва харажат мажбуриятларини оптималлаштириш⁵⁰ орқали эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Муаллиф фикрича маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустақиллигини оширишда бюджет орқали тартибга солиш биринчи навбатда эътиборга олиниши керак, чунки у бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида улар ўртасида маблағларни қайта тақсимлашнинг энг муҳим механизми ҳисобланади.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлиб, айрим иқтисодчилар ушбу омиллар сифатида маҳаллий ҳокимият органлари ваколат ва маъсулиятини ошириш нуктаи-назаридан, айрим иқтисодчи олимлар эса даромад ва харажатлар мутаносиблигига эришиш орқали таъминлаш мумкинлигини эътироф этишади. У.Ўроқов фикрича маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, кўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари манфаатдорлигини ошириш лозим⁵¹.

⁴⁷ А.Х.Исламкулов. Бюджетлараро муносабатларни солиқлар воситасида тартибга солиш./ Монография. - Т.: "Lesson Press" МЧЖ нашриёти. 2021. б-16

⁴⁸ Қобулов Х. Обеспечения финансовой устойчивости местных бюджетов путем улучшения финансового потенциала региона. Современная наука актуальные вопросы, достижения и инновации. г.Пенза, 20 мая 2020 г. стр-47.

⁴⁹ Рўзиев З.И. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари. "Инновацион технологиялар" №3, – 2020 й. б-92-96

⁵⁰ Юлдашева Н.В. Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2021. –б. 55.

⁵¹ Ўроқов У.Ю. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2020. –б. 57.

Ш.Мусалимов маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳияти кенг маънода ҳудуд маҳаллий бюджетларининг мавжуд бўлган максимал ресурслар йиғиндиси ҳисобланади⁵² дея таъкидлайди. Муаллиф фикрига кўра, маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджетларнинг харажатлар қисмини ўз даромадлари ҳисобидан бажарилишини таъминлаш қобилияти маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини сақлашнинг асосий шартидир.

М.Хайдаров бюджет тизими бюджетларининг номарказлаштирилиши бюджет даромадлари ваколатлари ва бюджет харажатлари мажбуриятлари борасидаги турли даражадаги бошқарув органлари орасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган қатор чораларнинг амалга оширилиши билан боғлиқдир дея таъкидлайди. Шунингдек, унинг фикрича номарказлаштириш натижасида жамият хизматларини шундай ташкил ва тақдим этилиши назарда тутиладики, улар маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришни таъминлашлари керак⁵³.

Рус иқтисодчи олимларидан Т.Ткачева фикрича, ҳудудлар даражасидаги бюджетни комплекс такомиллаштириш асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун жалб қилинган молиявий ресурсларнинг ҳудудий бюджет харитасини шакллантириш, бюджет маблағларини ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфлаш самарадорлигини баҳолашнинг янги воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади⁵⁴.

Г. Морунованинг фикрига кўра, замонавий муниципал маблағларнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти асосан, маҳаллий бюджетлар томонидан ифодаланганлиги билан боғлиқ бўлиб, "муниципал молия" деганда маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги маблағларни шакллантириш ва сарфлаш учун пул муносабатларининг мажмуи тушунилиши керак⁵⁵.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурслари маҳаллий маъмуриятлар ихтиёрида тўпланган ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва маҳаллий ҳамжамиятни ривожлантириш учун фойдаланиладиган пул даромадлари ва тушумларини бирлаштиради⁵⁶.

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳамда унинг манбалари ва хусусиятлари борасида хорижий олимлар ҳам ўз фикрларини

⁵² Мусалимов Ш.И. Доходный потенциал местных бюджетов: особенности и проблемы формирования в современных условиях. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 й.б-16-24

⁵³ Хайдаров М.Т. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари. "Иқтисод ва молия" журнали 2017, №6. б-21-30

⁵⁴ Ткачева Т.Ю.Бюджетно-налоговые механизмы устойчивого развития регионов: теория и методология. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2019 стр-55.

⁵⁵ Морунова Г.В. Муниципальные финансы в трансформационной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург-2020.стр-32

⁵⁶ Ярунина А. Г. Формирование финансовых ресурсов муниципальных образований: дисс.... к.э.н.:08.00.10 / А. Г. Ярунина. – Иркутск, 2006. – 198 с.

баён этишган. Унга кўра бюджет компенсацияси мавжуд бўлганда капитал ва ердан иборат бўлган тадбиркорлик мол-мулкига солиқ солинадиган базада капиталнинг интенсивлигини пасайиши, тадбиркорлик мол-мулкига солиқ ставкаларини оширади ва резидентларга солиқ ставкаларини пасайтиради⁵⁷.

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг долзарб молиявий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳланган ва шу асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг молиявий механизмини шакллантириш йўллари очиб берилган.

Фикримизча, бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадларининг асосий манбаи бўлган маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромадларини тўлиқ шакллантира олмайди. Шу ўринда республика солиқларидан ажратмалар ҳамда юқори бюджетдан куйи бюджетга берилаётган молиявий ёрдамлар ажратиш механизмини ҳам қўшган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Ушбу омиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи молиявий механизмини шакллантириш имкониятларини яратади.

Назаримизда, маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳисобига маҳаллий бюджетлар харажатларини самарали таъминлаш имкониятининг пастлиги, мазкур ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадларини ошириш ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини ошириш ҳамда масъулиятларини кучайтириш нуктаи назардан келиб чиқиш ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич, и.ф.д., доц.
“Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири
Тошкент молия институти

Молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи алоҳида мамлакат миқёсидан чиқиб, иқтисодий глобал миқёсга кўчибгина қолмасдан, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган барча сиёсий,

⁵⁷ Tidiane Ly, Sonia Paty. Local taxation and tax base mobility: Evidence from France.//Regional Science and Urban Economics, Volume 82, May 2020, <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S>

иқтисодий ва илмий доираларнинг кун тартибидаги энг долзарб мавзулардан бирига айланиб улгурди.

Жаҳонда молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш бўйича мезонлар халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида давлат солиқ сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ҳозирги глобал пандемия шароити дунё мамлакатлари молиявий барқарорлигига хавф солиш эҳтимолини кескин оширмоқда. Жумладан, АҚШ иқтисодчи олимлари ва экспертлари, “солиқ интизоми паст бўлган мамлакатларда молиявий инқироз rischi юқори бўлиши, агар солиқ интизоми мустаҳкамланмас экан, ҳеч қандай иқтисодий восита билан молиявий барқарорликни таъминлашнинг имкони йўқлигини - таъкидламоқдалар”⁵⁸. БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва Ривожланиш конференцияси тадқиқотлари ва прогнозларига кўра, “пандемия инқироzi 2020 - 2021 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин камайишига олиб келади ва унинг оқимларини 2019 йилда 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги тахмин қилинган”⁵⁹. Бундай шароитда солиқ интизомини мустаҳкамлаш асосида молиявий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари каби халқаро ташкилотлар томонидан молиявий хавфсизликни таъминлаш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси томонидан ривожланаётган мамлакатлар мисолида солиқ интизомига риоя этилишининг хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолиятига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига кўра солиқ маъмуриятчилиги самарали йўлга қўйилган мамлакатларда солиқ интизомига риоя этилиши даражаси нисбатан юқорилиги асосланган. Ушбу тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш имконини беради. Бу ривожланган давлатлар тажрибаси асосида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомини мустаҳкамлаш методологиясини янада такомиллаштириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Жаҳондаги иқтисодий интеграция натижаси ўлароқ молиявий хавфсизлик нуфузли халқаро молия ташкилотларнинг фаолият йўналишига

⁵⁸ Schuberth, H. (2014). Tax Policies and Financial Stability: Lessons from the Crisis. DOI:10.7551/mitpress/9780262018340.003.0006

⁵⁹ World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf

айланиб, турли иқтисодий-сиёсий дастаклар орқали молиявий барқарорликни сақлаш чоралари кўриб келинмоқда.

Бироқ Халқаро валюта фондининг таҳлилларига кўра, Иккинчи жаҳон урушидан кейин 4 марта глобал молиявий инқироз юз берган бўлса, уларнинг барчасида инқироз асоратларидан энг кўп зарар кўргани ва тикланиш жараёни суст кечгани бюджет-солиқ соҳаси бўлган. Хусусан, инқироз натижасида мамлакатда умумий иқтисодий пасайиш кузатилиб, бюджетга солиқ тушумлари тушиши кескин камайган. Бюджет тушумлари камайиши баробарида, корхоналар ўртасида банкротлик, аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси ортиб борган. Фискал танқислик шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, хусусий секторга ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига молиявий кўмак кўрсатиш имконияти тобора таранглашиб борган.

Энг асосий муаммо эса инқирознинг асосий тўлқини ўтиб, иқтисодиёт оёққа тура бошлаганда ҳам айнан фискал соҳадаги барқарорлик 3-5 йил ортга қолган. Бунинг асосий омили бўлиб инқироз даврида солиқ интизоми издан чиқиши бўлиб хизмат қилган.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан ривожланаётган мамлакатлар мисолида солиқ интизоми хўжалик юритувчи субъектларининг самарали фаолиятига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган кенг миқёсли илмий тадқиқоти натижалари солиқ интизоми солиқ маъмурчилиги самарали йўлга қўйилган мамлакатларда нисбатан юқорилиги, лекин агар уларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тақдим этилмаса, кичик ва янги ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъектлари жорий қилинган солиқ интизоми нормалари натижасида фаолиятини тўхтишига олиб келаётгани ойдинлашган⁶⁰.

Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида ташкилотга аъзо мамлакатлардаги солиқ интизоми йирик компаниялар томонидан кўп ҳолларда бузилиши, бунга сабаб эса уларнинг таркибида бир нечта корхоналар бўлиб, уларнинг барчасида ҳам солиқ интизомига бирдек амал қилинвермаслиги аниқланди. Ташкилот томонидан йирик компаниялар учун жамоавий (коллектив) солиқ интизомини жорий қилиш тизими ишлаб чиқилди. Натижада йирик солиқ тўловчилар бўлган ушбу компаниялар томонидан юзага келадиган фискал риск сезиларли даражада камайиб, молиявий барқарорлик даражасини ошиши кузатилди.⁶¹

Дунёдаги етакчи “Делоит энд Тач” аудит ва консалтинг компаниясининг 2013 йилда Европа давлатларидаги йирик корхоналар ўртасида ўтказган тадқиқоти солиқ маъмурчилиги содда, солиқ интизоми

⁶⁰ Dabla-Norris, E., Misch, F., Cleary, D. and Khwaja, M. (2017). Tax Administration and Firm Performance: New Data and Evidence for Emerging Market and Developing Economies. IMF Working Papers. WP-17/95.

⁶¹ OECD. (2016). Co-operative Tax Compliance: Building Better Tax Control Frameworks, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/9789264253384-en>.

юқори бўлган Нидерландия, Буюк Британия, Германия, Испания ва Франция каби мамлакатларда банкротлик эҳтимоли пастлигини, шу сабабдан моливий барқарор ва хавфсизлиги учун хорижий инвесторлар ўзлари учун истиқболли давлат деб билишлари маълум бўлган.⁶²

АҚШнинг Массачусетс технологиялар институти профессори Х.Шубертга ўз изланишларида молиявий хавфсизликни таъминлашда солиқ интизомининг таъсирини ўрганиб, солиқ интизومي паст бўлган мамлакатларда моливий инқироз rischi юқори бўлиши, агар солиқ интизоминини мустаҳкамланмас экан, ҳеч қандай иқтисодий восита билан молиявий барқарорликни таъминлашнинг имкони йўқлигини тасдиқлади⁶³.

Буюк Британиянинг Бирмингем университети профессори У.Эйвис ҳамдўстлик мамлакатлари мисолида солиқ интизومي ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни татбиқ этиб, солиқ интизомини мустаҳкамлаш солиқдан қочиш, солиқ солинадиган активлар ва даромадларни яшириш ҳолатларини камайтириш орқали солиқ солиш базасини мустаҳкамлаган ҳамда солиқ тўловчилар томонидан харажатларни самарали бошқарилишига сабаб бўлган. У.Эйвиснинг хулоса қилишича, солиқ интизомини такомиллаштирилиши ҳамдўстлик мамлакатлари фискал барқарорлигини мустаҳкамлаб, уларда давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиши билан изоҳланади⁶⁴.

Шу боисдан, ушбу халқаро молия ташкилотлари ҳамда йирик илмий-тадқиқот марказлари наздида ҳар қандай иқтисодий шароитда бюджет молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий воситаси бўлар экан, унинг тўлиқлигини таъминловчи солиқ интизомини мустаҳкамлаш молиявий хавфсизликнинг бош мақсади ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ФАН СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мелиев И.И. PhD., доцент

мустақил изланувчиси, Тошкент молия институти

Ўзбекистонда мустақиллик йилларда кўплаб соҳаларда туб ўзгаришлар бўлди, иқтисодиёт ва ҳисоб тизими дунёда ривожлаган мамлакатлар ҳисоб тизимига босқичма-босқич тенглаштириш чоралари кўрилди. Миллий ҳисоблар тизимини яратиш мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқларида тизимли равишда бир ҳисоб тизимига келтириш мақсад

⁶² Deloitte and Touch (2013). European Tax Survey: The Benefits and Stability. Deloitte Publications.

⁶³ Schuberth, H. (2014). Tax Policies and Financial Stability: Lessons from the Crisis. DOI:10.7551/mitpress/9780262018340.003.0006

⁶⁴ Avis, W. (2016). Linkages between taxation and stability (GSDRC Helpdesk Research Report 1346) Birmingham, UK: GSDRC, University of Birmingham.

килиб олинди. Миллий ҳисоб тизимидан яратилган дастлабки қадамлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган 279-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни” қабул қилинишидир. Ушбу қонун мамлакатимизда амалда мавжуд ҳисоб тизими ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлари тажарибаларини уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди. 2016 йилда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Йиллар давомида ушбу қонун Бухгалтерия соҳида тамал тоши сифатида бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқилишига асос бўлди. Жумладан, 1996 йилдан 2013 йиллар оралиғида 24 га яқин Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, кўплаб норматив ҳужжатлар, низомлар ва йўриқномалар яратилди ва амалиётда қўлланила бошланди⁶⁵. Бухгалтерия ҳисобини қонун ҳужжатлари асосида юритилиши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар ва норматив ҳужжатлар асосида юритилганлигини аниқлаш мақсадида мамлакатимизда аудиторлик фаолияти йулга қўйилди. Дастлабки аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун 1992 йилда қабул қилинди. Кейинчалик, яъни 2000 йилда қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Лекин ушбу қонунга вақт ўтиши билан баъзи моддаларини ўзгартириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу сабабли ушбу қонун ва у билан боғлиқ барча норматив ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. 2021 йил 25-феврал куни 677-сонли “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” янги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда аудит жамият тарихий тараққиёти давомида синалган иқтисодий амалиёт сифатида юзага келган. Аудитнинг ривожланиш тарихи нафақат қоидалар ва тамойиллар билан мустаҳкамланган аудитнинг халқаро стандартлари асосидаги амалий тавсияларни, балки унинг амалий фаолияти ва ривожланиш истиқболларини тушунтириб берувчи муҳим мустақил аҳамиятга эга илмий тушунчаларни ҳам ишлаб чиқди. Шу билан бирга аудитни мустақил фан сифатида тан олиш масаласи ҳозирги кунга қадар мунозарали бўлиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда Россиялик иқтисодчи олимлар тадқиқотларида аудитни мустақил фан сифатида тан олиш, унинг предмети, объектини аниқлаш ва янги йўналишларни шакллантириш масалалари долзарб деб қаралмоқда. Аудит фани мазмунини тушуниш бўйича иқтисодчи олим А.Д.Шереметнинг тавсифлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Аудитнинг фан ва амалиёт сифатидаги тавсифи
(А.Д.Шеремет ёндашувлари)⁶⁶**

Таркибий қисм	Тавсиф
Аудитнинг иқтисодий	Бошқарувчи функционал фан ҳисобланади

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. Ўзбекистон Республикаси 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz>.

⁶⁶Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.

фанлар тизимидаги ўрни	
Аудитнинг фан сифатидаги моҳиятини аниқлаш	У ўзида мустақил молиявий назорат билимларининг усул ва йўлларини мужассамлаштирган тизимдир
Аудитнинг молиявий назорат тизимидаги ўрни	Назорат шаклларида бири ҳисобланади (давлат молиявий, ички молиявий назорат, тафтиш)
Аудит амалий фаолият тури сифатида	Мустақил молиявий назорат ва молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларни баҳолашга қаратилган бошқарув фаолият тури
Фан сифатидаги аудитнинг предмети	Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган субъектнинг молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлари мустақил назорати ҳаққонийлигини мазкур ҳисоботлар фойдаланувчилари томонидан қарор чиқаришни таъминловчи бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири
Аудит услубияти	Диалектикага асосланган, аудитнинг услубиятини аниқлайди. Диалектик ёндашувнинг асосий хусусияти - таҳлил ва синтезнинг бирлиги, кўрсаткичларнинг уларга ўзаро боғлиқлиги, ривожланиш ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш.

Мазкур масалалада яна бир иқтисодчи олим В.И.Подольский эса, ўз тадқиқотларида А.Д.Шеремет шакллантирган хулосаларга асосланган ҳолда аудит назариясининг бир қатор қоидаларини ривожлантирди. (2-жадвал).

2-жадвал

Аудитнинг фан сифатидаги тавсифи (В.И.Подольский ёндашувлари)⁶⁷


Таркибий қисм	Тавсифи
Аудитнинг фан сифатидаги предмети	Бошқарувнинг асосий функцияларидан бири сифатида, фойдаланувчиларни текширувдан ўтказилган субъектнинг ишончли молиявий ҳисобот ахборотлари билан таъминлаш ва бу ахборотларга асосан қарор қабул қилиш имконини таъминловчи ижтимоӣ фаолият туридир
Аудит усули	Тадқиқотнинг умумий ёндашуви сифатида диалектикага, яъни ривожланишнинг умумий қонуниятларига асосланган, аудитнинг услубияти ва уни қўллаш йўлларини белгилаб берадиган таҳлил ва синтезнинг бирлиги, кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликда ривожланишини ўрганиш ва бошқалар билан тавсифланади
Аудит услубияти	Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлар ҳаққонийлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни асослаш учун қўлланиладиган махсус усуллар, яъни аниқ жараёнлар, ҳисоб-китоблар, математик моделлар ва таққослашлар мажмуидир

⁶⁷Подольский В.И. Аудит. Учебник. 4-е изд. - М.: 2010. — 744с.

Бизнинг фикримизча, А.Д.Шеремет ва В.И.Подольскийларнинг юқорида келтирилган тавсифларида аудитнинг фан сифатидаги ривожланишини бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқликда ва унинг иқтисодиёт фани тизимидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиб, биз аудит фанига қуйидагича тавсиф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Аудит фани - хўжалик юритувчи субъектларни самарали бошқариш ва ривожлантириш, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни тўғри қарорлар қабул қилиши учун уларни ишончли ахборот билан таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунийлиги ва молиявий ҳисоботининг ишончлилигини баҳолашга оид билимларни мужассамлаштирувчи ва ҳосил қилувчи фандир.

Аудиторлик фаолиятига оид ўзаро муносабатларда субъект сифатида давлат, аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар, корхона менежерлари ва мулкдорлари, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботидан фойдаланувчилар, аудиторларнинг профессионал жамоат ташкилотлари қатнашади. Аудит фан сифатида аудиторлик фаолияти субъектлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиб, амалий фаолият соҳаси сифатида эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигига оид текширув натижаларини тасдиқланган расмий шакл ва мазмундаги аудиторлик ҳужжатларида умумлаштиради ва субъект раҳбариятига тақдим этади.




1-расм. Аудиторлик фаолиятининг услубий асослари⁶⁸

⁶⁸Муаллиф томонидан тузилган

Фикримизча, аудит усулини фан сифатида таърифлаганда, у фойдаланадиган умумий тадқиқот усулларини диалектика, расмий мантик ва тизимли ёндашув каби усулларга ажратиш мумкин. Аудит тадқиқот объектларига нисбатан профессионал қарорни шакллантириш мақсадида умумий усулларнинг барчасидан аудиторлик далилларини тўплаш ва маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилади. Шунингдек, аудитнинг алоҳида ва аниқ объектларни текширишда қўлланиладиган хусусий ёки махсус усуллари ҳам мавжуд. Фикримизча, аудиторлик фаолиятининг услубий асослари қуйидаги элементлардан ташкил топади (1-расм).

Ўз навбатида, юқоридаги расмда келтирилган аудиторлик текширувини ташкил этиш шакллариининг меъёрий-ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ҳисобланса, аудиторлик далилларни тўплаш амалларининг меъёрий асоси 500-сон “Аудиторлик далиллар” номли АХС, аудитнинг умумилмий ва махсус усулларининг меъёрий асоси МҲХС, АХСлар ва аудитга оид ўқув адабиётлари, аудиторлик таҳлилий амалларининг меъёрий-ҳуқуқий асоси эса 520-сон “Таҳлилий амаллар” номли АХС каби ҳужжатларда (мазкур усулларнинг мазмуни ва қўллаш тартиби) ёритилган.

Юқорида келтирилган хорижий ва республикаимиз иқтисодчи олимларининг аудит усулларига оид қарашлари ва Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг профессионал жамоат ташкилотлари мутахассислари фикрларини умумлаштирган ҳолда аудиторлик фаолиятида қўлланиладиган усулларни қуйидагича туркумлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2-расм).



2-расм. Аудит усулларининг туркумланиши⁶⁹

Махсус усуллар қаторига аудиторлик далилларини олиш амаллари – назорат қилиш, кузатув, сўров ва тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш ва таҳлилий

⁶⁹Муаллиф томонидан тайёрланган

амалларни киритиш мумкин. Шунингдек, аудит усуллари текширувнинг алоҳида жиҳатларига нисбатан далиллар олиш талаблари, жумладан, ҳисобот санасидан кейинги воқеалар ва фаолиятнинг узлуксизлигини баҳолаш амалларини ҳам ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3946-сон қарори, 2018 йил 19 сентябрь, Тошкент ш.
2. “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон
4. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611-сон қарори, 2020 йил 24 февраль, Тошкент ш.
5. Холмуродов О.Н., Азаматова Г.И “Рақамли ҳисоб тизимини йўлга қўйиш-замон талаби”. Иқтисодиётда инновациялар 2-махсус сон. Тошкент-2020.
6. Safaeva S., Alieva M., Abdukhalilova I., Alimkhodjaeva N., Konovalova E. (2020). Organizational and Economic Aspects of the Development of the International Tourism and Hospitality Industry. Journal Of Environmental Management And Tourism, 11(4), 913-919. doi:10.14505//jemt.11.4(44).15
7. Мелиев И.И. Корхоналарда аудит ўтказиш босқичларини такомиллаштириш масалалари. “Молия” илмий журнали - №1/ 2013 йил.-41 бет.
8. Мелиев И.И. Аудитни режалаштириш босқичларини такомиллаштириш масалалари. “Молия” илмий журнали - №6/ 2013 йил.-19 бет.

МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Базаров Қахрамон Таштемирович, доцент
“Солиқлар ва сугурта иши” кафедраси
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Мамлакатимизда фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш *йили дастурини бажариш* шароитида хўжалик юритувчи субъектларимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, бюджет солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларнинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан молиявий муносабатларни солиқлар орқали рағбатлантириш муҳим устувор вазифалардан биридир.

Маълумки, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда фискал ва монетар

сиёсатнинг ўрни, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришнинг замонавий йўналишлари, молиявий тизим ва ресурсларни бошқаришнинг илғор хориж тажрибасидан республикамизда фойдаланиш масалалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Маълумки муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида[1] “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш.

Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш.” Кўзда тутилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Конституциямизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган. Лекин, иқтисодиётда давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни кўпайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келмоқда.” [2] деб алоҳида таъкидладилар

Шу ўринда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва уларнинг натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, уларнинг ижобий натижаларини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда бюджет солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда содалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Жумладан, бу йўналишда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтириш мақсадида, энг аввало, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, солиқ юкини камайтириш натижасида корхоналарда ўз ихтиёрида қоладиган маблағлардан ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқларни бир хиллаштириш бўйича амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар, ўз навбатида, корхоналарнинг бухгалтерия ходимларини солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш ишларини соддалаштиришга ҳамда солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада жадаллаштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бинобарин, замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими – иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, фаол инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштиришларни қисқартириш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва топшириш муддатлари соддалаштирилди.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғишда, солиқ солинадиган базани кенгайтиришда ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги ва бу эса ўз навбатида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган таркибий ўзгартиришлар ва ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, жумладан, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида 18 июль 2017 йили Президентимизнинг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга

мувофиқ солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган 10 та камчилик ва бажарилиши лозим бўлган масалалар илгари сурилди. [3]

Мазкур Фармон билан солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим 7 йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш вазифаси белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад, бир томондан солиқ тўловчиларнинг беҳуда қоғоз, йўл ва бошқа сарф-харажатларини камайтирса, иккинчи томондан таъмагирлик каби коррупция ҳолатларининг олдини олиш;

Шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш каби вазифалар юқорида айтиб ўтилган эзгу мақсадларни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди:

иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номуносивбликларни бартараф этиш;

солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва

зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш йўлга қўйилди” [4] каби бир масалаларнинг ечими топилди;

Макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил этиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси эса маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириб, уларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу борада солиқ солиш масалаларида, шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Солиқ тизимининг самарадорлиги ва соҳа ходимларининг солиқ тўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиши, албатта, кадр ларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ҳамда улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратишни талаб этади.

Маълумки, ҳозирги кунда солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал этишда ҳар томонлама қўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини таъминлайдиган солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторингини жорий этиш белгиланган.

Бундан буён, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган, қонунга итоаткор солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари

томонидан доимий равишда ҳар томонлама тезкор ва самарали кўмак бериш масаласи илгари сурилди.

Хусусан, даромад келтирувчи тармоқларда фаолият юритадиган йирик солиқ тўловчиларга самарали ва ўз вақтида хизмат кўрсатиш мақсадида илғор хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг солиқ маъмуриятчилиги бўйича функциялари бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри мулоқотсиз солиқ назоратининг таъсири ва самарасини ошириш доирасида ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилди.

Яна бир муаммони ҳал этишга, яъни ҳалол ва қонунга итоаткор корхоналарга «носоғлом» рақобат муҳитини яратаётган «хуфёна бизнес» юритаётган корхоналарга нисбатан таъсир чораларини кучайтиришга эътибор қаратилди.

Яна бир масала, мавжуд иш ўринларини легаллаштириш ва бу йўналишда ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун давлат солиқ хизмати органларига хўжалик юритувчи субектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга ошириш ва натижаси бўйича солиқ солиш базасини аниқлаштириш вазибалари юклатилди.

Шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек, солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизимнинг жорий этилиши белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди ва унинг фаолияти бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлашга ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлашга, солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилишга, Давлат бюджетини даромадлари прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослилигини баҳолашга, солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан қатий назоратни амалга оширишга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончилигини баҳолашга, даромадлар прогнозини сифатли шакллантиришда ва бажаришда молия ва солиқ органларининг

масъулиятини оширишга ҳамда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўришга йўналтирилди.

Шунингдек, мавжуд захираларни сафарбар қилиш, солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, солиқ солиш базасини ва солиқ низоларини судгача ҳал этиш амалиётини кенгайтириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида Давлат солиқ кўмитаси тузилмасида қуйи бўлинмаларга эга бўлган янги ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва солиқ тўловчиларга давлат интерактив хизматларини кенгайтириш учун – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари лавозими жорий этилди.

Ҳозирги кунда давлат солиқ хизмати органларида меҳнат қилаётган ходимларга хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмлари асосида такомиллаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва Президентимиз томонларидан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса шубҳасиз мамлакатимизда олиб борилаётган пухта солиқ сиёсатининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш орқали юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони 18.07.2017 й. N ПФ-5116

RAQAMLASHTIRILGAN MOLIYA TIZIMIGA O‘TISH SHAROITIDA INSON TARAQQIYOTINING ROLI VA AHAMIYATI

*Axmadaliyeva Niholaxon, tayanch doktorant
Toshkent moliya instituti*

Inson va uning qobiliyatlari, bilimi, malakasi har qanday jamiyat farovonligi va davlat iqtisodiy taraqqiyotining asosiy omiliga aylangan bugungi kunda O‘zbekistonda ham inson kapitali, shubhasiz, ijtimoiy iqtisodiy siyosatning ustuvor yo‘nalishi sifatida namoyon bo‘lmoqda. Chunki inson kapitalini rivojlantirish — innovatsion iqtisodiyot, bilimlar iqtisodiyoti, investitsiyalar, global axborot tizimlari, eng yangi texnologiyalar va biznesning yangi shakllarini rivojlantirishning zarur sharti sanaladi. Inson kapitali (ing. human capital) — bu inson va umuman jamiyatning turli ehtiyojlarini qondirish uchun ishlatiladigan bilimlar, ko‘nikmalar to‘plami. Inson potensialini tashkil etuvchi turli xususiyatlar ichida, inson kapitali aynan daromadlarning o‘zgarishiga ta’sir ko‘rsatuvchi xususiyatlarni ifodalaydi, shu jihatdan inson kapitali ishchining maxsus ta’lim, kasb-hunarga tayyorlash va ishlab chiqarish tajribasi asosida to‘plangan bilimlari, ularni amalda qo‘llashi va mahoratini o‘z ichiga oladi.

Keyingi yillarda O‘zbekistonda inson kapitalini rivojlantirish orqali barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlash va xalqqa munosib turmush tarzini yaratib berishga kun tartibidagi asosiy masala sifatida qaralmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2019-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Farmonida “Mamlakatning xalqaro maydondagi raqobatbardoshligi darajasini va innovatsion jihatdan taraqqiy etganini belgilovchi asosiy omil sifatida inson kapitalini rivojlantirish —strategiyaning bosh maqsadidir”, deb belgilab berildi.

Shu bilan birga, 2019-yilning may oyida ilm-fan va oliy ta’lim sohasini rivojlantirish bo‘yicha belgilangan vazifalar ijrosiga bag‘ishlangan yig‘ilishda Prezidentimiz mazkur sohaga oid davlat dasturlarini shakllantirish va markazlashgan tartibda moliyalashtirish orqali ilm-fanni tubdan rivojlantirish, yuksak natijadorlikka yo‘naltirilgan ixtisosliklar bo‘yicha milliy laboratoriyalar tizimini yaratish, ilmiy ishlanmalarni tijoratlashtirish, xalqaro reytinglarda mamlakatimiz fani nufuzini ko‘tarish bo‘yicha fikr yuritar ekan, “...Bu ishlardan asosiy maqsad mamlakatimizda inson kapitalini rivojlantirish, xom ashyo va uni qayta ishlash bilan uzoqqa borib bo‘lmaydi, qolaversa, ishlab chiqarishda qo‘shimcha qiymat olish uchun ham innovatsiyalar kerak. Shu bois ilm-fan taraqqiyotimizning muhim yo‘nalishi, tayanchi bo‘ladi”, — deb ta’kidlab o‘tdi.

Soha mutaxassislarining fikriga ko‘ra, ilk bolalikda investitsiya kiritish boshqa dasturlarga qaraganda eng samaralidir. Chunki inson kapitalining rivojlanish jarayonining boshlanishi 3-4 yoshga to‘g‘ri keladi va ushbu nuqtadan boshlab bola kelajakda o‘z taqdirini o‘zi belgilash va o‘zini namoyon qilish

qobiliyatiga ega bo'la boshlaydi, mehnat bozorida o'z qobiliyatiga murojaat qilishga o'rganadi. Shu sababdan, yurtimizda maktabgacha ta'lim sohasida alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, 2018-2019-yillarda nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarini tashkil etish uchun 1412 ta davlat-xususiy sheriklik to'g'risidagi bitimlar imzolaniib, ulardan 1097 tasi bo'yicha imtiyozli kreditlar ajratildi.

Dunyo tajribasi va amaliyoti shuni ko'rsatmoqdaki, aynan inson kapitaliga investitsiya yo'naltirishni ustuvor vazifa sifatida tanlagan mamlakatlar yuksak taraqqiyotga erishmoqda. Chunonchi, rivojlangan mamlakatlarda ta'limning to'liq sikliga investitsiya kiritishga, ya'ni, bola 3 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan davrda uning tarbiyasiga sarmoya sarflashga katta e'tibor beriladi.

Inson kapitalini rivojlantirish ustuvorligi rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar uchun ham, barqaror iqtisodiyotlar va modernizatsiyani amalga oshirayotgan tizimlar uchun ham universal xususiyatga ega ekanligini alohida ta'kidlash lozim. Bu jahonning yetakchi olimlari va xalqaro tashkilotlarning ekspertlari tomonidan amalga oshirilgan juda ko'p tadqiqotlarda o'z tasdig'ini topgan.

Insonni rivojlantirish – odamlarning uzoq va sog'lom, munosib turmush kechirishlari, ma'lumotli bo'lishlari uchun zarur vositalardan foydalanishlari imkoniyatlarini kengaytirishdir. Ammo bu imkoniyatlarni odamlarning o'zlari tanlaydilar. Rivojlantirish jarayoni insonga uning ehtiyojlari va manfaatlariga muvofiq ravishda o'zini rivojlantirish uchun qulay sharoitlarni yaratishga xizmat qilishi kerak. Insonni rivojlantirish tushunchasi uning qobiliyati va imkoniyatlarini shunchaki shakllantirishga qaraganda ancha kengroqdir. U, shuningdek, bu imkoniyatlardan mehnat jarayonida, dam olish va ijtimoiy faoliyatda foydalanishni ham nazarda tutadi. Imkoniyatlarni shakllantirish va ularni ishga solish o'rtasida mutanosiblik bo'lmas ekan, inson salohiyatidan foydalanilmay qolinadi. Mamlakatlar inson kapitaliga samarali investitsiya qila olmas ekan, ayniqsa, kambag'allar uchun katta xarajatlar yuzaga keladi. Ushbu xarajatlar kelgusi avlodlarni og'ir ahvolga solib qo'yadi. Shunday ekan, davlat tomonidan inson rivojlanishi uchun kiritilayotgan investitsiyalar va harakatlar, kelajakda daromad keltirishi va ijtimoiy xarajatlarni kamayishiga olib kelishi shubhasizdir.

TIJORAT BANKLARI PASSIVLARINI SHAKLLANTIRISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

G.Erkinova, magistrant

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Tijorat banklari passivlarini boshqarishda asosiy e'tibor bank balansini passividagi mablag'larning manbalariga qaratiladi. Bank passivlari bazasini

shakllantirish nafaqat yangi mijozlar va xizmat turlarin jalb etish, balki resurslar manbalari tuzilmasini doimiy ravishda o'zgartirib turishni ham o'z ichiga olgan holda, bank aktivlari va passivlaridan oqilona foydalanishning tarkibiy qismi hisoblanadi. Bank passiv operasialari orqali jalb qilingan resurslardan samarali foydalanish va ularni sifatli aktivlarga yo'naltirish orqali daromad ko'rish barobarida likvidlilikni saqlab turilishi, bank boshqaruv siyosatining oqilona yuritilishidan darak beradi. Biz ushbu paragrafda bank resurslarining iqtisodiy mohiyatini nazariy jihatdan har tomonlama chuqur ko'rib chiqamiz.

Tijorat banklarida majburiyatlarni samarali boshqarish va u bilan bog'liq masalalarni hal etishda xorijiy va mahalliy olimlarni qarashlari amalga oshirgan tadqiqotlari tajribalarini tahlil etish ilmiy ishimiz mohiyatini, nazariy asoslarini yoritib berishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan yozilgan nazariy manbalar hamda amaliyotchilar iqtisodiy tahlillarini o'rganar ekanmiz, ularning majburiyatlarni boshqarish bank faoliyatini o'rganishda muhim o'rin egallashini va ungabank faoliyati shakllanishining ilk tarixiy davrlaridanoq katta e'tibor qaratilganini ko'ramiz. Masalan, D. Polfreman va F. Ford⁷⁰ kabi iqtisodchi olimlar bank faoliyatini tahlil qilishda bank resurslarini, bank passivlari deb ko'rib chiqishgan hamda ular bank aksionerlari mablag'lari va jamg'armachilarining mablag'laridan tashkil topgan, degan fikrni bildirishgan.

Fikrimizcha, xorijlik mualliflar bank resurslarini o'z qarashlari orqali ifodalab ularning shakllanishi va ulardan foydalanish imkoniyatlarini aniqlashdan ko'ra, tijorat banklarining passivlariga kengroq e'tibor berishgan. Bu holatni bir jihatdan ijobiy baholash mumkin, ya'ni xorijiy banklar faoliyatida avvalambor banklarning majburiyatlari va ularning bajarilishi muhim vazifa qilib belgilab olingan. Bu qarashning ikkinchi jihati shundaki, tijorat banklari shu resurslarni o'z majburiyatlarini bajarishi uchun mukammal joylashtirishni afzal ko'radi.

Klassik iqtisodchi olimlardan Edvin Dj. Dolan, Djozef F.Sinkiva Piter S.Rouzlarining majburiyatlarni boshqarishdagi fikrlari yaqinligini ko'rish mumkin. Masalan Edvin Dj. Dolan banklarni boshqarishda portfelli munosabat tushunchasini ilgari surgan bo'lib unda bu munosabatni bank aktivlari va passivlarini boshqarish bo'lib, bank maqsad qilib qo'ygan foydaga erishish, to'lov qobiliyatini yo'qotmaslik va likvidlilik deb qaraydi⁷¹. Shuningdek Djozef F.Sinki aktivlar va passivlarni boshqarish bu muvoffiqlashtirilgan bank balansi boshqaruvi bo'lib, foiz stavkasi va likvidlilikning alternativ ssenariysi e'tiborga oluchi boshqaruv deb yondashadi⁷².

⁷⁰Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. Перевод с англ. Москва инфра 1996. с.102.

⁷¹Эдвин Дж.Долан, Колин Д.Кемпбелл, Розмари Дж.Кемпбелл, Денги, банковское дело и денежно-кредитная политика/пер. с англ. В. Лукашевича и др.; Под общ. ред. В. Лукашевича. – М., 1996. 88 - бет.

⁷²Джозеф Ф.Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд./под ред. Р.Уа. Левиты, Б. С. Пинскера. М.: 1994, Catallaxy. – 820с.392-бет.

Piter S.Rouz “aktivlar va passivlarni boshqarishning tub mohiyati bank balansi turkumida o‘z aksini topa oladigan aniq maqsadlarni shakllantirish va tegishli chora tadbirlarni amalga oshirish kerakligida”⁷³ deb hisoblaydi. Ushbu fikrlarga yaqin ravishda Rus iqtisodchi olimlari V.I. Kolesnikova, L.P. Kroliveskayalar ham o‘z ilmiy ishlarida aktiv va passiv operatsiyalarini boshqarish uzviy bog‘liq deb hisoblaydilar, ya’ni passivlar tarkibi va xarakteri bankning o‘tkazishi mumkin bo‘lgan aktiv operatsiyalarini belgilab beradi, shuningdek bankning kreditlash sohasida siyosatining o‘zgarishi resurslar xarakteriga ahamiyatli ta’sir o‘tkaza oladi deb hisoblaydi⁷⁴.

Fikrimizcha, ushbu yondashuvlarni to‘ldirgan holda aytish kerakki majburiyatlarni boshqarish nafaqat aktiv operatsiyalarni amalga oshirish uchun samarali resurslarni jalb qilish balki bank to‘lov qobiliyatini saqlab turish uchun majburiyatlarni boshqarishni ham nazarda tutadi, jumladan, iqtisod fanlari doktori, professor O.I. Lavrushin o‘z ilmiy manbalarida: alohida kredit tashkilotlari kesimida likvidlilikni boshqarish va tartibga solish qator murakkab tahliliy chora-tadbirlar tizimini talab etadi, chunki bank likvidlilikiga bir qator omillar, ya’ni xususiy kapitalni shakllantirish, resurslarni jalb qilish va ularni joylashtirish, rezervlarni shakllantirish va boshqalar ta’sir etadi – deb qayd etgan⁷⁵.

Bank to‘lov qobiliyatini saqlab turishda passivlarni boshqarish nazariyasi yotadi, ya’ni majburiyatlarni samarali boshqarish orqali bank likvidlilikini ta’minlashga ijobiy ta’sir o‘tkaziladi. Demak, tijorat banklari o‘z majburiyatlarini boshqarishda balansning ushbu elementini xususiy holda o‘rganishlari ham lozim.

Shuningdek yana bir rus olimlaridan N.I. Sukrotova o‘zining tadqiqot ishlarida tijorat banklari majburiyatlarni boshqarishni alohida menejment yo‘nalishi deb qaraydi va quyidagi vaziflarga e’tibor qaratadi:

- majburiy rezervlarni shakllantirishda jalb etiladigan mablag‘lar qismidan tashqari bankka daromad keltirmaydigan mablag‘larni jalb qilmaslik;
- bank tomonidan mijozlarga muvofiq keluvchi va bank aktiv operatsiyalarini rivojlantirishga yo‘naltiruvchi kerakli kredit mablag‘larini qidirib topish;
- jalb qilingan “arzon” resurslar hisobiga bank daromadini shakllantirish⁷⁶. Ushbu tadqiqotchi ham o‘z izlanishlarida passivlarni boshqarishni likvidlilikni boshqarishning elementi sifatida qaramaydi.

Yuqoridagi tasnif majburiyatlarni boshqarishidagi o‘ziga hos hususiyat bo‘lib, tijorat banklari o‘zida va resurs bozorida mavjud bo‘lgan mablag‘larni qaysi manbadan, qanday qiymatda, qancha muddatga jalb qilinishi kerakligi

⁷³Питер С.Роуз Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело, 1997.- 477 бет

⁷⁴Г.С.Панова Кредитнаучная политика коммерческого банка. – М: ИКЦ “ДИС”, 1997, 194с.– 132 бет.

⁷⁵Банковский менеджмент: Учебник/коллектив авторов; под ред. Д.е.н., проф. О.И. Лаврушина – 4-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2015, – 218-бет.

⁷⁶Скуратова Н. И. Управление пассивами коммерческого банка диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Москва. 2010 - www.disercat.com.

strategiyasini ishlab chiqishga asoslanadi. Strategiya daromad ko‘rish va bank likvidliligi o‘rtasidagi optimal nuqtani o‘rganishdan boshlanadi. Bundan tashqari, bank passivlarini boshqarish jarayoni tijorat banklari mablag‘lari qaysi sub’ektga tegishli ekanligi va uning moliyaviy ahvoli, unga shu mablag‘lar qaysi muddatga zarurligi yoki boshqacha qilib aytganda, ularning likvidlilik, ishonchlilik darajasi, shu mablag‘lar bo‘yicha mavjud risklar va ularning darajasini aniqlashga va shular asosida tadbirlarni amalga oshirishga asoslanadi.

II-YO‘NALISH

DAVLAT MOLIYASI: ZAMONAVIY MUAMMO VA YECHIMLAR



ДАВЛАТ МОЛИЯСИ: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Т.Ш.Эшназаров, и.ф.д., проф.
Тошкент молия институти*

Сўнги йилларда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегияси доирасида Давлат молияси тизимида ҳам бир қатор туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ислохатлар биринчи навбатда бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш, Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг бюджет жараёнларидаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”.

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджетини Қонун шаклида Парламент томонидан қабул қилиш амалиётига утилди ва бюджет харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланадиган бўлди. Маҳаллий бюджетлар мустақил шакллантирилиб, ҳудудий вакиллик органлари томонидан тасдиқланиши йўлга қуйилди. Шунингдек, «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри ташкил этилиб, “Очиқ бюджет” (Openbudget.uz) ахборот портали ишга туширилди. Шу билан бир қаторда ҳудудларда маҳаллий бюджетлар даромадлари кўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш амалиёти йўлга қуйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорига асосан Молия вазирлиги томонидан бюджетдан молиялаштириладиган дастур ва лойиҳалар бўйича сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда баҳолаш индикаторларини жорий қилиш амалиёти йўлга қуйилди. Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори билан 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси тасдиқланди ва унинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қабул қилинган Стратегия билан давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига эришиш борасида стратегик ўрта муддатли истиқболларини белгилаш, бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳисобини алоҳида юритиш, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағларини консолидациялашган бюджетда акс эттириш, маҳаллий бюджетларни мустақил равишда белгилаш имконини берадиган бюджетлараро трансфертларни ҳисоблашнинг шаффоф услубиятини ишлаб чиқиш, давлат харидлари ва инвестицияларини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш учун мавжуд таваккалчиликларни баҳолашнинг самарали тизими жорий этиш назарда тутилди.

Бюджетдан маблағ олувчилар кесимида бюджетни тақсимлаш ва уларнинг бюджет ваколатларини кенгайтириш механизмнинг жорий этилиши билан бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўз мақсадларини белгилаш ва уларга мувофиқ равишда аниқ тадбирларни режалаштириш имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Буларнинг натижасида асосий эътибор бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ошиб, уларнинг натижадорлиги таъминланишига эришилади.

Айни пайтда «Дастурий бюджетлаштириш»ни жорий этишда мазкур тизимнинг афзаллик ва камчиликлари ўрганилишини, зарур бўлган механизмлар яратилишини, жорий ва янги тадбирларни молиялаштириш учун харажатларни аниқ белгилаш услублари ишлаб чиқилишини тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида, амалдаги бюджет таснифига ўзгартириш киритилиб, давлат харажатларини дастурлар бўйича таснифлашни жорий этилиши талаб этади.

Бюджет муносабатларини такомиллаштиришда халқаро тажриба Давлат бюджетини ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришнинг устунлигини кўрсатмоқда. Бунда давлат молиявий сиёсатининг барқарорлигига эришилади ҳамда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш давлат дастурларида кескин ўзгаришларнинг олди олинади.

Стратегиянинг устувор йўналишларидан бири бу солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги «натижага йўналтирилган бюджет» тизимини жорий этиш⁷⁷ ҳисобланади.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори <https://lex.uz/docs/4966572>.

Бизнингча, Давлат бюджетини ўрта ва узоқ муддатли режалаштириш натижага йўналтирилган бюджетлаштириш принциплари асосида амалга оширилиши мақсадга муфовикдир.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш - бу давлат сиёсатининг устуворликларини ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг бевосита кутилаётган ва якуний натижалари жамоат учун муҳимлигини инобатга олиб, давлат мақсадлари ва вазифалари бўйича бюджет ресурслари тақсимланишини таъминловчи бюджетни режалаштириш ҳамда ижро этилишини назорат қилиш ҳисобланади⁷⁸. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда ажратиладиган бюджет ресурслари ва уларнинг фойдаланилишидан кутилаётган натижалар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш асосий принцип ҳисобланади. Бунда бюджет маблағларининг самарадорлиги айнан унинг натижаси билан ўлчанади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар натижага йўналтирилган бюджет доирасида, ўртача муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегияни инобатга олган ҳолда улар ўз фаолиятида эришмоқчи бўлган стратегик мақсадларини, муайян сифат ва ҳажмдаги хизматлар ишлаб чиқарилишини назарда тутувчи ҳамда аниқ тактик вазифалар ҳал этилишини таъминловчи дастурлар билан ўзининг харажат эҳтиёжлари ҳажми ва тузилмасини асослайди.

Ушбу дастурлар ўзида, миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳоланадиган ва кутилаётган, шунингдек охириги натижаларнинг таърифини ва дастурларни амалга ошириш натижаларини ўлчаш учун кўрсаткичлар тизими ҳамда қийматини акс эттиради.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимида утилиши бюджет лойиҳасини мувофиқлаштириш босқичида дастурларни дастлабки тарзда баҳолаш, дастурларни амалга оширишда белгиланган мақсад ва натижаларга эришиш даражасини мониторинг қилиш ва дастурларни бажаришни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш имконини бериб қолмай, балки бюджет маблағлари сарфланишини самарадорлигини ҳам оширади.

Давлат молияси ислоҳатлари стратегиясининг якуний мақсади – Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни яхшилаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий қилинганга қадар назоратнинг шаклларида фақатгина сўнгги назорат мавжуд бўлиб, у фақатгина ҳуқуқбузарликлар содир бўлгандан сўнг аниқланиб уларни олдини олиш имконияти йўқ эди.

Давлат бюджети ғазна ижроси жорий қилиниши дастлабки ва жорий назоратни кучайтириб бу бўшлиқни тўлдирди.

⁷⁸ В. Кильберг. Молия маълумотномаси. 2016й.11-сон

Шу билан бир қаторда сўнги йилларда дастлабки, жорий ва якуний назорат натижалари бу соҳада ҳали анча қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу биринчи навбатда институционал ўзгаришлар яъни дастлабки ва жорий назоратни амалга оширувчи Молия вазирлиги ғазначилигини алоҳида ижро органи сифатида ташкил этишни талаб этади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига жорий ва дастлабки назоратнинг ҳуқуқий муносабатлари, белгилари ва хусусиятлари акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча чет эл тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳамда давлат ва бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш нуқтаи назаридан юқорида келтирилган таклифлар нафақат бюджет маблағларини самарадорлигини ошириш, балки бюджет соҳасида қонун бузилишлар, бюджет маблағларини ўзлаштириш, мақсадсиз сарфлаш шунингдек, мавжуд коррупцион ҳолатларни ҳам олдини олиш учун катта имкониятлар яратилишига замин яратган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. <https://lex.uz/docs/2304138>
2. “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. <https://lex.uz/docs/2304138>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори билан қабул қилинган “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори <https://lex.uz/docs/4966572>
6. В. Кильберг. Бюджет ташкилотларининг бюджет ва нобюджет маблағлари сарф-харажати устидан ғазначиликнинг дастлабки ва жорий назоратини кучайтириш масаласи. //Ж. Молиячи маълумотномаси. №5 (23)-сон. 2013.
7. В. Кильберг. Ягона ғазна ҳисобварағининг маблағларини бошқариш имкониятлари. №3 (12)-сон. 2016.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА МАСОФАВИЙ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Турабов Баходир Тўхтамишович, и.ф.н.
*Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,
Ҳисоб палата раисининг биринчи ўринбосари*

2020 йилда тарқалган **коронавирус пандемияси** Олий аудит органлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Деярли барча соҳада “локдаун” ҳолатига ўтилганлиги сабабли, аудит тадбирларини тўхтатиб, фақат масофавий усулда амалга оширишга мажбур

бўлинди. Халқаро экспертлар таъбири билан айтганда, **аудит органлари “ўз фаолиятлари фокусини” масофавий иш услубига ўтказишга мажбур бўлдилар.**

Covid-19 пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг **масофавий аудитни амалга ошириш борасидаги тажрибаси** ҳақида айтадиган бўлсак.

I. Covid-19 пандемияси даврида жорий назоратни амалга оширишда юзага келган муаммолар

COVID-19 пандемияси даврида **жорий назоратни амалга оширишда** қуйидаги **асосий муаммолар** юзага келди.

1.1 Коронавирус пандемияси республикадаги солиқ тўловчилар, шу жумладан давлат улушлари бор корхоналарнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги оқибатида Давлат бюджетига **тушумлар кескин камайиши** кузатилди. Натижада, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш ҳақи, дори-дармон, озиқ-овқат каби муҳим харажатларни **узлуксиз молиялаштириш учун** бюджет маблағлари етишмовчилиги юзага келди.

1.2 Ушбу фавқулодда ҳолатда карантин марказлари ва даволаш муассасаларини қисқа муддатларда қуриш, тиббий ускуналар, дори воситалари, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш зарурати юзага келганлиги сабабли, **харажатларни тендерсиз амалга ошириш тартиби жорий этилди.** Бу ўз навбатида маҳсулотларни бозор нархига нисбатан **қиммат нархда, сифатсиз ёки манфаатлар тўқнашуви асосида** харид қилиш рискинни келтириб чиқарди.

1.3 Давлат аудитини анъанавий усулда **жойига чиқиб амалга ошириш имконияти чекланиши** оқибатида маблағларни мақсадсиз ва самарасиз сарфланиш рисклари ортди. Бундай ҳолатда аудит объектини ҳамда бирламчи бухгалтерия хужжатларини кўздан кечирмасдан **харажатлар қонунийлигини** назорат қилишда қийинчиликларни туғдирди. Бу Ҳисоб палатаси фаолиятини **фақат масофавий усулда** амалга ошириш заруратини юзага келтирди.

1.4 Бундан ташқари, бугунги кунда масофавий аудитни амалга оширишда бир қатор **қийинчиликлар** ҳам юзага келмоқда.

Булар **биринчи навбатда,**

- назорат объектларнинг ҳаммаси ҳам фаолиятига етарли даражада **ахборот-коммуникацияларини жорий этмаганлиги;**

- маълумотлар базаси **электрон форматда** тўлиқ шакллантирилмаганлиги;

- масофавий назоратни ўтказишнинг **услубий базаси** етарли эмаслиги;

- масъулларнинг ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлақонли фойдаланишда **касбий кўникма ва тажрибалари** етарли бўлмаслигидир.

II. Covid-19 пандемияси даврида масофавий аудитни амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси

Хисоб палатаси **45 та вазирлик ва давлат органларининг дастурий таъминотларига уланган ҳолда “онлайн” мониторинг қилиш** имкониятига эга. Ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда масофавий аудитни амалга оширишда **3 та йўналишга алоҳида эътибор қаратилди.**

Биринчи йўналиш, Давлат бюджетига қўшимча даромад манбаларини аниқлаш.

Бунда **солиқ, молия, статистика органлари** дастурий комплексларидаги электрон ҳисоботлар масофадан туриб ўзаро солиштирилган ҳолда **бюджетга қўшимча даромад манбалари аниқланди** ва бюджетга ундирилиши таъминланди.

Давлат мулкани бошқариш агентлиги маълумотлар базалари орқали давлат улушига эга корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлил қилиниб, **бюджетга тўланиши лозим бўлган дивидендлар ундирилиши таъминланди.**

Мавжуд инвестиция лойиҳаларини тўлиқ қувватда ишлаши ва солиқларни ўз вақтида тўланиши назорат қилиб борилди. Бунда, пандемия даврида Давлат бюджети ва ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган **инвестиция лойиҳалари** белгиланган муддатларда бажарилиши доимий равишда **масофавий таҳлил қилинди.**

Давлат органларининг нобюджет маблағларининг қолдиқлари масофавий таҳлил қилиниб, бюджет харажатларини бир қисмини нобюджет маблағлар ҳисобидан амалга ошириш таклифлари берилди ва бюджет маблағларини тежаб қолиш имкониятлари яратилди.

Иккинчи йўналиш, пандемия оқибатларини юмшатиш тадбирлари учун сарфланган маблағлардан тўғри ва мақсадли сарфланишининг масофавий назорати олиб борилди ҳамда давлат бюджети **харажатларини мақбуллаштириш** имкониятларини ўрганилди. Республикадаги бюджет ташкилотларининг барча молиявий ва хўжалик операциялари Молия вазирлигининг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади. Ҳисоб палатасининг барча ходимлари вазирлик ва идоралар харажатларини ушбу тизим орқали кунлик мониторинг қилиш учун бириктирилди.

Молия вазирлигининг дастурий таъминоти орқали харажатлар таҳлил қилиниб, Ҳукумат билан биргаликда устиворлик даражаси юқори бўлмаган харажатлар келгуси даврларга ўтказилиши таъминланди. Шунингдек, **Молия вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар** маълумотлар базаларини кунлик мониторинг қилган ҳолда иш ҳақини ўз вақтида ва тўғри тўланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида давлат харидларини, товар моддий бойликлар, шу жумладан давлат захирасидаги ва гуманитар товарларни кирим-чиқими ва улардан самарали фойдаланишгача бўлган барча

босқичларда қонун бузилишларга йўл қўймасликка эътибор қаратилди. Жумладан, пандемия даврида давлат бюджетидан **асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш** билан боғлиқ харажатларни **вақтинчалик тўхтатиш** белгиланди. Пандемия вақтида кенг кўламли курилишлар камайганлиги сабабли асосий эътиборни карантин зоналари ва шифохоналар курилишини назоратига қаратилди.

Ғазначилик, буюрматчи ва лойиҳа ташкилотларининг ахборот базаларидан фойдаланган ҳолда пудратчиларнинг бажарган курилиши ҳажми бўйича маълумотларни ўзаро солиштириш орқали, асоссиз ва **ортиқча харажатларни** олди олинишига эришилди.

Карантин марказлари ва шифохоналарда **дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган** эҳтиёжларни масофавий таҳлил қилиб, ортиқча ва мақсадсиз харажатлар аниқланиб тегишли чоралар кўрилди. Масалан, соғлиқни сақлаш вазирлигининг Covid билан кассалланган фуқаролар сонидан келиб чиқиб, қабул қилинган меъёрлар бўйича дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳажми аниқланди. Ушбу эҳтиёжларни қондириш манбалари, давлат захираларини ишлатилиши ва янги харидлар учун бюджет маблағларига талаблар шакллантирилди. Бунда, карантин объектларига берилган гуманитар ёрдам ва ҳомийликларни ҳисоби ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида саховат ва кўмак жамғармаси ташкил этилиб, ундаги маблағлар ҳаракати ҳисобини юритиш учун алоҳида веб портал (сахovat.uz) ишга туширилди. Ушбу портал орқали давлат ва ҳомийлар томонидан етказиб берилган маблағ ва моддий қийматликлар **ҳақиқатда муҳтож бўлган фуқароларга етиб бориши устидан масофавий** назорат ўрнатилди.

Учинчи йўналиш – Қонунлар ва Давлат раҳбарининг Фармонлари ва қарорларидаги топшириқларни ўз муддатида ва сифатли таъминланиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳисоб палатаси ушбу вазифасини асосан масофавий назорат шаклида амалга оширади. Бунда, **“Ijro.gov.uz”** махсус **дастурий комплекси** яратилган бўлиб, давлат органларига берилган ҳар бир топшириқ Адлия вазирлиги томонидан ушбу дастурий комплексга киритиб борилади.

Ҳисоб палатаси дастурий комплексдаги мазкур ахборотларни ҳаққонийлигини **масофавий** назорат қилиб борди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида 2020 йилда **17 та** Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ушбу Фармон ва қарорларда ижро ҳокимиятига жами **290 та топшириқлар** берилди. Бунда асосан тадбиркорлик субъектларига даврий солиқ имтиёзларини бериш, аҳолини иш билан таъминлаш ишларига мақсадли маблағларни ажратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Ҳисоб палатаси пандемия шароитида ушбу топшириқларни ижро ҳокимияти томонидан бажарилишини “[Tjro.gov.uz](http://tjro.gov.uz)” дастурий комплекси орқали масофавий назорат қилиб борди.

Коронавирус пандемияси барчамизнинг иш фаолиятимизда мисли кўрилмаган саҳифа очиб берди. Бу палата учун ҳам инқироз, ҳам бир вақтнинг ўзида янги имкониятларни излашга мажбур қилди.

Нуфузли халқаро консалтинг ва аудит компаниялари (*Делойт*) ташкилотлар кундалик операцияларини масофавий форматда ташкил қилгани кўплаб инновацияларга сабаб бўлганлигини таъкидлаган. Шундай келиб чиқиб, палата ҳам фаолиятини **инклюзив** (кенг қамровли), **мослашувчан** қилиш имконияти бор. Бу борада бошқа давлатлар ташқи аудит органлари ва нодавлат субъектлар билан **хамкор ва шериклик муносабатларни янада ривожлантириш** зарур.

Энг муҳими аудит фаолияти **сифатини кенг жамоатчиликка** кўрсатиш – кун тартибидаги энг муҳим масалалардан биридир.

Умуман, давлат молиявий назоратини амалга оширишда **масофавий назоратни** кўллаш, **ахборот технологияларидан ва дастурий комплекслардан самарали фойдаланиш** борасида янги ўқув курсларни ташкиллаштириш, **стажировкалар орқали тажриба алмашишни** тизимли йўлга қўйиш жуда фойдали бўлади.

РЕФОРМЫ В ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пулатов Дилшод Хакбердиевич, д.э.н., проф.
*Институт бюджетно-налоговых исследований при
Министерстве финансов Республики Узбекистан*

Аннотация. В данном тезисе основное внимание уделено проводимым правительством реформам и принимаемым мерам в сфере фискальной политики занимающим особое место вопросам создания эффективной системы государственного управления, в том числе децентрализация и поэтапному сокращению госрегулирувания в экономике.

Ключевые слова: стратегия действий, фискальная политика, государственный бюджет, бюджетная система, государственные закупки, налоги, трансферты, макроэкономические показатели, ВВП, инфляция, бюджетная информация, инициативное бюджетирование, бюджет для граждан, openbudget, БОР.

Основные направления проводимых реформ в Узбекистане. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах особое место занимают вопросы создания эффективной системы государственного управления, в том числе децентрализация и поэтапное сокращение госрегулирувания в экономике, а

также повышение удовлетворенности населения в качестве предоставляемых услуг.

Проводимые правительством меры, обеспечивает взвешенность фискальной политики, устойчивость Государственного бюджета с сохранением социальной направленности расходов, эффективность использования бюджетных средств, которые необходимы на пути социального и экономического развития Узбекистана.

Фискальные реформы должны базироваться на общепринятых принципах бюджетной системы, таких как подотчетность и открытость, охваченность, устойчивость и самостоятельность местных бюджетов.

Мировой опыт показывает, что отсутствие или несоблюдение этих принципов создает среду для неэффективного использования бюджетных средств, их нецелевого использования вплоть до банального расхищения и низкого уровня удовлетворения оказываемых обществу услуг.

I. Основные направления проводимых реформ в Узбекистане. В 2020 году была принята Стратегия совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020-2024 годы⁷⁹, которая определяет вектор ключевых реформ в фискальной сфере.

Стратегия разработана совместно с международными финансовыми институтами на основе анализа действующей бюджетной системы, проведенном Всемирным банком в 2018 году по методологии PEFA, результатах оценки эффективности управления государственными финансами, а также по результатам диагностических оценок прозрачности фискальной политики в соответствии с Кодексом прозрачности Международного валютного фонда, и в документе собраны конкретные цели и задачи, основные направления запланированных и текущих реформ в сфере государственных финансов.

Д. Ряховский ва Н. Акуловалар фикрига кўра эса, солиқсиз тўловлар тушумларини ошириш учун уларни тартибга солиш ва ҳисоб юритиш тизимини яхшилаш орқали амалга оширилиши керак.²

¹ Зайцева В.И., Кадиева К.К. Оценка формирования ставок местных налогов и неналоговых платежей в городах России. <https://elibrary.ru/item.asp?id=46232251>

² Ряховский Д.И., Акулова Н.Г. Неналоговые платежи в налоговой системе России. <https://www.cyberleninka.ru/article/n/nenalogovye-platezhi-sisteme-rossii/viewer>

М. Purohit ва V. Purohit ўтказган тадқиқотларида давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини ижтимоий ва иқтисодий соҳа хизматлари бўйича айрим тўловлар танлаб олиниб, АҚШ штатларида таққослама таҳлил ўтказилган.¹

Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқсиз тўловлар тушумлари динамикаси солиқли тўловлар тушумлариникига қараганда нобарқарор эканлиги аниқланди ва молиявий таваккалчиликнинг асосий манбаси сифатида баҳоланди.²

Солиқсиз тўловлар динамикаси уларнинг салмоғи сўнгги беш йилликда ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

1-жадвал

Солиқсиз тўловлар тушуми динамикаси³

№	Тармоқлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Солиқсиз тўловлар, млрд.сўм	3 282,0	7 102,8	12 170,0	16 856,0	24 974,6
2.	Давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи, %	6,6	9,0	10,9	12,7	15,2

Солиқсиз тўловларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуши 2017 йилда 6,6% ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 15,2% га тенг бўлган (1-жадвалга қаранг). Бунинг асосий сабаби, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар улушининг кескин ошишидир. Хусусан, олтин қазиб чиқарувчи корхоналар солиқ солиш тизимининг ўзгариши натижасида давлат улушига ҳисобланган дивидендлар миқдори сезиларли даражада ошган.

Аслида, давлат божи, йиғимлар ва жарималар нисбатан барқарор характерга эга (тўловчилар сони етарли даражада кўп, яъни кичик тўловлар ҳисобига шаклланади) бўлса-да, маъмурий соҳадаги ислохотлар ва айрим омиллар туфайли тушумлар динамикаси бироз ўзгариб турган.

Масалан, фуқаролар учун биометрик паспортларини ёппасига берилиши, жарималарнинг бир қисми ундирувчи идора бюджетдан ташқари ҳисобрақамларига ажратма қилиниши, айрим йиғимларнинг бекор қилиниши ҳисобига бюджет тушумлари ўзгариши юз берди.

¹ Purohit, M.C., Purohit, V.K. *Mobilising Non-tax revenue: An empirical analysis of trends in States*. The journal "Economic and Political Weekly" Vol. 44 No. 5 (Jan.31 – Feb., 6, 2009), pp. 54-62 (9 pages). <https://www.jstor.org/stable/40278460>

² Mourre, G., Reut, A. *Non-tax revenue in the European Union: A source of fiscal risk?* The journal of "International Tax and Public Finance" 26, 198-223 (2019). <https://doi.org/10.1007/s10797018-9498-z>.

³ Муаллиф томонидан тузилган.

Божхона божлари ва йиғимлари ҳам солиқсиз тўловларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг тушумлари эса экспорт-импорт ҳажми билан чамбарчас боғлиқ ва тушумларини шу динамикада кўриш мақсадга мувофиқ.

2-жадвал

Божхона божлари ва божхона йиғимлари динамикаси¹

	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
АҚШ доллари курси	долл./сўм	5 140,3	8 069,1	8 851,4	10 064,0	10 623,4
Экспорт	млн.долл.	10 079,2	10 920,7	14 023,8	13 097,3	14 063,2
Импорт	млн.долл.	14 012,4	19 439,3	24 292,3	21 153,8	25 461,0
Божхона божи ва божхона йиғимлари	млн.долл.	373,0	272,5	329,0	408,6	530,4
Импортга нисбатан	%	2,7	1,4	1,4	1,9	2,1

2017 йилда божхона божлари ва божхона йиғимларининг импорт ҳажмига нисбати 2,7% ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 2,1% ни ташкил қилган.

Давлатнинг ўз активларини жойлаштиришдан, бошқаришдан келадиган даромадлари ривожланаётган давлатларда сезилмайди. Давлат даромадлари ҳақида сўз борганда, доимо ҳамманинг диққат марказида солиқ ва божхона тўловлари туради. Бироқ, давлат активлари бўйича келадиган даромадлар ҳам кўпчиликни эътиборидан четда қолади ва давлат бюджети учун тушиши мумкин бўлган маблағлар умуммиллий эҳтиёжлар учун бевосита ишлатилмаган ҳолда айрим тармоқларнинг манфаати учун қолиб кетади.

Шу каби, давлат ихтиёрида турган бўш объектларни ижарага бериш орқали бюджетга катта маблағ тушириш мумкин бўлса-да, бюджет ташкилотлари – бўш объектларнинг эгалари ижара ҳақларини кам белгилаб, аслида тадбиркорлар учун бозор нархида бериб, ўртадаги фарқни бюджетга ўтказмайди.

Шу билан бирга, давлат бюджети даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш мақсадида, қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Давлат мулкларини ижарага беришда аукцион тизимини ривожлантириш, ставкаларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан оширилиши тартибини қайта кўриб чиқиш;

2. Давлат улушига ҳисобланган дивидендларни бюджетга ўтказиш бўйича қатъий сиёсат олиб бориш;

¹ Муаллиф томонидан тузилган

3. Соликсиз тўловлар тушуми ҳисобини яхлитлаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тизимини бекор қилиш;

4. Давлат божи, жарималар ва йиғимларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиш механизмларини қайта кўриб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Kaplow, Louis. *The theory of taxation and Public economics*. New Jersey: Princeton university press, 2008. – 472p.

2. Lisa Kayaga. *Tax policy challenges facing developing countries*. Canada, Ontario, Queen’s University Kingston, 2007, 150p.

3. Mourre, G., Reut, A. *Non-tax revenue in the European Union: A source of fiscal risk?* The journal of “International Tax and Public Finance” 26, 198-223 (2019). <https://doi.org/10.1007/s10797018-9498-z>.

4. Purohit, M.C., Purohit, V.K. *Mobilising Non-tax revenue: An empirical analysis of trends in States*. The journal “Economic and Political Weekly” Vol. 44 No. 5 (Jan.31 – Feb., 6, 2009), pp. 54-62 (9 pages). <https://www.jstor.org/stable/40278460>

5. Зайцева В.И., Кадиева К.К. *Оценка формирования ставок местных налогов и неналоговых платежей в городах России*. <https://elibrary.ru/item.asp?id=46232251>

6. Ряховский Д.И., Акулова Н.Г. *Неналоговые платежи в налоговой системе России*. <https://www.cyberleninka.ru/article/n/nenalogovye-platezhi-sisteme-rossii/viewer>

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Тожибоева Дилором, и.ф.д. профессор

“Иқтисодиёт” кафедраси,

Тошкент молия институти

Соғлиқни сақлаш масалалари жаҳон миқёсидаги энг муҳим долзарб масалалардан бири бўлгани учун ҳам соғлиқни сақлаш жараёнини таҳлил қилишга алоҳида олинган тадқиқотчиларга қараганда жаҳон миқёсидаги соғлиқни сақлаш ташкилотларида кўпроқ диққат қаратилган.¹ Улар орасида турли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Жаҳон банки томонидан ўтказилган ва узлуксиз равишда давом эттириляётган тадқиқотлар натижасида эълон қилинаётган қатор глобал индекслар: Соғлиқни сақлаш харажатлари даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтинги; (*The Most Efficient Health Care*) Bloomberg Health Care Efficiency версияси; Numbeo версияси бўйича тиббиёт даражаси; Саломатлик хавфсизлиги индекси; Инсон капитали индекси (Human Capital Index) - Инсон капитали тараққиёти лойиҳаси

¹ <https://gtmarket.ru/ratings/global-health-expenditure>; Бюджет для граждан. Государственные расходы на здравоохранение в 2021 году. Ташкент. UNDP, 2021 (www.uz.undp.org)

(Human Capital Project)¹ Соғлом умр кўриш индекси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Соғликни сақлаш сектори мураккаб бўлиб, соғликни сақлаш хизматлари аралаш ижтимоий неъматлар гуруҳига мансуб. Бу хизматлар барча хизматларга хос бўлган хусусиятларга эга. Чунончи: а) моддий кўринишга эга эмас; б) гетероген; в) сақланмайди; г) хизмат кўрсатиш истеъмол билан бирга юз беради ва бошқалар.² Гетерогенлиги туфайли стандартлаштириш, сифатини ўлчаш қийин. Моддий кўринишга эга эмаслиги туфайли истеъмолчиларга кутилаётган натижани кўрсатиш қийин, масалан, даволанган беморнинг ҳолати. Сақлаб бўлмаслиги сабабли, талабнинг ўзгаришига қараб тез ва осон мослашиб бўлмайди. Хизмат кўрсатишни истеъмолдан ажратиб бўлмаслиги унга хос масалаларни ечишни қийинлаштиради. Ундан ташқари бу хизматлар катта риск билан боғлиқ. Чунки инсон ҳаёти ва унинг соғлиги қабул қилинган қарор билан боғлиқ, яъни ҳалқимизда кенг ёйилган иборада ифодалангандек, “Аввали худо, қолаберса бандаси сабабчи”

Маълумки, соғликни сақлаш хизматлари аралаш неъматларга мансуб бўлгани ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатилгани учун уларни молиялаштириш давлат бюджети билан бир қаторда аҳолининг маблағлари эвазига амалга оширилади.

1-жадвал

Соғликни сақлашга давлат бюджети харажатлари ва аҳоли тўловларининг ЯИМдаги улуши³

	2010 й	2015 й	2019 й	2020 й
Соғликни сақлашга сарфланган бюджет харажатлари, млрд. сўм	1716,5	5218,5	14977,4	20752,9
Бюджетнинг жами харажатларига нисбатан улуши, %	12,8	14,4	12,7	14,4
Бюджетдан сарфланган соғликни сақлаш харажатларининг ЯИМ даги улуши, %	2,3	2,5	2,3	3,3
Глобал соғликни сақлаш харажатлари индекси бўйича, %	2,8	6,2	6,3	6,4
Аҳолининг соғликни сақлаш учун тўловларининг ЯИМ га нисбатан улуши	0,5	2,7	4,0	3,1
Аҳоли жон бошига соғликни сақлашга давлат бюджети харажатларининг жами харажатлардаги улуши, % да	80,1	40,0	45,1	45,6

¹ <https://www.vsemirnyjbank.org/human-capital>.

² Тожибоева Д. Институционал ислохотлар - соғликни сақлаш хизматлари модели ва уни ўзгартиришнинг асоси./ Молия, 2022 йил 1-сон, 71-бет.

³ <https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/risolalar> ва глобал индекс маълумотлари асосида мултиф томонидан ҳисобланган.

Соғликни сақлаш хизматлари (ССХ) аралаш ижтимоий неъматлар гуруҳига кириши туфайли хусусий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. 2017 йили Президент фармонида кўра хусусий клиникаларга кўрсатиши мумкин бўлган хизматлар сони 50 тадан 129 тагача етказилиши ва хусусий тиббиёт ташкилотларига солиқлар ва давлат мақсадли бадалларидан 2022 йил 1 январига қадар озод этилиши хусусий соғликни сақлаш хизматларини ривожланишига олиб келди. Уларда ходимларнинг маоши давлат муассасаларига нисбатан 2-3 марта юқори. Бу ўз навбатида секторда соғлом рақобатни ривожлантиради.

Республикада соғликни сақлашга алоҳида диққат қаратилиши, кейинги йилларда ислохотлар олиб борилишига қарамай қатор муаммолар мавжуд бўлиб, шулардан бири соғликни сақлаш хизматларини молиялаштиришда давлат бюджети ва аҳоли тўловлари ўртасидаги нисбатда аҳоли тўловлари улушининг ортиб бораётганидир.

Жадвал маълумотларига кўра, соғликни сақлашга сарфланган бюджет харажатлари 2020 йили 2010 йилга нисбатан 12 мартага ортган. ССХнинг ЯИМ даги улуши 2,3 %дан 2020 йили COVID-19 туфайли 3,3 %ни ташкил этди. Глобал ССХ индекси бўйича соғликни сақлаш харажатлари 6,4 %ни ташкил этади. Бундай фарқнинг сабаби, биринчисида фақат бюджет харажатлари, иккинчисида эса аҳолининг тўловлари ҳам ҳисобга олинган. Ўзбекистонда соғликни сақлаш хизмати бозори шаклланиши билан глобал рейтингдаги ССХ нинг ЯИМ даги улуши 2,8 дан 6,4 %га кўтарилди. Аҳоли жон бошига жами ССХ 2019 йили 2010 йилга нисбатан деярли 13,7 марта, 2020 йили COVID-19 туфайли 17,6 мартага ортган. Лекин 10 йил давомида ўртача инфляцияни ҳисобга олсак, нархлар тахминан 2,2 мартага кўтарилган. Бундан кўрсатилган хизматлар даражаси ҳам шунча 2,2 мартага кам, деб айта оламиз.

Аҳоли жон бошига бюджетдан сарфланган харажатлар, 2020 йили 57 доллар атрофида бўлса, 2010 йили эса сўмнинг АҚШ долларининг ўртача расмий курсига нисбатан ҳисобласак, 25,6 долларни ташкил этган, яъни 9,7 марта эмас, атиги 2,2 марта ортган. Аҳолининг тўловлари эса 11,7 мартага ортган.

Улардан куйидагича хулоса чиқариш мумкин: 1. Ўзбекистонда 2010-2020 йиллар давомида соғликни сақлаш харажатлари бир неча марта ортган. Аҳолининг мазкур хизматлардан фойдаланиш кўлами ва миқдори, сифатини яхшилашда соғликни сақлаш хизматларини кўрсатишда зусусий тадбиркорлик, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, молиявий ресурслар таъминотида аҳоли тўловлари муҳим роль ўйнаган.

2. Соғликни сақлаш тизимини молиялаштиришда аҳолининг улуши юқори, жами харажатларнинг деярли ярмидан кўпини ташкил этади. 2020 йили пандемия туфайли давлат бюджети харажатлари кўпайганига қарамай, харажатларнинг ярми аҳолининг зиммасига юкланган.

Аслини олганда барча харажатлар у давлат бюджети харажатларими ёки хусусий тўловлар бўладими, фуқаролар зиммасида. Лекин тўланган солиқлар ва йиғимларни давлат бюджети ва фондлар орқали аҳолига қайтиб келиши табақаланиш даражасини қисқартириш ва ночорларга ёрдам бериш имконини беради. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тўғридан-тўғри тўловлар тизимни молиялаштиришнинг энг адолатсиз шакли бўлиб, у регрессив характерга эга, чунки, аҳолининг барча қатламини бир хил тўлов қилиши, уларнинг даромадларида тиббий хизматлар улушининг юқори даражада фарқланишида акс этади. Молиялаштириш тизимида аҳоли харажатларининг юқорилиги табақаланишни чуқурлашувига, камбағал қатламни тиббий хизматлардан етарлича фойдалана олмаслигига олиб келади.

ЖССТ тавсиясига кўра соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг тўғридан – тўғри хусусий тўловлари улушини 20 %дан ортиши тизимни молиявий беқарорлиги белгиси ва аҳоли учун юқори риск мавжудлигига далолат бўлади. [16. Р. 153-159].¹

Соғлиқни сақлаш тизимидаги яна бир муаммо республикамизда соғлиқни сақлаш модели ихтисослаштирилган касалхоналар устуворлигига қаратилган. Мувофиқ равишда молиялаштириш ҳам. Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдамни молиялаштириш соғлиқни сақлашга ажратилган харажатларнинг 2019-2021 йилларда 30,7-27,5 фоизини ташкил этди. 2019 ва 2020 йиллари касалхоналарда даволаниш хизматлари 48 % амбулаторияларда 34-36 %ни ташкил этган. Ривожланган мамлакатларда эса, аксинча. асосий диққат профилактикага қаратилади ва мувофиқ равишда молиялаштириш ҳам. ЖССТ маълумотларига кўра ривожланган мамлакатларда тиббий-санитар хизмат кўрсатишни молиялаштиришда унинг бирламчи бўғини 61 %, стационар-касалхона 37% атрофида ташкил этади.

2020 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Президентнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сон қарорига асосан 2020 йил 1 декабрдан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.² Институционал ўзгаришнинг натижасига кўра якуний қарор чиқарамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://gtmarket.ru/ratings/global-health-expenditure>
2. Ўзбекистан: обзор системы здравоохранения. Системы здравоохранения: время перемен. Том 9, №3, 2007. Ahmedov M., Azimov R., Alimova V., Rechel B. Uzbekistan: Health System Review. Health Systems in Transition, 2007; 9(3): 1–210.

¹ Взгляд на здоровье, 2013 г. : Индикаторы ОЭСР. 7. Расходы на здравоохранение и финансирование. ОЭСР 2013.

² <https://lex.uz/docs/5100699>

3. Бюджет для граждан. Государственные расходы на здравоохранение в 2021 году. Ташкент. UNDP, 2021 (www.uz.undp.org)
4. <https://www.rbasia.uz/zdravohranenie-sektor-uzbekistan#>
5. Тожибоева Д. Институционал ислохотлар - соғлиқни сақлаш хизматлари модели ва уни ўзгартиришнинг асоси./ Молия журналы, 2022 йил 1-сон. -Б. 70-80..
6. Взгляд на здоровье, 2013 г. : Индикаторы ОЭСР. 7. Расходы на здравоохранение и финансирование. ОЭСР 2013.
7. <https://lex.uz/docs/5100699>

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДОЛГ И ФИНАНСОВАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ УЗБЕКИСТАНА

Исмаилова Насиба Комилджановна
*и.о.доц. кафедра «Финансы и кредит»,
Ташкентский финансовый институт*

Актуальность темы исследования.

28 января 2022 года Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиязев подписал Указ «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». В данной стратегии развития большое внимание уделяется национальной безопасности страны. В то время как одним из важнейших компонентов национальной безопасности является экономическая безопасность, экономическую безопасность невозможно представить без финансовой безопасности.

Финансовая безопасность является одной из составляющих экономической безопасности и является гарантией проведения независимой финансово-экономической политики страны. Финансовая безопасность выражается в недопущении крупных оттоков капитала за границу, предупреждении конфликтов между государственными органами разных уровней при распределении ресурсов государственной бюджетной системы, смягчении последствий мировых кризисов, обеспечении финансово-экономической стабильности. Финансовая безопасность относится к предотвращению финансовых преступлений.

Существует два типа угроз финансовой безопасности государства: внутренние угрозы и внешние угрозы. К внешним угрозам можно отнести рост мировой финансовой системы за счет вхождения развивающихся стран в мировую экономику, а также увеличение массы капитала. Внутренние угрозы включают неэффективное управление фискальной и экономической политикой, ошибки государственных органов и злоупотребления в управлении государственной финансовой системой. Наличие внутренних и внешних угроз финансовой безопасности приводит к краху ключевых звеньев финансовой системы и системы ее управления, ущербу национальному богатству, нарушению работы финансовой, кредитной и денежной систем.

Наличие проблем в рамках исследуемой темы.

Проблемы, связанные с финансовой безопасностью в стране, тормозят экономический рост и экономические реформы, негативно сказываются на развитии торговли и внешнеэкономической деятельности, сдерживают развитие бюджетной, финансовой и страховой сферы. Выделяют три сегмента системы финансового обеспечения: денежный, банковско-кредитный и бюджетно-налоговый. Ниже мы сосредоточимся на государственном долге, одном из важнейших показателей, напрямую влияющих на систему финансовой безопасности страны.

Государственный долг. По мнению экспертов Международного валютного фонда, государственный долг не должен превышать 60% ВВП. Доля государственного внешнего и внутреннего долга в ВВП не должна превышать 30%. Мировой опыт показывает, что риск начинает ощущаться, когда доля внешнего долга в ВВП превышает 30%. В то же время имеет место потеря значительной части государственного бюджета из-за внешнего долга и увеличения внешней зависимости. Именно увеличение отношения внешнего долга к ВВП является одним из основных факторов, влияющих на усиление финансового кризиса. В 2016 году внешний долг Узбекистана составил 6,5 млрд долларов США, а к 2021 году внешний долг страны достиг 39,6 млрд долларов США.

Общий внешний долг Узбекистана увеличился на 16% или 5,4 млрд. долларов США по сравнению с началом текущего года и составил 39,6 млрд долларов США на 1 января 2022 года¹. В 2021 году ВВП достиг 69,23 млрд. долларов США, а общий внешний долг страны составил 57% в ВВП².

Общий внешний долг включает государственный долг, гарантированный государством долг (государственный внешний долг) и необеспеченный внешний долг (частный внешний долг). Следует отметить, что в «частном» секторе в основном представлены государственные компании и банки. Государство владеет акциями таких компаний, как «УзАвто Моторс» и «Узбекнефтегаз», «Узпромстройбанк» и «Ипотека банк», которые контролируют более 80 процентов банковского сектора и владеют долговыми ценными бумагами на сумму 1,92 миллиарда долларов США.

При этом 45% иностранных кредитов частному сектору приходится на банковский сектор и 44% на нефтегазовый сектор. Значительная часть государственного внешнего долга задействована в финансировании инвестиционных проектов и обслуживание этого долга осуществляется за счет средств, полученных от реализации проектов. Большинство этих кредитов предоставляются на долгосрочной и льготной процентной ставке.

¹ https://cbu.uz/upload/medialibrary/17d/uz_BOP_-IIP_-EXD_4Q2021.pdf

² <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/17280-yalpi-ichki-mahsulotni-ishlab-chiqarish-2021-yil-yanvar-dekabr>

Правительство Республики Узбекистан придерживается консервативного подхода к заимствованиям у международных финансовых организаций, иностранных государственных финансовых организаций и принципов управления рисками. В 2021 году в частный сектор было привлечено кредит на сумму 8,2 миллиарда долларов США. Из этих кредитов 3,4 млрд. долларов США на долю банков, 2,2 млрд. долларов США предприятиям нефтегазового и энергетического секторов, 971,2 млн. долл. США в горно-металлургической промышленности и 1,6 млрд. долларов США были привлечены другими секторами экономики.

В 2021 году частный сектор более активно привлекал внешний долг за счет размещения ценных бумаг на международных рынках. В частности, «Узбекнефтегаз» выпустил ценных бумаг на сумму 700 млн долларов по ставке 4,75% сроком на 7 лет, а «УЗАВТО МОТОРС» выпустил ценных бумаг на 300 млн долларов США по ставке 4,85% сроком на 5 лет и АО «Ипотека Банк» на 785 млрд. сумы были размещены на международных финансовых рынках сроком на 3 года по ставке 16,0%.

Способы решения проблем.

Одной из основных задач в обеспечении финансовой безопасности является своевременная точная и полная оценка ситуации. При высоком уровне кризиса собираются дополнительные индикаторы, что в свою очередь позволяет проводить более глубокий анализ угроз безопасности. Оценка уровня финансовой обеспеченности Республики Узбекистан по внешнему долгу указывает, что финансовая система Узбекистана имеет ряд недостатков. Эти:

– В результате неэффективности механизма управления внешним долгом, действенного контроля за его целевым расходованием, имеют место случаи коррупции при закупках текущих проектов.

– Увеличение внешнего долга в определенном смысле ограничивает инвестиции государства в национальную экономику, неразвитость финансового рынка Узбекистана заставляет национальную экономику привлекать капитал из-за рубежа. Несмотря на ряд мер, предпринятых государством для развития рынка капитала, рынок капитала развивается медленно.

Научно обоснованные предложения и рекомендации.

В результате изучения данного показателя мы считаем, что для предотвращения риска необходимо предпринять следующие меры.

– Улучшение критериев отбора проектов, финансируемых за счет внешних заимствований, возможность погашения основной суммы долга и процентов с учетом валютного риска должны быть тщательно проанализированы и оценены.

– В целях максимального покрытия дефицита государственного бюджета за счет внутреннего долга Министерству финансов совместно с

экспертами международных финансовых институтов следует развивать внутренний рынок капитала в нашей стране.

– Необходимо принять меры по обеспечению прозрачности привлечения и использования государственного долга. В частности, все проекты, финансируемые и реализуемые за счет государственного долга, должны проходить проверку Счетной палаты и обсуждаться с участием депутатов Олий Мажлиса.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».
2. Каранина Е.В. Финансовая безопасность (на уровне государства, региона, организации, личности) - Монография.- Киров: ФГБОУ ВО «ВятГУ» 2015 г, 239 стр.
3. Экономическая безопасность. Текст лекций. Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. 2014г.
4. <http://www.stat.uz>. – данные Госкомстата Республики Узбекистан и <http://www.ach.gov.uz/ru> – Счетной палаты Республики Узбекистан.
5. <http://www.cbu.uz>. – данные Центрального банка Республики Узбекистан.

UMUMTA'LIM MUASSASALARIDA BUDJETDAN TASHQARI MABLAG'LAR HISOBI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

D.E.Narbekov. *“Buxgalteriya hisobi” kafedrasi dotsenti*
G.D.Narbekova *TMI mustaqil izlanuvchisi*

Kirish. Hozirgi kunda, umumiy o'rta ta'lim tizimida jamiyatning zamonaviy talablariga muvofiq sifatli ta'lim olish imkoniyatlarini yaratish, xalq ta'lim muassasalarining budjetdan moliyalashtirish va budjetdan tashqari mablag' bilan ta'minlashning samaradorligini oshirish, xalq ta'limi tizimi muassasalarini moddiy-texnik bazasini ta'minlash mexanizmini mukammallashtirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Bugungi kun talablaridan kelib chiqqan holda, umumiy o'rta ta'lim muassasalarida faoliyat turiga xos mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi daromadlar tushumini shakllantirish, umumta'lim muassasasi rahbarining muassasa faoliyatini takomillashtirish, moliyaviy xo'jalik holati, daromadlar va xarajatlar, budjet va budjetdan tashqari, homiylik va boshqa mablag'lardan foydalanish bo'yicha ko'rilgan chora-tadbirlarni amaliyotga qo'llashni takomillashtirish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Mazkur jihatlar umumta'lim muassasalarida byudjetdan tashqari mablag'lar to'g'risida ishonchli axborotlarni shakllantirish, ushbu axborotlarning tahlil imkoniyatlarini oshirish bilan bog'liq jihatlarni tizimli tarzda ilmiy jihatdan tadqiq etishni talab etadi. Bu esa, mazkur mavzuda tadqiqot olib borish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Tadqiqot mavzusidagi mavjud muammolar

O'zbekistonda bugungi kunda 10 mingga yaqin maktab faoliyat yuritmoqda, ularning 60 foizini moddiy-texnika bazasi mustahkamlanishi kerak. O'zbekistondagi maktablarning faqat 37 foizi kompyuter sinfiga ega bo'lib, ularning 7 foizi Internet tarmog'iga ulangan. Umumta'lim muassasalarini moliyalashtirish mamlakat qonunchiligi doirasida budjet mablag'lari hisobidan amalga oshirilishi kerak. Har bir maktab yil davomida tasdiqlangan xarajatlar smetasi doirasida mablag' oladi. Mazkur mablag'ning asosiy qismi maktab xodimlarining oylik ish haqi va u bilan bog'liq to'lovlarga yo'naltiriladi. Mablag'ning qolgan qismi esa kommunal hamda aloqa (telefon, internet) uchun to'lovlar, maktabni joriy ta'mirlash (remont) uchun qog'oz, kanselyariya va xo'jalik mollari, kompyuter texnikalari, kitoblar xaridi va boshqa turli tegishli xarajatlarga ajratiladi.

Muammoni hal qilish usullari

Hozirda, hukumatimiz tomonidan maktablarning infratuzilmasini yaxshilash uchun mablag'lar ajratilmoqda. Ammo qisqa vaqt ichida belgilangan maqsadlarga erishish uchun budjetdan tashqari mablag'larni topish yo'llarini shakllantirish va takomillashtirishimiz (homiylarni jalb qilish) lozim bo'ladi. Jamg'arma mablag'lari quyidagi manbalar hisobiga shakllantiriladi:

- xalq ta'limi muassasa va tashkilotlarining ko'chmas mol-mulkini ijaraga berishdan tushgan mablag'lar (O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligining hududiy organlari huzuridagi Davlat mulkini ijara berish markazi davlat unitar korxonalariga to'langan bir foizi va elektron savdo maydonchasi operatoriga to'lovdan tashqari);

- o'quv dasturlarida nazarda tutilmagan (davlat ta'lim standartlaridan tashqari) mashg'ulotlar bo'yicha qo'shimcha ta'lim berishdan olingan daromadlar;

- xalq ta'limi muassasa va tashkilotlari faoliyat ixtisosligi bo'yicha tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) realizatsiya qilishdan olingan daromadlar;

- yuridik va jismoniy shaxslarning, shu jumladan, O'zbekiston Respublikasi noresidentlarining homiylik xayriyalari;

Ta'lim muassasasining yer maydonidan samarali foydalanib, yer maydonlariga dehqon xo'jaloklarini jalb etgan holda issiqxonalar tashkil etish, dehqonchilik ekinlarini ekish, ta'lim muassasasi hududida ko'p yillik daraxt, mavsumiy gul ko'chatlarini yetishtirish va sotish orqali daromad olishlari mumkin. Maktablarda qo'shimcha pul topishning yana bir yo'li homiylarni jalb etishdir. Hozirgi kunda, xalq ta'lim tizimi muassasalarida byudjetdan tashqari mablag'lardan tushgan tushumlar katta miqdorni tashkil etmasada, qamrovi nuqtai nazaridan muhim sanaladi. Sababi, aksariyat umumiy o'rta ta'lim maktablarida byudjetdan tashqari mablag' topish amaliyoti bilan rivojlantirish jamg'armasiga daromadlarni sezilarli ravishda shakllanganligini ko'rishimiz mumkin.

Uchtepa tumani xalq ta'limi bo'limida rivojlantirish jamg'armasiga kelib tushgan pul mablag'lari¹

mln. so'm

№	Ko'rsatkichlar	2018 y.		2019 y.		2020 y.		2021 y.	
		summa	%	summa	%	summa	%	summa	%
1	Pullik xizmatlar	84,2	16	165,9	2	33,7	5	38,7	5
2	Ijara to'lovlari	85,7	16	256,7	35	42,5	6	43,6	6
3	Homiylik mablag'lari	173,9	33	221,7	30	116,4	17	120,4	16
4	Boshqa tushumlar	176,9	34	247,9	33	507,4	72	534,3	72
	Jami	520,7	100	743	100	700	100	737,2	100

Xulosa va takliflar

Xalq ta'lim tizimidagi muassasalarda byudjetdan tashqari mablag'lar hisobi uslubiyatini takomillashtirish bilan quyidagi vazifalarni amalga oshirishimiz zarur:

umumiy o'rta ta'lim muassasalarida faoliyat turiga xos mahsulot (ish, xizmat)lar realizatsiyasi daromadlar tushumi hisobga hisoblash usulini qo'llashga qat'iy amal qilish;

umumta'lim muassasasi rahbarining muassasa moliyaviy-xo'jalik faoliyatini boshqarish, hisob axborot tizimini samarali ishlashini ta'minlash, byudjetdan tashqari mablag'lar hisobini to'g'ri yuritilishini ta'minlash uchun hisob siyosatini ishlab chiqish;

moliyaviy xo'jalik holati, daromadlar va xarajatlar, budget va budgetdan tashqari, homiylik va boshqa mablag'lardan foydalanishda umumta'lim muassasalari faoliyat yo'nalishidan kelib chiqib, belgilangan me'yorlarga amal qilinishi ta'minlash.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ibragimov K.Sh. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotni takomillashtirish (Oliy ta'lim muassasalari misolida). iqt. fan. fal. dok. dis. avtoreferati. –T.: 2018. – 54 b.
2. Mehmonov S.U. Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi: nazariya va amaliyot. Monografiya. – T.: "Iqtisod moliya", 2016.
3. Ostonokulov A.A. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari mablag'lari hisobi va hisoboti metodologiyasini takomillashtirish. i.f.d. dis. avtoreferati. –T.: 2021. – 72 b.;
4. Ostonokulov A.A. Monografiya. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari mablag'lari hisobi va hisoboti metodologiyasini takomillashtirish. ISBN 978-9943-7453-2-2 T.: "VNESHEWESTPROM" nashriyoti, 2021, 208 b.
5. Bashkatov V. V., Pokusayev V. Yu. Osobennosti buxgalterskogo ucheta v budjetnyx uchrejdeniyax. Jurnal "Sovremennaya nauka: aktualnye problemy i puti ix resheniya". Выпуск № 13 / 2014. 320 s.
9. "Byudjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Yo'riqnom

¹ Uch tepa tumani xalq ta'limi bo'limi ma'lumotlari asosida tayyorlandi

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ПАРТИСИПАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ

Исмаилова Насиба Комилджановна
*и.о.доц. кафедры «Финансы и кредит»,
Ташкентский финансовый институт*

Актуальность темы исследования.

Государственный бюджет является важным инструментом макроэкономического управления в экономике, от эффективности которого зависит успех правительства в достижении социально-экономических целей. Государственный бюджет является инструментом реализации социально-экономической политики и приоритетов, влияющих на жизнь населения. Одним из современных методов бюджетирования, основанных на участии граждан в бюджетном процессе, является практика «Партисипаторное бюджетирование», которая используется многими странами на современном этапе развития бюджетных отношений.

Партисипаторное бюджетирование – это форма непосредственного участия населения в осуществлении местного самоуправления путем выдвижения инициатив по целям расходования определенной части бюджетных средств.[1]

Международный опыт показывает, что партисипаторное бюджетирование впервые было использовано в 1989 году в Бразилии в городе Порто-Алегри. Администрация предоставила горожанам возможность решать, как распределить часть городского бюджета. Сегодня, после тридцати лет успешной практики, жители Порто-Алегри выделяют 20 процентов городского бюджета.[2]

Данную бюджетную практику успешно используют более 20 стран Западной и Восточной Европы, Латинской Америки, США, Китая, Индии, Южной Кореи и многих других. В штате Керала в Индии, например, практика составления бюджета на основе участия была полностью внедрена в 1996 году и граждане участвуют в бюджетном процессе уже более 24 лет. Консультационную помощь на всех этапах запуска оказывали 373 государственных инструктора.

В России закрепился термин «инициативное бюджетирование» — «общее название, используемое для обозначения совокупности практик вовлечения граждан в бюджетный процесс в Российской Федерации, объединенных идеологией гражданского участия, а также сфера государственного и муниципального регулирования участия населения в определении и выборе проектов, финансируемых за счет средств соответствующих бюджетов, и последующем контроле за реализацией отобранных проектов со стороны граждан»[3].

Наличие проблем в рамках исследуемой темы.

В международном сообществе является общепризнанным, что участие граждан в принятии государственных решений связано с устойчивым развитием. Содействие инклюзивному и справедливому обществу предполагает организацию процессов с участием граждан, в основе которых лежит совместное принятие решений и совместная ответственность для достижения глобальной устойчивости. Кроме того, отмечается, что разработанный и исполняемый государственный бюджет без общественного участия не может гарантировать устойчивого развития.

Мировой опыт показывает, что в основу реализации данной практики органами местного самоуправления положены четкие принципы, механизмы и процедуры. То, насколько тщательно и идеально они спроектированы, обеспечит успешное выполнение процесса. В последние годы основными тенденциями его развития в ряде стран являются использование интернет-технологий для увеличения охвата, применение механизма партисипаторного бюджетирования с учетом определенных целевых групп (молодежь, мигранты), интеграция партисипаторного бюджетирования в политике прозрачности бюджета и ряд инновационных практик, основанных на партисипаторном бюджетировании.

Способы решения проблем.

В последние годы в Узбекистане также принят ряд нормативно-правовых актов по вопросам партисипаторного бюджетирования. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2021 года «О дополнительных мерах по обеспечению активного участия граждан в бюджетном процессе» ПП-5072 в районный бюджет Республики Узбекистан дополнительно 57,9 млрд.сум будет выделено городам, а дополнительно 59,5 млрд сумов будет выделено районам и городам с поступлением более 100 предложений через информационный портал «Открытый бюджет». С 1 января 2022 года 50% средств, выделяемых на ремонт внутренних дорог областного значения в параметрах районного и городского бюджетов, будут направляться на ремонт внутренних дорог, выявленных на основе общественного мнения через информационный портал «Открытый Бюджет».[4] Партисипаторное бюджетирование в Узбекистане называется «Инициативный бюджет». в 2022 году процесс «Инициативный бюджет» будет реализован дважды. Его первый сезон был следующим:

- С 1 по 22 февраля инициатива была подробно перенесена;
- Инициативы проходили модерацию с 23 февраля по 4 марта;
- С 5 марта по 1 апреля граждане голосовали по избранным инициативам.

По итогам всего за этот сезон от граждан поступило около 70 тысяч инициатив. В голосовании по этим проектам приняли участие более 6,7 млн человек. Из представленных инициатив 2215 были признаны победителями. Всего на эти выигрышные инициативы было выделено более 1,1 трлн

сумов. Ташкентская область (220) была регионом с наибольшим количеством инициатив. За ней следуют Ферганская, Наманганская и Сурхандарьинская области. По итогам первого сезона 760 или 34% инициатив-победителей пришлось на ремонт общеобразовательных школ, 549 или 25% на ремонт внутренних дорог и 89 на улучшение систем питьевого водоснабжения и канализации. Однако следует отметить, что в процессе голосования голоса собирались населением различными способами, не являющимися незаконными. Были случаи, когда распространялись рекламные баннеры, рынки и другие места массового скопления людей имели инициативную ссылку на QR-код, расклеивались их баннеры и даже предлагались денежные призы за голоса. Поэтому при распределении государственного бюджета правительство должно ориентироваться на механизмы, системно решающие эти проблемы.

Научно обоснованные предложения и рекомендации.

Таким образом, партиципативное бюджетирование как процесс, в котором граждане принимают непосредственное участие в распределении определенной части государственного бюджета, представляет собой новый современный подход к взаимоотношениям власти и граждан, действенный механизм вовлечения общественности в бюджетный процесс. Эта практика позволит обеспечить более справедливое распределение государственных ресурсов.

На наш взгляд, в среднесрочной перспективе для обеспечения активного участия населения в бюджетном процессе:

во-первых, разработать и внедрить меры по широкому использованию открытых механизмов обеспечения участия общественности в процессе подготовки бюджета и обсуждения среднесрочных бюджетных приоритетов;

во-вторых, изучить влияние текущей бюджетной политики на разные слои населения и опубликовать их результаты, чтобы решения, принимаемые в рамках бюджетной политики, были лучше понятны населению;

в-третьих, одной из важных задач является повышение их участия в бюджетном процессе путем поддержки инициатив граждан.

Список использованной литературы:

1. Dictionary of Banking and Finance, Third edition, A & C Black Publishers Ltd 2005, 253 p.
2. Партиципаторный бюджет. Как граждане участвуют в распределении муниципальных средств. Комитет гражданских инициатив [Электронный ресурс] Режим доступа: URL: <https://komitetgi.ru/news/news/1799>.
3. Виноградова Т.И. Партиципаторное бюджетирование как инструмент, способствующий достижению целей устойчивого развития. https://www.finjournal-nifi.ru/images/FILES/Journal/Archive/2021/2/statii/03_2_2021_v13.pdf

4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2021 года «О дополнительных мерах по обеспечению активного участия граждан в бюджетном процессе» ПП-5072

UMUMIY O‘RTA TA’LIM MUASSASALARIDA PULLIK TA’LIM XIZMATLARINI YO‘LGA QO‘YISH

D.E.Narbekov. *“Buxgalteriya hisobi” kafedrasida dotsenti*
G.D.Narbekova. *TMI mustaqil izlanuvchisi*

Mamlakatning kelgusidagi jadal taraqqiyoti umumiy o‘rta ta’limni sifat jihatidan yuqori darajaga ko‘tarish, yosh iste’dodlarni aniqlash, har tomonlama yetuk bo‘lgan kelajak avlodni tarbiyalash uchun bugungi kun talablaridan kelib chiqqan holda, xalq ta’lim tizimi muassasalarida moddiy texnik bazani ta’minlash mehanizmini mukammallashtirish, yosh avlod uchun munosib sharoitlar yaratish bo‘yicha muhim vazifalar qo‘yilgan. Ushbu vazifalardan biri umumta’lim muassasalarida byudjetdan tashqari jamg‘armalarni shakllantirish amaliyotini joriy etishdir. Xususan, umumiy o‘rta ta’lim maktablarining faoliyat yo‘nalishlari ko‘p bo‘lib, ularda byudjetdan tashqari mablag‘ topish va sarflashga oid boshqaruv faoliyatini to‘g‘ri tashkil etishni nazarda tutadi.

Ta’lim muassasasida pullik ta’lim xizmatlarini joriy etishda marketing xizmatini tashkil qilish maqsadga muvofiq bo‘lib, uning asosiy maqsadi ta’lim muassasaning raqobatbardosh ustunliklarini ishlab chiqish va ta’lim xizmatlari bozorida imidjni yaratish orqali reytingni oshirishdir. Ehtiyojlardan kelib chiqqan holda maktablarda ta’lim xizmatlari quyidagicha amalga oshiriladi:

-ta’lim oluvchilarni ota-onalarining qoshimcha pullik ta’lim xizmatlariga bo‘lgan ehtiyojlarini o‘rganish;

-qo‘shimcha pullik ta’lim xizmatlarini(moddiy-texnik baza, o‘quv metodik qo‘llanmalar va boshqalar) taqdim etish sharoitlari va imkoniyatlarini tahlil qilish;

-ta’lim muassasasining pedagogik kadrlar salohiyatini o‘rganish;

-pullik ta’lim xizmatlarini har bir turi uchun xarajatlar smetasini tayyorlash;

-qo‘shimcha pullik ta’lim xizmatlari bo‘yicha shtatlar jadvalini tuzish;

-pullik ta’lim xizmatlarining o‘quv rejasi va o‘quv dasturlarini va o‘quv dasturlarini, dars tuzish;

-maktablarning rasmiy veb-saytida pullik ta’lim xizmatlari to‘g‘rida reklama joylashtirish.

To‘g‘ri tashkil qilingan marketing faoliyati bilimlar iqtisodiyotini vujudga kelishiga olib keladi, bu esa o‘z navbatida ta’limni rivojlantirish, maktablarda qo‘shimcha shart-sharoitlarni yaxshilash, moddiy texnik bazani mustahkamlashga olib keladi. bundan ko‘rinib turibdiki, ta’lim muassasasining pullik ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish orqali byudjetdan tashqari mablag‘ topish bilan bog‘liq

bo‘lgan faoliyatni boshqarish mamlakat miqyosida eng muhim yo‘nalishlardan biri bo‘lib, ta‘lim sifatining zaruriy darajasini ta‘minlashga xizmat qiladi. Umumta‘lim muassasalarida byudjetdan tashqari mablag‘larni shakllantirishda pullik ta‘lim xizmatlari muhim hisoblanadi. Chunki, ushbu xizmat turini kengaytirish orqali nafaqat, qo‘shimcha moliyalashtirish manbalari shakllantiriladi, balki, sifatli ta‘lim xizmatlarini amalga oshirish orqali umumta‘lim muassasalari faoliyati rivojlantirishga ham erishiladi. Shuning uchun pullik ta‘lim xizmatlari bilan bog‘liq jihatlar va ularni buxgalteriyada hisobga olish ketma-ketligini ko‘rib o‘tamiz.

1-jadval

Pullik ta‘lim xizmatlari bilan bog‘liq bo‘lgan operatsiyalarning hisobvaraqlarda aks ettirilishi¹

T/r	Operatsiyalar mazmuni	Buxgalteriya balansi	
		Debet	Kredit
1.	Ish haqi hisoblandi	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar	173-Xodimlarning ish haqini hisoblash
2.	Ijtimoiy soliqlar hisoblandi.	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar	161-Yagona ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha hisob-kitoblar
3.	Ish haqidan daromad solig‘i hisoblandi.	173-Xodimlarning ish haqini hisoblash	160-Byudjetga to‘lovlar bo‘yicha byudjet bilan hisob-kitoblar
4.	Daromad solig‘idan inps	160-Byudjetga to‘lovlar bo‘yicha byudjet bilan hisob-kitoblar	162-Shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga badallar bo‘yicha hisob-kitoblar
5.	Ish haqidan kasaba uyushmasi a‘zolik badali	173-Xodimlarning ish haqini hisoblash	176-Ish haqini ushlab qolish bo‘yicha xodimlar bilan hisob-kitoblar
6.	Konstovarlar sotib olindi	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar	063-Inventar va uy-ro‘zg‘or buyumlari
7.	Xizmatlar	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar	159-Turli qarzdorlar va kreditorlar bilan hisob-kitoblar
8.	Asosiy vositalar amortizatsiyasi hisoblandi.	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar	020-Turar-joy binolarining amortizatsiyasi 029-Boshqa asosiy vositalarning amortizatsiyasi
9.	Sotish bahosi	152-Xaridorlar va mijozlar bilan hisob-kitoblar	201-Asosiy vositalar va boshqa vositalarni sotish
10.	Pullik ta‘lim xizmatining tannarxi hisobdan chiqarildi	201-Asosiy vositalar va boshqa vositalarni sotish	090-Tovarlar (ishlar, xizmatlar) uchun xarajatlar
11.	Pullik ta‘lim xizmatlari bo‘yicha moliyaviy natijalar aniqlandi. Foyda	201-Asosiy vositalar va boshqa vositalarni sotish	262-Byudjet tashkilotini rivojlantirish jamg‘armasidan olinadigan daromadlar
12.	Zarar	261-Byudjet tashkilotining rivojlanish jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlar	201-Asosiy vositalar va boshqa vositalarni sotish

¹ “Budjet tashkilotlarida buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Yo‘riqnomasi asosida muallif tomonidan shakllantirilgan

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, umumiy o'rta ta'lim muassasalarida pullik xizmatlar amaliyotlarini amalga oshirish uchun yetarlicha moddiy texnik ta'minot mavjud. Ushbu imkoniyatlardan oqilona foydalanib, umumiy o'rta ta'lim muassasalarida budjetdan tashqari mablag'larni ko'payishi budjet xarajatlarini qisqarishiga va o'z navbatida soliq yukini kamayishiga olib keladi. Yuqoridagi kuzatuvlar va tahlillar natijasida byudjetdan tashqari mablag'larning ahamiyati nechog'liq katta ekanligini ko'rsatmoqda.

ИНДЕКС ОЦЕНКИ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ В РАМКАХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Шермухамедова Ширин Амонуллаевна
ст. преп. кафедры «Финансы»
Ташкентский финансовый институт

В 2017-2021 годах в рамках реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан была проведена работа, направленная на формирование положительной репутации страны на международной арене, обеспечение беспристрастной и правдивой оценки положения Республики Узбекистан на международной рейтинги.

В то же время, несмотря на принятые меры, в стране отсутствует целостная система оценки соответствия реализуемых реформ международным критериям и стандартам, что поможет сохранить национальные рейтинги по соответствующим направлениям.[1]

В этом случае мы должны стремиться наладить системное сотрудничество с международными организациями и научными учреждениями, сформировать соответствующую базу данных, содержащую рекомендации по направлениям, оцениваемым в ответственных министерствах и ведомствах, и положительный опыт других стран, а также сформировать мировоззрение по использованию международной рейтинговой методологии у сотрудников.

В целях формирования целостной и независимой системы оценки проводимых в нашей стране реформ, а также улучшения позиций Республики в международных рейтингах принято постановление Президента Республики Узбекистан "О мерах по улучшению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах" был принят. На сегодняшний день внедрение таких индексов в Узбекистане и создание системы оценки его соответствия международным критериям являются актуальными.

Исходя из этого, в рамках нашей научной работы мы провели исследование международных рейтингов и индексов, оценивающих

пенсионную систему стран на международном уровне. В результате этого мы обнаружили, что по международной шкале существует 3 международных рейтинговых индекса, которые оценивают пенсионную систему стран. К ним относятся глобальный пенсионный индекс Мельбурна Мерсера (Melbourne Mercer Global Pension Index, MMGPI), глобальный пенсионный индекс (Global Retirement Index), индекс качества жизни пожилых людей (Global AgeWath Index). В следующем месте мы рассмотрим каждый из них отдельно.

Университет Монаша (Мельбурн, Австралия), который является Центром финансовых исследований при консалтинговой компании Mercer, ежегодно публикует результаты исследования под названием "Глобальный пенсионный индекс Мельбурна Мерсера" (MMGPI).

Это исследование проводилось с 2009 года и анализировало данные о пенсионных системах 11 стран за этот период. Новое исследование MMGPI-2019, опубликованное в октябре 2019 года, охватывает пенсионные системы 37 стран, и на их долю приходится 63% населения мира.[2]

Представляя исследование, д-р Дэвид Нокс, старший партнер Mercer Consulting, отметил, что пенсионные системы всего мира находятся в конфликте с резким увеличением ожидаемой продолжительности жизни и увеличением нагрузки на государственные ресурсы для поддержки здоровья и благополучия пожилых людей. Он призвал государственных чиновников проанализировать преимущества и недостатки пенсионных систем в своих странах сегодня, чтобы гарантировать благосостояние будущих пенсионеров.

Авторы исследования понимают, что любое сравнение пенсионных систем может быть спорным, поскольку каждая система формируется и развивается в особых экономических, социальных, культурных, политических и исторических условиях.[3] Это означает, что не во всех странах есть "эталонная" пенсионная система, которая может быть внедрена за один день. В то же время, на основе анализа различных пенсионных систем можно сформулировать рекомендации, которые приведут к улучшению состояния пожилых членов общества, повысят вероятность стабильности пенсионной системы в будущем и повысят уровень общественного доверия к ней.

Страны, которые составляют лучшие пенсионные системы в мире, согласно Индексу мировой пенсионной системы (Melbourne Mercer Global Pension Index), опубликованному Mercer и Австралийским центром финансовых услуг, перечислены в таблице ниже.

Для анализа пенсионных систем глобальный пенсионный индекс Мельбурна Мерсера использует 40 показателей, разделенных на три группы – адекватность, стабильность и целостность.

Таблица 1

**Основные показатели пенсионного обеспечения зарубежных стран на
2020 год[4]**

Страна	Пенсионный возраст, год			Средняя продолжительность жизни	Средний размер пенсии, в долл. США
	Средний	Мужчина	Женщина		
Нидерландия	66,4	66,4	66,4	81,6	2700
Дания	65	65	65	81,2	2800
Финландия	63	63	63	81,4	1982
Австралия	65,6	65,6	65,6	82,9	842,8
Швеция	61	61	61	82,4	1710
Норвегия	62	62	62	82,5	1542
Сингапур	62	62	62	82,9	600
Чили	62,5	65	60	79,5	984
Новая Зеландия	65	65	65	82,2	1500
Канада	65	65	65	82,8	667
Германия	65,7	65,7	65,7	81,0	1200
Франция	62	62	62	82,9	700
Япония	62	62	62	84,2	717
Швейцария	64,5	65	64	83,3	874
США	66	66	66	78,5	1164
Испания	65,6	65,6	65,6	83,1	1190
Великобритания	65,6	65,6	65,6	81,4	700

В результате исследования были сделаны оценки пенсионных систем разных стран:

- А (общий балл более 80 баллов);
- В (от 65 до 80 баллов);
- С (от 50 до 65 баллов);
- D (от 35 до 50 баллов).

Авторы исследования отметили, что, хотя каждая пенсионная система уникальна, существует ряд общих мер по улучшению ситуации и повышению стабильности пенсионной системы, поскольку в ближайшем будущем многие страны столкнутся с подобными проблемами. Среди этих мер выделяют следующие:

- способствует повышению пенсионного возраста, сокращению государственных расходов на финансирование пенсионных выплат;
- Содействие трудоустройству пожилых людей;
- способствовать высокому уровню частных сбережений, что поможет снизить будущую зависимость от государственной пенсии;
- своевременная индексация государственной пенсии, которая поможет сохранить ее реальную покупательную способность.

Улучшить пенсионную систему можно, только сосредоточившись на лучших моделях, образцах, практиках. В исследовании "Глобальный пенсионный индекс" в этой связи представлено много примеров.

Глобальный пенсионный индекс (Global Retirement Index) - это попытка предоставить инструмент для сравнения лучших практик обучения omillarni и пенсионной политики, которая управляет пенсионным обеспечением. С 2012 года издается французской компанией Natixis, специализирующейся на управлении активами. В этом рейтинге Норвегия, Швейцария и Исландия соответственно занимают первое, второе и третье места. Индия находится на самом низком 43-м месте, что также является последним местом среди экономик БРИКС.

Перечисленные страны принадлежат к следующим организациям:

- Организация экономического сотрудничества и развития (ОИК)
- Международный валютный фонд (МВФ)
- Страны БРИКС (Бразилия, Россия, Индия и Китай)

Глобальный пенсионный индекс - это индекс благосостояния, который объединяет в общей сложности 18 целевых показателей, разделенных на четыре тематические категории для расчета позиции в индексе. Затем показатели используются для создания процентной оценки; страны сортируются по баллам.[5]

Первые 25 строчек рейтинга занимают известные европейские страны, Норвегия, Швейцария, Канада, Австралия. Общий результат анализа выглядит следующим образом. Французский рейтинг был составлен для западных стран. Если исключить такие страны, как Россия, Китай, Бразилия, Индия и т.д., этот рейтинг будет очень подходящим для сравнения таких стран, как условные Франция и Бельгия.

Индекс качества жизни пожилых людей (Global AgeWath Index) – это глобальное исследование и, в то же время, мониторинг качества жизни и благополучия пожилых людей в странах мира. Этот показатель рассчитывается на основе статистических данных национальных учреждений и международных организаций, собранных в Фонде Организации Объединенных Наций в области народонаселения (ЮНФПА) в соответствии с методологией международной неправительственной организации HelpAge International.

Основатели этого проекта, представители организации HelpAge International, утверждают, что в 21 веке происходят беспрецедентные глобальные демографические изменения, связанные с увеличением продолжительности жизни во всем мире, и старение населения занимает центральное место в этих изменениях, потому что к 2050 году пожилые люди (60 лет и старше) составляют пятую часть[6] в то же время, в некоторых странах до сих пор нет международного эталона, который показывал бы, насколько комфортны условия жизни для пожилых людей, поскольку данные об их состоянии, которые сравниваются на

международном уровне, по-прежнему ограничены. Недостаток информации о пожилых людях может регулярно исключать их из планов разработки и поддержки государственной политики. Кроме того, постоянное исключение проблемы старения из национальной и глобальной повестки дня является одним из самых серьезных препятствий на пути удовлетворения потребностей пожилого населения в мире. По мнению авторов проекта, исследование может помочь привлечь внимание к роли пожилых людей в социальной, экономической, культурной и духовной жизни общества. Цель исследования состоит в том, чтобы охватить многомерный характер качества жизни и благополучия пожилых людей и внести вклад в оценку и улучшение результатов работы.

Причиной выбора этих групп показателей стало то, что они были определены пожилыми людьми и политиками как основные компоненты благосостояния пожилого населения. По каждой группе показателей странам присваиваются баллы от 1 до 100. Больше баллов - указывает на то, что страна имеет более высокий рейтинг в этой области. Общий индекс рассчитывается как общее геометрическое значение четырех сфер, которое показывает, насколько конкретная страна близка к идеальному значению. Например, общее значение индекса означает только 35,0% (от 100%) благосостояния пожилых людей в стране - 35,0 баллов.

Если мы посмотрим на Глобальный пенсионный индекс (Global Retirement Index), он состоит из четырех частей: здоровье, материальное благополучие, качество жизни/окружающая среда, а также пенсионное финансирование. Ожидаемая продолжительность жизни в области здравоохранения, расходы на медицинское обслуживание на душу населения, страховка покрывает расходы на медицинское обслуживание. Материальное благополучие включает в себя равенство доходов, доход на душу населения, безработицу. Счастье, качество воздуха, водоснабжение и санитария, биоразнообразие и среда обитания, факторы окружающей среды включены в качество жизни/окружающей среды. Пенсионное финансирование по-прежнему включает в себя зависимость от старости, сюда входят необслуживаемые кредиты банка, инфляция, процентные ставки, налоговое давление, управление, государственный долг.

Если мы посмотрим на индекс качества жизни пожилых людей (Global AgeWath Index), то он также включал в себя четыре элемента. Это материальная обеспеченность, состояние здоровья, образование и занятость, а также хорошие условия. Материальная обеспеченность подразумевает возможность использовать независимый источник дохода для удовлетворения основных потребностей в старости. Это включает в себя покрытие уровня бедности в пожилом возрасте пенсионным доходом, относительным благосостоянием пожилых людей и валовым внутренним продуктом на душу населения. Состояние здоровья подразумевает, что наступление старости связано с физической слабостью, а также с риском

для здоровья и инвалидности. Это включает в себя состояние физического здоровья, ожидаемую продолжительность жизни после 60 лет и психологическое благополучие. Образование и трудоустройство обеспечиваются особенностями способности преодолевать проблемы и способностями пожилых людей. Это включает в себя уровень занятости, уровень образования и продолжительность активной жизни после 60 лет. Пожилые люди хотят иметь свободу выбора, чтобы жить независимой жизнью. По этой причине хорошие условия включают социальные отношения, физическую безопасность, гражданские свободы и использование связей с общественностью.

Вместо заключения можно сказать, что началось формирование целостной и независимой системы оценки реформ, проводимых в пенсионной системе нашей страны. Пока Бунда понимает ситуацию в нашей стране, существующие условия, сформировавшийся национальный менталитет, желательно реформировать эти условия в оптимальном для населения и государства направлении.

Список использованной литературы

1. Шермухамедова Ш.А. Сравнительная характеристика пенсионных систем разных стран. «Молодой учёный» Международный научный журнал №13, (117)/2016, 554-556 ст., (Россия) <http://moluch.ru/archive/117/32542/>, [https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=9906922854426746239&btnI=1&hl=ru](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=9906922854426746239&btnI=1&hl=ru;);
2. Хамдамов Ш.К. “Пенсия таъминотининг хориж тажрибаси”. “Логистика ва иктисодиёт” электрон илмий журнали. 2021 й. 4-сон, 285 б.;
3. Шермухамедова Ш.А. Финансирование социальной сферы и социальной защиты населения как главное направление расходов Государственного бюджета Республики Узбекистан. «Современные гуманитарные исследования» №3, июня 2017 года <https://elibrary.ru/item.asp?id=29677521>, [https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=2524257032602301943&btnI=1&hl=ru](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=2524257032602301943&btnI=1&hl=ru;);
4. HelpAge International: Индекс качества жизни пожилых людей в странах мира в 2015 году. [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий. — 28.09.2015.

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ФИНАНСЫ: СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ

Пулатова Мохира Бахтиёровна, *PhD.*, доцент
кафедра «Финансы»
Паринова Диана, магистрант,
Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В статье описано понятие государственных финансов, управление государственными финансами, рассмотрены проблемы финансового сектора и пути по их решению, мнение международных экспертов по совершенствованию

государственных финансов, изучены основные направления развития государственных финансов согласно Стратегии совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020–2024 годы.

Ключевые слова: *государственные финансы, управление государственными финансами, финансовые отношения между всеми участниками рыночной экономики, финансовая политика, направления развития по международному опыту.*

Государственные финансы являются важной сферой финансовой системы государства, призванной обеспечить государство денежными средствами, необходимыми для выполнения экономических, социальных и политических функций. Важную роль в составе государственных финансов играют бюджетные взаимосвязи, которые складываются на республиканском и местном уровнях. Бюджеты разных уровней, (республиканские, местные) являются финансовой базой деятельности соответственно для республиканских и местных органов власти и управления.

Остановимся на значении государственных финансы. Государственные финансы – это совокупность финансовых отношений по поводу формирования, распределения и использования фондов денежных средств государства, обеспечивающая достижение целей внешней и внутренней государственной политики¹. Государственная внешняя и внутренняя политика тесно связана с финансовой политикой. Так как, финансовая политика — это совокупность государственных мероприятий, направленных на мобилизацию финансовых ресурсов, их распределение и использование для выполнения государством его функций.

Управление государственными финансами (УГФ) представляет собой систему, посредством которой финансовые ресурсы планируются, распределяются и контролируются для обеспечения эффективного и рационального выполнения задач государственных служб. Качество систем УГФ – самое важное в экономическом управлении и предоставлении эффективных и устойчивых государственных услуг².

Министерство финансов Республики Узбекистан прилагает постоянные усилия для улучшения систем УГФ в целях:

- улучшения планирования, бюджетирования, бухгалтерского учета и подотчетности;
- улучшения предоставления государственных услуг.

Нестабильная ситуация в экономике, сложившаяся в силу многих обстоятельств, таких как политическая обстановка, внешнеэкономическая конъюнктура, проблемы с промышленным развитием страны и многие другие, а также влияние мирового финансового кризиса, оказывают негативное влияние на экономику нашей страны, и, конечно, на состояние

¹ http://el.tfi.uz/images/UMK_Finansi.pdf.

² <https://mf.gov.md/ru/content/>.

финансовой системы¹.

Сегодняшняя бюджетная система страны нуждается в постоянной доработке с учётом современных тенденций финансового сектора в мире.

Необходимо решение следующих ключевых проблем:

– высокая степень концентрации финансовых ресурсов в государственном бюджете страны, что снижает значение местных бюджетов;

– тенденция перевода расходов вниз без соответствующего подкрепления доходами, что приводит к дотации ранее сбалансированных местных бюджетов;

– доминирующая роль регулирующих доходов в структуре поступлений средств в местные бюджеты и низкой долей закреплённых за территориями налоговых платежей.

– недопоступления налоговых платежей, главными причинами которого стали: рост неплатежей в народном хозяйстве; ухудшение макроэкономических и финансовых показателей по сравнению с принятыми в бюджете; прямое уклонение от уплаты налогов, укрывательство многими налогоплательщиками своих доходов (невозможность контролирования всех малых и средних предприятий, уход от налоговой полиции посредством расчетов за наличные деньги).

Эти проблемы могут повлиять на доходы, как и местного бюджета так и на государственного бюджета.

Учитывая выше указанные проблемы предлагаем ряд решений:

– теоретической разработки и обоснования принципов построения бюджетной системы Республики Узбекистан.

– создания реального бюджетного механизма, позволяющего воплотить разработанные принципы на практике.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О государственном бюджете Республики Узбекистан на 2022 год» № ЗРУ-742 от 30 декабря 2021 года можно рассмотреть следующие параметры бюджета на 2022 год:

Таблица 1

Сводные параметры сводного бюджета Республики Узбекистан на 2022 год и бюджетные задания на 2023-2024 годы, млрд сум²

Т/р	Индикаторы	Прогноз на 2022 год	Статьи бюджета	
			2023	2024
I	Доходы сводного бюджета	254 582,50	276 673,90	316 482,50
1.	Доходы государственного бюджета *	199 500,00	214 529,20	249 319,10
2.	Доходы государственных целевых фондов *	31 935,90	35 160,20	38 318,40

¹ http://www.confcontact.com/2012_10_04/ek8_klishina.htm.

² <https://lex.uz/docs/5801127>.

3.	Поступления в Фонд реконструкции и развития Республики Узбекистан	8 495,30	11 312,40	12 389,30
4.	Поступления во внебюджетные фонды бюджетных организаций	14 651,40	15 672,10	16 455,70
II.	Расходы сводного бюджета	280 128,70	304 584,40	347 228,60
1.	Расходы государственного бюджета *	188 911,50	202 669,00	238 545,10
2.	Расходы государственных целевых фондов	58 179,00	62 782,70	67 678,60
3.	Расходы Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан	7 727,10	10 112,40	11 117,30
4.	Расходы внебюджетных средств бюджетных организаций	14 614,50	15 564,40	16 270,00
5.	Расходы на государственные программы за счет внешнего долга	10 696,50	13 455,80	13 617,60
III.	Переводы в государственные целевые фонды	25 900,10	28 244,40	30 356,60
IV.	Баланс консолидированного бюджета, (излишек +, дефицит -)	-25 546,10	-27 910,50	-30 746,20
V.	Баланс государственного бюджета и государственных целевых фондов, (излишек +, дефицит -)	-15 654,70	-15 762,30	-18 586,20
VI.	Урегулирование задолженности	10 172,30	11 394,30	15 098,90

По данным вышеуказанной таблицы, можно проследить динамику увеличения доходов государственного бюджета, доходов государственных целевых фондов, а также и рост расходов соответствующих направлений. В 2023 году доходы государственного бюджета вырастут на 7,5%, а в 2024 году - на 24,97%¹. Расходы государственного значения вырастут на 7,3% и 26,3% соответственно. При этом, баланс государственного бюджета и государственных целевых фондов в 2022, 2023 и 2024 годах наблюдается в дефиците (2022г. -15,65 млрд сум; 2023г. -15,76 млрд сум; 2024г. -18,58 млрд сум).

Большая часть финансовых отношений в странах с развитой рыночной экономикой находится вне управления государством, потому что основная часть финансовых ресурсов формируется и используется их собственниками по своему усмотрению. На основе кругооборота капитала осуществляется деятельность частных предприятий, поэтому их денежные фонды носят обособленный, децентрализованный характер. Государство влияет на эту сферу финансовых отношений только через налоговую политику, регулирование финансового рынка, регламентацию кредитных отношений, формирование амортизационного фонда и систему государственной поддержки. Происходит не управление финансами со стороны государства, а воздействие через финансы, т.е. реализация финансовой политики. Анализируя экономическую политику, государство

¹ В качестве первого значения взяты прогнозные значения за 2022 год.

или устанавливает, или ослабляет свое вмешательство в регулирование экономических и социальных процессов.

Как сообщает Министерство финансов Республики Узбекистан на своём официальном сайте <https://www.mf.uz>, всё ещё наблюдается незаконное присвоения, нехватка средств и нецеленаправленное, неэффективное расходование бюджетных средств, выявляются систематические правонарушения в ходе ревизий и проверок со стороны государственных органов¹.

По мнению Иваило Изворски, ведущего экономиста Всемирного банка, исследовавшего сферу государственных финансов в Узбекистане, выделил следующие направления развития и совершенствования государственных финансов²:

- повышение прозрачности бюджета и расширение доступа к данным по государственным финансам;
- расширение участия граждан в процессе составления бюджета и развития нормативно-правовой базы в этой области;
- включение внебюджетных фондов в государственный бюджет, сокращение внебюджетных фондов и внебюджетных счетов;
- снижение, упрощение и более эффективный сбор налогов;
- совершенствование процесса подготовки бюджета, внедрение устойчивых методов учета в государственном секторе и внедрение надлежащих государственных механизмов внутреннего контроля и аудита будут способствовать укреплению данной области;
- в части управления государственными инвестициями основное внимание необходимо уделить укреплению государственных органов, которые занимаются определением, разработкой, оценкой, реализацией и мониторингом инфраструктурных проектов, в том числе финансируемых в рамках государственно-частного партнерства;
- продолжение налоговой реформы остается приоритетным направлением повышения инвестиционной привлекательности Узбекистана.

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24.08.2020г. № 506 утверждена Стратегия совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020–2024 годы³. Она разработана на основе анализа действующей бюджетной системы, проведенного Всемирным банком в 2018 году по методологии PEFA, результатов оценки эффективности управления госфинансами, а также диагностических оценок прозрачности фискальной политики в рамках Кодекса прозрачности МВФ.

В Узбекистане осуществлен ряд мер по совершенствованию системы

¹ https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=224.

² <https://blogs.worldbank.org/ru/europeandcentralasia/improving-uzbekistan-public-finances>.

³ https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/upravlenie_gosfinansami_optimiziruyut.

государственных финансов. В частности утверждение Государственного бюджета Парламентом, издание «Бюджета для граждан», который размещается на информационном портале openbudget.uz. Данные об исполнении Госбюджета публикуются в соответствии со стандартами Государственной финансовой статистики МВФ (GFS), повысилась роль Кенгашей и хокимиятов в формировании местных бюджетов¹.

Стратегией определены шесть основных направлений дальнейшего совершенствования системы управления государственными финансами Узбекистана на 2020–2024 годы:

- разработка основ среднесрочного бюджетирования и внедрение новой системы формирования ежегодного бюджета, ориентированного на результат;
- повышение институционального потенциала и ответственности участников бюджетного процесса для обеспечения надежности макрофискальных прогнозов;
- повышение полномочий и подотчетности бюджетных распорядителей и органов местного самоуправления в области бюджета и усиление их ответственности;
- оценка фискальных рисков, учет финансовых активов и обязательств, а также внедрение эффективной системы управления;
- укрепление финансовой дисциплины путем унификации стандартов бюджетной отчетности, совершенствования системы внутреннего контроля и аудита, а также усиления парламентского и общественного контроля над бюджетным процессом;
- обеспечение прозрачности, полноты бюджетной информации и ее соответствия международным стандартам.

Роль государства в управлении финансами приобретает ключевое значение. От этого во многом зависят дальнейшее развитие страны, судьба социально-экономических реформ, перспективы создания экономической системы, которая обеспечивает динамический и эффективный рост экономики и достойный уровень благосостояния народа.

Надежность финансовой системы имеет огромное социально-экономическое значение для каждого государства. Состояние финансовой системы затрагивает материальные интересы почти каждого члена нашего общества, ущемление которых с неотвратимостью вызывает серьезные негативные политические, социальные и экономические последствия, способные расшатать основы общества².

От эффективной работы и надежности финансовой системы в значительной степени зависит успех в преодолении экономического кризиса, снижении инфляции и в росте финансовой стабилизации. Неслучайно процесс экономических преобразований во всех странах с

¹ <https://review.uz/post/uzbekistan-optimiziruuet-upravlenie-gosudarstvennmi-finansami>.

² https://works.doklad.ru/view/ypma_qTU5gU/all.html.

трансформационной экономикой начинался именно с финансовой системы.

Таким образом, регулирование и осуществление контроля за государственными финансами является важным направлением финансовой политики государства. Управление государственными финансами подразумевает под собой планирование, распределение и контроль за целевым и эффективным использованием бюджетных средств, а также рациональным выполнением своих задач и функций государственных органов.

Для решения ключевых проблем в бюджетной системе, необходимо в дальнейшем совершенствовать нормативно-правовую базу с учётом современных реалий, ведение мониторинга и учёта финансовых активов и обязательств государства, учитывать все риски при осуществлении бюджетно-налоговой политики и изменений в налоговых ставках, совершенствование процесса подготовки бюджета, внедрять устойчивые методы учета в государственном секторе и надлежащие государственные механизмы внутреннего контроля и аудита, которые будут способствовать укреплению данной области, повышать прозрачность бюджета и расширять доступ к данным по государственным финансам.

Список использованной литературы

1. Закон Республики Узбекистан «О государственном бюджете Республики Узбекистан на 2022 год» № ЗРУ-742 от 30 декабря 2021 года.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению исполнения Закона Республики Узбекистан «О государственном бюджете Республики Узбекистан на 2022 год»», от 30.12.2021 г. № ПП-73.
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24.08.2020г. № 506 о «Стратегии совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020–2024 годы».
5. Барулин С. В. Финансы: учебник. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2011. С. 134.

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мансуров Мансур Алишерович, PhD, доцент
“Корпоратив бошқарув” кафедраси мудири
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги

Давлатнинг жамият олдидаги асосий вазифаларини бажаришдаги ролини оширган ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет харажатлари ва молиявий оқимлар ҳаракатлари устидан самарали назоратни таъминлашга хизмат қиладиган замонавий молия тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон молия тизимини ислоҳ қилиш шароитида унинг институционал-инструментал таъминотини хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашуви юз беради, бу ҳол иқтисодийнинг эркинлашувига қараб молиявий муносабатларнинг туб моҳиятининг ўзгаришига олиб келади.

Давлат молияси тизимида муҳим ўринни жорий йилдаги давлат молиявий режасини амалдаги қонунчилик асосида қабул қилинадиган давлат бюджети эгаллайди. Давлат бюджети пул маблағларининг ягона фонди шаклида унга келиб тушадиган даромадлар фақат харажатларни қоплашга йўналтирилишини ўзида акс эттиради. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, давлат бюджети пул маблағларининг умумдавлат фондини шакллантириш ва тақсимлаш режаси муддати ва ҳажмига кўра ўзаро боғланган давлат даромад ва харажатларининг бўлишини тақазо этади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, ғазначиликнинг молиявий ресурсларини батафсил ҳисобга олишнинг барча босқичларида иштирок этиши бюджетнинг мувазанатлашганлиги тамойилини амалга ошириш, мавжуд макроиқтисодий вазият шароитида прогноз қилиш жараёнида юзага келадиган номутаносибларнинг ўрнини қоплаш имконини беради. Ғазначиликнинг иштироки прогноз қилинаётган ресурс базасидан келиб чиқиб мазкур даврда устувор бўлган йўналишларни ва давлат бюджетини молиялаш ҳажмини тўғри ва аниқ белгилаш имконини беради.

Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар

Кўпгина тадқиқотчилар давлат бюджети ғазна ижросини турли нуқтаи назардан ва ҳар хил муҳитда ўрганишган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра бюджет иқтисодий восита сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сон ва сифат жиҳатдан таъсир этади. Шундан келиб чиқиб Т.Эшназаров “бюджет” тўғрисидаги тушунчани қуйидагича талқин қилади: “Давлат бюджети - бу иқтисодий категория сифатида, жамиятнинг маълум бир даражадаги талабларини қондириш мақсадида давлат ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги давлат пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш тақсимлаш ва ишлатиш жараёнидаги молиявий муносабатлардир” [1].

Хусусан, Акперов И.Г. “замонавий шароитда бюджет - нафақат қонун сифатида тасдиқланадиган ягона режали ҳужжат балки давлатнинг ягона молиявий сиёсати асосида молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш, молия хўжалик тизими ташкил қилинадиган асос ҳисобланади” – деб ҳисобласа [2], Шуляк И.Н. ва Белотелов Н.П.лар бюджетни амалдаги молиявий тушунчалар бирлиги сифатида акс эттиради [3]. Шу билан бир қаторда Россиялик олима Родионова В.М. “Давлат бюджети – бу жамият ва унинг ҳудудлари талабини қондириш мақсадида давлат қўлида йиғилган миллий даромадни қайта тақсимлашнинг иқтисодий формасидир” деган фикрни билдирса, Европалик олимлар Питер Этрилл ва Эдди Маклейнининг фикрича: “Бюджет – бу келажак учун молиявий режа. Уни

ишлаб чиқишда турли меъёрлардан фойдаланилади. Ушбу меъёрлар – бу бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки истеъмол қилинган ресурслар бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни ифодаловчи табиий ва нархий кўрсаткичдир” [5]. Профессор Маликов Т.С. эса “Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар билан давлатнинг молиявий режасидан иборат” деб таъриф беради [6].

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан қабул қилинаётган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги қонуни билан Давлат бюджети ёрдамида тўпланган пул маблағлари молиявий механизмлар орқали давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий функцияларни бажариш учун сарфланади [7].


Бизнингча бюджет жараёнининг юқорида таъкидлаб ўтилган бирлиги бюджетнинг иқтисодий категория сифатида туб моҳиятини англатиб, унинг қайта тақсимлаш воситаси эканлигини ҳам очиб беради. Амалиётда бу ҳолат бюджет пул маблағларини сарфлашда кўринади.

Шундай қилиб бюджетни, қайта ишлаб чиқариш жараёнига туртки берувчи, ижтимоий дастурларни, ижтимоий товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиётини рағбатлантириш, структуравий муаммоларни ечиш, давлат мудрофаасини таъминлаш ва давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириш имкониятини яратиб берадиган муҳим зарурият ҳамда восита деб қараш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат бюджети ҳар қандай ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) йирик қисмини қайта тақсимлаш воситаси ҳисобланади: Жумладан, Японияда – 1/3 қисми, Нидерландия, Норвегияда – 1/2 қисми, Швецияда – 2/3 қисми, Россияда – 1/3 қисми ҳамда Германия бюджетнинг 46 фоизини, Словения бюджетининг 49,8 фоизини, Испания бюджетининг 56,7 фоизини қайта тақсимлайди. 2020 йилда эса бу мамлакатларнинг бюджет харажатларини ЯИМдаги улуши жумладан, Японияда 38,7 фоизни, Нидерландияда 48,1 фоизни Норвегияда 58,4 фоизни, Швецияда 52,9 фоизни, Германияда 51,1, Россияда 39,5 фоизни, Словенияда 52,0 фоизни ва Испанияда 52,3 фоизни ташкил қилмоқда [11]. 2016 йилда эса бу рақамлар 36-45 фоиз атрофида қайт этилган. [7]

Ўзбекистонда Давлат бюджети орқали ЯИМнинг 35-40 фоизи, миллий даромаднинг эса 1/3 қисмига яқини қайта тақсимланган [13]. Ёки 2019 йилда консолидациялашган бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши 31,3 фоизни ташкил этган [14] бўлса 2020 йилда COVID-19 пандемияси шароитида 31,8 фоизни ташкил этган, Давлат харажатлари давлат мақсадли жамғармалари квазифискал харажатлар билан бирга ЯИМда 40 фоиздан кам эмас (Жаҳон банки 2019) [15].



1-расм. ЕИ мамлакатларининг бюджет харажатларини ЯИМдаги улуши

Мамлакатимизда давлат бюджети даромадларининг (мақсадли жамғармаларсиз) 2013-2020 йиллардаги ғазна ижросини таҳлили кўйидагиларни кўрсатди.

2020 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси 132 938,0 млрд. сўмни ташкил қилган ва 2019 йилдагига нисбатан 118,5 фоизга ўсган. 2015 йилга нисбатан уч борабардан ортиқ (364,2 %) 2013 йилга нисбатан эса беш борабардан (506,9 %) ортиқ ошганлиги кўрамиз. Даромадларнинг Ялпи ички маҳсулотдаги (кейинги ўринларда-ЯИМ) улушини 2013 йилга нисбатан ўсиши 104,0 фоизни, 2015 йилга нисбатан 107,5 фоизни, 2019 йилга нисбатан эса 104,5 фоизни ташкил қилиб уни ўсиш тенденциясини кўрамиз. 1-жадвалда 2013-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан тенденцияси ва уларнинг ҳажми келтирилган.

1-жадвал

2013-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан ўсиш тенденцияси ва ҳажми¹

Кўрсаткичлар	Ижро қилиш, млрд. сум					ЯИМ ҳажмига нисбатан %				
	2013	2015	2017	2019	2020	2013	2015	2017	2019	2020
Ялпи ички маҳсулот	118986,9	171369,0	249136,4	511800,0	580200,0	100	100	100	100	100
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) – жами	26223,2	36493,3	49684,8	112165,4	132938,0	22,0	21,3	20,0	21,9	22,9
Бевосита солиқлар	6353,7	8 798,4	11538,9	31676,8	45206,9	5,3	5,2	4,6	6,2	7,8

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

Билвосита солиқлар	13398,6	19193,8	26133,6	46427,3	46428,4	11,4	11,2	10,5	9,1	8,0
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3888,2	4816,1	6867,4	19680,7	21257,0	3,3	2,8	2,8	3,8	3,7
Бошқа даромадлар	2582,7	3685,0	5144,8	14380,7	20045,8	2,2	2,1	2,1	2,8	3,5

Жадвалдан кўриниб турибдики, бевосита солиқларнинг ўсиши 2020 йилда 2015 йилга нисбатан беш борабар (513,8%), 2013 йилга нисбатан эса етти борабар (711,5%) ўсиши билан унинг ЯИМдаги ҳажми 2015 йилда 150,0 фоизга ва 2013 йилда эса 147,2 фоизга ошган. Шу билан бир қаторда билвосита солиқлар 2020 йилда 2015 йилга нисбатан икки боробардан (241,8%) ортиқ, 2013 йилга нисбатан эса уч борабардан (346,5) ортиқ ўсган ва билвосита солиқларнинг ўсиши бевосита солиқларга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Бу ўз навбатида солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларва бюджет даромадларини ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингани билан изоҳланади.

Ислохотлар натижасида айланма маблағдан олинган солиқлар бекор қилинди, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси 22,5 фоиздан 12 фоизга туширилди, суғурта бадали ва давлат жамғармаларига мақсадли ажратмалар бекор қилинди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Юридик шахсларнинг мол мулкига солинадиган солиқ беш фоиздан икки фоизга туширилди. Ягона ижтимоий тўлов кичик короналар учун ўн беш фоиздан ўн икки фоизга, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналаридан ташқари йирик корхоналар учун ўн икки фоизгача камайтирилди. Солиқ юкини тенг тақсимланиши натижасида ҚҚС тўловчилар сони 2016 йилга нисбатан 17,3 боробарга, фойда солиғи тўловчилари 15,2 боробарга ва ер солиғи тўловчилари эса 38 боробарга ошган.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар

I. Қуйидаги тамойиллар бюджетнинг ғазна ижроси тизимининг ўзига хос яъни, бюджет маблағларини самарали бошқариш, бюджет маблағлари сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, бюджет маблағларини шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг шаффофлиги хусусиятларини белгилаб беради деб ҳисоблаймиз:

– тасарруф этиш ва касса операцияларини бюджет ижроси иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

– барча даражадаги бюджетларни ижро этишда ҳуқуқий ва ахборот стандартларининг ягоналиги;

– ягона бюджет таснифи ва бюджет ҳисоботлари шакллари қўллаш асосида бюджетларнинг шаффофлиги;

– бюджет даромадлари ва харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

– бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги.

II. Давлат бюджети даромадларида қўшилган қиймат ва акциз солиқларини улушини жаҳон стандартларига келтириш ҳамда бевосита солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

III. Норматив ажратмаларини белгиламай туриб маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш механизмини амалда қўллаш маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш ҳамда ижро этиш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2012.
2. Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П.. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. Кнорус. Москва. 2015. 10-ст.
3. Шуляк И.Н., Белотелов Н.П. таҳрири остида. 3-нашри, М.: Экономистъ, 2006-С. 116
4. Питер Этрилл, Эдди Маклейни. Финансы и бухгалтерский учет для неспециалистов. Учебник. Алпино Паблишер-2007. (312-бет)
5. Маликов Т.С. Давлат бюджети .Ўқув қўлланма. Тошкент 2007. (83-бет.)
6. Приоритеты государственного регулирования экономики. Ростов-на-Дону: СКАГС, 1998. (С.34.)
7. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета Е.С. Диссертация. Москва - 2011
8. <https://www.rbc.ru/economics/23/03/2021>
9. <https://ru.tradingeconomics.com>
10. <https://yury-st.livejournal.com/293354.html>
11. Чепель С.В. и др. “Макроэкономика”. – М.: 2007. С. 22-39.
12. <https://mineconomy.uz>. Экономическое обозрение №1 (251) 2021
13. Нозимжон Ортиков, Ферузбек Давлетов. Бюджетный дефицит в оптимизации. Ж: Экономическое обозрение №1 (251) 2021.
14. Мансуров М.А. Основные факторы развития государственной финансовой системы. “Новый университет”. Россия:-07-08, 2014 .
15. Sheraliyevich, Tulqin Eshnazarov, and Mansurov Mansur Alisherovich. "BANKING AND CREDIT FACILITIES FOR IMPROVING THE TREASURY SYSTEM." American Journal of Economics and Business Management 1.3 (2018): 16-25.
16. Mansurov M. A. Functional Model of Improving the Treasury System in Budget Execution //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 4. – С. 1-7.

ПЕРСПЕКТИВЫ УВЕЛИЧЕНИЯ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Ташматова Рано Гаибовна

доцент кафедры «Финансы-кредит»
Ташкентский финансовый институт

Аннотация: В тезисе рассмотрены вопросы формирования доходов государственного бюджета. Изучены источники формирования и основные направления повышения устойчивости и увеличения доходов бюджета. Исследованы основные направления, позволяющие выявить направления увеличения доходов государственного бюджета.

Ключевые слова: бюджеты всех уровней, доходы бюджета, налоги, налоговые ставки, государственное регулирование, состав бюджетных доходов, налоговая политика, резервы роста доходов.

Формирование доходной части государственного бюджета определяет направление и эффективность государственной политики любой страны, обеспечивая должный уровень развития социально-экономической сферы, развитие инфраструктуры, расширение сферы деловой активности населения.

На сколько эффективно и своевременно будет осуществляться формирование доходной части бюджетов, тем эффективнее будет организована государственная политика страны в отношении осуществления ее основных функций. Доходы государственного бюджета выражают экономические отношения, возникающие у государства с организациями, предприятиями и гражданами в процессе формирования бюджетного фонда страны в соответствии с законодательством каждой конкретной страны и служат финансовой базой государства, что является немаловажным аспектом для финансовой системы и экономики страны.

В формировании и развитии экономической и социальной структуры общества большую роль играет государственное регулирование, которая осуществляется в рамках принятой политики.

Доходы бюджета создают материальную основу существования самого государства, используются для покрытия потребностей в средствах, для выполнения возложенных на него функций. Они рассматриваются как фактор, влияющий на совокупное потребление путем оказания влияния на уровень доходности социальных групп и виды деятельности. Доходы бюджета воздействуют на хозяйственную активность, на объемы выпускаемой продукции и техническое оснащение производства, на равновесие цен, на отраслевое и территориальное размещение инвестиций.

Регулирующие возможности бюджетных доходов имеют определенные пределы. Высокий уровень изъятия денежных средств у предприятий и населения ведет к падению хозяйственной активности,

уменьшению потребительских расходов, снижению совокупного спроса на рынке, что, соответственно, способствует падению объемов выпускаемой продукции, повышению цен, уменьшению реально произведенного валового национального продукта. Тем не менее, необходимость увеличения доходов бюджетов является важным направлением деятельности любого государства.

Доходы бюджета возникают в результате распределения стоимости ВВП. Главный их материальный источник — национальный доход. Состав бюджетных доходов, их структура связаны с объемами общественного производства и национального дохода и определяются финансовой политикой государства.

Само понятие доходов государственного бюджета можно охарактеризовать как централизованные финансовые ресурсы государства, отражающие в себе совокупность экономических (финансовых) отношений, возникающих в процессе формирования денежного фонда страны и необходимых для выполнения государством своих функций и задач.

Доходы бюджетов различных уровней в совокупности определяют направление и эффективность государственной политики любой страны, обеспечивая должный уровень развития социально-экономической сферы, развитие инфраструктуры, расширение сферы деловой активности населения.

Поэтому использование бюджетных средств, относясь к компоненту финансовой системы, порождают общественные отношения, которые определяют систему расходов бюджета. На сколько эффективно и своевременно будет осуществляться формирование доходной части бюджетов, настолько эффективно и качественно будет организована государственная политика страны в отношении осуществления ее основных функций.

В данном контексте нужно отметить, что в стране проводятся реформы, направленные на дальнейшее обеспечение эффективного функционирования государственного бюджета, в частности, определены задачи относительно оптимизации формирования доходной части государственного бюджета.

Эффективное развитие экономики в целом в стране, формирование и расширение деловой активности населения во многом зависит от научно-обоснованной налоговой и бюджетной систем, способных отразить сформированные в этом аспекте общие закономерности и особенности определенной страны.

В качестве резервов роста доходов бюджетов бюджетной системы в этом случае предлагается обозначить дополнительные поступления в бюджеты бюджетной системы, вызванные увеличением доходного потенциала территории, а также мерами, направленными на его

максимизацию.

Формирование средств Государственного бюджета страны должно осуществляться исходя из его реальных потребностей. Государственные реформы по укреплению доходности бюджета включают в себя ряд нововведений, в частности, переход на среднесрочное бюджетное планирование и коренные изменения в налоговой системе страны, предусматривающие достижение дальнейшего максимально положительного результата.

Комплексная реализация мероприятий позволит создать условия для расширения доходного потенциала территорий, выявить резервы роста доходов региональных бюджетов, повысить их сбалансированность и устойчивость, а также создать финансовую основу, необходимую для обеспечения социально-экономического развития, повышения уровня жизни граждан.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Шарапова Машҳура Азадовна

*PhD, доцент в.б. “Молия-кредит” кафедраси
Тошкент молия институти*

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини молиялаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларда малакали кадрлар тайёрлашга эришишда таълим тизимини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаш, умумтаълим мактаблари моддий-техника таъминотини яхшилаш давлат бюджети маблағлари билан биргаликда хусусий сектор ва уй хўжалиги маблағларини сафарбар этиш, халқ таълими тизимига сарфланаётган маблағлар натижадорлигига эришиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида қабул қилинган “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси”¹да халқ таълими тизимини янада ривожлантириш мақсадида “мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2

¹ Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони, <https://lex.uz/uz/docs/5841077>

миллион ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш, малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш”¹ масалаларига эътибор қаратилган .

Халқ таълими тизимида мавжуд молиявий муаммоларнинг олдини олиш ва профилактика ишларини таъминлаш мақсадида давлат молиявий назорати ролини оширишни тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори² қабул қилинди. Ушбу қарорда умумий ўрта таълим муассасаларининг бухгалтерия хизматлари фаолияти тугатилиб, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлиги ва унинг буйсунувидаги бошқармаларда Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди. Қайд этилган назорат тизими жорий этилганлигига уч йил бўлишига қарамасдан, халқ таълими тизимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ханузгача кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат натижасида 2018-2019 йилларда халқ таълими тизимида 192,2 млрд. сўм молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган³, шунингдек 27,1 млрд. сўм ёки жами хато ва камчиликлар суммасининг 14,1 фоизи ўрганиш жараёнида бартараф этилган.

Халқ таълими тизимида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақига ажратилган маблағлар жами харажатларнинг 27,3 фоизини (52,5 млрд.сўм) ташкил этиб, асосланмаган ҳолда ишламаган шахсларга ҳам маош тўлаш, бажарилмаган ишлар учун ҳам ҳақ тўланганлиги ва малака категориялари ҳақида сохта сертификатлар бўйича, ортиқча устама ҳақ ва мукофот пуллари тўланганлик натижасида талон-тарож қилинган.

2020 йилда жами 69,8 млрд. сўм иш ҳақидан ўғирлик, ўзлаштириш ва ортиқча тўловларга йўл қўйилганлик ҳолатлари, шунингдек бундан ташқари, ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича 84,3 млрд. сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича бошқа ноқонуний харажатлар; 38,7 млрд. сўм “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига зид равишда амалга оширилган харидлар; 24,1 млрд. сўм хатлов натижасида аниқланган камчиликлар; 3,9 млрд. сўм бошқа хато ва камчиликлар аниқланган.

¹ “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси”, 41-43-мақсадлар. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3323258>

³<http://www.ach.gov.uz/uz> - Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг расмий сайти маълумотлари.

Шу давр мобайнида жами 220,8 млрд. сўм (шундан Ҳисоб палатаси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар натижасида 110,9 млрд. сўм ёки 50,1 фоиз) миқдоридаги молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган 396 та ҳолат бўйича 149 млрд.сўмлик ҳужжатлар тўплами қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилган.

Шу билан бирга, амалга оширилган профилактика ишлари натижасида 135 млрд.сўмлик молиявий хато ва камчиликларнинг олди олинган ва бартараф этилган.

2021 йил давомида эса тизим таълим муассасаларида 91,1 млрд. сўмлик молиявий хато-камчиликлар, шундан 27,1 млрд. сўм (жами молиявий хато ва камчиликларнинг 30 фоизи) маблағ ўзлаштирилганлиги аниқланди. 2020 йилнинг ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан жами қонунбузилиш ҳолатлари (228,3 млрд. сўм) 1,5 бараварга, камомад ва ўзлаштириш ҳолатлари (70,7 млрд. сўм) 2,6 бараварга камайган.

Таркибида жиноят аломатлари бўлган 161 та 76 млрд. Сўмлик ўрганиш материаллари ҳуқуқий баҳо бериш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органларига тақдим этилган¹.

Юқоридагилар билан бир қаторда халқ таълими тизимида мактаблар ҳолати, ўқувчилар қамраб олиниши билан боғлиқ бир қатор муаммолар ечимини топиш молиявий маблағлар билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан:

– чекка ҳудудлардаги бир қатор мактаблар тўлиқ реконструкция ва капитал таъмирга муҳтож. Уларнинг кўпчилиги 35-45 йиллар давомида капитал таъмирланмагани, жорий таъмир учун ҳам маблағлар чекланган миқдорда бир неча йил аввал ажратилган ёки чекка туманлардаги мактаблар филиаллари мақоми сабабли улар кўпинча капитал ва жорий таъмирлаш бўйича дастурлардан тушиб қолган;

– мактабларда жисмоний тарбия дарслари ўтиш ва ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун спорт заллари мавжуд эмас;

– мактаб ҳудудининг атрофи ўралмагани натижасида ўқувчи-ёшлар хавфсизлиги етарлича таъминланмаган;

– мактабда таълим олувчилар сони мактаб сиғимидан 50 фоизга ортиқ. Бунинг натижасида ўқув жараёни икки ёки уч сменада ташкил этилмоқда, бу, албатта, таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатади;

– мактаблар фаолиятини тегишли даражада йўлга қўйиш учун оддий маиший шароитлар мавжуд эмас.

Халқ таълими тизимига оид қонунчиликда камчиликлар мавжудлиги умумий ўрта таълимни бошқариш соҳасидаги, мактабларнинг моддий-техник таъминоти соҳасидаги, халқ таълими тизимини молиялаштириш соҳасидаги камчиликларни юзага келтиради. Ушбу муаммоларни бартараф

¹ <https://uzedu.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги расмий сайти маълумотлари.

этиш мақсадида ушбу тизимни молиялаштиришдаги маблағларни самарали ва шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, умумтаълим мактабларини молиялаштириш ва уларда молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига, шунингдек, ёш авлодни пухта билим олишига имконият яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқ таълими тизимида иш ҳақи, устамалар босқичма-босқич оширилиб борилмоқда. Шу билан биргаликда, иш ҳақи билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари иш ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиш, ишламаган ходимларга ҳақ тўлаш, меҳнат таътиллари, рағбатлантириш, туғруқгача ва туғруқдан кейинги таътил, касаллик варақаси бўйича нотўғри ҳисоб-китоб қилиш натижасида юзага келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида дастлабки назоратни тўғри йўлга қўйиш лозим. Амалда қўлланилаётган “УзАСБО” дастурий мажмуасида камчиликларга йўл қўйилмаслик мақсадида уни доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур. Шунингдек, назорат натижасида аниқланган ҳолатларни олдини олиш мақсадида Халқ таълими тизимини бошқариш бўйича ягона электрон дастурий мажмуа ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бюджет маблағларидан фойдаланишда ноқонуний фаолиятнинг мавжудлиги, амалиётда бюджет маблағларини талон-тарож қилиниш ҳолатлари кузатилаётганлиги ушбу маблағлардан фойдаланаётган ваколатли вазирлик ва идораларнинг масъулиятини ошириш ҳамда жавобгарлигини таъминлашни тақозо этмоқда, бу борада республика бюджетидан ажратилаётган марказлашган бюджет маблағлари Халқ таълими вазирлиги орқали сарфланишини назорат қилишда ички аудит хизматларининг мустақиллигини ошириш зарур.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХАРАЖАТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Шарапова Машҳура Азадовна
PhD, доцент в.б. “Молия-кредит” кафедраси
Тошкент молия институти

Келажак авлоднинг пухта билим олишини таъминлаш уларни нафақат шахсий ҳаётида, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўлишлари таъминлайди ва бу масалага давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда. Мамлакат учун давлатдаги таълим тизимининг қай ҳолатда эканлиги ва келажакда қандай кадрлар тайёрланиши муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ўрта

умумий таълимга эътибор қараатиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга зарурат туғилган бугунги кунда ушбу долзарб масала хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирди: “Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ. Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак»¹.

Жаҳонда узлуксиз таълим тизимини молиялаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларда малакали кадрлар тайёрлашга эришишда таълим тизимини молиялаштиришни режалаштириш, молиялаштириш манбаларини гуруҳлаш, сарфланаётган маблағлар натижадорлигига эришиш йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Молиялаштириш деганда тор маънода пул маблағлари, молиявий ресурслар билан таъминлаш тушуниладиган бўлса, кенгроқ маънода белгиланган мақсадга эришиш ёки фаолиятни амалга ошириш учун молиявий таъминлашни, яъни молиявий ресурслар ажратишни тушунишимиз мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар ўзларининг иқтисодий адабиётларида “Молиялаштириш иқтисодиёт субъекти фаолиятининг пул билан таъминлашнишидир ва улар бир нечта усуллар орқали амал қилади”² дея талқин қилганлар бўлсалар, Т.Маликов ва Н.Ҳайдаровлар “Молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тақдим этиш тушунилади.” деган фикрни илгари сурдилар³.

Юқорида қайд этилган илғор хорижий мамлакатларда таълим тизими бюджетини режалаштириш ва молиявий мабалағларни тақсимлашда норматив кўрсаткичлар асосида молиялаштириш, норматив-жон бошига молиялаштириш ва жон бошига ваучер молиялаштириш методларидан фойдаланилади (1-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси <http://uza.uz/oz/politics/maktab-talimini-rivozhlantirish-umumkhal-arakatiga-aylanishi-23-08-2019>

² Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ. 2014. 409-бет.

³ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма / Тошкент Молия институти. – Т.: “ИҚТИСОД–МОЛИЯ”, 2007. 84 бет.

**Таълим харажатларини режалаштириш ва бюджетдан
молиялаштириш усуллари¹**

Мамлакат	Режалаштириш ва молиялаштириш усуллари
Буюк Британия	Бюджет маблағлари жон бошига молиялаштириш орқали ажратилади. Молиялаштириш ҳажмига таъсир кўрсатувчи асосий кўрсаткич бўлиб ёш бўйича ўқувчилар сони ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳисобланади.
Германия	Жон бошига молиялаштириш, яъни бунда бюджет маблағлари жон бошига ажратилади ва харажатлар нормативлари деярли ҳисобга олинмайди.
Италия	Норматив-жон бошига молиялаштириш. Таълим учун бюджет харажатлари ҳар бир ўқувчига сарфланадиган меъёрлар бўйича ажратилади.
Hozirgi kunda mamlakatimizda misli ko'rilmagan darajada o'zgarishlar sodir bo'lmoqda. Moliya, soliq, bank sohasidagi bir qancha o'zgarishlar, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi o'rni, uning rivojlanishi, aholi daromadlarining ortib borishi, YaIMning o'sish sur'atlari yaxshilanishi uchun bu darajadagi islohotlar zarurdir. Shu o'rinda ¹shuni takidlash kerakki, moliya va soliq tizimidagi islohotlarni takomillashtirilish ham muhim hisoblanadi.

Birinchidan, byudjetdan ajratiladigan mablag'lar bilan rivojlantirish dasturlari o'rtasida bog'liqlik yo'q, byudjet mablag'laribyudjet resurslarini qayta taqsimlash mexanizmlarining past darajada rasmiylashtirilishi hamda moliyalashtiriladigan tadbirlar va yo'nalishlarni tanlashning aniq mezon va tartiblari mavjud bo'lmagansharoitda o'tgan yillardagi byudjet mablag'larini indeksatsiya qilish asosida taqdim² etiladi. Byudjetni rejalashtirishning amaldagi tizimi yillik byudjetning balanslashgan ijrosiga yo'naltirilgan. Biroq makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish 48 dasturlarini amalga oshirish, soliq-byudjet siyosatining oldindan ko'ra bilish nuqtai nazaridan yillik rejalashtirishning salohiyati juda cheklangan. Byudjet mablag'larini taqsimlovchilar va oluvchilar o'zlarining istiqbolli rejalarini rejalashtirilgan yildan ortig'iga prognozlashtiraolmaydi.

¹ Karimov. I. A Bosh maqsadimiz keng ko'lamli islohotlar va modernizatsiya yo'lini qat'iyat bilan davom ettirish T. ; "O'zbekiston", 2020-yil 64-bet

² .O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini taraqqiyot stratetegiyasi"gi PF-60 28.01.2022sonli Farmon

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-dekabrda Parlamentga yo‘llangan murojaatnomasiida byudjet tizimini qayta ko‘rib chiqish, byudjet daromadlari va xarajatlarining oshkoraligini ta‘minlash, byudjet sohasida qarorlar qabul qilishda aholining manfaatlariga alohida e‘tibor berish zarurligini ta‘kidlagan edi. ¹O‘tgan yilda joylardagi davlat boshqaruv organlarining mahalliy byudjetlarini shakllantirishdagi vakolatlarini, ularning mahalliy byudjetlarning daromadlar bazasini kengaytirish va zaxiralarini aniqlashdan manfaatdorligi va javobgarligini oshirish, shuningdek shaffoflik va byudjet jarayoni ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, byudjetdan moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish va byudjet intizomini mustahkamlash hamda davlat byudjet barqarorligini ta‘minlashga qaratilgan amaliy chora tadbirlar qabul qilindi. Shu bilan birga, amaldagi davlat moliyasi tizimini zamonaviy talablarga javob bermasligi va olib borilayotgan byudjet siyosatiga o‘rta muddatli davrda qabul qilingan davlat dasturlari bilan bog‘liq byudjet xarajatlariga ob‘ektiv ishonchli baho berishimkon bermasligi ²va byudjetdan rejalashtirishning xalqaro e‘tirof etilgan usullari kam joriy etilganligi konsepsiyada aytib o‘tilgan

Shu bilan birga, mavjud soliq tizimi zamonaviy talablarga javob bermasligi, u, xususan, biznes yuritish uchun eng qulay shart-sharoitlarni ta‘minlash, kengaytirish va ishlab chiqarishni modernizatsiyalashni rag‘batlantirish, iqtisodiyotni yanada rivojlanishiga yo‘l qo‘ymasligi aytib o‘tilgandir. Shu bilan birga soliq tizimini isloh qilish konsepsiyasida quyidagi muammolar ko‘tarilib o‘tilgandir:

– xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar uchun soliq yukining darajasi juda yuqori (O‘zbekistonda bu ko‘rsatkich MDHning aksariyat mamlakatlariga nisbatan yuqoridir), bu ayirboshlash sohasida daromadlarini olish imkonini beradi;

– soliq hisoblash uchun maxsus qoidalar ko‘p sonli ekanligi biznesda soliq yuki va operatsiya xarajatlarini amalga oshirish soliq qonunchiligi bilan ta‘minlanganligi, soliq solishning soddalashtirilgan ³tizimi kam ekanligi, shu jumladan soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni hisoblash murakkab tizimda ekanligi;

– yalpi ichki mahsulotda kichik biznes ulushi 50 foizdan ortiqligi ammao solikli daromadlari tarkibida soliqlarni eng hyirik ulushini yirik korxonalar tashkil qilishiya‘ni yirik tadbirkorlar va kichik tadbirkorlar o‘rtasida soliq yukining noteks taqsimlanganligi;

– maqsadli davlat jamg‘armalariga turli xil to‘lovlar mavjudligi, bu ularning soliqqa tortilishiga olib keladi, soliq yukining ortishiga olib keladi;

¹ Malikov T.S., Jalilov P.T., Byudjet-soliq siyosati: monografiya, O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta mahsus ta‘lim vazirligi, Toshkent moliya instituti.-T.Akademnashr, 2011. – 472 b

² Malikov T.S. Moliya: O‘quv qo‘llanma / O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi.-T.: “Iqtisod-moliya”, nashriyoti, 2018 y. – 268b

³ Patrick Kelly, Cassandra Rohland - The United States federal budget project - UMass Lowell, 1 University Avenue, Lowell, MA 01854, USA. Received 30 September 2015, Revised 14 September 2021, Accepted 15 September 2021, Available online 1 November 2021

– yuridik shaxslarning mol-mulkiga soliq solishning hozirgi tizimi kapital mablag‘lari va infratuzilmaga investitsiyalarni cheklaydi, shuningdek kapitalni talab qiladigan tarmoqlarning xarajatlarini ko‘paytirishga olib keladi;

Foydalanilgan adabiyatlar ro‘yxati

1. Mirziyoyev. Sh. M. Bosh maqsadimiz keng ko‘lamli islohotlar va modernizatsiya yo‘lini qat‘iyat bilan davom ettirish T. ; “O‘zbekiston”, 2020-yil 64-bet
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini taraqqiyot strategiyasi”gi PF-60 28.01.2022sonli Farmon
3. Malikov T.S., Jalilov P.T., Byudjet-soliq siyosati: monografiya, O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta mahsus ta‘lim vazirligi, Toshkent moliya instituti.-T.Akademnashr, 2011. – 472 b
4. Malikov T.S. Moliya: O‘quv qo‘llanma / O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi.-T.: “Iqtisod-moliya”, nashriyoti, 2018 y. – 268b
5. Patrick Kelly, Cassandra Rohland - The United States federal budget project - UMass Lowell, 1 University Avenue, Lowell, MA 01854, USA. Received 30 September 2015, Revised 14 September 2021, Accepted 15 September 2021, Available online 1 November 2021

PANDEMIYADAN KEYIN SOLIQ TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH BO‘YICHA ISLOHOTLAR TAHLILI

Mirzayeva Fotima Mirraximjonovna

*O‘zbekiston Respublikasi Davlat qo‘mitasi huzuridagi
Fiskal institut tayanch doktoranti*

***Annotatsiya:** Maqolada pandemiyada va keyingi soliq siyosatidagi o‘zgarishlar tahlil qilingan. O‘zbekiston Respublikasining adolatli soliq siyosati pandemiya ta’siri yumshatishdagi o‘rni raqamlarda keltirib o‘tilgan. Mavjud muammolar yuzasidan takliflar shakllantirilgan.*

***Kalit so‘zlar:** soliq siyosati, soliq ma‘murchiligini raqamlashtirish, elektron hisob faktura, soliq imtiyozlari.*

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. 2019 yil 14 dekabrda mamlakatimizda adolatli, soddalashtirilgan soliq siyosatini ko‘zda tutuvchi O‘zbekiston Respublikasining 599-sonli Soliq kodeksi to‘g‘risidagi qonuni imzolandi hamda 2020 yil 1 yanvardan kuchga kirdi. Ammo jahon miqyosida 2020 yil 16 martdan boshlangan koronavirus pandemiyasi nafaqat soliq sohasida yangi imtiyozlarni joriy qilish, balki amaldagi soliq tizimining qanchalik samarali ishlashiga e’tibor qaratishga sabab bo‘ldi. Koronavirus infeksiyasi ham milliy iqtisodiyotlarga, ham jahon iqtisodiy munosabatlarining butun tizimiga jiddiy zarba berdi, “katta karantin” fonida ishlab chiqarish, savdo va iste‘mol hajmini qisqarishi soliq tushumiga ham ta’sir ko‘rsatdi. Shu bilan birga, daromadga solinadigan to‘g‘ri soliqlarga nisbatan egri soliqlar tushumiga pandemiya kabi ofatlarning ta’siri kam ekanligi tasdiqladi.

Shu ma'noda pandemiyadan keyingi soliq siyosatidagi o'zgarishlar tahlili ilmiy jihatdan dolzarblik kasb etadi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi. Ko'plab iqtisodchi olimlar va yetakchi mutaxassislar tomonidan pandemiyaning iqtisodiy oqibatlarini yumshatishda fiskal siyosatning ahamiyati bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borildi. D. Alm va boshqalar¹ COVID-19 kontekstidagi soliq siyosati fuqarolar tomonidan qanday qabul qilinishi, baholanishi va ularning xatti-harakatlariga qanday ta'sir qilishini ko'rib chiqadi. Ilmiy ishda OECD ma'lumotlari asosida 120 ta davlatning soliq choralari tahlil qilinadi, turli soliqlar: QQS, daromad solig'i, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i va boshqalardagi o'zgarishlar ko'rib chiqiladi, iste'mol va investitsiya faolligini rag'batlantirish bo'yicha soliq siyosati chora-tadbirlari samaradorligi baholanadi.

D. Inkxausle² Avstraliyaning moliyaviy siyosatini dinamik modellardan foydalangan holda, bir vaqtning o'zida byudjet xarajatlarini ko'paytirish va soliqlarni kamaytirishni o'rganadi. Muallif bu borada kovid pandemiyasi tugagandan so'ng ikkita muhim yo'lni tavsiya qildi. Birinchidan, ishlab chiqarishni rag'batlantirishda soliqlarni kamaytirishdan ko'ra xarajatlarni oshirish samaraliroqdir. Ikkinchidan, xarajatlar va soliqlarning bir vaqtning o'zida o'sishi ushbu siyosat ishlab chiqarishni ko'paytirish va o'rta muddatli istiqbolda davlat qarzini kamaytirish potentsialiga ega ekanligini ko'rsatadi, bu COVID-19dan keyingi moliyaviy siyosatni loyihalash ahamiyatli hisoblanadi.

Yu Mei Guo va Yun Rui Shi³ umumiy muvozanat modeliga asoslanib, Xitoyda 2018–2019-yillarda QQS stavkasini pasaytirish bo'yicha islohotlar amalga oshirilayotgan paytda pandemiya sharoitida mahalliy darajadagi fiskal yuzaga keldi. Xitoy hukumati tajribasi va XXR olimlarining so'nggi yillarda amalga oshirilgan ishlanmalaridan boshqa mamlakatlar ham foydalanishi mumkin. Xitoyning federal va mahalliy darajasida iqtisodiyotga va fiskal yukga, QQS stavkasini pasaytirishga ta'sirini o'lchash uchun mualliflar 42 ta sanoat uchun milliy ekonometrik modelni yaratdilar. Pandemiya natijasida federal va mahalliy byudjetlarga barcha soliqlar, shu jumladan QQS bo'yicha tushumlar kamaygan; umumiy ishlab chiqarishning qisqarishi; mahalliy darajada fiskal bosimning kuchayishiga olib keldi. Ilmiy izlanishlarida QQSni pasaytirish siyosati pandemiya bilan bog'liq qiyinchiliklarni yengish uchun muhim bo'lgan ta'minot iqtisodiyoti sohasidagi tarkibiy islohot kontekstidagi zarurat ekanligi haqida xulosa qilinadi. Shu sababli, Xitoyning COVID-19 davrida va undan keyin tuzilmaviy va siklik qarama-qarshiliklarini hisobga olgan holda QQS

¹ Alm J., Blaufus K., Fochmann M., Kirchler E., Mohr P. N. C., Olson N. E., Torgler B. Tax policy measures to combat the sars-cov-2 pandemic and considerations to improve tax compliance: a behavioral perspective // FinanzArchiv. 2020. N 76 (4). P. 396–428. DOI: 10.1628/fa-2020-0014.

² Inchauspe J. Fiscal policy dynamics under a consolidation constraint: evidence from a signrestricted SVAR with orthogonalized business cycle and monetary policy for Australia // Applied Economics. 2021. 53:34, 3992-4016 OI: 10.1080/00036846.2021.1893894.

³ Guo Y. M., Shi Y. R. Impact of the VAT reduction policy on local fiscal pressure in China in light of the COVID-19 pandemic: A measurement based on a computable general equilibrium model // Economic Analysis and Policy. 2021. N 69. P. 253–264. DOI: 10.1016/j.eap.2020.12.010.

islohotini chuqurlashtirish, shu bilan birga, uzoq muddatli soliqlarni kamaytirish va tariflarni qisqartirish uchun fiskal xavflardan qochish va fiskal barqarorlikni saqlash juda muhimdir.

Rus mutaxassisleri M.Lyutova va boshqalar¹ soliq siyosati iqtisodiyotni tiklashga yordam beradi, degan qarashni ilgari surdilar. Buning uchun soliq tizimlari ma'muriyat nuqtai nazaridan juda sodda bo'lishi kerak. Murakkab soliq qonunlari va ma'murchilik yo'qotishlarga olib keladi - va endi biz iqtisodiy o'sishni qayta boshlash uchun qimmatli moliyaviy resurslar haqida gapiramiz. Ikkinchidan, iqtisodiy rivojlanish uchun soliq imtiyozlaridan foydalanish lozim. Misol uchun, eksportini diversifikatsiya qilish muammosiga duch kelayotgan tabiiy resurslar eksportiga qaram davlatlar ko'proq texnologiyaga asoslangan tarmoqlarga soliq imtiyozlari berishi va maqsadli soliq imtiyozlarini bekor qilish orqali birlamchi sektor uchun soliq qo'llab-quvvatlashini kamaytirishi mumkin. Soliq siyosati iqtisodiy rivojlanish uchun resurslarni safarbar qilishning yagona vositasi emas, deb ta'kidlaydi mualliflar. Moliya tizimi ham xuddi shunday muhim rol o'ynaydi: agar u samarali faoliyat ko'rsatsa, u orqali moliyaviy resurslar eng samarali tarmoqlarga investitsiyalarga yo'naltiriladi.

Muammoni hal qilish yo'llari. Pandemiya iqtisodiy oqibatini yumshatish maqsadida davlat tomonidan 2020-yil 1-iyulga qadar iste'mol tovarlari bundan mustasno, barcha tovarlarni olib kirishda undiriladigan bojxona to'lovlari va aksiz solig'i to'lash muddati kechiktirildi. 1 iyuldan boshlab barcha xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun moddiy va boshqa resurslarni sotib olishda to'langan QQSning bir qismini ("kirish" QQS) qaytarish mexanizmi joriy etildi.

O'zbekiston rasmiylarining ta'kidlashicha, bu juda samarali chora: bu 2020-yilning uchinchi choragida tadbirkorlarga aylanma mablag'lar ko'rinishidagi qariyb 700 milliard so'm (67 million AQSh dollari)ni saqlab qolish imkonini berdi.

Soliq imtiyozlari va yengilliklarga qaramay, ikki marta joriy qilingan blokirovkalar tufayli bir necha tadbirkorlik subyektlari faoliyatini to'xtatishga majbur bo'ldi.

Aytish kerakki, pandemiya sababli soliq ma'murchiligini raqamlashtirish jadallashdi. Raqamlashtirish vositalari joriy etilgandan so'ng soliq organlariga tomonidan qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha Davlat byudjetiga 1,4 trln. so'm miqdorida zarar yetkazilganini aniqlash imkonini berdi².

Soliq xavfini aniqlovchi dasturiy ta'minot orqali xavf darajasiga ko'ra, Soliq kodeksi va me'yoriy-huquqiy hujjatlar doirasida choralar ishlab chiqilgan bo'lib, adolatli zamonaviy soliq ma'muriyatchiligini shakllantirishga olib keldi.

Soliq tizimini raqamlashtirish, inson omilisiz xizmat ko'rsatish byudjet barqarorligiga olib keladi. Soliq to'lovchilar joylashgan joyidan qat'i nazar, bugungi kunda soliq hisoboti shakllarini, shuningdek, ularning arizalarini

¹ Electron manba: <https://econs.online/articles/blogs/nalogi-posle-covid-19-predprimatel'skiy-bum/>

²<https://review.uz/post/nalogove-organ-novogo-vremeni-cherez-pandemiyu-k-cifrovizacii-nalogovogo-administrirvaniya>

qisqartirish (15 dan 11 taga) va soddalashtirishni davom ettirgan holda 45 turdagi interaktiv va elektron xizmatlardan foydalanish imkoniyatiga ega. Hisobotlar, deklaratsiyalar, elektron hisob-fakturalar, elektron shartnomalar yuboriladi. 2020-yil davomida soliq to'lovchilar yaratilgan xizmatlardan 700 million martadan ortiq foydalanganlar.

Har kuni yetkazib beruvchilar va xaridorlar o'rtasida minglab schyot-fakturalar, ishonchnomalar, bajarilgan ishlar to'g'risidagi guvohnomalar, yo'l varaqalari va boshqa hujjatlar o'tadi. Ilgari birlamchi hujjatlarni rasmiylashtirish, schyot-fakturalarni yetkazib berish va o'tkazish 3 kundan 10 kungacha davom etardi. Endi elektron hisob-fakturani yaratish va uni hatto eng uzoqdagi hamkorlarga yuborish uchun bir necha daqiqa vaqt ketadi. Elektron hisobvara-fakturalar tizimi ko'p mehnat talab qiladigan, ko'p vaqt talab qiluvchi vazifalarni tezroq, arzonroq, qulayroq va vositachilarsiz hal qilish imkonini berdi.

Harakatlar strategiyasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Davlat dasturida soliq ma'muriyatchiligini raqamlashtirish ham belgilangan.

Ayrim turdagi mahsulotlarni identifikatsiya qilish orqali majburiy raqamli markalash ishlari olib borilmoqda. Markalash kontrafakt mahsulotlarga qarshi kurashda muhim vositadir. Halol ishlab chiqaruvchilar o'zlarining biznes jarayonlari samaradorligini oshiradilar va o'z mahsulotlarini yakuniy iste'molchiga real vaqt rejimida yetkazib berishni vizual kuzatishlari, shuningdek, keyingi ishlab chiqarishni rejalashtirishlari mumkin.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar. Soliq sohasida malakali xodimlarni ko'paytirish dolzarb muammo sanaladi. Bundan tashqari, soliq sohasida onlayn xizmat ko'rsatish yo'lga qo'yilgan bir vaqtda bu borada dasturiy ta'minotni takomillashtirish lozim.

Inqirozdan chiqish yo'lida soliqqa tortish va soliq ma'muriyatchiligining muqobil variantlarining turli prognozli stsenariylari modellarini ishlab chiqish va o'rta va uzoq muddatli istiqbolda tegishli davlatda istalgan iqtisodiy o'sish darajasiga erishish zarurati mavjud. Mavjud yondashuvlar asosida modellashtirishda, shu jumladan byudjet tizimiga soliq tushumlarining prognoz variantlarini hisoblashning bir qismi sifatida nafaqat soliq omilini hisobga olish, balki soliq innovatsiyalarining muqobil variantlarini baholash imkonini beradigan yangi modellarni taklif qilish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi.
2. Alm J., Blaufus K., Fochmann M., Kirchler E., Mohr P. N. C., Olson N. E., Torgler B. Tax policy measures to combat the sars-cov-2 pandemic and considerations to improve tax compliance: a behavioral perspective // FinanzArchiv. 2020. N 76 (4). P. 396–428. DOI: 10.1628/fa-2020-0014.
3. Inchauspe J. Fiscal policy dynamics under a consolidation constraint: evidence from a signrestricted SVAR with orthogonalized business cycle and monetary policy for Australia // Applied Economics. 2021. 53:34, 3992-4016 OI: 10.1080/00036846.2021.1893894.

4. Guo Y. M., Shi Y. R. Impact of the VAT reduction policy on local fiscal pressure in China in light of the COVID-19 pandemic: A measurement based on a computable general equilibrium model //Economic Analysis and Policy. 2021. N 69. P. 253–264. DOI: 10.1016/j.eap.2020.12.010.

<https://econs.online/articles/blogs/nalogi-posle-covid-19-predprinimatelskiy-bum/>
<https://review.uz/post/nalogove-organ-novogo-vremeni-cherez-pandemiyu-k-cifrovizacii-nalogovogo-administirovaniya>

WAYS TO IMPLEMENT OPTIMIZED FISCAL POLICIES IN PROMOTING ECONOMIC GROWTH

Allayarov Suxrob Rustamovich

*Associate Professor in “Finance” department, PhD.
Tashkent Institute of Finance*

Annotation. *The article discusses the optimization of fiscal policy on the example of the economy of the Republic of Uzbekistan. In order to achieve economic growth and development of the economy, it is necessary to use measures to stimulate and increase the effectiveness of tax policy, in particular the tax on land use.*

Key words: *fiscal policy, tax burden, optimization, economic growth.*

Introduction. In the world, the most important indicator in assessing the results of economic activity of any given state is the level of economic growth. Globally, "in 2021, the rate of economic growth was almost 4.7 percent compared to the previous year.¹" Since the fiscal base and the search for its untapped opportunities are of great importance in ensuring economic growth, financial, tax, investment, and innovation policies are aimed at performing precisely the fiscal function. Therefore, the need to develop organizational and methodological aspects of ways to implement an optimized fiscal policy in stimulating economic growth based on international experience further increases the relevance of this problem in the modern process of globalization.

Literature review. The theoretical and practical aspects of the implementation of an optimized fiscal policy in stimulating economic growth have been studied in detail in the scientific works of major foreign scientists-economists, such as D.J. Stewart, J.C. Mill, W. Senior, J. B. Say, T. Malthus, A. Marshall, A. Smith, D. Ricardo, S. Lawrence, R. K. Merton, G. M. Markowitz, E. L. Nyman, J. Robinson, J. Soros, L. P. Hansen, Yu Fama, W.F. Sharp, J. Schwager, K. Schweiser, R. Schiller, E. Heckscher, R. Harrod, E. Domar, R. Solow, B. Garrett, G. Gereffy, R. Kaplinsky, M. Lorenz, P. Maskell, S. Resenfeld, M. Simaguti, M. Storper, E. Schmitz, M. Enright, E. Reinert, H. Richardson, J. Friedman, C. Freeman, P. Haggett, T. Hagerstrand, M. Porter, J. Schumpeter².

¹ <https://news.un.org/ru/story/2021/03/1399092>

² Schumpeter J. The theory of economic development / Per. from German: - M.: Progress, 1982 - 455 p.; Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek

Among the scientists of the CIS countries, A.V. Bryzgalin, I.V. Gorsky, I.V. Karavaeva, T.E. Totikova, S. Merzlyakov politicians.

Main part. In modern conditions, when there is a tendency for the growth of social functions and budgetary obligations of the state, in the model of the Concept of ensuring an optimized fiscal policy in stimulating economic growth in the Republic of Uzbekistan, recommended by the candidate for a degree, the main attention is paid to ensuring the effective execution of the state budget by sources of formation of the revenue base and improving the possibilities of increasing them in establishing budget prospects.

The basis of this model in the context of the growth of social functions and budgetary obligations of the state is, first of all, the issue of correct forecasting and the formation of its financial foundations, as well as the factor of stimulating investment activity in the future. In ensuring the successful implementation of the tasks set in this model, such foundations are important as the implementation by the state of a perfect, stable tax, budget, interest rate policy, the creation and protection of legal, economic and property guarantees to stimulate investment activity.

Tax factors of state fiscal policy and their effective management as one of the effective means of the state to regulate economic processes are a set of measures based on improving the long-term system of economic, legal and organizational control system in the field of taxation.

The issues of improving the taxation system play an important role in the composition of effective measures of the optimized fiscal policy of the state in stimulating economic growth. In this regard, it became necessary to revise the current tax rates, on the one hand, having high fiscal significance, and on the other hand, in order to stimulate the economic growth of enterprises in the industry and the tax burden, these measures can now act as one of the most important fiscal instruments of the state. As effective measures of optimized fiscal policy of the state in stimulating economic growth, we have developed two proposals for improving taxation practices:

The proposal to improve the taxation of the mining industry is reflected in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4555 dated December 30, 2019. As a result of this, starting from 2020, the tax rates for the use of mineral resources for gold and silver have been reduced from 25% to 20%, and from 2021 to 15%, as well as taxation of the profits of these enterprises based on the level of profitability, which made it possible to leave additional funds for investment.

As evidenced by the results of the analysis, in recent years, both the absolute value of tax revenues for the use of subsoil and the change in the share in tax revenues have grown significantly.

Table 1**Revenues from taxes for the use of subsoil**

Years	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Revenues from taxes for the use of subsoil	2514,5	2517,7	3474,1	8424,7	14692,8	16417,1
Change in share in tax revenues (in%)	6,9	6,1	7,0	10,7	13,1	12,3

As can be seen from the data in Table 2, in Uzbekistan the absolute value of tax revenues for the use of subsurface resources in 2020 amounted to 16417.1 billion soums and compared to 2015 increased by 13902.6 (16417.1-2514.5) billion soums. or almost 6.53 times. In the change in the share of tax for the use of subsurface resources in 2015-2020 in the structure of tax revenues, if in 2015-2016 there was a downward trend (this indicator decreased from 6.9% to 6.1%), then in 2017-2019 there was an upward trend (this indicator changed 7.0% to 13.1%), and in 2020 there was a partial decline, that is, the share decreased by 0.8 percent.

The need to revise the system of resource taxes in the development of fiscal policy to stimulate economic growth in the Republic of Uzbekistan has been adopted for use by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan. By improving the system of resource taxes, on the one hand, it will ensure the attraction of additional revenues to the state budget, and on the other hand, producers will be stimulated for the efficient use of resources.

As the results of the analysis confirm, in recent years, the absolute value of revenues from resource taxes and the change in their share in tax revenues has increased significantly (Table 3).

Table 2**Dynamics of revenue from resource taxes for 2015-2020 (in billion soums)¹**

Years	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Resource tax receipts	4816,1	5306,2	6867,4	12663,4	19680,7	21256,9
Share in the structure of tax revenues of the state budget (in%)	13,2	12,9	13,8	16,0	17,5	16,0

As can be seen from the data in Table 3, in Uzbekistan, the absolute value of receipts from resource taxes in 2020 amounted to 21256.9 billion soums and, compared to 2015, increased by 16440.8 (21256.9 -4816.1) billion soums, or almost 4.4 times. For the period 2015-2020 in the change in the share of resource taxes in tax revenues in 2015-2016, there was a downward trend (this indicator decreased from 13.2% to 12.9%), and in 2017-2019 there was an upward trend (this indicator changed from 13, 8% to 17.5%), in 2020 there was a decrease again, their share was 16 percent.

¹ Data of reports of the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan.

As you know, the state fiscal base, which forms the basis for the fiscal devaluation policy pursued in our country since 2019, is mainly based on VAT revenues, which also required the adoption of prompt measures to reduce the negative impact of this circumstance on the tax burden, VAT administration, opportunities economic growth. In this regard, in the practice of administering VAT, the use of certain simplifications for taxpayers is a vital necessity. Therefore, we will pay attention to the analysis of the dynamics of VAT receipts in recent years for the republic as a whole (Figure 1).




Figure 1. Dynamics of VAT receipts for 2015-2020 (in billion UZS)¹.

According to the data in Figure 4, in Uzbekistan in 2020, the absolute value of VAT receipts amounted to 31,177.4 billion soums and compared to 2015 increased by 20,326.5 (31,177.4-10850.9) billion soums, or almost 2 , 87 times.

In this dissertation research, in order to prevent a decrease in working capital, which is a source of economic growth of enterprises, our proposal for the introduction of a system for the return of value added tax paid when purchasing real estate and fixed assets is reflected in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4555 dated December 30, 2019.

As a result of the introduction of this proposal into practice, by the end of 2020, it is expected to return funds to enterprises in the amount of about 900 billion soums.

From a theoretical point of view, the issues of increasing the efficiency of fiscal policy and improving the tax system are an indirect method of state regulation of the economy, which is aimed at achieving the goals of ensuring macroeconomic stability, high rates of economic growth by balancing the mutual financial interests of the state and taxpayers. That is why in recent years the issues of increasing the efficiency of the fiscal policy pursued in our country and improving the tax system are focused, first of all, on such reforms of strategic

¹ Data of reports of the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan.

importance as reducing the tax burden, widespread use of effective tax administration tools and simplifying the tax system.

The main idea of the new tax concept, which has been introduced in our country since 2019, provides for a reduction in the tax burden, the use of a simplified and stable tax system, and in these conditions, in order to ensure an effective tax policy of the state, it is necessary to “further stimulate conscientious (disciplined) taxpayers”, “legalize income and a decrease in the share of the "shadow economy", mutual coordination and harmonization of proportions in tax relations in a new system of communication between tax authorities and taxpayers, based on "growth in cooperation".

In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No.UP-5468 "On the concept of improving the tax policy of the Republic of Uzbekistan" dated June 29, 2018, in ensuring the stability of tax policy, the need to develop its strategy and tactics is established. To accomplish this task, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD(Presidential Decree)-4389 "On additional measures to improve tax administration" dated July 10, 2019 was adopted and the "Strategy for improving tax administration" was approved¹. Also, according to this decree, the main tasks and directions of the "Strategy for improving tax administration" have been established.

Conclusion. Based on the rich positive experience of the world fiscal practice, with the effective organization of ways to implement an optimized fiscal policy in stimulating economic growth in our country, it is appropriate to use the model of “fiscal devaluation policy based on tax optimization and risk minimization”. In this regard, the practice of fiscal devaluation of the tax revenue base, which began in 2019 in our country, based on value added tax instruments, can be explained by this very need.

The task of the present time is to develop new criteria and indicators, methodology for their use, which are of great importance in ensuring the mutually coordinated activities of budgetary and tax directions of fiscal policy.

At the same time, based on the analysis of the current methodology for determining the directions and factors of state fiscal policy in stimulating economic growth, it is necessary to develop an assessment method taking into account the factor and effective aspects of state fiscal policy in stimulating economic growth in order to determine the effective use of opportunities determined by such factors as financial, tax , budgetary, government and corporate governance and effective government performance.

In general, the above proposals and practical recommendations will make it possible to achieve the effect of an optimized fiscal policy in stimulating economic growth, as provided for in the Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan.

¹ Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No.-4389 "On additional measures to improve tax administration" dated July 10, 2019

List of used literature

1. Аллаяров С., Набиев Е., Аллаяров С. Амануллаева Ю. (2020) Пути улучшения налогового механизма для обеспечения финансовой безопасности страны //International Journal of Advanced Science and Technology. – 2020. – Т. 29. – № 7. – С. 7849-7855.
2. Аллаяров С., Аллаяров С., Юлдашева У., Маджидов Н. (2020). Оценка эффективности результатов бюджетной политики Республики Узбекистан. Международный журнал передовых наук и технологий, 29(7), 7920-7926.
3. Сатторов Б. К., Аллаяров С. Р. Развитие экономики Узбекистана в условиях мировых интеграционных процессов //Наука, техника и образование. – 2017. – Т. 1. – №. 5 (35). – С. 98-100.
4. Аллаяров С. Р., Кандахарова Ш. Н. Перспективы эффективного использования бюджетных средств в управлении государственными финансами //Столица науки. – 2021. – Т. 3. – С. 4.
5. Аллаяров С. Р., Зайнитдинов С. М. Ў. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таснифи //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 1156-1169.
6. Аллаяров С. Р., Мардонов Ш. Х., Абдурахимова Г. М. Ретроспективный и целеориентированный подходы к оценке эффективности фискальной политики //Экономика и социум. – 2020. – №. 4. – С. 138-147.
7. Аллаяров С. Теоретическое исследование оптимальной фискальной и денежно-кредитной политики для стимулирования экономического роста // Научный журнал финансов и бухгалтерского учета. – 2018. – Т. 9. – No 8. – С. 206-212.

MAHALLIY BYUDJETLAR SOLIQLI DAROMAD BAZALARINI MUSTAHKAMLASH BILAN BOG‘LIQ MUAMMOLAR

PhD Soatova Nodira Boboxanovna

“Moliya-kredit” kafedrasi, Toshkent moliya instituti

Yurtimizning taraqqiyoti, ertangi kuni biz bugun qilayotgan amaliy ishlarga, ko‘rayotgan choralarga bevosita bog‘liq. Shu bois davlatimizning yangi taraqqiyot bosqichida har doimgidan ko‘ra ko‘proq ishlashimiz, yangidan-yangi g‘oya va tashabbuslar ustida bosh qotirishimiz kerak. Hududlar xususan tumanlarimiz byudjeti taraqqiyoti mamlakat iqtisodiyoti asosini tashkil qiladi. Shuningdek iqtisodiy taraqqiyot mamlakatning nafaqat markaziy boshqaruv organlari, balki eng quyi bo‘g‘inlarning ham iqtisodiy jihatdan oyoqqa turishi, mustaqil ravishda taraqqiy etishiga chambarchas bog‘liq. Mustaqil Davlatchiligimiz tarixida ilk marotaba qilgan Murojaatnomasida¹ mahalliy hokimlik organlarining bugungi holatiga xolisona baho berilgani, Prezidentimiz ular haqida so‘z yuritir ekan, “mahalliy hokimlik organlari oddiy masalalarni hal etishda ham vakolatga ega bo‘lmasa, buni qanday tushunish mumkin?” degan savolni ko‘ndalang qo‘ygani bejiz emas. Mahalliy hududlarning iqtisodiy tomondan mustaqil faoliyat olib borishlari ularning o‘z daromadlar manbai mavjudligi bilan belgilanadi, mahalliy ya’ni tuman byudjetlarining o‘z

¹O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22.12.2017y.

daromadlarini shakllantirish va bu daromadlardan o'z xarajatlarini to'liq amalga oshira olish salohiyati mahalliy byudjetlarining davlat byudjeti oldidagi ahamiyatini belgilaydi. Mahalliy byudjetlar o'z hududida turli yo'nalishdagi vazifalarini hal qilish uchun yetarli bo'lgan moliyaviy mablag'ga ega bo'lishlari kerak.

Hozirgi kunda mahalliy byudjetlarni shakllantirishdagi tizimli va tashkiliy muammolar mavjud. Tizimli va tashkiliy muammolar hududlarning moliyaviy imkoniyatlariga bevosita bog'liqdir. Moliyaviy imkoniyatlar hududning tabiiy sharoitlariga, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasiga, hududning xo'jalik tuzilish va ixtisoslashuviga va mamlakat mehnat taqsimotidagi mavqeiga va boshqa bir qator omillarga bog'liqdir.

Mamlakatimizning rivojlanish strategiyasida alohida e'tibor qaratilayotgan jihat ham aynan mahalliy hududlarning mustaqilligini oshirish va daromadlar bazasini kengaytirish masalasidir.

O'zbekiston Respublikasida mahalliy byudjetlarining mustaqilligini oshirish masalalarini o'rganar ekanmiz, avvalo hududning iqtisodiy rivojlanishini o'sishini ta'minlashga erishmog'imiz lozimdir. Hududlar moliyaviy resurslar salohiyatini oshishi mahalliy byudjetlar barqarorligini ta'minlashning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Mahalliy byudjetlar daromadlarini umumdavlat soliqlari hisobiga shakllantirilishi ular xarajatlarini mahalliy byudjetlarning birlamchi daromad manbai hisoblangan mahalliy soliqlar va yig'imlar hisobiga moliyalashtirish imkoni yo'qligi bilan ifodalanadi. Shu o'rinda, ta'kidlash lozimki, mahalliy hokimiyat organlarining o'zlariga bevosita biriktirilgan mahalliy soliqlar va yig'imlar bo'yicha vakolatlarining cheklanganligi sharoitida, umumdavlat soliqlaridan ajratmalar amalga oshirilishi ularda o'z daromadlari bazasini mustahkamlashdagi vakolatlarini yanada cheklab qo'ymoqda. Shuning bilan birgalikda, mahalliy byudjetlar daromadlarini shakllantirishning subvensiya berish tizimining mavjudligi ularni yuqori byudjetga tob'eligini bildiradi. Bu esa iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida mahalliy hokimiyat organlarining erkinligini ta'minlashga qaratilgan davlat siyosatini to'liq ro'yobga chiqarish imkonini bermaydi.

Hududlar daromadlarini oshirish borasida nafaqat soliqlar va tushumlar, shu bilan birgalikda xorijiy mamlakatlar tajribasida mavjud boshqa amaliyotlarni ham joriy etish maqsadga muvofiqdir. Masalan, O'zbekistonda mahalliy davlat boshqaruvi organlariga qimmatli qog'ozlar emissiyasi qilishga yoki mahalliy hududlar doirasida qarz mablag'raini jalb qilish amaliyotini joriy etish lozimdir, ya'ni mahalliy boshqaruv organlarini qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchisiga aylantirishdir. Bu amaliyotni joriy etilishi orqali maqsadli dasturlarni va o'z xarajatlarini o'zi mustaqil moliyalashtirish imkoniyati oshirishi mumkin. Masalan, Rossiya Federatsiyasida ushbu amaliyot joriy etilgan bo'lib, mahalliy hokimiyat organlari tomonidan o'z mablag'lari hisobidan qimmatli qog'ozlar

emissiyasi amalga oshiriladi¹. Qarz majburiyatlarining ruxsat etilgan miqdori mahalliy byudjet xarajatlarining 15 foizidan oshmasligi lozim. Bu borada qaror qabul qilish mahalliy o'zini-o'zi boshqarish organlariga berilgan. Biroq Rossiya federatsiyasining qonunlardan chetlashmagan holda faoliyat olib boriladi. Bunda yana bir xususiyat namoyon bo'ladiki, davlatning majburiyatlari va mahalliy hokimiyatlarning majburiyatlari alohidadartibda belgilangan. Davlat mahalliy hokimiyat majburiyatlari uchun javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi².

O'zbekistonda ham mahalliy hokimlik organlariga ham qimmatli qog'ozlar (masalan, mahalliy hokimiyat organlari obligatsiyalari) emissiyasiga ruxsat etilishi, shuningdek emissiya qilingan qimmatli qog'ozlar xarid qiluvchilar uchun soliq imtiyozlarini joriy etish. Bu amaliyot joriy etilishi mahalliy hududlarga berilayotgan mustaqilliklarni oshirib, ularning o'z daromadlarini oshirishga nisbatan imkoniyatlarini ko'paytiradi. Yana bir jihat, byudjet qonunchiligimizga ko'ra moliya yili davomida mahalliy byudjet xarajatlariga 10% gacha o'zgartirish huquqi mahalliy hokimliklar ixtiyorida bo'ladi.

Moliya yili davomida mahalliy byudjetdan qilinadigan xarajatlarga o'zgartirish kiritishni Moliya vazirligining aralashuvisiz to'laligicha hududlarga berilishini lozim. Bunda o'zgartirishlarni moliyalashtirish manbalari mahalliy byudjetlarning prognozda ko'rsatilmagan qo'shimcha daromad manbalari hisobiga amalga oshirilish belgilanishi ularning mustaqilligini oshiruvchi faktorlardan biri bo'lsa, mahalliy hokimliklar tomonidan yangi daromad manbaini topish va daromad bazasini kengaytirishga xarakatlantiradi.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫМ ДОЛГОМ

Тошматов Шахбоз Шавкат угли

Магистрант группы ДМХМ-4

Научный руководитель: **доц. Б.И.Нурмухамедова**

кафедра «Финансы» Ташкентский

финансовый институт

Система управления государственным долгом Республики Узбекистан представляет собой следующую совокупность *основных мероприятий*:

– разработка программы заимствований на планируемый год и последующий среднесрочный период, которая является выражением экономической политики государства в отношении сложившихся государственных долговых обязательств;

¹Под ред. В.Б.Зотова. Система муниципального управления: Учебник (3-е изд., перераб. и дополн. //Питер Пресс, 2017. – С. 384.

²Под ред. В.Б.Зотова. Система муниципального управления: Учебник (3-е изд., перераб. и дополн. //Питер Пресс, 2017. – С. 384.

- определение процедуры принятия основных параметров государственного долга на очередной год;

- исполнение принятой программы управления государственным долгом в течение планового года.

Основные задачи, решение которых необходимо для достижения целей управления государственным долгом:

- своевременность и полнота формирования источников финансирования дефицита бюджета;

- проверка эффективности и целевого использования привлекаемых денежных средств в целом и по видам применяемых финансовых инструментов;

- осуществление контроля за соблюдением предельного значения и структуры государственного долга;

- контроль за ходом исполнения долговых обязательств государства прошлых лет;

- контроль за эмиссией ценных бумаг и их размещением с учетом необходимой обеспеченности денежной массой в наличном обороте и на депозитах;

- экспертиза проекта государственного бюджета и контроль за его исполнением;

- осуществление контроля за изменением структуры и объема государственного долга;

- экспертиза проектов законов, других нормативных правовых актов органов государственной власти, влияющих на формирование, обслуживание и погашение государственного долга.

Ключевой целью долгового управления является баланс между минимизацией бюджетного риска и минимизацией стоимости обслуживания долгов. Несмотря на то, что управление госдолгом фактически направлено на регулирование двух ключевых параметров, характерных для любых финансовых инструментов – *риска и доходности* (то есть в случае долга – издержек обслуживания), конкретные его цели достаточно сложно четко разграничить. С одной стороны, если поставить в качестве целевой установки минимизацию стоимости обслуживания, очень велик риск того, что в погоне за этой целью власти начнут выпускать не те обязательства, которые действительно необходимы, а те, которые в данный момент лучше воспринимаются рынком.

Однако если в качестве другой крайности установить минимизацию рисков со стороны госдолга, то в пределе это будет означать полный отказ от использования заимствований. Вопреки достаточно распространенному мнению, полное отсутствие госдолга – это не самое лучшее положение вещей в государственных финансах, особенно если речь идет о развивающейся стране.

На практике в качестве ключевой цели долгового управления чаще всего называют *баланс между минимизацией бюджетного риска и минимизацией стоимости обслуживания долгов.*

Управление государственным долгом является составной частью бюджетной политики. В свою очередь, бюджетная политика является составной частью социальноэкономической политики государства. Основные параметры и приоритеты бюджетной политики устанавливаются в бюджетных посланиях Президента, прогнозах социально-экономического развития страны, Основных направлениях фискальной (бюджетной и налоговой) политики и иных документах, на основе которых составляется и утверждается государственный бюджет.

Система управления государственным долгом непосредственно связана с бюджетным процессом, поскольку долговая политика и система управления государственным долгом непосредственно влияют на формирование бюджетной политики.

Политика в области управления государственным долгом и сама система управления долгом являются необходимыми условиями для формирования обоснованной бюджетной политики и нормального функционирования бюджетного процесса.

Упомянутая выше взаимосвязь определяет необходимость совершенствования и реформирования системы управления государственным долгом как одного из основных элементов формирования и реализации бюджетной политики.

В целом, долговая политика при умелом использовании представляет собой достаточно мощный инструмент макроэкономической политики. Для эффективного применения этого инструмента необходимо создать стройную систему долгового управления, важными элементами которой являются *надлежащий учет и оценка собственных обязательств.*

Активная долговая политика подразумевает постоянную работу со всеми кредиторами и категориями долга, усиление взаимодействия различных ветвей власти и проведение ими энергичных действий в этой области.

Активная долговая политика также связана с учетом геополитических факторов, использованием возможностей международных политических и финансовых институтов, творческим применением мирового опыта.

Главными целями активной долговой политики должно быть решение следующих задач:

- улучшение качества долга за счет снижения стоимости его обслуживания, совершенствования структуры;
- обеспечение стабильного обслуживания как внешних, так и внутренних обязательств страны при любой кризисной ситуации;
- содействие достижению инвестиционного кредитного рейтинга и его дальнейшему повышению, что не только обеспечит удешевление новых

заимствований для государства и частных структур, но и будет способствовать приливу новых прямых и портфельных инвестиций;

– гибкое реагирование на изменяющиеся условия внешнего и внутреннего финансовых рынков и использование наиболее благоприятных источников и форм заимствований;

– обеспечение надежного механизма перевода заемных средств в инвестиции, ставящего реальные заслоны на пути их нецелевого использования. Дополнительные заемные средства должны привлекаться только для финансирования и кредитования приоритетных проектов и программ при условии их эффективного использования;

– усиление привлекательности долговых бумаг для широкого круга инвесторов, предотвращение резких колебаний их цены на мировых финансовых рынках;

– прогнозирование и избежание рисков, связанных со структурой долга, лучшее использование валютного фактора в снижении долговых выплат;

– максимальное использование для обслуживания долга дебиторской задолженности иностранных государств, то есть зарубежных финансовых активов, а также задолженности хозяйствующих субъектов по гарантированным государством валютным кредитам;

– более тесная координация государственной политики и политики внешних заимствований корпоративных структур, чтобы избежать ненужной конкуренции на финансовых рынках и рисков, связанных с возможным невыполнением корпоративных долговых обязательств;

– создание комплексной системы управления государственным долгом с участием органов государственной власти, которая позволит адекватно формулировать и реализовывать национальные интересы в этой сфере;

– совершенствование учета и мониторинга государственного долга, внедрение прогрессивных технологий по управлению долгом, позволяющих контролировать состояние долговой нагрузки экономики и отслеживать ход выполнения государственных обязательств в режиме реального времени.

MAHALLIY BYUDJETLAR SOLIQLI DAROMAD BAZALARINI MUSTAHKAMLASH YO‘NALISHLARI

PhD Soatova Nodira Boboxanovna

“Moliya-kredit” kafedrasi, Toshkent moliya instituti

Mamlakatimizning iqtisodiy jihatdan taraqqiy etishi mahalliy byudjetlarning moliyaviy mustaqilligi bilan bevosita bog‘liqdir, ushbu eng muhim jihatni e’tiborga olgan holda, mahalliy byudjetlarning daromadlari

bazalarini mustahkamlash, uning moliyaviy barqarorligini ta'minlash, mahalliy byudjetlar daromadlarini kompleks shakllantirish asosida subvensiyadan chiqarish iqtisodiy islohotlarning asosiy yo'nalishlaridan biri sifatida belgilab olindi.

Mahalliy byudjetlarning daromad bazalarini mustahkamlash masalalari muhokama etilayotgan vaziyatda soliqqa tortishning ob'ektiv zarurligi, afzalliklari e'tibordan chetda qolmasligi kerak. Har bir davlatning asosiy tamoyillaridan biri, vujudga kelish manbaidan qat'iy nazar, barcha soliqqa tortilishining zaruriyligidir yoki shu narsaning majburiyligidir. Bu tamoyil har bir davlat soliq tizimining asosiy negizini tashkil etadi. Bu tamoyilni shu davlat hududida faoliyat ko'rsatuvchi har bir xo'jalik yurituvchi sub'ekt, uy xo'jaliklari xususan soliq munosabatlarida ishtirok etuvchi barcha aholi qatlamlari buni to'lato'kis idrok etmog'i lozim. Yuqoridagi fikr mulohazalardan kelib chiqib, mahalliy byudjetlar solikli daromad bazalarini mustahkamlash masalalari, xususan, aksiyadorlik jamiyatlari sub'ektlari va uy xo'jaliklarining moliya-xo'jalik faoliyatini soliqqa tortishda davlat mahalliy boshqaruv idoralari o'ziga xos oraliq vazifasini amalga oshiruvchi sub'ekt sifatida ishtirok etadi.

Mamlakatimizning rivojlanish strategiyasida alohida e'tibor qaratilayotgan muhim jihat ham aynan mahalliy byudjetlarning mustaqilligini oshirishda solikli daromadlar bazasini kengaytirish hamda uni mustahkamlash masalasidir. Shu bilan birga, Prezidentimizning "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasi dasturni tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni¹da viloyatlar, tumanlar va shaharlarning kompleks va muvozanatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, ularning salohiyatidan samarali va optimal foydalanish bo'yicha quyidagi vazifalar belgilandi:

- ijtimoiy-iqtisodiy jadal rivojlanishi, xalqning turmush darajasi va daromadlarini oshirish uchun har bir hududning tabiiy, mineral va xom ashyo, sanoat, qishloq xo'jaligi, turizm va mehnat salohiyatidan kompleks va samarali foydalanishni ta'minlash;

- hududlar iqtisodiyotini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish masshtablarni kengaytirish hisobiga hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish darajasidagi farqini kamaytirish, eng avvalo sanoat va eksport salohiyatini o'stirish yo'li bilan qiyoslangan tuman va shaharlarni jadal rivojlantirish;

- subvension tuman va shaharlarni kamaytirish, sanoat va xizmatlar ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish hisobiga mahalliy byudjetlarning daromad bazasini kengaytirish;

Davlatimiz rahbari tomonidan belgilab berilgan dasturda mahalliy byudjetlarning daromad bazalarini mustahkamlash, iqtisodiy salohiyatini oshirish hamda hududiy rivojlanish asosiy maqsad qilib belgilangan.

¹O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi PF-4947-son Farmoni.

Mahalliy soliqlar va yig'ımlar o'ziga xos tarzda klassifikatsiya qilinadi. Bunda ular davlat hokimiyati organlari va mahalliy o'z-o'zini boshqarish organlari vakolatiga, o'zlarining fiskal ahamiyatiga va amal qilish davriga qarab ikkiga bo'linishi mumkin¹:

- 1) qonunchilik hokimiyat organi tomonidan joriy etiladigan va mamlakatning barcha hududlarida amal qiladigan mahalliy soliqlar va yig'ımlar;
- 2) mahalliy o'z-o'zini boshqarish organlarining qaroriga muvofiq joriy etiladigan mahalliy soliqlar va yig'ımlar.

1-guruhga kiruvchi mahalliy soliqlar va yig'ımlarning o'ziga xos bo'lgan xususiyati shundan iboratki, ular bo'yicha konkret stavkalar davlat hokimiyat organlarining qaroriga muvofiq belgilanadi. Ularni undirish va to'lash tartibi esa tegishli organ (masalan, Moliya vazirligi yoki Davlat soliq qo'mitasi) tomonidan ishlab chiqilgan yo'riqnomaga muvofiq amalga oshiriladi.

2-guruhga kiruvchi mahalliy soliqlar va yig'ımlarning tarkibiga quyidagilardan iborat bo'lishi mumkin: avtotransportlar to'xtash joyidan foydalanganlik uchun yig'im; hududlarni obodonlashtirish uchun yig'im; maorif tashkilotlarining ehtiyojlari uchun yig'im; fuqarolarning boshqa maqsadli yig'ımlari va boshqalar. Har ikkala guruhga kiruvchi mahalliy soliqlar va yig'ımlarning tarkibi amaliyotda doimiy bo'lmasdan, tarixiy taraqqiyot davomida o'zgarib turishi, ularning ayrimlari bekor va boshqalari esa, aksincha, yangidan joriy qilinishi mumkin.

В результате исследования практики организации казначейских структур определили, что есть страны, в которых отсутствует казначейство как финансовый институт. Так, в Японии структура Министерства финансов состоит из подразделения (бюджетное бюро и финансовое бюро), на которые непосредственно возложены казначейские функции. Дальнейшее изучение структуры Министерства финансов Японии показывает, что исполнение бюджета и управление его потоками возложены на отделы бюджетного бюро (бюджетный отдел и отдел исполнения бюджета) и финансовое бюро (отдел финансовый отдел и отдел управления долгом), а также казначейский и юридический отделы. Подобная узкая специализация казначейских подразделений и их разобщенность усложняют разработку и внедрение казначейских технологий, сопровождающих исполнение бюджета, а также применение единых стандартов казначейского обслуживания.

Таким образом, опыт вышерассмотренных стран, свидетельствует, что в настоящее время во многих развитых государствах функционируют

казначейства, позиционирующие себя как финансовые институты, деятельность которых направлена на повышение качества управления общественными финансами, оптимизацию государственных расходов и поиск финансовых инструментов ликвидности Единого казначейского счета.

На основе изученных данных можем рекомендовать усилить внимание на следующие функции казначейства:

- обеспечение прозрачности бюджета и ликвидности ЕКС, прежде всего, позиционированием казначейства как отдельный финансовый институт, усилением контроля за целевым использованием бюджета, использованием новых казначейских технологий и др.

Список использованной литературы

1. Общее описание деятельности Казначейства Министерства финансов - https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=169
2. Иванова О.Б., Романова Т.Ф., Богославцева Л.В., Терентьева В.В. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: монография. – Азов: ООО «АзовПечать», 2015 год
3. Прокофьев С.Е. Казначейская система исполнения бюджета Франции // Бюджет. 2003. №6. -С.26.

DAVLAT BYUDJETI TAQCHILLIGI MUAMMOSINI BARTARAF ETISH YO‘LLARI

Safarova Nodira Ashuraliyevna, PhD, k, o‘q.

Mingboyev.I.A. – talaba

Toshkent moliya instituti

Qayd etish joizki, Byudjet taqchilligi- bu ma'lum bir davrda davlat xarajatlari byudjet daromadlaridan oshib ketadigan miqdor.Ushbu byudjet taqchilligi sof soliqlarga (ijtimoiy to‘lovlarni hisobga olmagan soliqlar) teng bo‘lgan xarajatlar yoki tovarlar va xizmatlar sotib olish, ijtimoiy nafaqa va daromadlar o‘rtasidagi farq sifatida hisoblanadi. Ideal holda, davlat daromadlarining umumiy miqdori davlat byudjetidagi xarajatlar miqdorini qoplashi kerak. Agar byudjet xarajatlari daromadlar bilan teng bo‘lsa, byudjet muvozanatli deb hisoblanadi, agar daromadlar xarajatlardan oshib ketsa, davlat byudjeti profitsitga ega bo‘ladi; xarajatlar daromatlardan oshganda davlat byudjeti taqchilligi kuzatiladi.

Bizga ma’lumki, Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda YaIMning 3 foizi byudjet taqchilligi normal hisoblanadi. Budjet taqchilligining ijobiy va salbiy tomonlarini ajratib ko‘rsatish. Boshqa tomondan, kam moliyalash siyosati iqtisodiy o‘shishga olib keladi. Salbiy tomoni shundaki, byudjet taqchilligi davlat

qarzining ko'payishiga, soliq yukining oshishiga olib keladi va inflyatsiya jarayonlarini rag'batlantiradi. Davlat budjeti taqchilligini moliyalashtirish:

- davlat tomonidan ichki va xorijdan mablag'larni jalb qilish;
- respublika budjeti mablag'larining moliya yili boshlanishidagi qoldiqlari;
- qonunlarga muvofiq boshqa manbalar hisobiga moliyalashtiriladi.¹

Byudjet taqchilligi odatda Markaziy bankning past foizli yoki foizsiz qarzlari bilan qoplanadi. Xalqaro standartlar YaIMning 2 - 3% darajasida byudjet taqchilligi bo'lishi mumkinligini ta'kidlaydi. Odatda, daromadning 10% gacha bo'lgan byudjet taqchilligi maqbul deb hisoblanadi, 20% dan ortiq byudjet taqchilligi esa juda muhimdir. Umuman olganda, muvozanatli byudjetga erishish va byudjetni profitsit bilan qisqartirish uchun Lyuksemburg, Singapur, Janubiy Koreya, Latviya, Estoniya, Sloveniya kabi davlatlar muvaffaq bo'ldi. Biroq, 90-yillarda rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar va o'tish davri iqtisodiyotiga ega bo'lgan mamlakatlar byudjet inqirozi bilan ajralib turishdi. Shvetsiya, Finlyandiya, Daniya, Norvegiyada eng tez o'sayotgan davlatlar. Ko'pgina rivojlangan davlatlar byudjet taqchilligini daromadlar va xarajatlarni tartibga soluvchi manbalardan foydalangan holda moliyalashtiradilar. Shuning uchun, ularda markaziy hukumatga kichkina aniq naqd kredit mavjud. Rivojlanayotgan mamlakatlarda va moliyaviy bozor rivojlanmagan o'tish davriga ega mamlakatlarda sezilarli tanqisliklar byudjetni moliyalashtirishning emissiya xususiyatini aks ettiradi.

Ta'kidlab o'tishimiz joizki, Agar byudjet taqchilligi davlat tomonidan beriladigan kreditlar hisobidan moliyalashtirilsa, o'rtacha bozor foiz stavkasi oshadi, bu esa xususiy sektorga investitsiyalarning kamayishiga, sof eksportning pasayishiga va qisman iste'mol xarajatlarining pasayishiga olib keladi. Natijada moliya siyosatining rag'batlantiruvchi ta'sirini sezilarli darajada susaytiradigan ta'sir qiluvchi ta'sir paydo bo'ladi. Byudjet taqchilligining oqibatlarini davlat xarajatlarini moliyalashtirish uchun sarflanadigan mablag'larning ko'payishi va investitsiyalarni moliyalashtirish uchun ajratiladigan mablag'lar hajmining qisqarishida o'z aksini topmoqda. Kelajakda o'sib borayotgan tanqislik turmush darajasining pasayishiga olib keladi. Byudjet taqchilligini qarz bilan moliyalashtirish ko'pincha defitsitni monetizatsiya qilishning inflyatsiyaga qarshi alternativasi sifatida qaraladi. Biroq, qarzni moliyalashtirish usuli inflyatsiyaning ko'tarilish xavfini yo'q qilmaydi, aksariyat o'tish davri iqtisodiyotlari uchun xos bo'lgan bu o'sishni vaqtincha kechikishini keltirib chiqaradi. Agar davlat zayom obligatsiyalari aholi va tijorat banklari o'rtasida joylashtirilsa, inflyatsiya darajasi to'g'ridan-to'g'ri Milliy bankka joylashtirilganidan ko'ra zaifroq bo'ladi. Byudjet taqchilligini kamaytirish maxsus ishlab chiqilgan dasturga muvofiq amalga oshirilishi kerak. Xulosa qilib aytganda, haqiqiy samaraga erishish va byudjet taqchilligini kamaytirish uchun o'z ichiga quyidagi choralarni olishi kerak:

¹ <https://lex.uz/acts/-27999>

- moliyaviy resurslarning o‘shirishiga yordam beradigan ijtimoiy takror ishlab chiqarish samaradorligini oshirish;
- bozor munosabatlarini yanada rivojlantirish va mustahkamlash, bozor islohotlari; mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish (byudjetdan moliyalashtirishni qisqartirish maqsadida);
- moliyalashtirish yangi ijtimoiy dasturlarning eng muhim va ma'lumotli qabul qilinishi hisoblanadi;
- noishlab chiqarish sohasidagi pullik xizmatlar tizimini rejalashtirish va rivojlantirishni takomillashtirish;
- umuman byudjet jarayonini isloh qilish. Budjet xarajatlari va taqchilligini moliyalashtirish ustuvorligi konsepsiyasidan voz kechish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Nurmuxamedova B., Xamdorov Sh. Davlat moliyasi. Darslik. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020 y. – 428 bet.
2. Malikov T. Byudjet-soliq siyosati. O‘quv qo‘llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019 y. – 376 bet.
3. G‘aybullayev O., O‘roqov U. O‘zbekiston Respublikasida byudjet tizimi va jarayoni. O‘quv qo‘llanma. – T.: “BAKTRIA PRESS”, 2016. – 168 b.

DAVLAT BYUDJETI TIZIMIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLARNING MAZMUNI VA UNI TAKOMILASHTIRISH

Saidov Rasul Boltabayevich

“Baholash ishi va investitsiyalar” kafedrasi, i.f.n., dotsent

Tursunov Elbek Eshnazar o‘g‘li – 3-bosqich talabasi

Toshkent moliya instituti

O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining barqaror rivojlanishi hamda tashqi iqtisodiy munosabatlarning mamlakat iqtisodiyotiga ta’siri davlat moliyasini, xususan, mamlakat byudjet tizimini boshqarishning mazmuni va sifatiga butunlay yangicha talablarni qo‘ymoqda.

O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ustuvor vazifalarini bajarish, iqtisodiyotni barqaror va mutanosib rivojlantirish, xalqaro maydonda mustahkam o‘rin egallash xalqimizning hayot darajasi va farovonligini yanada oshirish borasidagi vazifalarni to‘liq va samarali amalga oshirish sharoitida davlat byudjet tizimining amal qilish mexanizmlarini puxta o‘rganish har qachongidan ham dolzarb hisoblanmoqda.

Yuqoridagi fikrimizning isboti sifatida so‘nggi yillarda davlat byudjet tizimida amalga oshirilgan bir qator islohotlar va o‘zgarishlarni keltirish mumkin. Jumladan, mamlakatimiz rahbari SH.M.Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi “2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” PF-4947-sonli Farmonida:

“Davlat byudjetining barcha darajalarida mutanosiblikni ta’minlash, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga qaratilgan byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish”¹ kabi masalalarga jiddiy e’tibor qaratilgan. Mazkur vazifalarni bajarishda rivojlangan davlatlarning ilg’or tajribalarini o’rganish, ularning ijobiy natijalarini respublikada qo’llash muhim masala hisoblanadi.

Jumladan, 2020-yilgacha davlat budjeti to’g’risidagi qonun loyihasi prezidentning joriy yilgi “Asosiy makroiqtisodiy ko’rsatkichlar prognozi hamda davlat budjeti parametrlari to’g’risida”gi qarori bilan tasdiqlangan. Biroq, 2020-yildan boshlab budjet mablag’larining sarflanishi ustidan nazoratni kuchaytirish, budjet shaffofligi va ochiqligini ta’minlash maqsadida “Davlat budjeti to’g’risida” qonun loyihasi O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan tasdiqlanadigan bo’ldi.

Bundan tashqari, 2020-yil 9-iyun kuni yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev rahbarliklari ostida bo’lib o’tgan milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlashga doir dolzarb masalalar muhokamasiga bag’ishgan yig’ilishda iqtisodiyotni barqarorligini ta’minlash yo’llari sanab o’tildi. Yig’ilishda davlatimiz rahbari yangicha yondashuv va instrumentlarni qo’llash orqali joriy va kelasi yillarda iqtisodiyotda o’sish sur’atlarini ta’minlash uchun barcha imkoniyatlar mavjudligini ta’kidlab, bu boradagi 8 ta asosiy yo’nalishlarni sanab o’tdi. Bu yo’nalishlarning birinchisi, iqtisodiyot va byudjet barqarorligini ta’minlash ekanligini ta’kidlab, barcha sohalarga byudjet tushumi va xarajatlarini optimallashtirish bo’yicha mas’ullarga muhim vazifalar topshirildi.²

Davlat moliyasi tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarni yanada kuchaytirish maqsadida 2020-yil 24-avgustda Vazirlar Mahkamasi tomonidan “2020-2024 yillarda davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish Strategiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi 506-sonli qarori qabul qilindi hamda qarorda budjet tizimini isloh qilish bo’yicha bir qator vazifalar belgilandi. (1-jadval)

“Budjet ustuvorligini ta’minlash, davlat budjeti darajalari o’rtasida majburiyatlarni taqsimlash, budjet mablag’larini taqsimlovchilar va mahalliy davlat hokimiyati organlarining budjet sohasidagi vakolatlarini va hisobdorligini oshirish hamda ularning mas’uliyatini kuchaytirish” masalalarga alohida e’tibor qaratilgan. Qolaversa, hududlarni barqaror rivojlantirish borasida O’zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasida hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni moliyalashtirish uchun mahalliy byudjetlarning mablag’lari yetarli emasligi ta’kidlab o’tilgan.

¹O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “2017 — 2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi” PF-4947-sonli Farmoni 3.1-bandi.

² Iqtisodiyotni barqarorligini ta’minlash bo’yicha asosiy yo’nalishlar belgilandi.// “Xalq so’zi”, 10.06.2020-y. №122

2020-2024 yillarda O‘zbekiston Respublikasining davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini amalga oshirishda budget tizimini isloh qilish bo‘yicha HARAKATLAR REJASI

Maqsad	Tadbirlar nomi	Amalga oshirish mexanizmi	Ijro muddatlari	Mas’ul ijrochilar	Texnik yordam va trening
Budget qamrovining to‘liqligi ta’minlash	Konsolidatsiyalashgan budget tarkibiga budget tashkilotlarining barcha budgetdan tashqari jamg‘armalarining kirishini nazarda tutadigan me’yoriy talablarni o‘rnatish	Budget kodeksiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish Budget ijrosi to‘g‘risidagi hisobot	2020-yil IV chorak 2021-yil I chorak	Moliya vazirligi, boshqa vazirlik va idoralar	Vazirlik va idoralarning iqtisodiy blok xodimlarini o‘qitish
Moliya vazirligi, tarmoq vazirliklari va boshqa birinchi darajali budget mablag‘larini taqsimlovchilarni qayta taqsimlash	Vazirlar Mahkamasiga taklif kiritish	2021-yil II chorak	2023-2024 yillar	Moliya vazirligi, tarmoq vazirliklari va idoralari	Joriy holatni tahlil qilish bo‘yicha xalqaro moliya institutlari texnik ko‘magini jalb qilish
O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgeti jarayoni ishtirokchilarning hisobdorligini oshirish	Tarmoq vazirliklari, idoralar, davlat maqsadli jamg‘armalari hamda davlat korxonalari tomonidan budget mablag‘lari, davlat aktivlari va davlat resurslaridan foydalanganlik yuzasidan hisobot berish tartibini qayta ko‘rib chiqish	Tahliliy hisobot hamda natijasi bo‘yicha normativ-huquqiy hujjat qabul qilish	2021-yil may oyida	Moliya vazirligi, tarmoq vazirliklari va idoralari	Xalqaro valyuta jamg‘armasi navbatdagi missiyasi davrida muhokama qilish va tavsiyalarni olish

Ushbu islohotlarning uzviy davomi sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60-sonli Farmoni qabul qilindi. Bu farmonning qabul qilinishi hozirgi mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishni yanada kuchaytirish hamda xalqimiz turmush darajasini yanada oshirishga qaratilganligi bilan ham ahamiyatlidir. Xususan, ushbu farmonda yurtimizni rivojlantirish bo‘yicha yettita bo‘limdan iborat yuzta maqsad va ularni

bajarish yuzasidan vazifalar belgilandi. Shu maqsadlarning yigirma birinchisi sifatida: “Davlat byudjeti taqchilligini qisqartirish va 2023-yildan yalpi ichki mahsulotga nisbatan uning 3 foizdan oshib ketmasligini ta’minlash hamda har bir tuman byudjetining kamida 5 foizini “Fuqarolar byudjeti” dasturi doirasida aholining takliflari asosida eng dolzarb muammolarni yechishga sarflashni tashkil qilish”¹ kabi ishlarga asosiy e’tibor qaratiladi.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, O’zbekistonda davlat byudjet tizimini takomillashtirish soliq-byudjet siyosatining ustuvor yo’nalishlarini belgilashda muhim omillardan biri hisoblanadi. Bu esa o’z navbatida, davlat moliyaviy siyosatining o’rta va uzoq muddatli maqsadlarini qo’llab-quvvatlash talablariga javob beradigan samarali davlat moliyasini boshqarish tizimini yaratish maqsadida “moliya yili davomida moliyaviy resurslarning yetarliligini baholash” tamoyilidan “qabul qilinayotgan siyosiy qarorlarning o’rta va uzoq muddatli oqibatlarini va ajratilgan byudjet mablag’larining natijadorligini baholash” tamoyiliga o’tishni nazarda tutuvchi strategik yondashuvni soliq-byudjet siyosati doirasida keng imkoniyatlar yaratadi. Qolaversa, byudjetdan mablag’ oluvchilar kesimida byudjetni taqsimlash va ularning byudjet vakolatlarini kengaytirish mexanizmining joriy etilishi bilan byudjet tashkilotlari va byudjetdan mablag’ oluvchilarning o’z maqsadlarini belgilash va muvofiq ravishda aniq tadbirlarini rejalashtirish imkoniyatlari ham kengayib boradi. Bunda asosiy e’tibor byudjet mablag’laridan foydalanish samaradorligini oshirish hamda bu mablag’lar ustidan nazoratni kuchaytirishga qaratiladi.

Shundan kelib chiqqan holda, ajratilgan byudjet mablag’laridan foydalanishning samaradorligi va natijadorligini baholash ko’rsatkichlarini kengaytirish uchun davlat byudjeti loyihasini to’g’ri tuzilishida tegishli choralar ko’rish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Byudjet Kodeksi (26.12.2013-y.)
2. O’zbekiston Respublikasining 2019-yil 9-dekabrda “2020-yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida”gi O’RQ-589 sonli qonuni.
3. O’zbekiston Respublikasining 2020-yil 25-dekabrda “2021-yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida”gi O’RQ-657 sonli qonuni.
4. O’zbekiston Respublikasining 2021-yil 30-dekabrda “2022-yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida”gi O’RQ-742 sonli qonuni.
5. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevralda “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi” PF-4947-sonli farmoni.
6. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to’g’risida” PF-60-sonli farmoni.
7. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2020-yil 24-avgustda “2020-2024-yillarda O’zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish Strategiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi 506-sonli qarori.

¹ O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to’g’risida” PF-60-sonli Farmoni. 3-bo’lim 21-maqсад.

8. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.
9. Nurmuxamedova B. Moliya. O'quv qo'llanma. T.:Iqtisod-moliya. 2017-y.
10. Nurmuxamedova B. Davlat byudjeti. O'quv qo'llanma. T.:Iqtisod-moliya. 2019-y.
11. Iqtisodiyotni barqarorligini ta'minlash bo'yicha asosiy yo'nalishlar belgilandi.// "Xalq so'zi", 10.06.2020-y. №122
12. www.mf.uz O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining rasmiy sayti.
13. www.stat.uz O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo'mitasining rasmiy sayti.
14. www.lex.uz axborot portal

БЮДЖЕТНИНГ ЗАХИРА ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА УЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Сайидбоев Шермирза Додхомирзаевич, и.ф.д., проф.
Мамаджанов Шухрат Жалолидинович, к.ўқ.
Акбаров Ғайратжон Нетьмаджонович, ассистент
Наманган Муҳандислик-технология институти

Бюджет молия йилида молиявий ресурсларнинг етарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Сабаби молиявий маблағларнинг етишмай қолиши турли-туман ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Уни олдини олиш бюджет жараёни иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бугунги кун талаблари даражасида ташкиллаштириш энг долзарб масала ҳисобланади. Буни бюджетларнинг захира жамғармалари ҳамда қўшимча манбалари Давлат бюджетининг ҳар бир даражасида қандай амалга оширилишини тадқиқ этиб, кузатиш мумкин.

Захира жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади.

2021 йилдаги “Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантириш белгилаб қўйилган.

Захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тушадиган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Захира жамғармалари миқдори макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджетининг асосий

параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади. Мазкур маблағларнинг тақсимловчилари тегишинча ҳокимликлар ҳисобланади. Захира жамғармаларидан қўшимча маблағлар ажратилиши таклиф этилаётган мақсадлар учун давлат бюджетида ҳам маблағлар назарда тутилаётган бўлса, у ҳолда тегишли захира жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар фақат илгари тегишли бюджетда назарда тутилган маблағлар сарфлаб бўлинганидан кейингина киритилади. Ушбу жамғармалардан маблағлар ажратилган тадбирлар муайян муддатга эга бўлса, у ҳолда фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугаганидан кейин ўн иш куни ичида тегишли захира жамғармасига тикланади. Шаҳар бюджетининг захира жамғармасидан ажратилиб, молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ажратилган маблағлар эса молия йили тугагач, тегишли бюджетга кирим қилинади.

Бюджетнинг захира жамғармасидан маблағлар олувчилар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органларига захира жамғармасидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

**Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳисобидан
2019-2021 йиллар давомида ажратилган маблағлар тўғрисида
маълумот¹**

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	Жами харажат	Шундан			Офис мебеллари ҳамда компьютер технологиялари сотиб олиш учун	Авто-мобил сотиб олишга
			Таълим	Соғлиқни сақлаш	Бошқалар		
	Тўрақўрғон тумани	5468,3	200,2	699,5	4568,6	1405,5	246,0
1.	2019 йил	1857,6	80,18	40,615	1736,805	618,026	0
2.	2020 йил	1965,1	100	547,4	1317,7	365,5	246
3.	2021 йил	1645,6	20	111,5	1514,1	422	0

Маълумотларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира

¹ Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

жамғармалари ҳисобидан 2019 йилда амалга оширилган харажатларнинг 66,2 фоизи ёки 262,4 млрд. сўм маблағ маҳаллий ҳокимиятлар томонидан фойдаланилган. Водий вилоятларида масалан, Андижонда жами харажатларнинг 32,0 фоизи ёки 43605,4 млн.сўм, Наманган вилоятида 65,7 фоиз ёки 30271,9 млн.сўм, Фарғона вилоятида 59,5 фоиз ёки 40502,0 млн.сўм молиявий ресурслар маҳаллий ҳокимият органларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларига сарфланган. Захира жамғармасининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги мавқеини туман мисолида кўриш мумкин.

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси маблағлари 2019-2021 йилларда 5468,3 млн.сўм бўлган. Уларнинг асосий қисми соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишларга сарфланган. Жумладан 2019-2021 йилларда маҳаллий бюджет захира жамғармаси маблағларининг 200,2 млн.сўми таълим соҳасига, 699,5 млн.сўми соғлиқни сақлаш соҳасига, 4568,6 млн.сўми бошқа мақсадларга йўналтирилган. Эътиборли томони, 2020 йилда пандемия бўлишига қарамасдан, ушбу йўналишларнинг моддий-техника таъминотини яхшилашга 1965,1 млн.сўм захира жамғармаси маблағлари сафарбар этилган.

Таъкидланганидек, ижтимоий соҳани молиявий ресурслар билан таъминлаш миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг долзарб йўналиши бўлиб ҳисобланади. Мазкур соҳани молиялаштиришда пулсиз хизматларни етказиб беришга қаратилган давлатнинг фаолияти устуворлик касб этмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолининг кам таъминланган катламини моддий қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Масаланинг муҳимлигини бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олими Е.Н.Жильцов таълим тизимини ривожлантириш йўли билан жамият барқарорлигига эришиш мумкинлигини алоҳида эътироф этган¹. Бироз бошқачароқ фикр Х.О.Гассетда ҳам кузатилади. Унинг таъбирича, жамият барқарорлигининг муҳим омили фақат таълим тизими ҳисобланади.

Давлат ҳар бир фуқаро иқтисодий ҳолати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар уларнинг таълим олишини кафолатлаши лозим².

Дунё мамлакатларида ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 3-5 фоизи, Ўзбекистонда эса 10-12 фоизи таълим соҳасига йўналтирилганлиги билан диққатга молик³. 2022 йилда Ўзбекистонда Давлат бюджетининг харажатларида ижтимоий соҳани молиялаштириш учун 55-60 фоиз маблағлар йўналтирилиши режалаштирилган. Муҳими, кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан бир неча баробар кўпайган.

¹ Жильцов Е.Н., Казаков В.Н. Экономика социальных отраслей сферы услуг.-М: Экономический факультет МГУ; ТЕИС, 2007. – С.55,56.

² Понеделко Г. Европа: Новые ревлюи. Испания: социальное измерение демократических преобразований // Мировая экономика и международные отношения.-Москва, 2004.-№1.-С.80-88.

³ Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истикбол йўналишлар.

Ижтимоий соҳани молиялаштириш масаласи борасида Д.А.Рахмонов, Г.Қосимова, Ш.Маҳкамова, Ф.Ш.Зайниддиновлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб, йўналиш ривожланишига оид фикр-мулоҳазаларини билдирганлар¹.

Ижтимоий соҳани молиялаштиришда захира жамғармаларидан ташқари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари уларни молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда ўзгача ўрин тутади.

Давлат бюджетининг қўшимча манбалари давлат бюджетининг ҳар бир даражасидаги бюджетларида алоҳида-алоҳида шакллантирилади. Амалиётда улар қуйидагилардан:

турли даражадаги бюджетларнинг ҳар йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағларидан;

турли даражадаги бюджетлар даромадларининг биринчи-учинчи ҳисобот чорақлари яқунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилишидан;

турли даражадаги бюджетларга давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларидан ташкил топади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2019 йил 9 ойи ва 2020 йилнинг 9 ойлари яқунлари билан шаклланган қўшимча манбалар тўғрисидаги маълумотлар шундан далолат берадики, республика бўйича 4254,7 млрд.сўм маблағлар шаклланган бўлиб, эркин қолдиқ 1792,7 млрд.сўм, қўшимча даромад эса 2462,0 млрд.сўмдан иборат бўлган.

Водий вилоятлари кесимида қўшимча манбаларнинг эркин қолдиғи ва қўшимча даромадини таҳлил қилинганда, Андижон вилоятида кўрсаткичлар мос равишда 193,9 млрд.сўм ва 321,1 млрд.сўмни ташкил этган. Наманган вилоятида эркин қолдиқ 82,7 млрд.сўм, қўшимча даромад эса 220,8 млрд.сўм, Фарғона вилоятида кўрсаткичлар мос равишда 106,3 млрд.сўм ва 190,6 млрд.сўм маблағ шаклланган. Туман кесимида қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин:

**Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджети қўшимча маблағларининг
2021 йилда шаклланиши ва улар ҳисобидан
амалга оширилган харажатлар тўғрисидаги маълумот²**

млн.сўм

№	Ҳудуд номи	жами харажат	шундан		
			Таълим	Соғлиқни сақлаш	Бошқалар
	Тўрақўрғон тумани	10283,8	258,0	1453,0	8572,8

¹Д.А.Рахмонов. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштиришнинг методологик асослари.-Т.: “Фан ва технология”, 2017. Қосимова Г.А. Бандлик-ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишидир // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий-электрон журнали.-, 2016. №6. Маҳкамова Ш. Ижтимоий табақаланишни тартибга солиш-жамият барқарорлиги асоси // Молиячи маълумотномаси журнали.-Тошкент, 2015. Зайниддинов Ф.Ш. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти // Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали.-ТМИ, 2017.

² Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

1.	Чорак якунлари бўйича даромадларни ортиғи билан бажарилган қисми ҳисобидан	7514,8	58	1453	6003,8
2.	Йил бошига эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан	2769,0	200	0	2569

Маълумотларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан 2019 йилда амалга оширилган харажатларнинг 66,2 фоизи ёки 262,4 млрд. сўм маблағ маҳаллий ҳокимиятлар томонидан фойдаланилган. Водий вилоятларида масалан, Андижонда жами харажатларнинг 32,0 фоизи ёки 43605,4 млн.сўм, Наманган вилоятида 65,7 фоиз ёки 30271,9 млн.сўм, Фарғона вилоятида 59,5 фоиз ёки 40502,0 млн.сўм молиявий ресурслар маҳаллий ҳокимият органларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларига сарфланган. Захира жамғармасининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги мавқеини туман мисолида кўриш мумкин.

Туманда 2021 йилда эркин қолдиқ 2769,0 млн.сўм, қўшимча даромад эса 7514,8 млн.сўм, жами 10283,8 млн.сўм қўшимча манбалар шаклланган. Маблағларнинг 258,0 млн.сўми таълим тизимини ривожлантиришга, 1453,0 млн сўми соғлиқни сақлаш соҳасига, бошқалар учун 8572,8 млн.сўм маблағ йўналтирилган.

Келтирилган маълумотларга таянган ҳолда қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдирилади:

Таҳлиллар кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан харажатларнинг асосий қисми маҳаллий ҳокимиятларга сарфланган. Кейинги пайтларда маҳаллий бюджетлар даромадлигини таъминлаш мақсадида ундирилаётган солиқларнинг талайгина қисми уларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда. Шу боис қўшимча манбалар етарлича шаклланаётганлигини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг кейинги йил бюджет режасида захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1/200 қисмидан кўп бўлмаган миқдорларда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ;

Муқаддас китобларда таъкидланишича, кўрсатилган амрларга шакл ва мазмуни бўйича итоат қилиниши шартлиги, уларни кимнингдир мулоҳазакор далиллари ёки ички истаклари асосида рад этиш ёхуд бузиш мумкин эмаслиги асосланган. Шу боис инсоннинг бутун фаолияти мазкур илоҳий кўрсатмаларга мувофиқ бўлиши ҳамда қатъи белгилаб қўйилган ҳад доирасида амалга оширилиши талаб этилади. Яратганга итоат нафақат

ибодатда, балки молиявий-иқтисодий фаолиятда ҳам талаб қилинади. Бунда айрим зохирий манфаатлардан воз кечилади, чунки бу жамиятнинг жамоавий манфаатларига зид бўлиши мумкин. Бу тўла-тўқис биз тадқиқ этаётган бюджетнинг захира жамғармалари ва қўшимча манбаларига ҳам тааллуқли бўлиб, амалиётда ушбу маблағлардан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланишга йўл қўймаслик талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 26.12.2013 йил, ЎРҚ-360, <https://lex.uz/uz/docs/2302187>.
2. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.12.2021 йил, ЎРҚ-742, <https://lex.uz/uz/docs/5801127>.
3. “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори, 22.04.2021 йил, КҚ-213-IV-сон, <https://lex.uz/uz/docs/5411557>.
4. Маликов Т., Олимжонов О. Молия: дарслик. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. – 800 б.
5. Маликов Т. Бюджет-солиқ сиёсати: дарслик. –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. – 404 б.
6. Рахмонов Д. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштиришнинг методологик асослари.-Т.: “Фан ва технология”, 2017.
7. Жильцов Е.Н., Казаков В.Н. Экономика социальных отраслей сферы услуг.-М: Экономический факультет МГУ; ТЕИС, 2007. – С.55,56.
8. Понделко Г. Европа: Новые ревлии. Испания: социальное измерение демократических преобразований // Мировая экономика и международные отношения.- Москва, 2004.-№1.-С.80-88.
9. Боди З.,Мертон Р.Финансы / Пер.с англ.М.: Вильямс, 2005. 592с.
10. Ван Хорн Д., Вахович Д. Основы финансового менеджмента.11-е изд.М.:Вильямс,2010.496 с.
11. Байдаулет Е.А. Ислокий молия асослари (Матн) / Е.А.Бадаулет.-Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ,2019.-432 б.
12. Финансово-кредитный словарь: В 3-х Т. П/ Гл.ред.В.Ф.Гарбузов.-М.:Финансы и статистика, 1986.511с.
13. Жумаев Н, Рахмонов Д. Жаҳон иқтисодиётининг янги инқирози- иқтисодий ҳаракатсизлик.Электрон манбаа:[https:// review.uz/oz/hяI](https://review.uz/oz/hяI)
14. Колесов А.С. Финансовая политика государства: методология оценки и повкшения результативности: автореферат ...д.э.н.- Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государтственный университет,2014.-50 с.
15. Павлова Л.Н.Финансовый менеджмент в предприятиях и коммерческих организациях.Управление денежным оборотом .-М.: Фынансы и статистика, 1993.160с.:ил.
16. Вознесенский Э.А. Фынансы как стоимостная категория.-М.: Финансы и статистика, 1985.-159с.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА, НАПРАВЛЕННОГО НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ АКТИВНОСТЬ, ГОСУДАРСТВЕННОЙ ФИСКАЛЬНОЙ (БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВОЙ) ПОЛИТИКИ

Х.С.Асатуллаев, к.э.н., профессор
заведующий кафедрой «Экономика»
Ташкентский финансовый институт

***Аннотация:** На современном этапе развития национальной экономики требуется обеспечение пропорционального и устойчивого развития экономики и разработка новых приоритетов государственной экономической политики в преодолении проблем, вызванных экономической пандемией связанной с Covid-19. Сегодня вопрос эффективного применения государственной фискальной (бюджетно-налоговой) политики в целях достижения экономического развития общества, повышения экономической активности является одной из самых актуальных и исследовательских тем. Современная фискальная (бюджетно-налоговая) политика будет направлена на повышение экономической активности и преодоление негативных условий в экономике за счет рационального использования государственных финансовых ресурсов. Его основная цель - сдерживать колебания экономического цикла и инфляцию, а также достичь высокого уровня занятости, направленного на обеспечение устойчивого экономического роста. В статье представлены выводы и предложения, направленные на повышение экономической активности за счет рационального использования экономических рычагов государственной фискальной (бюджетно-налоговой) политики.*

***Ключевые слова:** Экономический активность, Экономический рост, государственная фискальная политика, бюджетно-налоговая политика, занятость, финансы, государственный бюджет, расходы государственного бюджета, доходы государственного бюджета, экономический кризис, экономический цикл, налоги, налоговые льготы.*

В условиях современной рыночной экономики требуется поэтапное проведение государственной фискальной политики в нашей республике, соответствующей фазовым колебаниям экономического цикла. В этой связи колебания в экономике, необходимость углубленного анализа рычагов и инструментов государственной фискальной политики, влияющих на экономическую активность, а также их научное обоснование свидетельствуют о том, насколько актуальна выбранная тема. Также определение приоритетных направлений, влияющих на эффективное проведение государственной фискальной политики и её эффективность в будущем, а также исследование её новых аспектов, позволяющих проводить оценку, относятся к числу наиболее важных задач.

В 2020 году вследствие глобальной пандемии Covid-19 тяжёлое положение, потрясшее экономики ряда стран мира, заставило задуматься человечество о том, какую финансовую политику следует проводить после пандемии, чтобы вывести страну из экономического спада и обеспечить её развитие. Приостановка экономического роста с началом пандемии,

усиление процессов деглобализации¹ в результате нарушения различных торговых потоков во многих странах и регионах мира, обострение процессов слобализации² вследствие применения санкций из-за противоречий между рядом стран, а также рост общей величины государственных долгов призвали каждое государство принять важнейшие решения по их урегулированию. Пандемия обострила ситуацию в сфере государственных финансов, способствовала увеличению наличных денег и дешевых кредитов в национальной экономике в результате осуществления мер фискальной и монетарной политики, направленных на смягчение кризиса, а также привела к дефициту государственного бюджета³. Также тяжелые последствия пандемии, глобальные колебания и карантинные ограничения, применённые во всём мире для предотвращения распространения болезни, оказали серьёзное влияние на глобальную систему производства и сферу логистики. В результате это привело к закрытию многих предприятий, банкротству представителей бизнеса, резкому повышению уровня безработицы и сокращению платежеспособности потребителей.

К началу 2021 года среди исследователей большую популярность обрели темы, связанные с тяжелыми финансовыми последствиями пандемии Covid-19 и экономикой пострадавших от неё отраслей и секторов. В частности, в России выдвинутые западными экономистами идеи государственной финансовой системы применения фискального и монетарного подхода к регулированию экономики в период пандемии исследованы учёным-экономистом Е.Луцкой⁴. Также в другой исследовательской работе Е.Луцкой приведена специфическая стратегия выхода из глобального кризиса пандемии посредством фискальных и монетарных мер⁵.

В своём исследовании Л.Петрова более подробно объясняет влияние фискальной политики на экономику, особенно её роль в восстановлении экономики после глобальной пандемии⁶. Кроме того влияние фискальных и

¹ Как правило, сокращение взаимоотношений и интеграционных процессов между национальными государствами по всему миру. Применяется для описания периодов истории, когда экономическая торговля и потоки инвестиций между странами снижались.

² Означает ожидание резкого снижения темпов роста мировой экономики. Данную концепцию сравнивают с глобализацией (объединением экономик разных стран), наблюдаемой в мире с 1970-х годов за счёт либеральных торговых потоков.

³ См.: The steam has gone out of globalization // The Economist. 2019. January 24 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.economist.com/leaders/2019/01/24/the-steamhas-gone-out-of-globalisation>

⁴ Луцкая Е. Е. Монетарная и фискальная политика: дискуссии о роли в системе государственного регулирования // Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 2: Экономика. Реферативный журнал. 2020. № 3. С. 37–42.

⁵ Луцкая Е. Е. Проблемы выработки антикризисной стратегии для преодоления пандемии коронавируса и ее последствий // Экономические и социальные проблемы России. 2020. № 3 (43). С. 68–83. DOI: 10.31249/espr/2020.03.03.

⁶ Петрова Л. А., Кузнецова Т. Е., Володин В. М. Сценарии развития экономик развитых стран и России в условиях постпандемии // Финансы: теория и практика. 2020. Т. 24, № 4. С. 47–57. DOI: 10.26794/2587-5671-2020-24-4-47-57.

монетарных мероприятий на экономику во многих странах мира после глобальной пандемии изучено в работах и исследованиях группы учёных-экономистов¹. Исходя из анализа проведённых исследований следует отметить, что среди фискальных мер наиболее оптимальным средством по воздействию на экономику, обеспечивающим экономическое развитие стран после глобальной пандемии, являются налоги. Из учёных-экономистов СНГ Е.Вылкова, обобщив приведённый в ряде опубликованных исследовательских работах зарубежных и отечественных учёных-экономистов международный опыт регулирования экономики после пандемии посредством налогов, в качестве самого правильного пути избавления от пандемии и выхода из неё приводит совершенствование налогов, налоговой политики в зависимости от экономической ситуации². Т.Деева рассмотрела вопросы налогового администрирования в условиях новой цифровой экономики, отмечая, что развитие после глобальной пандемии будет достигаться за счет совершенствования именно налогового администрирования³.

Наряду с этим установление приоритетных направлений и целей государственной фискальной политики в период после пандемии требует дополнительного её изучения. При изучении фискальной политики в новом ракурсе, безусловно, необходимо основное внимание уделить образующим её инструментам и рычагам, аспектам, которые в единстве пополняют доходную часть государственного бюджета. Как известно, во многих странах мира при сокращении государственного долга и обеспечении стабильности бюджета после экономического кризиса требуется дополнительное проведение приватизации государственного имущества, которое полностью принадлежит государству, и строгого контроля над внутренним долгом посредством совершенствования налоговой политики.

К ним можно отнести применение временного карантина к бизнес субъектам, сфере туризма, международному транспорту, спорту, кинематографии, потреблению общества, медицинские расходы,

¹ Вертакова Ю. В., Феоктистова Т. В. Реализация антикризисных мер для населения и бизнеса в условиях пандемии коронавируса Covid-19 // Экономика и управление. 2020. Т. 26, № 5 (175). С. 444–454. DOI: 10.35854/1998-1627-2020-5-444-454.; Горбачева Т. А. Фискальные антикризисные меры стран в период пандемии Covid-19 // Вестник Московского университета им. С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление. 2020. № 3 (34). С. 38–42. DOI 10.21777/2587–554X-2020-3-38-42.; Дорофеев М. Л. Современные особенности государственной политики стабилизации экономики в условиях кризиса // Банковское дело. 2020. № 8. С. 33–40.; Курдин А. А., Коломиец А. Р., Маркова О. А., Служевская В. Д., Филиппова И. Н., Шпакова А. А. Вход в пандемию: первые меры поддержки экономики и первые результаты // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. 2020. Т. 12, № 2 (36). С. 7–25.

² Вылкова Е. С. Проблематика налоговой политики в условиях коронавирусных угроз, содержащаяся в публикациях российских исследователей // Теневая экономика. 2020. Т. 4, № 3. С. 147–158. DOI: 10.18334/tek.4.3.110941.

³ Деева Т. В. Тенденции развития удаленного налогового контролинга в условиях цифровой экономики и больших вызовов пандемии коронавирусной инфекции COVID-19 // Креативная экономика. 2020. № 7. С. 1401–1412. DOI: 10.18334/ce.14.7.110588.

осуществлённые на лечение больных и другие. А также приняты меры государственной поддержки, направленные на стимулирование потребительского спроса населения и недопущение снижения доходов домашних хозяйств.

Таблица 1

Основные показатели мировых хозяйственных связей в 2018-2020 годах¹

Годовые темпы роста ВВП			Годовые темпы роста международных торговых операций						Годовые темпы роста прямых иностранных инвестиций		
			Экспорт товаров			Экспорт услуг					
2018	2019	2020	2018	2019	2020	2018	2019	2020	2018	2019	2020
3,6	2,9	-3,5	9,7	-2,8	-5,6	7,7	1,9	-15,4	-13	11,4	-42

Если провести анализ расходов и доходов государственного бюджета нашей республики за период за 2010-2020 годы, то изменение расходов и доходов государственного бюджета имело тенденцию, соответствующую темпам роста реального ВВП. Если в 2010 году доходы государственного бюджета составляли 22,0 процентов по отношению к ВВП, то к 2020 году этот показатель увеличился до 24,1 процентов. Таким же образом расходы государственного бюджета в 2010 году составляли 21,7 процентов по отношению к ВВП, то в 2020 году этот показатель увеличился до 24,9 процентов.

Если проанализировать темпы роста реального ВВП в нашей стране, то самая низкая тенденция за период 2010-2020 годы наблюдалась в 2017-2018 годах, когда этот показатель составлял 5,2-5,3 процентов. А в 2020 году, несмотря на пандемию, обеспечен рост этого показателя на 1,6 процентов. Наиболее высокие темпы роста реального ВВП наблюдались в 2010-2015 годах, когда темп роста составил в среднем 8,0 процентов. Соответственно, доходы государственного бюджета составили в среднем 21,0 процентов по отношению к ВВП, и расходы государственного бюджета почти 21,0 процентов по отношению к ВВП.

Многие страны во время экономической пандемии оказали дополнительную финансовую помощь малому бизнесу и домохозяйствам. В октябре 2020 года государствами проведен финансовый контроль и осуществлены новые временные фискальные меры. К ним относятся Австралия, Канада, Франция, Германия, Индия, Индонезия, Япония, Испания, Великобритания и США. Страны Европейского континента разработали новое законодательство. Согласно прогнозам, в 2021 году за счёт роста доходов во многих странах будет наблюдаться незначительный дефицит бюджета. В результате временных мер, направленных на

¹ IMF World Economic Outlooks, 2019–2021; UNCTAD Handbooks of Statistics, 2019–2020; UNCTAD World Investment Reports, 2019–2021.

восстановление экономики после пандемии, расходы сократились автоматически. Однако это невозможно осуществить без дополнительной бюджетной политики на основе бюджетного плана на 2021 год.

Также, в дополнение к бюджетным планам на 2021 год прогнозируемые в этом году сокращения бюджета может снизить темпы восстановления, скорость и масштабы которого остаются до сих пор неопределёнными. Ожидается, что многие развитые и развивающиеся страны усилят бюджетную политику в 2021 году, отражая понижение рейтингов и негативную реакцию рынка, сохраняя при этом высокий уровень долга, валютных рисков и огромный дефицит.

В качестве одного из показателей глобальных фискальных и монетарных ответных мер МВФ оценил государственные расходы и доходы на поддержку экономической активности до 2020 года в размере 5,4 трлн. долларов США, на кредиты, капитал, гарантии и прочее - 5,4 трлн. долларов США, а в общей сложности выделено 10,8 трлн. долларов¹. Правительственные долги во всем мире вырастут с 3,9 процентов от валового внутреннего продукта (ВВП) в 2019 году до 12,7 процентов в 2020 году. По другим расчётам, Центральные банки выделили 17 триллионов долларов на поддержку своих экономик для борьбы с экономическими последствиями пандемии². В развитых странах прогнозируется рост соотношения дефицита бюджета к ВВП с 3,3 процентов в 2019 году до 14,4 процентов в 2020 году; для Соединённых Штатов Америки прогнозируется рост этого показателя с 6,3% до 18,7%, что является самым высоким показателем для любой страны или региона³.

Опираясь на результаты проведенного выше анализа можно сделать вывод, что по нашему мнению, необходимо принимать во внимание следующие приоритетные направления фискальной политики государства, направленные на экономическую активность:

– исходя из реальной практики развитых стран, необходимо разработать теоретико-методологический, научно обоснованный подход, стимулирующий экономический рост, инвестиционную активность и занятость, обеспечивающих экономическую активность государственной фискальной политики. Это требует учёта рычагов и инструментов, стимулирующих уровень развития страны, региональные пропорции, занятость, уровень потребления населения.

– необходимо определить рамки воздействия рационального использования финансовых рычагов и инструментов государственной фискальной политики в будущем, обозначить их приоритетные направления, обеспечивающие экономическую активность. Поскольку

¹ World Economic Outlook Update, International Monetary Fund, June 24, 2020. p. 16.

² Wigglesworth, Robin, Long Live Jay Powell, the New Monarch of the Bond Market, Financial Times, June 23, 2020. <https://www.ft.com/content/5db9d0f1-3742-49f0-a6cd-16c471875b5e>

³ Fiscal Monitor, International Monetary Fund, October 2020, Table 1.1

резкое снижение в последние годы объёмов валового производства нашей страны по сравнению с предыдущими периодами предусматривает разработку механизмов государственной фискальной политики, стимулирующих именно экономическую активность.

– при эффективном использовании налоговой политики, которая считается одной из составляющих государственной фискальной политики, необходимо предоставление налоговых льгот на определенный период времени в соответствии с программой развития ведущих отраслей и секторов национальной экономики с целью обеспечения соответствия отраслевых предприятий. Это приведет непосредственно к увеличению производственного потенциала страны, ускоренному развитию рыночной инфраструктуры в регионах и обеспечению эффективной занятости, что, в свою очередь, повысит спрос за счет занятых людей.

– исходя из условий модернизации экономики, государственная фискальная политика должна владеть свойством создания и поддержки условий благоприятного климата для эффективного функционирования национальных хозяйств, ведущих свою деятельность в национальной экономике, и достижения ими высокой эффективности.

– государству необходимо разработать антиинфляционные меры. При этом необходимо освободить от налога на добавленную стоимость розничную торговлю, осуществляемую предприятиями, а также ввести единую налоговую ставку для всех хозяйствующих субъектов данной сферы.

Список использованной литературы

1. The steam has gone out of globalization // The Economist. 2019. January 24 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.economist.com/leaders/2019/01/24/the-steamhas-gone-out-of-globalisation>
2. Луцкая Е. Е. Монетарная и фискальная политика: дискуссии о роли в системе государственного регулирования // Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 2: Экономика. Реферативный журнал. 2020. № 3. С. 37–42.
3. Луцкая Е. Е. Проблемы выработки антикризисной стратегии для преодоления пандемии коронавируса и ее последствий // Экономические и социальные проблемы России. 2020. № 3 (43). С. 68–83. DOI: 10.31249/espr/2020.03.03.
4. Петрова Л. А., Кузнецова Т. Е., Володин В. М. Сценарии развития экономик развитых стран и России в условиях постпандемии // Финансы: теория и практика. 2020. Т. 24, № 4. С. 47–57. DOI: 10.26794/2587-5671-2020-24-4-47-57.
5. Вертакова Ю. В., Феоктистова Т. В. Реализация антикризисных мер для населения и бизнеса в условиях пандемии коронавируса Covid-19 // Экономика и управление. 2020. Т. 26, № 5 (175). С. 444–454. DOI: 10.35854/1998-1627-2020-5-444-454.; Горбачева Т. А. Фискальные антикризисные меры стран в период пандемии Covid-19 // Вестник Московского университета им. С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление. 2020. № 3 (34). С. 38–42. DOI 10.21777/2587–554X-2020-3-38-42.; Дорофеев М. Л. Современные особенности государственной политики стабилизации экономики в условиях кризиса // Банковское дело. 2020. № 8. С. 33–40.; Курдин А. А., Коломиец А.

Р., Маркова О. А., Служевская В. Д., Филиппова И. Н., Шпакова А. А. Вход в пандемию: первые меры поддержки экономики и первые результаты // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. 2020. Т. 12, № 2 (36). С. 7–25.

6. Вылкова Е. С. Проблематика налоговой политики в условиях коронавирусных угроз, содержащаяся в публикациях российских исследователей // Теневая экономика. 2020. Т. 4, № 3. С. 147–158. DOI: 10.18334/tek.4.3.110941.

7. Деева Т. В. Тенденции развития удаленного налогового контролинга в условиях цифровой экономики и больших вызовов пандемии коронавирусной инфекции COVID-19 // Креативная экономика. 2020. № 7. С. 1401–1412. DOI: 10.18334/ce.14.7.110588.

8. IMF World Economic Outlooks, 2019–2021; UNCTAD Handbooks of Statistics, 2019–2020; UNCTAD World Investment Reports, 2019–2021.

9. World Economic Outlook Update, International Monetary Fund, June 24, 2020. p. 16.

10. Wigglesworth, Robin, Long Live Jay Powell, the New Monarch of the Bond Market, Financial Times, June 23, 2020. <https://www.ft.com/content/5db9d0f1-3742-49f0-a6cd-16c471875b5e>.

DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATINING AHAMIYATI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI

Ibodullayev Abrorjon Axrorjonovich

PhD, “Moliya” kafedراس

Tursunov Elbek Eshnazar o‘g‘li – 3-bosqich talabasi

Toshkent moliya instituti

4. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (собик) ва “Тошкент” РФБ маълумотлари
5. Килячков А.А. Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело. Учебные пособие. 2-е изд., с измен. М., «Экономист», 2005,стр. 687.

РОЛЬ МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ

Шаисламова Наргиза Кабиловна,
ст.преп. кафедры «Оценочное дело и инвестиции»
Обидов Жавохир Шарифжон угли,
студент группы БИЛМ-01
Ташкентский финансовый институт

Актуальность темы исследовательской работы. В рыночной экономике существует множество типов предприятий, но ни на одном из них нельзя обойтись без маркетинговой службы. Хотя экономисты выделяют различные пути повышения эффективности инвестиционного проекта, но именно специалисты маркетингового отдела помогают предпринимателю и инвестору повысить эффективность, а следовательно, и прибыльность компании.

Прежде всего, маркетологи занимаются исследовательской работой: исследованием рынка, потребителей, товара, конкурентов. Многие директора предприятий недооценивают и даже игнорируют исследования маркетинга, что впоследствии прямым образом отражается на финансовом благосостоянии фирмы. Хотя исследования дороги, нельзя приуменьшать их роль, потому что в будущем они принесут только прибыль: предприятие, особенно молодое, почувствует себя уверенней на новой почве неосвоенного рынка. При помощи исследований можно выбрать наиболее оптимальный и прибыльный рынок, потребителей, способ рекламы и т. д., и таким образом маркетинговые исследования повышают прибыльность предприятия.

Постановка научной проблемы. Каковы основные задачи, функции и этапы проведения маркетинговых исследований? Какова роль маркетинговых исследований в обеспечении эффективности проекта?

Основные результаты исследований по данной теме

Маркетинговый анализ начинается с общей оценки рынка и заканчивается определением рыночного потенциала предприятия, то есть максимально возможного объёма продаж, а также составлением на заданный период времени прогноза продаж. Данный прогноз является главной целью маркетингового анализа, базой для всего инвестиционного расчёта. На основании этого определяется экономическая целесообразность проекта.

В зависимости от технологической сложности, степени риска и капиталоемкости проекты имеют различные сроки реализации и степень детализации работ. Однако все проекты имеют три основных этапа, в ходе которых реализуются соответствующие маркетинговые функции.

Первый этап – прединвестиционный, итогом этапа является разработка бизнес-плана проекта.

Реализуются функции стратегического маркетинга:

- проведение маркетинговых исследований;
- сегментирование потребителей;
- разработка маркетинговых стратегий, определение ориентировочных бюджетов маркетинга.

Основным итогом маркетинговых мероприятий первого этапа является определение рыночного потенциала и построение прогноза продаж планируемого производства (выраженные в денежном и в натуральном выражении), определение уровня конкурентоспособности предприятия. Фактически маркетинговые мероприятия прединвестиционного этапа и есть маркетинговый анализ инвестиционного проекта.

Второй этап – инвестиционный и итогом этого этапа является сдача предприятия в эксплуатацию. Реализуются функции оперативного маркетинга. В рамках принятых на первом этапе проекта маркетинговых стратегий разрабатываются и частично реализуются мероприятия комплекса маркетинга, направленные на реализацию рыночного потенциала проекта:

- товар: непосредственная разработка торговой марки, упаковки товара и др.;
- цена: разработка контрактной политики, системы скидок и др.;
- распределение товара: проведение переговоров с торговыми компаниями, открытие представительств в выбранных городах и др.;
- стимулирование продаж: разработка рекламной компании, специальных акций.

Третий этап – эксплуатационный, на этом этапе реализуются функции оперативного маркетинга, то есть выполняются мероприятия комплекса маркетинга, включая продажи - получение запланированных доходов.

Маркетинговый анализ проводится с использованием системного и ситуационного подходов. Предприятие рассматривается как открытая система, развитие которой, в зависимости от внешних и внутренних для неё факторов, может происходить по различным сценариям.

Для проведения маркетинговых исследований прежде всего изучается внешняя среда - проводится комплексный анализ рынка, в том числе оценивается воздействие на процесс реализации проекта внешних макроэкономических факторов; во-вторых, проводится внутренний анализ предприятия.

В ходе внутреннего анализа проекта проводится SWOT анализ предприятия, оценивается его конкурентоспособность, в том числе конкурентоспособность различных его составляющих: продукции, маркетинговой информационной системы и др.

После проведения детального анализа планируемого предприятия и внешней среды, выбора оптимальных стратегий производится окончательная оценка рыночного потенциала проекта и построение прогноза продаж по нескольким сценариям – пессимистическому, усредненному, оптимистическому. Какой вариант принимать как базовый для принятия решения о реализации проекта - зависит от конкретной ситуации, в частности от соотношения объем инвестиций/риск/прибыль, от личных установок собственников предприятия и его менеджеров и др.

Выводы и предложения по данной теме.

1. Маркетинговая политика предприятия является логическим продолжением исследований. Маркетинг сопровождает товар на всем пути процесса создания, определения цены, стратегии сбыта и продвижения.

2. Товарная политика маркетинга определяет оптимальные инструменты воздействия на новый товар, жизненный цикл товара, предсказывает устаревание, что способствует экономии средств и повышению эффективности.

3. Ценовая политика помогает определить истинную цену товара, выявить факторы, влияющие на изменение цены, выработать стратегию смены ценообразования. Эта тактика не даёт предпринимателю прогадать в определении цены, а также завязать её, что в обоих случаях могло бы привести к банкротству.

4. Стратегия сбыта товара влияет на определение оптимального канала сбыта, его ширину и протяженность, выбору посредника и поставщика, выбору метода сбыта, возможность создания собственной торговой сети, что как нельзя лучше влияет на экономию средств, в рыночных условиях, когда даже малейшая ошибка карается конкурентом.

5. Без тактики продвижения товара (реклама, ярмарки, директ-маркетинг, и др.) не выжила бы ни одна фирма. Сейчас, когда население планеты растет, увеличивается количество как продавцов, так и покупателей, производителю и потребителю все сложнее становится

отыскать друг друга. Именно для облегчения этой задачи служит тактика продвижения.

6. Маркетинговые исследования в инвестиционных проектах являются одним из важных элементов. Существует огромное количество направлений и методов маркетинговых исследований, и в проектной документации все это должно быть использовано и применено для привлечения инвестиций, ведь инвесторы решают вкладываться в проект только тогда, когда они полностью удостоверятся в окупаемости проекта. Маркетинговые исследования в инвестиционных проектах применяются в каждом этапе инвестиционного проекта, и каждый ход должен быть прописан в маркетинговой стратегии проекта.

В заключении можно сказать, что маркетинг выходит на еще более значимую позицию в ведении бизнеса и реализации инвестиционного проекта, так как в современной экономике маркетинг – это не только реклама, а глубокое изучение рынка, конкурентов, потребителей, товара и всего остального, что может помочь в максимизации прибыли. Маркетинговые исследования, в свою очередь, являются опорой и фундаментом в успешной реализации планов и целей какого-либо проекта, и обеспечивают достоверность и правильность в принятии решений.

СТРАХОВАНИЕ КАК ЭКОНОМИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ

Атабаев Шихназар Хасанбой ўгли
соискатель, Банковско-финансовая академия

Развитие страхования основано на необходимости общества защитить себя от случайных опасностей. Развитие общественных отношений и вовлечение в хозяйственную деятельность разнообразных направлений деятельности человека, в свою очередь, приводят к расширению сферы деятельности страхования. Страхование является составной частью финансового сектора экономики. Оно возникло в результате общественного разделения труда, обособления различных видов трудовой деятельности. Потребность в страховании обусловлена необходимостью управления рисками, возникающими в процессе жизнедеятельности человека и хозяйственной деятельности организаций (юридических лиц).

Страхование можно рассматривать как систему общественных (экономических, правовых, информационных и др.) отношений по формированию страхового фонда с целью его использования для возмещения убытков от неблагоприятных случайных явлений и инвестирования.

По сравнению с другими экономическими отношениями страхование имеет следующие особенности:

- система экономических отношений в страховании возникает в связи со случайными негативными событиями, а также с экономическими убытками, полученными в результате наступления таких событий;

- страхование обеспечивает замкнутую и солидарную защиту от случайных убытков, т.е. защита распространяется на тех, кто заключил договор страхования и оплатил защиту своими денежными средствами или застрахован в соответствии с законом (обязательное страхование);

- страховые экономические отношения реализуются согласно условиям договора или закона;

- страховые экономические отношения обеспечивают эквивалентность экономических интересов участников сделки;

- денежные взносы страхователей используются для создания страхового фонда, который является источником возмещения случайных убытков.

Страхование можно рассматривать наряду с финансами и кредитом как самостоятельную экономическую категорию, что обосновано процессом страхования. Страхованию присущи следующие признаки:

- наличие перераспределительных отношений. Страховые организации образуют страховые фонды за счет денежных перераспределительных отношений, обусловленных наличием риска, реализация которого способна нанести какой-либо ущерб;

- наличие страхового риска. Передача риска через систему страхования от лица, подвергающегося этому риску, страховщику позволяет решать проблемы по его защите и, как следствие, влияет на экономику страны в целом;

- формирование страхового сообщества из числа страхователей и страховщиков;

- сочетание индивидуальных и групповых страховых интересов;

- солидарная ответственность всех страхователей за ущерб;

- замкнутая раскладка ущерба. Для страхования характерна замкнутая раскладка ущерба, связанная с солидарной ответственностью страхователей — участников страхового фонда;

- перераспределение ущерба в пространстве и времени. Страхованием предусматривается перераспределение убытков или выравнивание ущерба по территории и во времени;

- возвратность страховых платежей. Для страхования характерна возвратность аккумулированных в страховой фонд страховых платежей через систему выплат по состоявшимся страховым случаям.

Сущность экономической и финансовой категорий страхования заключается в распределении ущерба между всеми участниками

страхования. Возмещение убытков страхователей производится в денежной форме, поэтому производственные отношения, лежащие в основе страхования, проявляются через оборот денег, т.е. через денежные отношения. В связи с этим страхование можно отнести к системе финансов. Как и финансы, страхование является категорией распределения, в то же время страхование используется на всех стадиях общественного воспроизводства: производства, распределения, обмена, потребления.

Страхование предусматривает замкнутое перераспределение ущерба с помощью специализированного денежного страхового фонда, образуемого за счет страховых взносов. При страховании возникают перераспределительные отношения по формированию и использованию этого фонда, что приближает страхование к финансам, но одновременно и подчеркивает особенности. Движение денежной формы стоимости в страховании подчинено степени вероятности нанесения ущерба в результате наступления страхового случая.

Страхование можно сравнить с категорией кредита на основании такой особенности, как возвратность средств страхового фонда. Кредит обеспечивает возвратность полученной денежной ссуды, отмечая такую возвратность страховых платежей как характерную черту страхования. Следует иметь в виду, что она относится прежде всего к страхованию жизни. Действительно, большая часть взносов (нетто-платежи) возвращается при наступлении страхового случая (дожитие застрахованного до определенного срока или в случае его смерти). Это действительно возврат взносов, и он имеет обязательный характер. Но при имущественном страховании, при страховании от несчастных случаев и при многих прочих видах страхования выплаты страхового возмещения или страхового обеспечения происходят только при наступлении страхового случая и в размерах, обусловленных соответствующими документами. При выплатах страхового возмещения по имущественным или иным рискованным видам теряется адресность этих сумм, а экономическое содержание этих выплат отлично от возврата страховых платежей.

Страхование является одним из важнейших факторов деловой активности. Его значительная роль определяется тем, что оно расширяет возможности предпринимателя в освоении и внедрении новых продуктов и технологий, защищая бизнес от возможных ущербов в инновационной деятельности, стимулирует производителей к разработке новых идей, позволяет им рисковать, поскольку обеспечивает защиту от убытков, если они возникнут при наступлении страхового случая. Страховщики, контролируя уровень риска, взятого на страховое обеспечение, заинтересованы в снижении страховых случаев и тяжести понесенных убытков, что осуществляется через систему финансирования превентивных (предупредительных) мероприятий, направленных на предотвращение или сокращение рисков, взятых на страховое обеспечение.

Одновременно можно говорить, что страхование является инструментом обеспечения финансовой и социальной защиты населения, так как обеспечивает и поддерживает уровень жизни и благосостояния человека и отдельной семьи. Коммерческое страхование в дополнение к государственному социальному страхованию выступает одной из форм социальной помощи, позволяющей сохранить достигнутый уровень благосостояния человека.

АҲОЛИНИНГ ЎТА КАМ ДАРОМАДЛИ ҚАТЛАМИНИ ИЖТИМОЙ ИЖАРА МЕХАНИЗМИ ОРҚАЛИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Нурмухамедов Бобур Ботирович
ТМИ мустақил тадқиқотчиси

Мамлакатимиз аҳолиси мустақиллика эришилган даврдан бошлаб то шу кунга қадар шиддат билан ўсиб бормокда ва бунга мос равишда янги қурилган оилалар сони ҳам ортиб борди. Масалан 1991 йилда аҳоли сони 20,6 млн кишини ташкил этган бўлса 2022 йил ҳолатига бу кўрсаткич 35,6 млн. кишини ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 1,7 баробарга ўсди.¹

Ўзбекистонда аҳоли сонини ортиши билан уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёж ва талаблари ҳам тобора ортиб борди, бу ҳолатда аҳолини уй-жой билан таъминлаш уларга нормал яшаш шароитини яратиб бериш давлатнинг энг муҳим ва устувор мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади.




¹ Статистика қўмитаси маълумотларидан олинган.

Келинг, ўтган 30 йиллик даврда бизга қўшни бўлган давлатларда аҳоли демографияси қай ҳолатда эканлигини кўрсак ва бунда энг катта кўрсаткич Ўзбекистонда эканлигини кўришимиз мумкин.

Маълумотдан кўриш мумкинки, аҳолини ўсиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон қўшни давлатларга нисбатан биринчи ўринда туради. Ва ўтган 30 йил давомида мамлакатимиз аҳолиси 14,7 млн кишига (71,4 фоизга) ошганлигини кўриш мумкин. Хаттоки аҳолиси энг кўп бўлган қўшни давлат Россия федерациясида ҳам 1991 йилда аҳоли сони 148,5 млн кишини 2022 йилда эса 145,5 млн кишини ташкил этган. Бироқ Россия ва Қозоғистонда ипотека бозорини қай даражада ривожланганлигини юқорида кўрсатиб ўтилган тахлилий маълумотлардан кўришимиз мумкин бўлади.

Мамлакатимизда аҳоли сони ортиб бориши билан бирга, янги қурилган оилалар сони ҳам тобора ортиб борган. Мустақилликдан кейинги 30 йил ичида янги қурилган оилалар сони ва мавжуд оилаларни йилма-йил ўсиб боришини қуйидаги маълумотдан кўриш мумкин.



Маълумотларда кўриш мумкин, 1991 йилда Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони 3,7 млн нафарни ташкил этган бўлса ўтган 30 йил ичида оилаларни реал ўсиш миқдори 3,2 млн. нафарни ташкил этиб, уларни жами сони 6,9 млнга етди, ўсиш суръати 86,5 фоизни ташкил этади.¹

1991 йилдан 2017 йилгача бўлган давр оралиғида Ўзбекистонда ипотека бозори кенг қўламда ривожланмаган ва янги қурилган уй-жойлар сони бор йўғи 90 мингга ташкил этар эди ва бу даврда мамлакатдаги оилалар сони ҳам 2,5 млнга ортиб жами 6,2 млн кишини ташкил этган. Яъни бу рақамлардан ўша даврда аҳолини уй-жой билан таъминланганлик даражаси қай аҳволда эканлигини кўришимиз мумкин.

2017-2021 йиллар оралиғида эса 280 мингга яқин оилаларга 35,8

¹ Статистика қўмитаси маълумотларидан олинган.

трлн.сўм¹ миқдориди ипотека кредитлари ажратилган. Ўртача ажратилган ипотека кредитлари сони йиллик 56 мингтани ташкил этади. Давлат дастурлари тугатилиб аҳолига тижорат шарларда ипотека кредитлари ажратиш тизими жорий этилгандан сўнг ипотека кредитлари сонини бир оз қисқарганини кўриш мумкин. Яъни 2021 йилда 59 570 та оилага ипотека кредитлари ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 77 273 тани ташкил этган, аввалги йилга нисбатан 17 704 тага ёки 23 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Давлат дастурлари доирасида уй-жойлар қурилиши тугатилиб, уй-жой қурилиши тижорат асосида амалга оширила бошлагач уй-жой баҳосини кескин ошиб бораётганлигини кўриш мумкин бўлади.

2017-2021 йиллардаги уй-жой баҳосини ўзгаришини аҳолининг кредит тўловларига бўлган таъсирини (нагрузкасини) қуйидаги диаграммада кўришимиз мумкин.




Маълумотлардан кўриш мумкинки уй-жой қурилиш бозорини эркинлашиши қурилаётган уй-жойларни нархига ҳам таъсир кўрсатган яъни аввал давлат дастури доирасида қурилган уй-жойлар қурилиш бозордаги кониктурага ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Уй-жойларни нархини ошиб бориши ўта кам даромадли аҳолига кескин таъсир кўрсатмоқда 2017-2021 йиллар давомида давлат дастури доирасида қурилган уй-жойларни баҳоси ва ойлик кредит тўловлари миқдорини йилма-йил ошиб борган масалан 2017 йилда давлат дастури доирасида қурилган уй-жойлар бўйича ўртача кредит тўлов 750-800 минг.сўм, 2019 йилда 1 220 минг.сўм, 2020 йилда 1 500 минг.сўм бўлган бўлса бугунги кунда субсидия асосида олинган уй-жойлар бўйича бир

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ипотека йўналишида 2021 йил якунлари бўйича чоп этилган маълумотномадан олинган.

ойлик кредит тўлов хуудларга қараб 2,5 млн.сўмдан 3,5 млн.сўмгачани ташкил этмоқда.

Бу ҳолатни қўшни давлатларга тақослайдиган бўлсак қуйидагилани кўриш мумкин.



Маълумотлардан шунни айтиш мумкинки Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори Қозоғистон Республикасига нисбатан 4,6 баробарга кам бироқ аҳолининг ипотека тўлови бор йўғи 20 фоизга оз эканлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб, кредит фоизларини кўшни давлатларга нисбатан 2 баробарга баландлиги ва уй-жой баҳосини шиддат билан ошиб бораётганлиги дейиш мумкин.

Жамиятда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган баъзи бир қатламнинг бугунги кундаги ҳолати уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадални жамлаш ва кредит тўловларни тўлашга ҳам имконияти мавжуд эмас. *(Ногиронлиг мавжуд бўлган кишилар, ўта оғир аҳволга тушиб қолган аёл кишилар ва бошқа имконияти бўлмаган оғир аҳволдаги кишилар)*

Ушбу синфга мансуб кишиларни қўллаб-қувватлаш уларни бошпана билан таъминлаш мақсадида етук малакага эга бўлган хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уй-жойлар қуриб, уларни **Ижтимоий ижрага бериш** тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳоли учун ижтимоий ижара уй-жойларни барпо этилиши жамиятда аҳолининг уй-жойга бўлган реал талабини кўрсатиб беради. Яъни ҳақиқий муҳтож одам ижарада турса ҳам бош панаси бўлишини хоҳлайди. Хозирги кунда давлат бюджетидан тўланаётган субсидия асосида уй-жой олаётган оилаларнинг ҳаммасини ҳам қийналган оилалар деб бўлмайди.

Мисол учун хуудларда субсиди асосида уй-жой ажратиланда:

уй-жой баҳоси 300 млн.сўм;

фуқаро бадали 15 млн.сўм (5%)

бир ойлик кредит тўлов **2 678 минг сўм**ни ташкил этади.

Кўрсатиб ўтилган тўловларни барча оилалар тўлай олади деб

бўлмайди. Ойига 2.7 млн.сўм пул тўланиши ушбу оилани камида ойлик даромади 4.5-5 млн.сўмни ташкил этиши лозим.

Ижтимоий ижара бўйича ойлик тўловлар 300-500 минг сўм атрофида бўлиши лозим. Бу бугунги кундаги ижара бозоридаги ҳолатни ҳам тартибга солади. Давлат бюджетидан йилига камида 2000 тадан ижтимоий ижара уй-жойларни барпо этиш лозим. Шу механизм ишга тушиши биланоқ реал ҳолат аста-секин намоён бўла бошлайди, бунақа уйларда ҳақиқатдан ҳам бош панага мухтож бўлган оилалар яшайдилар. Кейинги йилларда аҳоли талабига қараб қуриладиган уй-жойлар ҳажми аниқланади.

Ойлик даромадга эга бўлган кишилар эса йиллар давомида бадал маблағларини жамлаши ва ипотека кредитлари орқали уй-жойга эга бўлишлари мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки бугунги кунда давлатимиз халқимизни уй-жой масаласини хал этиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда ва кўплаб ишлар амалга оширилди ва ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бироқ, кам даромадли аҳолига субсидия ажратилганда ҳам тўлов қобилияти паст бўлган оилалар мавжуд ва улар учун ижтимоий ижара тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, зеро аҳоли бугунги кунидан миннатдор ва бахтли ҳаёт кечириши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ипотека йўналишида 2021 йил яқунлари бўйича чоп этилган маълумотномадан олинган.
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси

АҲОЛИГА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нурмухамедов Бобур Ботирович

мустақил тадқиқотчи, Тошкент молия институти

Ўзбекистонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича сўнгги йилларда кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан 2017-2021 йиллар давомида тижорат банклар томонидан 200 мингдан ортиқ оилаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилди.

Тижорат банклар томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитларини қолдиқ суммаси 2017 йил 1 январ ҳолатига 7,6 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 38,4 трлн.сўм ёки ўтган даврда 5,1 баробарга ўсганлигини ва бу рақамлардан Ўзбекистонда ипотека бозори катта қадамлар билан ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Ўтган даврга назар соладиган бўлсак, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бирин кетин тижорат банклар ташкил этила бошлади ва тижорат

банклар аҳолига турли кўринишдаги қисқа муддатли кредит маҳсулотларини таклиф эта бошладилар. Бироқ банкларда узоқ муддатли ресурс маблағлар мавжуд эмаслиги сабабли аҳолига ипотека кредитлари ажратиш имкониятлари чекланган эди. 2005 йилга келиб эса аҳолини уй-жойга бўлган талабини таъминлаш мақсадида “Уйжойжамғармабанк” ва “Замин” банки қўшилиши натижасида “Ипотека банк” АТИБ ташкил этилди ва шу йилнинг ўзида “Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил этилди.

Ўша даврда ипотека кредити йўналишини қўллаб-қувватлаш учун алоҳида тижорат банк ва жамғарма ташкил этилган бўлсада, молиялаштириш манбаалари аниқ ва давомий бўлмаганлиги сабабли ипотека бозори бирозгина жонланган ҳолос. 1996 - 2010 йиллар оралиғида ўртача 500 тадан 1 800 тагача янги хонадонлар қурилиб, аҳолига ипотека кредити орқали сотилган.

2009 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1167-сонли қарорига мувофиқ илк марта давлат дастури доирасида қишлоқ жойлардаги аҳолини яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида, уй-жой қурилиши амалга оширила бошланди ва 2009-2016 йиллар давомида қишлоқ жойларда 69,6 мингта уй-жойлар қурилиши амалга оширилиб, аҳолига имтиёзли шартларда узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали ажратила бошланди. Мустақилликдан кейинги энг катта уй-жой қурилиши ҳам мана шу даврга тўғри келади.

2017 йил 1 январ ҳолатига тижорат банклардаги ипотека портфелини 73 фоиз (5,5 трлн.сўм)и қишлоқ қурилиш уй-жойлари дастурига тўғри келар эди.

Шу ўринда аҳолини ўсиш суръати ҳам кескин ортган, яъни 1991 йилда Республика аҳолиси 20,6 млн.кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 32,1 млн кишини ташкил этган. Йиллик янги қурилган оилалар сони 250-270 мингни ташкил этиб, аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёж ва талаблари ҳам тобора ортиб борди.

Аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган уй-жой масаласини ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг шаҳар жойларда уй-жойлар қурилиши бўйича ПҚ-2660 сонли ва қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши бўйича ПҚ-2639 сонли қарорлари қабул қилинди. Давлат дастури орқали 2017 ва 2021 йиллар давомида 120 мингдан ортиқ уй-жойлар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари орқали ажратилди.

Амалга оширилаётган ишларни давоми сифатида ипотека бозорини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5886, ПФ-6186, ПФ-6274, ПФ-33-сонли фармонлари қабул қилинди. Мазкур фармонларга биноан, 2020 йилдан бошлаб ипотека кредитлари нафақат аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, балким аҳолининг барча қатламларига ажратила бошланди ва бунда уй-жой

шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга бадал ва фоиз тўловларига субсидиялар ажратила бошланди.

Мазкур фармонларни қабул қилиниши уй-жой бозорини ва ундаги қурилиш корхоналари фаолиятини янада жонлантирди яъни аввал уй-жой қурилиши маълум бир қурилиш корхоналари томонидан амалга оширилган ёки ипотека кредитлари маълум бир қурилиш корхоналарининг уй-жойлари учун ажратилган бўлса, эндиликда ипотека кредитлари барча бирламчи бозордаги қурилган уй-жойлар учун ажратила бошланди.

Ўз ўрнида, бу тизимни молиявий қўллаб-қувватлаш ипотека бозорини зарур бўлган ресурс маблағлари билан таъминлаш мақсадида, Молия вазирлиги тижорат банкларига узоқ муддатли ресурс маблағларни ажратиб келмоқда ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга эса 32 миллион сўм бадал маблағлари ва кредит фоиз тўловлари учун давлат бюджетидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Аҳолига берилаётган субсидияларни давлат бюджетига юкламасини (нагрузкасини) кўрадиган бўлсак:

Уй-жой баҳоси **360 млн.сўм**;

Бюджетдан бадалга субсидия **32 млн.сўм** (уй-жой баҳосини **8,9 фоизи**);

Дастлабки 5 йилда кредит тўлови бўйича субсидия йиллик ўртача 6 фоиз бўлганда **79.7 млн.сўм**;

Жами давлат бюджетидан тўланадиган субсидия 111.7 млн.сўм ёки уй-жой қийматини 31% фоизини ташкил этмоқда.

Хулоса ўрнида уй-жойнинг 1/3 қисми давлат бюджетидан қоплаб берилмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклар асосан давлат кафолати остида хорижий молия институтларидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан аҳолини расмий даромадга эга бўлган қатламигагина ипотека кредитларини ажратиб келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, ипотека бозори деярли бир томонлама ҳукумат томонидан ажратиладиган маблағларга боғланиб қолган ва молиялаштириш манбаларини диверсификацияси мавжуд эмас.

Ипотека бозорини фақатгина ҳукумат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан узлуксиз равишда ривожлантириб бўлмайди аксинча бунга қўшимча равишда аҳолини бўш пул маблағларини жалб этиш ва бу орқали ўзини-ўзи молияштирувчи қўшимча янги механизмаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу ўринда ипотека бозорини келгүсида ривожланиши ва аҳолини уй-жой билан таъминлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Ипотека ресурслари фақатгина ҳукумат маблағлари ёки ҳукумат кафолати билан олинган маблағлар ҳисобидан шаклланмоқда ва ресурсларни айланиш тезлиги қанчалик самарали эканлигини кўриб чиқиш лозим;

2. Бугунги кунда ипотека кредитлари фақатгина расмий даромадга эга бўлган аҳоли қатлами учун ажратилмоқда. Расмий даромадга эга бўлмаган аҳоли қатлами на субсидия асосида на тижорат шартда ипотека кредити олиш имкониятига эга;

3. Уй-жой бозорини эркинлашиши ва давлат дастури доирасида қурилган уй-жойлар ўз ўрнини бозордаги хусусий қурувчиларга бирданига бўшатиб бериши ва йирик ҳажмдаги ипотека кредитлар ва субсидиялар хусусий сектордаги уй-жойларга йўналтирилиши бозордаги уй-жой баҳосини кўтарилишига олиб келаётганлиги;

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларни умумлашган ҳолда ечимига тўхталиб ўтсак:

Молия вазирлиги томонидан ажратилаётган ресурс маблағларни (ипотека кредити) 20 йил давомида қайтиш графигини кўрадиган бўлсак:



Маълумотдан кўриш мумкинки, аҳолига берилган кредит маблағларининг қайтиш тезлиги ўта суёт ҳолатда яъни ажратилган ресурсни 22% - 10 йилда, 51% - 15 йилида қайтади. Ресурс маблағларни бу тартибда қайтиши эртанги кунда ресурс тақчиллигини келтириб чиқариш эҳтимоли катта. Ва банклардаги ипотека портфелини қолдиғи тобора ошиб бораверади лекин аҳолининг талаби даражасида кредитлаш ҳажмини ошириш имкониятлари чекланиб қолади.

Бу масалани ечимини ҳозирданоқ ўйлаш ва қўшимча молиялаштириш манбааларини жорий этиш энг зарур масалалардан бири ҳисобланади. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш соҳасига қилинаётган инвестицияларни самарадорлиги, қурилиш корхоналари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни эртанги кунда ва истиқболи ипотека бозорини ресурс маблағлари билан таъминланишига узвий боғлиқ ҳисобланади.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой

билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонда жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда “мақсадли ипотека омонати”ни жорий этиш вазифа этиб белгиланган.

Янги молиялаштириш механизмини жорий этишда хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Баушпаркасса тизими” Немис модели

Мазкур тизим Немис модели бўлиб, тарихда Германия давлатида XVIII асрда вужудга келган ва бугунги кунгача Европа давлатлари орасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг тарқалган механизм. Бундан ташқари кўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерациясида ҳам бу тизимдан фойдаланилади. Шу ўринда, Қозоғистон давлати 2005 йилдан бу тизимни жорий этиб, уй-жой бозорини 80 фоизгача бўлган қисмини мана шу тизим орқали молиялаштириб келган. *(2020 йилда ипотека бозорини 60 фоиз мана шу тизим ҳиссасига тўғри келади).*

Бу тизим уй-жой олиш истагида бўлган бир жамоани ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаши орқали навбатма-навбат олдига қўйган мақсадига эришишини таъминлайди.

Бу тизимни ишлаши учун:

Камида 5, 10 йиллик уй-жой қуриш дастури аниқ бўлиши (қурилиш худуди, уй-жой лойиҳаси);

Уй-жой баҳолари камида 5 йиллик давр учун аниқ бўлиши ва нарх-навони ўзгариши 8-10 фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Давлат йиллар давомида аҳолини бадал маблағларини жамлашида уларга молиявий кўмак бериб боради. Аҳоли бадал маблағларини жамлаши учун эртанги кунга ишонч ва молиявий рағбат (стимул) бўлиши лозим.

Талиф этилаётган тизимни бирданига бошлаш ва аҳолини бадал маблағларини 3-4 йил давомида жамлаб бориш тизимини жорий этишда қийинчилик бўлиши мумкин. Дастлаб бу тизимни бадал маблағларини қисқароқ муддатда (12-18 ой) жамлаш шарти билан энг аввало молиявий имконияти яхши бироқ расмий даромадга эга бўлмаган аҳоли синфидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бугунги кунда тижорат банклар расмий даромадга эга бўлмаган аҳоли қатламига ҳеч қандай кредит ажратмайдилар ва бунинг натижасида уй-жой қурилиш бозорида муддатли тўлов тизими тобора шаклланиб ривожланиб бормоқда ва аксарият ҳолларда бу маблағлар банкдаги ҳисоб рақамларда эмас балким қурилиш корхоналарининг қўлида айланмоқда ва бу маблағларни қурилиш корхоналарининг солиқ тўловларида акс этмаслик эҳтимоли ҳам катта.

Бу ҳолат, банкдан ташқари айланмани ортишига ва солиқ тушумларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Холбуки, расмий даромадга эга бўлмаган аҳоли қўлидаги маблағлардан унумли ва оқилона фойдаланиш ва ипотека бозорини ва уй-жой қурилишини янада кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун тижорат банкларда расмий даромадга эга бўлмаган аҳолини тўлов

қобилиятини ҳисоблаш механизмини жорий этиши лозим.

Бу эса ўрнида иқтисодиётда ЯИМ ҳажмини ўсишига, янги иш ўринларни ташкил этилишига бир сўз билан айтганда иқтисодиётни янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Бу масалани ечими сифатида тижорат банкларда “мақсадли ипотека омонати”ни жорий этган ҳолда аҳолини бадал маблағларини камида 12 ой, 24 ой, 36 ой ва ундан кўп бўлган муддатларда ойма-ой бадал маблағларини жамлаш тизимини жорий этиш ва мана шу жараёни фуқаронинг тўлов интизоми ва тўлов қобилияти деб баҳолаш, бу тизимни жорий этиш орқали ипотека кредитини ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки бугунги кунда давлатимиз халқимизни уй-жой масаласини хал этиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда ва кўплаб ишлар амалга оширилди ва ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бошланган ишларни янада самарали, манзилли ташкил этиш мақсадида ипотека кредитлаш механизмларини янги турларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки Ўзбекистон аҳолиси бугунги кунда 35,6 млн. кишини, янги қурилаётган оилалар эса 310-320 мингга ташкил этмоқда. Ва ҳозирда ҳам бу кўрсаткичлар йил сайин ошиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ипотека йўналишида 2021 йил якунлари бўйича чоп этилган маълумотнома
3. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси

КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайдалиев Сайдимақсудхўжа Сайдахмадович
*ТМИ “Халқаро молия-кредит”
кафедраси мустақил тадқиқотчиси*

Ривожланган давлатларнинг узок йиллик иқтисодий ривожланиш тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш, унга фаол инвестицияларни жалб этишни интенсив ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири – капитал бозори ва уни доимий асосда ривожлантириш бориш ҳисобланади.

Капитал бозори ривожланган давлатларда тадбиркорлар пул керак бўлганда банклардан ташқари фонд бозори орқали пул жалб қилиш, фуқаролар эса бўш пул маблағларини фақат банкка депозитга қўймасдан, қимматли қоғозларга йўналтиришади. Бу тадбиркор ва фуқароларга қўшимча имконият бериши билан бир қаторда, мамлакатда банк ва капитал бозори ўртасида соғлом рақобатни таъминлайди. Мамлакатимиз қарийб

Ўттиз йил мобайнида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиёти томон босқичма-босқич ўтиш жараёнини бошидан кечирди. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим институтларидан бири бўлган капитал бозори эса шаклланиш босқичида қолди. Ўзбекистон бугунги кунда капитал бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи халқаро рейтинглар бўйича энг пастки поғонада турибди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, изчил ва самарали ислохотлар бўлганда дастлабки босқичдан ривожланган босқичгача ўртача 20-25 йил талаб этилади¹.

Сўнги қирқ йилликда жаҳонда фонд биржалари сонининг элликтадан бир юз олтмиштагача кескин ўсиши, капитал бозорининг иқтисодиёт ривожиди муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Бизда эса ҳалигача банклар молиявий ресурсларни тўплаш ва қайта тақсимлаш бўйича асосий институтлигича қолмоқда. Юртимизда капитал бозори босқичма-босқич ривожланмоқда. Ҳозир давлат облигациялари миқдори оширилди. Ушбу бозорнинг асосий қатнашчилари банклар ва кичик брокерлик компаниялари, холос. Унда йирик субъектлар ва аҳоли иштирокига эришиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада келгусида катта режаларни рўёбга чиқариш мўлжалланган. Чунончи, капитал бозорида профессионал даражада ишловчи молиявий институтларни ташкил этиш билан бирга, норезидентларнинг ҳам суверен облигацияларни сотиб олишлари учун шароит яратиш кутилмоқда. Чунки хорижий инвесторларсиз мазкур бозорни тараққий топтириш қийин. Зеро, чет эллик иштирокчилар билан бирга, ушбу бозорга профессионал ёндашув ҳам кириб келади².

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш, у орқали молиявий ресурсларни жалб этишни янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Шу сабабли, тадқиқот йўналишининг долзарблигидан келиб чиқиб, дастлаб иқтисодий категория сифатида капитал бозорининг мазмун-моҳияти ва унинг асосий хусусиятлари, бу борада етакчи иқтисодчи олимлар, амалиётчи мутахассисларнинг илмий тадқиқот ишлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, капитал бозори инструментлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Moorad Choudhry, Didier Joannas, Gino Landuyt, Rod Pienaar, Richard Pereira каби олимларнинг “Capital market: instruments analysis and valuation” номли китобида капитал бозорининг сегментларидан бўлган – пул бозорида пулнинг вақт қиймати ва дисконт ставкасини белгиловчи омиллар таҳлил этилган. Шунингдек, илмий тадқиқот ишида дисконт коэффиценти ҳисоблаб чиқаришнинг B-spline усули, узлуксиз вақт давомида облигациялар нархини белгилаш, инфляция орқали индексланган облигацияларнинг қийматини ҳисоблаш кабилар атрофлича ёритиб

¹ <https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozori-achon-rivozhlanadi-08-01-2020>

² <https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozori-achon-rivozhlanadi-08-01-2020>

берилган¹.

Капитал бозори ва банк секторининг мамлакатлари иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганган таиландлик олим, Касетсарт университети (Kasetsart University) профессори Attasuda Lerskullawat ASEAN иттифоқи давлатлари, жумладан Таиланд, Малайзия, Филиппин, Индонезия, Сингапур давлатларидаги 89 та тижорат банкларининг банк даражасидаги панел маълумотларидан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини ўтказишнинг банк кредитлаш канали, банк сектори ва капитал бозори ривожланишининг кредитлаш каналига таъсири кўриб чиққан. Муаллиф тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, пул-кредит сиёсати банк кредитлаш канали орқали сезиларли таъсир кўрсатади. Банкларнинг капиталлашуви ва ликвидлиги қанчалик юқори бўлса, пул-кредит сиёсатининг банк кредитлаш канали орқали таъсири шунчалик заиф бўлади, бироқ, банклар ҳажми қанчалик катта бўлса, банк кредитлаш канали шунчалик кучли бўлади. Банк фаолияти ва капитал бозорининг ривожланиши нуқтаи назаридан банк секторининг ривожланиши кредитлаш канали орқали пул-кредит сиёсатининг заиф таъсирига олиб келади, банкларнинг ҳажми бўйича ривожланиши эса банк кредитлаш каналини мустаҳкамлайди². Муаллиф томонидан капитал бозори ва банк секторининг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича банк даражасидаги панел маълумотлар базаси ёндашувидан фойдаланган ҳолда банк кредитлаш каналини ўрганиш мақсадида фойдаланилган модел (Baseline Model) спецификацияси куйидагича³:

$$\begin{aligned} \Delta L_{i,t} = & \alpha_i + \sum_{s=1}^k \beta_1 \Delta L_{i,t-1} + \sum_{s=1}^k \beta_2 \Delta GDP_{j,t-1} \\ & + \sum_{s=1}^k \beta_3 \Delta r_{j,t-1} + \sum_{s=1}^k \beta_4 X_{i,t-1} + \sum_{s=1}^k \beta_5 (\Delta r_{j,t-1} \\ & \times X_{i,t-1}) + \varepsilon_{it} \end{aligned}$$

бу ерда: $L_{i,t-1}$ банк кредитларининг ўша вақтда ўсиши;

$t-1$ ва $GDP_{j,t-1}$ - j мамлакатнинг реал ЯИМ ўсиш суръати;

$r_{j,t-1}$ - фоиз ставкасининг ўзгариши;

Ўзбекистонда капитал бозорининг ривожланиши ва капитал бозори сегментларининг асосий хусусиятлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодиёт соҳасидаги етакчи олимлардан бири, профессор У.Азизовнинг фикрича, “Капитал бозори (қимматли қоғозлар бозори) молия тизимининг асосий бўғини сифатида унинг барқарорлигини таъминлаш,

¹ Moorad Choudhry, Didier Joannas, Gino Landuyt, Rod Pienaar, Richard Pereira. Capital market instruments analysis and valuation. 3rd Edition. Palgrave MacMillan 2010. 305 p.

² Attasuda Lerskullawat. Effects of banking sector and capital market development on the bank lending channel of monetary policy: An ASEAN country case study. Kasetsart Journal of Social Sciences. Volume 38, Issue 1, January–April 2017, Pages 9-17. Kasetsart University, Bangkok 10900, Thailand

³ Attasuda Lerskullawat. Effects of banking sector and capital market development on the bank lending channel of monetary policy: An ASEAN country case study. Kasetsart Journal of Social Sciences. Volume 38, Issue 1, January–April 2017, Pages 9-17. Kasetsart University, Bangkok 10900, Thailand

мамлакат рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ривожланган давлатларда ундан иқтисодийга инвестиция жалб қилишнинг асосий воситаларидан бири сифатида кенг фойдаланилади. Негаки, капитал бозори ривожланмаса, рақобатбардош иқтисодийни шакллантириш ҳамда инвестициявий фаолликни ошириш борасидаги барча ҳаракатлар бесамар кетади¹”.

Республикада кимматли қоғозлар бозори соҳасидаги етакчи олимлардан профессор И.Бутиков ўз илмий ишларида кимматли қоғозларнинг классик назариясига асосланиб, институционал инфратузилмалар – биржаларнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, кимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида фонд биржаларининг ўрни аҳамиятли эканлигини таъминлайди. Шунингдек, олимларнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистонда кимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш эволюцияси, ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Унинг фикрича, биржа – уюшган бозор. Бутун жаҳонда биржага фақат барқарор молиявий аҳволга ва ривожланиш истиқболларига эга бўлган тузилмаларнинг кимматли қоғозларига эркин руҳсат этилади².

Иқтисодий соҳасида етакчи олимлардан бири ҳисобланган, профессор Н.Жумаев жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё капитал ва молия бозорининг ривожланиш ва ундаги муаммоларни салмоқли таҳлил қилган олимлардан биридир. Бу борада олимлар А.Баҳобов ва Н.Жумаевнинг фикрича, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кенг қулоқ ёзиб кетишига сабаблардан бири айнан кимматли қоғозлар бозоридаги беварорлик ва “пуфак самараси”нинг салбий таъсирини натижасида таъминланган кимматли қоғозларнинг молиявий ресурсларни жалб этишга йўналланганлидир.³ Мазкур олимларнинг фикридан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, молиявий ресурсларни жалб этишда асосий ўрин тутувчи капитал бозорида таъминланган молиявий инструментларни савдога чиқариш муҳим ҳисобланади. Улар орқали кириб келувчи инвестициялар иқтисодийга самарали таъсир этиши учун молиявий инструментларнинг таъминланганлик ҳолатини мувоиқлаштиришга эътибор қаратиш – устувор йўналишлардан биридир.


Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, **капитал бозори** – молиявий ресурсларни инвестицияларга трансформация қилувчи, ўзида молиявий кимматликларни ифода этувчи воситаларни қамраб олувчи механизм ҳисобланади.

Капитал бозорининг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш ўринлидир:

¹ Азизов У. Капитал бозори: Иқтисодий ўсишни таъминловчи драйвер. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6939-kapital-bozori-i-tisodij-sishni-ta-minlovchi-drajver>

² И.Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. - 81 б.

³ Вахабов А. В., Жумаев Н. Х., Хошимов Э. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодийга таъсирини юмшатиш йўллари. Т. : “Академнашр”, 2009. 141 б



1-расм. Капитал бозорининг асосий хусусиятлари¹

Хулоса сифатида иқтисодий категория сифатида капитал бозорининг асосий хусусиятли жиҳатлари унинг молиявий ресурсларни инвестицияларга трансформация қилишида намоён бўлади. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозори ва молия бозори капитал бозорининг йирик таркибий қисми сифатида иқтисодий ривожланган давлатларнинг иқтисодий муносабатларида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Ҳозирги кунда, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ўлчови ҳам айнан капитал бозорининг ривожланиш ҳолати асосида белгиланиши бежиз эмас, албатта. Шу сабабли, мазкур бозорни ривожлантиришдаги муаммоларни илмий асосланган ҳолда ечимлари юзасидан таклифлар бериш долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизов У. Капитал бозори: Иқтисодий ўсишни таъминловчи драйвер. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/6939-kapital-bozori-i-tisodij-sishni-ta-minlovchi-drajver>
2. И.Бутиков. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. - 81 б.
3. Вахабов А. В., Жумаев Н. Х., Хошимов Э. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т. : “Академнашр”, 2009. 141 б
4. Moorad Choudhry, Didier Joannas, Gino Landuyt, Rod Pienaar, Richard Pereira. Capital market instruments analysis and valuation. 3rd Edition. Palgrave MacMillan 2010. 305 p.
5. Attasuda Lerskullawat. Effects of banking sector and capital market development on the bank lending channel of monetary policy: An ASEAN country case study. Kasetsart Journal

¹ Муаллиф ишланмаси.

of Social Sciences. Volume 38, Issue 1, January–April 2017, Pages 9-17. Kasetsart University, Bangkok 10900, Thailand

6. Attasuda Lerskullawat. Effects of banking sector and capital market development on the bank lending channel of monetary policy: An ASEAN country case study. Kasetsart Journal of Social Sciences. Volume 38, Issue 1, January–April 2017, Pages 9-17. Kasetsart University, Bangkok 10900, Thailand

7. <https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozori-achon-rivozhlanadi-08-01-2020>

8. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг 2019 йиллик ҳисоботидан. <https://www.uzrvb.uz/uploads/2021/01/hisobotuz.pdf>

9. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонунининг 3- моддаси

10. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат кўмитаси

11. Капитал бозорини ривожлантириш агентли

12. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (собик) ва “Тошкент” РФБ маълумотлари

INVESTITSIYA RISKLARNI PASAYTIRISH USULLARI

Shaislamova Nargiza Kabilovna

“Baholash ishi va investitsiyalar” kafedrasi k.o‘q.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi.


Bugungi kunda yer yuzida yuz berayotgan geosiyosiy inqirozlar, rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar o‘rtasida vujudga kelayotgan siyosiy keskinliklar, iqtisodiy va ijtimoiy nobarqarorliklar kabi omillar xalqaro kapital oqimiga sezilarli ta’sir ko‘rsatayotgan sharoitda milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish uchun mamlakatimiz investitsiya salohiyatini har tomonlama namoyon etish zaruriyati yuzaga chiqmoqda. Investorlar uchun moliyaviy-iqtisodiy inqirozlar va nobarqarorliklar sharoitida sarmoya kiritishdan oldin investitsiya loyihalariga ta’sir qilishi mumkin bo‘lgan risklarni tahlil qilish, risklarni baholash va samarali boshqarish, loyihaga salbiy ta’sir etuvchi omillarni o‘z vaqtida aniqlash va ularning salbiy ta’sirini pasaytirish yuzasidan kerakli chora-tadbirlarni ishlab chiqish masalasi yanada muhim vazifalar qatoridan joy oldi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, zamonaviy va ilg‘or tajribalar asosida investitsiya loyihalari risklarini samarali boshqarishda va risklarning salbiy ta’sirini kamaytirishda risklarni pasaytirish yo‘llaridan keng foydalanish hozirgi dolzarb vazifalardan biriga aylandi, deb ta’kidlash mumkin.

Tadqiqot mavzusidagi ilmiy muammoning qo‘yilishi.

O‘zbekiston sharoitida investitsiya loyihalarini amalga oshirishda risklarni yuzaga keltiruvchi omillarni aniqlash, ularni sifat va miqdor jihatdan baholash, risklarni pasaytirish yo‘llarini aniqlash hamda samarali boshqarish eng muhim vazifalardan hisoblanadi. Umuman olganda, risklarni boshqarish – kompaniyaning foyda olish maqsadlariga ta’sir etuvchi risklarni va ularning oqibatlarini aniqlash, baholash, hisoblash, nazorat qilish (monitoring) va

kamaytirish maqsadida mazkur kompaniyada doimiy olib boriladigan tuzilmaviy jarayon hisoblanadi. Risklarni boshqarish va baholashdan maqsad, investorga investitsiya loyihasini amalga oshirishda qatnashishning maqsadga muvofiqligi to'g'risidagi qarorlarni qabul qilish va mumkin bo'lgan moliyaviy yo'qotishlardan himoyalash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish uchun kerakli ma'lumotlarni taqdim qilishdan iborat. Bizningcha, risklarni boshqarishning asosiy bosqichlarini quyidagicha ifodalash mumkin (1-rasm).

Keltirilgan tadqiqotlarga tayangan holda, quyidagi ilmiy muammo mazkur tadqiqotning maqsadi sifatida talqin qilinishi muhimdir. Investitsiya loyihalarini samarali amalga oshirish, ko'zlangan foydaga erishish maqsadida loyihaga ta'sir etuvchi salbiy omillarni, ya'ni risklarni tahlil qilish, baholash va boshqarish zarur hisoblanadi.



1-rasm. Risklarni boshqarish bosqichlari¹

Ayniqsa, investitsiya risklarini pasaytirish bo'yicha bir qancha usullar mavjud bo'lib, ular to'g'risida har bir tadbirkor va investor o'zining doimiy faol ishlatuvchi "qurol" sifatida qarashi lozim.

Tahlil va natijalar.

¹ Muallif tomonidan iqtisodiy adabiyotlarni o'rganish asosida ishlab chiqildi.

Investitsiya loyihalarini amalga oshirishdagi alohida risklar ta'sirini yo'qotish yoki yumshatish uchun bir qancha yo'llardan foydalaniladi.

1. Riskdan qochish - risk bilan bog'liq tadbirlardan voz kechishni (demak, bunda foydadan ham voz kechishni) bildiradi.

2. Riskni ushlab qolish – investor zimmasiga riskni qoldirish, bunda investor o'z kapitalini riskli tadbirlarga yo'naltirayotganda, risklardan ko'riladigan zararlarni qoplash uchun mablag'i bo'lishi kerak.

3. Riskni uzatish (sug'urtalash) – investor risk havfini kimningdir zimmasiga yuklaydi. Riskni sug'urtalash, mantiqan olganda, muayyan risklarni sug'urta kompaniyalariga berishni anglatadi. Uning mohiyati investorning riskdan qutilish maqsadida daromadning bir qismidan voz kechish orqali aks ettiriladi.

Riskni pasaytirishning aniq vositasini tanlashda investor quyidagi tamoyillarga asoslansa, maqsadga muvofiq bo'ladi:

- ortiqcha tavakkal qilish kerak emas;
- risk oqibatlari to'g'risida o'ylash lozim;
- kam narsa uchun risk qilish kerak emas.

Birinchi tamoyilga asosan, investor o'z kapitalidan ko'ra ko'proq risk qilishi mumkin emas, ya'ni investor investitsiya loyixasini amalga oshirish to'g'risida qaror qabul qilishidan avval quyidagilarga amal qilishi lozim:

Мутлоқ ликвидлик коэффиенти асосида шу вақтдаги мажбуриятларни қоплаш учун нақд пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли. Бу кўрсаткични нормадаги даражаси бўлиб $>0.2 < 0.7$ ҳисобланади. Ушбу коэффиентни аҳамияти агар 0.2 дан кам, 0.7 дан юқори бўлмаса, у ҳолда назарий жиҳатдан корхонанинг тўлов қобилияти таъминланган бўлади.

2. Шошинч ликвидлик коэффиенти. Шошинч ликвидлик коэффиенти жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар улушини тавсифлайди. Ушбу коэффиент корхонанинг ликвид активлар ҳисобидан тезда жорий мажбуриятларни узиш қобилиятини кўрсатади. Шошинч ликвидлик коэффиенти корхонанинг тез ликвид активлардан жорий мажбуриятларни бажариш қобилиятини белгилайди ва тўлаш коэффиенти кўрсаткичини тўлдиреди. Бу кўрсаткич кредит беришда банклар ва кредит берувчи бошқа муассасаларни қизиқтиради. Ушбу коэффиентнинг нормадаги даражаси бўлиб $> 0.7 < 2.0$ ҳисобланади.

3. Жорий ликвидлик коэффиенти. Жорий ликвидлик коэффиенти жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб, корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради.

Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бу кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб, ишлаб чиқариш захираларига жойланган маблағлар айланувчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асоссиз кўпайишидан далолат беради. Ушбу коэффиентнинг нормадаги даражаси бўлиб, $>2 < 3.0$ яъни аҳамияти 2 дан 3 гача бўлиши назарий жиҳатдан асосланган. Агар ушбу коэффиентнинг аҳамияти 1-дан кам бўлса, у ҳолда корхона учун молиявий хавф-хатар туғилади. Чунки бу салбий ҳолат бир сўмлик қисқа муддатли қарзларга бир сўмдан кам жорий активлар тўғри келади дегани.

Ушбу коэффиентнинг аҳамияти 3-дан кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, зеро менежмент нуқтаи назаридан активларни бошқариш борасидаги ўқувсизликдан далолат беради. Активларни керагидан кўп

жамланиши улардан самарали фойдаланишга олиб келмайди. Лекин жорий ликвидлик коэффициентини аҳамияти 3-дан кўп бўлиши кредиторларни корхонага сармоя қўйишга кўпроқ жалб этади.

Энди корхона амалий маълумотларидан фойдаланиб, ушбу коэффициентларни таҳлил қилиб чиқамиз.

2-жадвал

**Корхона балансининг тўлов қобилиятини (ликвидлик)
коэффициентларини таҳлили**

Коэффициентлар	Норма	Йил боши	Йил охири	Ўзгариш (+,-)
1.Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	>0.2 <0.7	0.05	0.4	-0.1
2.Шошилинич ликвидлик коэффициенти	>0.7 <2.0	1.6	1.8	+0.2
3.Жорий ликвидлик коэффициенти	>2 <3.0	2.9	3.1	+0.2

Жадвал маълумотларидан кўринишича, мутлоқ ликвидлик коэффициенти ҳисобот даврида норма доирасида бўлди – 0.05; 0.4; Ушбу коэффициентнинг йил охири йил бошига нисбати ўзгариши – 0.1 га камайган.

Демак, корхона балансини тўловга лаёқатли деб ҳисоблаш мумкин. кредиторларнинг пул маблағлари бўйича талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришга, шу жумладан солиқлар, йиғимлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар банкрот (иктисодий жиҳатдан ночор) деб ҳисобланади.

Корхонани бундай аҳволга олиб бормаслик учун унинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мунтазам таҳлил қилиб борилиши ҳамда баҳолаб турилиши керак. Ликвидлик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш, ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш, жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш; айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Vahabov A.V., Ibrohimov A.T. “Moliyaviy tahlil”. -T.: “Sharq”. 2002.
2. Vasilyeva V.S. «Finansoviy analiz». –M.: Knorus. 2007.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

И.Жўраев “Банк иши” кафедраси доценти,
З.Садриддинов магистрант
Тошкент молия институти

Кейинги йилларда республикамызда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнес вакиллари учун кенг имкониятлар яратилганлиги ва уларга турли хил имтиёзлар жорий қилинганлиги натижасида тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди. Бу ўз навбатида янги иш ўринлари яратиш, таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш, экспортга йўналтирилган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш учун нафақат ички инвестицияларга умид қилиш кифоя балки, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда хорижий сармоялардан ҳам самарали фойдаланишмамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро молия институтларининг хорижий кредит линияларини жалб этишда ўз навбатида банк тизимини такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш ва ислоҳ қилиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида: “Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим. Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узок муддатли ресурслар олиб келиши зарур”¹ деб алоҳида таъкидлаб ўтганлари бежизга эмас.

Албатта биз ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.
<https://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

ташкilotларининг маблағларини инвестиция лойиҳаларига жалб этиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин бу маблағларнинг ҳаммасидан ҳам самарали фойдаландик деб айтиб бўлмайди

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек “Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда. Масалан, мамлакатимизда 25 йил давомида олинган кредитларнинг аксарияти етарлича иқтисодий самара бермаганини турли эксперт ва мутахассислар очик тан олмоқда”¹.

“Халқаро молия институтларининг кредитлари, хусусан, Республика йўл жамғармаси тизимида ва “Ўзкоммунхизмат” агентлиги томонидан лойиҳанинг мижозлари сифатида самарасиз қўлланилмоқда. Тизим иши йўқ, назорат йўқ, маъсулият йўқ”².

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда хорижий кредитларидан самарали фойдаланишнинг соҳа ва йўналишларини белгилаш, улар билан тенг ҳуқуқли, икки ва кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш учун тижорат банкларига етарлича имтиёзлар бериш ва ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш лозим.

Кичик бизнес субъектларини халқаро молия ташкilotлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш жараёнидан баъзи бир муаммолар ҳам юзага келмоқда.

1. Кичик бизнес субъектлари ҳуқуқий саводхонлигининг нисбатан паст даражада эканлиги бу борадаги энг асосий муаммо ҳисобланди. Чунки, хужжатлаштириш жараёнида мижознинг етарли саводхонликка эга эмаслиги натижасида ортиқча вақт ва харажат сарфи юзага келади. Бу эса бошқа мижозларда кредит олишга нисбатан имконсиз ёки жуда мураккаб жараён деган қарашни шакллантиради. Ҳуқуқий саводхонликнинг паст бўлиши натижасида кредит маблағларидан фойдаланиш жараёнида турли қонунбузарликларга билиб-билмай йўл қўйилиши ва бошқа шу каби муаммолар сони ортади. Ваҳоланки, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасидаги улкан вазифа, шу билан бирга юқори даромад манбаи ҳисобланади.

2. Ҳозирги кунда халқаро кредит линиялари ҳисобидан ажратилаётган кредитларнинг асосий қисми савдога тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришга берилаётган кредитларнинг сони нисбатан кам. Нақд пулда ажратилаётган кредитлар миқдорининг ортиб кетиши бора-бора иқтисодиётда нақд пул миқдорининг ўсиши ва юқори даражадаги инфляциянинг юзага келишига сабаб бўлади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси <http://parliament.gov.uz/uz/events/other/23320/>

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий интизом ва шахсий масъулият ҳар бир раҳбарнинг фаолиятида кунлик норма бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - П.78

3. Халқаро кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиётида учраётган яна бир муаммолардан бири хорижий валютада ажратилган кредитларни сўндириш жараёнида миждознинг хорижий валютада барқарор киримининг мавжуд эмаслигидир. Чет мамлакатлардан товарлар харид қилиш мақсадида хорижий валютада кредитлаш конвертация бўйича юзага келадиган муаммоларни бутунлай бартараф этсада, бундай кредитларнинг сўндирилиши ҳам миждоз ҳисобрақамига келиб тушадиган хорижий валютадаги пул маблағларига асосланиши шарт.

4. Кредит рискининг мавжудлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш жараёнида дуч келадиган асосий муаммоларидан бири кредитнинг таъминоти масаласи бўлиб, бунда такрорий қарз олувчиларга яна кредит олиш учун таъминот қайта талаб этилади. Гаров учун ликвид мол-мулкка эга бўлмаган миждозларнинг лойиҳалари кўпинча молиялаштирилмай қолиб кетмоқда. Бундан ташқари, инвестицион лойиҳалари маъқулланган тадбиркорлик субъектларининг 40-50 фоиз қисми белгиланган миқдордаги ёки ликвид таъминот турини тақдим этолмаганлиги сабабли лойиҳалар молиялаштирилиши кечикмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу муаммоларнинг ечимини топишга айрим омиллар, яъни:

- ишлаб чиқариш характеридаги кўчмас мулк бозорининг ривожланмаганлиги;

- қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- кафил бўла оладиган молиявий барқарор корхоналарнинг камлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

4. Валюта рисқи муаммоси. Мазкур муаммонинг моҳияти шундаки, банк кредитларни қайтариш даврида миллий валютанинг алмашув курси сезиларли даражада пасайганлиги сабабли, миждозларнинг кредитни қайтариш харажатлари кескин ўсмоқда. Банк кредитларни қайтариш жараёнида валюта рисқи муаммосини чуқурлашувига олиб келган иккинчи сабаб, банк кредитларнинг сезиларли қисмини биржадан ташқари валюта курси бўйича конвертация қилиш учун тўланаётганлигидир. Биржадан ташқари валюта курси эса пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

5. Миллий жорий валюта бозорининг ликвидлилик даражасининг.

Мамлакатимиз банк амалиётида халқаро молия ташкилотларининг хорижий кредит линияларини кенгроқ жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

Мамлакатимизда валюта курси девальвацияси ва инфляция даражасининг юқори эканлиги хорижий инвесторларнинг ўз маблағларини реал қийматини пасайишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, хорижий кредит линияларидан жалб қилинаётган кредитларнинг фоизини белгилашда сузувчи фоиз ставкаларини қўллаш механизмининг жорий этиш лозим.

Хусусий секторни молиявий кўллаб-қувватлаш учун жалб қилинаётган хорижий кредит линияларини ўзлаштиришдаги асосий муаммолардан бири сифатида ликвидли гаров таъминотининг етишмаслигидир. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлаш учун хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштиришни кафолатловчи алоҳида фонд ташкил қилиш лозим. Мазкур фонд энг самарали лойиҳаларни кафолатлаши лозим деб ҳисоблаймиз.

DAVLAT XARIDINI TASHKIL ETISHNING IJTIMOY-IQTISODIY AHAMIYATI VA UNING IQTISODIYOTGA TA'SIRI

dots. I.Jumaniyazov,

“Moliya” kafedrasi, Toshkent moliya instituti

N.Karshiyev, magistrant

Mamlakatimizning har tomonlama rivojlanishida davlat xarajatlarini boshqarishning zamonaviy tizimlari muhim ahamiyat kasb etadi. Davlat xarajatlari sarflanishining samaradorligini oshirish, ulardan optimal darajada foydalanishni yo'lga qo'yish milliy iqtisodiyotimiz rivojiga sezilarli ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Davlat xaridi davlat infratuzilmasini iqtisodiy jihatdan ta'minlash uchun amalga oshiriladi. Davlat infratuzilmasi iqtisodiy va ijtimoiy infratuzilmadan iborat bo'ladi. Iqtisodiy infratuzilma transport, ishlab chiqarish sohalarini kengaytirish, zamonaviy texnika va texnologiyalarni turli sohalarga jalb etishdan iborat bo'lsa, ijtimoiy infratuzilma jamiyatning ijtimoiy hayoti bilan bog'liq bo'lgan sohalar (ta'lim, sog'liqni saqlash, ijtimoiy himoya kabilar)ni o'z ichiga oladi. Davlat xaridi ushbu infratuzilmalarni moliyaviy jihatdan ta'minlashda katta ahamiyatga ega. Davlat xaridi orqali iqtisodiyotning turli sohalarida ishlab chiqarish darajasini yuksaltirishga, korxonalar o'rtasidagi raqobatni rivojlantirishga, korxonalar tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar sifatini yanada yaxshilashga, kichik biznesni rivojlantirishga ta'sir ko'rsatish mumkin. Shu bilan birga, davlat xaridi orqali milliy ishlab chiqaruvchilarning chet el korxonalari bilan raqobatbardosh bo'la olishi imkoniyati ortadi. Chunki davlat o'ziga kerakli xaridni amalga oshirar ekan, bunda xizmat yoki mahsulot sifati yuqori bo'lishi kerak. Bu esa mahalliy ishlab chiqaruvchilarni turli elektron savdolar va tenderlarda faolligini oshiradi. Sifatli mahsulot yaratuvchi korxonalar chet elda o'tkaziladigan tenderlarda ham ishtirok etishi mumkin. Natijada eksport ortadi, aholi daromadlari ko'payadi.

O'zbekistonda davlat xaridlari tizimining shaffofligini ta'minlash hamda uni yanada takomillashtirish hisobiga korporativ buyurtmachilar, shu jumladan strategik ahamiyatga ega bo'lgan xo'jalik jamiyatlari va korxonalar mablag'larining maqsadli sarflanishini ta'minlash hamda samaradorligini

oshirish, davlat xaridlari jarayoniga tadbirkorlik subyektlarini keng jalb qilish maqsadida bir necha qonun va qarorlar qabul qilindi. bulardan O'zbekiston respublikasi prezidentining davlat xaridlari tizimini yanada takomillashtirish va davlat xaridlari jarayoniga tadbirkorlik subyektlarini keng jalb qilish chora-tadbirlari to'g'risida gi 05.12.2019 yildagi PQ-4544-son qarorini misol qilib keltirish mumkin.

Shuningdek, hudud va tarmoqlar rahbarlariga 2022 yil 1 apreldan boshlab avtomobil, mebel, ofis anjomlari xarid qilishdan o'zini tiyishni buyurdi. Bosh prokuraturaga budjet tashkilotlarida ushbu xarajatlarning oldini olish ustidan tizimli nazorat o'rnatish va viloyat kesimida har hafta prezidentga axborot berish topshirilgan. «Bu – mablag'lar olib qo'yiladi, degani emas. Barcha iqtisod qilingan mablag'lar ushbu hudud va tarmoqning rivojlantirish dasturiga yo'naltiriladi», degan Shavkat Mirziyoyev¹. Bu chora tadbirlar esa o'z navbatida davlat xaridlari tizimini qaytadan ko'rib chiqishni nazarda tutadi. Shuningdek, bozor iqtisodiyoti sharoitida narxlar va narx tizimini davlat tomonidan tartibga solish muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, iqtisodiyotda narx tizimini tartibga solish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishiladi, bozor raqobat natijasida sifatli mahsulot, ish va xizmatlarga to'yinadi. Korxonalar tomonidan ishlab chiqaladigan strategiyalar bevosita narx siyosatiga bog'liq bo'lib, raqobat kurashi kuchaygan sharoitda oqilona narx siyosati korxonalar moliyaviy natijalariga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Qolaversa, davlat xaridi tizimida raqobatni rivojlantirish maqsadida optimal narxda tovar(ish,xizmat) etkazib beruvchi korxonalar va kichik biznes sub'ektlarining elektron katalog va elektron savdolarida ishtiroklari ko'lamini kengaytirish dolzarb masalalardan biridir. Bu maqsadga erishish uchun bo'lajak moliya tizimidagi mutaxassislarda, ya'ni talabalarda davlat xaridi va narx siyosatining mohiyati, uni tashkil etish jarayoni va mexanizmi, davlat xaridini tashkil etishdagi mavjud muammolar hamda ularni bartaraf etishning istiqbol yo'nalishlari, xorijiy davlatlarning davlat xaridi tizimini o'rganish va taqqoslash asosida tegishli xulosalar ishlab chiqish, ularning ilg'or tajribalarini o'zimizning amaliyotga tadbiiq etish borasida nazariy va amaliy bilimlarni shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Mazkur o'quv majmua aynan mana shu maqsadga xizmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligini qo'lga kiritgan dastlabki kunlardan boshlab ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyoti sari islohotlarni bosqichma-bosqich amalga oshirmoqda.

Davlat tizimi va boshqaruv sohasidagi islohotlar natijasida xarajatlarni boshqarishning yangi huquqiy tizimi shakllantirilmoqda. Bu o'z navbatida, davlat mablag'larini sarflanishi samaradorligini ta'minlashga, uning zamonoviy boshqaruv mexanizmlarini amalda tatbiiq etishga imkon beradi.

Xalqaro miqiyosda yuzaga kelgan yangi iqtisodiy vaziyat, davlat mablag'lari hisobidan xarajatlarni amalga oshirishda hukumatlar oldiga

¹ www.kun.uz

qo'yilgan vazifalarning muhimligini oshirmoqda. Ma'lumki, davlat o'z vazifalarini bajarish jarayonida bir qator xarajatlar qilishi zarur. Bu xarajatlar, eng avvalo, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish uchun turli tarmoqlarga investitsiya qilishga, aholining turmush darajasini ko'tarishga, hamda ijtimoiy vazifalarni bajarishga qaratilgan, davlatni boshqarish, mudofaani ta'minlash kabi aniq maqsadlarga yo'naltirilgan, rejalashtirilgan xarajatlardan iborat bo'ladi. Umumdavlat xarajatlari, asosan, davlat byudjeti va davlatning boshqa markazlashtirilgan fondlari orqali moliyalashtiriladi.

Davlat byudjetining iqtisodiy tushunchasi, umumjamiyat miqyosida markazlashgan, davlat ishtirokida to'plangan va sarflanadigan moliyaviy resurslarni anglatadi. Davlat xarajatlarning muhim tarkibiy qismi sifatida davlat xaridi alohida o'ringa ega. Tovar va xizmatlarni xarid etish dunyo rivojlanish amaliyotida muhim o'rin egallaydi hamda fondlar hamda investitsiyani samarali o'zlashtirishga yo'naltirilgan uzluksiz jarayon hisoblanadi. O'zbek tilidagi "xarid" termini (inglizchada, procurement - prokyurment) "sotib olish" ma'nosi bilan bir ma'noda ishlatilib, zamonoviy tushunchalarda mahsulotlarni, bajarilgan ishlarni yoki ko'rsatilgan xizmatlarni ma'lum haq evaziga olish demakdir (inglizchada, procurement of goods, works and services).

O'zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan yuqoridagi ko'rsatilgan yo'nalishlardagi muammolarni bartaraf etishga katta e'tibor qaratilmoqda va xaridini amalga oshirishda ishtirok etuvchi boshqa sub'ektlar ishtirokida, davlat xaridi jarayonining mexanizmlarini hamda uning huquqiy asoslarini takomillashtirish bo'yicha faol ish olib borilmoqda. Xususan, davlat xaridi tizimini boshqarish bo'yicha tizimli yondoshuvga bo'lgan talab hamda davlat xaridining iqtisodiyotning ayrim sohalariga bo'lgan ta'sir etuvchi mexanizm sifatida foydalanish strategiyalari shakllantirilmoqda.

O'zbekistonda davlat xaridining hajmi YaIMning 11 foizini tashkil etgani holda, uni iqtisodiy o'sishga ta'sir etuvchi muhim omil ekanligini ko'rsatadi. Davlat xaridi YaIMni shakllanishiga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatadi¹.

Xulosa qilib aytganda, Davlat xaridini tashkil etishda ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati – Davlatimizning tovar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarida sezilarli o'sishi orqali rivojlanishida, narx-navo va pul inflyatsiyasi tushishida, tadbirkorlikni rivojlantirishda o'z samaradorligini ko'rsatadi. Bundan tashqari, YAIMga ta'siri orqali o'zimizning mahsulotga talab kuchaygani sababli, aholi turmush darajasi oshishiga olib keladi. Shundan kelib chiqib, Davlat xaridini tashkil etish va uni rivojlantirish Davlatimizning ijtimoiy-iqtisodiy sohalarini o'sishiga olib keladi.

¹ О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент-2008 6 У.Бурханов. Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент-2008 6 У.Бурханов. Государственные закупки. http://el.tfi.uz/pdf/gos_zakup_ru.pdf
2. www.kun.uz
3. <https://lex.uz/docs/-4130273>

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ

Данияров Қуатбай Дауирханович
*доцент. «Молия» кафедраси, Бердақ номидаги
Қорақалпоқ давлат университети*

Мамлакатнинг иқтисодий аҳолини, аҳоли бандлигини, турмуш даражасини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи кичик бизнесни ривожлантириш учун нафақат кредитлар, солиқ имтиёзлари, балки кичик бизнесни иқтисодиётга жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ҳам зарур. Амалда у жиддий қаршиликларга дуч келади ва давлат томонидан ҳар хил ёрдамларсиз ва ўз-ўзидан мустақкам ўрнашиб олиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мамлакат миқёсида кичик бизнесни устувор ривожлантириш;
- кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мураккаблиги;
- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорлик.

Шундай қилиб, кичик бизнесни самарали ривожлантириш ва унинг умумий иқтисодий вазифалар соҳасида таъсирини кучайтириш учун ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича иқтисодиётини истикболли ривожлантиришда бандлик муаммоларини ҳал этишнинг 2022-2025 йиллар учун, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, қуйидагилар прогноз қилинади:

- 581,7 мингта (2023-йил – 286,9; 2024-йил – 315,7; 2025-йил – 294,8 мингта) иш ўринларини яратиш ва мавжуд иш ўринлари сонининг камайишига йўл қўймаслик;
- 268,2 минг кишини иш билан таъминлашга кўмаклашиш (2024-йил – 133,7 минг; 2025-йил – 134,5 минг);
- 219,1 минг киши (2024 йил - 110,2 минг; 2025 йил - 23,8 минг киши) учун жамоат ишларини ташкил этиш;

- 47,8 минг нафар ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга юбориш (2024-йил – 24,0 минг; 2025-йил – 23,8 минг нафар);

- микрокредит линияси орқали тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар бериш - 1,8 минг киши. кам таъминланганлар орасидан (2024-910 нафар; 2025-940 нафар);

- 2025 йил бошига қадар ишсизлик даражасини 7,2% га ва Нукус шаҳрида 7,3% га камайтириш;

- меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсишини ва банд фуқаролар сонининг кўпайишини таъминлаш.

Давлат кичик бизнесга унинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларига мувофиқ, тадбиркорлик ташаббусини тартибга солувчи ва аҳоли бандлигини кенгайтиришга кўмаклашувчи ўзига хос таърифни белгилашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 1 январ ҳолатига 781,6 минг турли мулкчилик шаклидаги юридик шахслар рўйхатга олинган бўлиб, улардан кичик бизнес субъектлари улуши 86,6% ни ташкил этди. Нукус шаҳрида кичик бизнес субъектлари сони 30,6 мингтани ташкил этди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2021-йил бошида кичик бизнес субъектларининг ЯИМ таркибидаги улуши 46,3% дан ошмайди. Давлат статистика ва таҳлил кўмитасининг баҳолашига кўра, 2021 йилда иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши: қурилишда – 47%; қишлоқ хўжалигида - 63%; транспорт ва алоқада - 17,5%; саноатда - 68,7% ва савдода - 95%. Товар айирбошлаш устунлик қилишда давом этаётган ишлаб чиқариш ҳажмининг тармоқ тузилмасида деярли сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди.

Худди шундай ҳолат фаолият доирасида ҳам кузатилади. Саноатдаги кичик корхоналарда ўртача иш ҳақи саноатда ўртача иш ҳақига нисбатан 74,7%, қурилишда 78,5%, қишлоқ хўжалигида 65,4%, транспорт ва алоқада 64%, меҳмонхона ва ресторан бизнесида 80,1% ва савдода 90,1%.

Кичик бизнеснинг ривожланишини ўрганиш шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда кичик бизнес кутилган натижаларни бермаяпти, чунки ўз даромадларини атайлаб яшириш кузатилмоқда.

Бу хулоса қуйидаги асосларга асосланади:

- кичик корхоналар орасида кичик бизнеснинг устунлиги;

- иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни атайлаб камайтириб кўрсатиш;

- ҳисобот берилган корхоналарнинг деярли 20% фаолият кўрсатмаётган корхоналар, улар статистика органларига банк орқали операциялар амалга оширилмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар;

- савдо фаолиятида нақд пул тўловларининг устунлиги.

Ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлларида бири тадбиркорлик фаолиятининг фермер хўжаликлари каби шаклини яратиш ва ривожлантиришдир.

Бу фермер хўжаликлари бўлиб, улар кичик бизнеснинг элементи сифатида ишлаб чиқаришнинг зарур даражасини таъминлабгина қолмай, қишлоқ жойларда аҳолининг самарали бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 100 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. 2025-йилга келиб фермер хўжаликлари сонини 2022-йилга нисбатан 346 минг бирликка кўпайтириш имконияти мавжуд бўлиб, бу иш билан банд бўлганлар сонини умуман 36,1% га, Нукус шаҳрида эса бу кўрсаткичлар 80,2% ташкил этади.

Сўнги йилларда ёшларнинг меҳнат бозоридаги мавқеи янада кийинлашди. Гарчи иқтисодий ислохотлар аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада оширди. Бундай шароитда, бир томондан, ёшларнинг (айниқса, ёш оилаларнинг) ота-она ёрдамига бўлган эҳтиёжи кескин ошди, ота-оналарнинг эса бу ёрдамни кўрсатишдаги иқтисодий имкониятлари сезиларли даражада камайди. Шу билан бирга, ёшларнинг (шу жумладан талабаларнинг) кўшимча даромадга бўлган талаби сезиларли даражада ошиб бормоқда, бу ишсизликнинг кучайиши шароитида амалга ошириш жуда қийин. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан талабалар, магистрантларнинг танлаган мутахассислиги бўйича меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўрта мактаб ўқувчиларининг касбий режаларини меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, масалан, анкетадан фойдаланган ҳолда тузатиш ишларини ташкил қилиш керак. Буни Республика Ёшлар бандлигига кўмаклашиш жамғармаси ўз зиммасига олиши мумкин. Ушбу ишнинг мақсади - ўрта мактаб ўқувчиларининг касб танлаш ва иш жойи ёки бухгалтерия ҳисоби бўйича режаларини олдиндан (ўқишни тугатишдан бир йил олдин) аниқлаш. Битирувга қолган вақт ўрта мактаб ўқувчиларининг касбий ниятларини меҳнат бозоридаги талабни ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳудудда амалга оширишнинг реал имкониятлари билан уйғунлаштиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш имконини беради. Бунинг натижасида ёшлар ўртасидаги таркибий ишсизлик ҳажмини минималлаштириш мумкин бўлади.

Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг бошқа давлат органлари билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш бўйича фаолиятини прогнозлашда биз қуйидаги хулоса ва тавсияларни бердик:

- ёшлар учун иш ўринлари квоталари, имтиёзли солиққа тортишни жорий этиш ва ёшлар учун иш ўринлари яратувчи корхоналарни кредитлаш масалаларини ҳал этишда бандлик хизмати ва бошқа давлат органларининг яқин ўзаро ҳамкорлиги учун шарт-шароит яратиш зарур;

- ёшларда бозор шароити ва шахсий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда касб ва иш жойи танлашга мазмунли, реал ёндашувни шакллантириш мақсадида касбга йўналтириш ва касбга оид маслаҳатлар бериш масалаларини ҳал этишда комплекс ёндашув талаб этилади;

- турли нодавлат тузилмаларнинг бандликка кўмаклашиш хизматларининг яқин ўзаро ҳамкорлиги ва қўллаб-қувватлаши, жамоат ишларини ташкил этиш кўникмаларини фаоллаштириш учун Нукус шаҳрида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси қошида маъмурий-худудий ёшлар биржасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

- ёшлар фаолиятини оптималлаштириш, уларни касбга йўналтириш ва касбга ўргатиш, янги иш ўринларини яратиш ва ёш тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар бандлигига кўмаклашиш Республика жамғармаси (муассис (муассис) бандликка кўмаклашиш мумкин) очилиши мумкин. Нукус шаҳар ва Нукус шаҳар ҳокимлиги ёшлар билан ишлаш бўлими) Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази негизида);

- ёшлар бандлигини таъминлашнинг анъанавий (қурилиш жамоалари ҳаракати, меҳнат ва дам олиш ёзги оромгоҳлари ва бошқалар) ва ноанъанавий (мактаб ва талабалар фирмалари, хорижда вақтинчалик ва мавсумий ишга жойлаштириш) шакллари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарур.

Ушбу тавсиялар, бизнинг фикримизча, мавжуд вазиятни сезиларли даражада яхшилаши мумкин. Келгусида аҳоли бандлигини таъминлаш Республика дастурида ёшларни иш билан таъминлаш ва бандлигини таъминлаш масалалари алоҳида бўлим сифатида киритилиши мумкин.

СИСТЕМА ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И УПРАВЛЕНИЯ БАНКОВСКИМИ УСЛУГАМИ В УСЛОВИЯХ КОНКУРЕНЦИИ

Мирзаев Мирза Абдуллаевич

Ташкентский финансовый институт

Современные процессы, происходящие в мировой экономике, порождают высокие риски в деятельности кредитных организаций, подкрепленные цикличностью развития экономических процессов в целом и способствуют росту высокой конкуренции между участниками на рынке. Услуги, предоставляемые банками, не всегда удовлетворяют потребности клиентов, что заставляет банки уделять больше внимания эффективности своей работы, внедрять новые методы работе, внедрять новые, конкурентоспособные продукты и услуги, которые должны соответствовать как ожиданиям клиентов, так и мировым стандартам.

Важность инновационного развития национальной экономики обуславливает необходимость кардинального изменения банковской деятельности, качественного повышения эффективности банковского обслуживания на основе использования современных цифровых технологий, что определило выбор темы и ее актуальность. Можно сказать, что наша страна только вступила на путь инновационного развития, а

банковский сектор, как и во всем мире, является наиболее восприимчивым к инновациям. Сегодня на рынке Узбекистана в той или иной степени развития присутствуют такие банковские технологии, как мобильный и интернет банкинг, карточная платформа, начал работать узкойн, соответственно есть уже опыт использования блокчейн.

Общая классификация инноваций, включая финансовые инновации, по критерию значимости в развитии производительных сил общества предполагает их деление на следующие группы:

Во-первых, базовые инновации - это такие инновации, которые реализуют крупнейшие изобретения и становятся основой революционных переворотов в технике, формирования новых ее направлений, качественных изменений технологической системы, создания новых отраслей.

Во-вторых, крупные и принципиальные инновации, возникшие на базе аналогичного ранга изобретений, научных и технических рекомендаций, в результате которых происходит смена поколений техники в рамках данного направления или появление новой технологии при сохранении исходного фундаментального научного принципа.

В-третьих, средние и комбинаторные инновации представляют собой использование различных сочетаний конструктивного соединения элементов.

В-четвертых, мелкие и комбинаторные инновации, возникающие на основе мелких изобретений, рационализаторских предложений, производственного опыта. Как традиционно, так и в банковской деятельности все инновации делятся на две основные категории: технологические и нетехнологические.

Обеспечивающие инновации играют вторичную роль, поскольку они напрямую не связаны с основными функциями кредитной организации. Эта группа инноваций носит технологический характер и включает в себя инновационные преобразования управленческой структуры, методов организации основного производственного процесса, т.е. процесса оказания услуг и реализации банковских продуктов, совершенствования банковских технологий и т.п. Вместе с тем, финансовые инновации одновременно выступают в качестве потребительских инструментов и инструментов ведения бизнеса, что, по сути, идентично понятиям предметов потребления и средств производства.

Субъектами финансово-производственной деятельности выступают финансовые и кредитные учреждения: инвестиционные и коммерческие банки, страховые и лизинговые компании и т.д. Финансовая инновация – это финансовый продукт, имеющий своей целью более эффективное перераспределение финансовых ресурсов, доходности рисков, ликвидности и информации, но пока не получивший широкого распространения в данных условиях. Финансовая инновация, так же как и любая другая

инновация, делится на кризисную инновацию и инновацию развития; на новый финансовый продукт и новую финансовую операцию.




Рис 1. Количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием по видам систем в Республике Узбекистан по состоянию на 1 января каждого года

Если сопоставить количество предприятий, пользующихся системой «банк-клиент» и общим количеством действующих предприятий, то соотношение составит около 80%, что даже выше, чем в США. Однако сразу нужно принять во внимание ограниченность функций сервиса, предоставляемого нашими коммерческими банками по сравнению с полным сервисом услуг в развитых странах. Банковская инновационная деятельность ориентирована на гармонизацию интересов банка, потребителей и общества в целом в рамках создания продуктов и услуг более высокой ценности, чем у конкурентов. В банковской сфере важно различать такие понятия, как новые банковские услуги и новые банковские продукты, которые с правовой точки зрения включены в такие понятия, как банковская операция или сделка.

Финансовые инновации также могут иметь этапное внедрения, начиная с использования смешанных продуктов финансирования, когда совместно с кредитом банк может организовать размещение корпоративных облигаций и качественно улучшить схемы проектного финансирования, таким образом, инновации будут последовательно развиваться от совершенствования процессов, далее развитие инновационных продуктов и внедрение организационных инноваций. В целях активизации инновационных процессов в развитии деятельности банков необходимо использовать комплексный подход и разработку стратегии развития финансовых инноваций.

TENDER SAVDOLARINI TASHKIL ETISHNING XORIJ TAJRIBASI VA UNI O‘ZBEKISTONDA QO‘LLASH MASALALARI

Rizoviddinova Aziza Bekzodbek qizi, *BILM-50 guruh*
Ilmiy rahbar: k.o‘q. Shaislamova Nargiza Kabilovna
“Baholash ishi va investitsiyalar” kafedrası
Toshkent moliya instituti

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi

Bugungi kunda respublikamizda tender savdolarini tashkil etish va boshqarishda, ularni ekspertizadan o‘tkazish, risklilik darajasini baholash borasida boy tajribalar to‘plandi. Shu sababdan, 2021 yil 22 apreldagi O‘RQ-684-son “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonun tasdiqlandi. Unga ko‘ra, davlat xaridlari sohasidagi tender va tanlov savdolari bosqichma-bosqich elektron shaklga o‘tkazila boshlandi. Shu maqsadda ikkita maxsus elektron maydoncha: www.xarid.mf.uz va www.tender.uz saytlari hozirgi kunga qadar o‘z faoliyatini olib bormoqda¹. Lekin, investitsiya loyihalari bo‘yicha tender savdolarini o‘tkazishda resurslar bazasining zaifligi, mamlakatimizda bozor infratuzilmasi to‘liq rivojlanmaganligi, huquqiy bazaning nisbatan mukammal emasligi, axborot ta‘minoti bazasini takomillashtirish zarurligi, amaliyotda ma‘muriy aralashuv holatlari ham to‘liq barham topib ulgurmaganligi va boshqa omillar sababli loyihalarni amalga oshirishda tender savdolari o‘tkazilishida turli muammolar paydo bo‘lishiga olib kelmoqda. Bu esa, investitsiyalash moyilligini so‘ndiruvchi aks omil hisoblanadi.

Tadqiqot mavzusidagi muammoning qo‘yilishi

Investitsiya loyihalarining iqtisodiy-ijtimoiy samaradorligi va shu loyiha doirasida sotib olinayotgan tovar (ish, xizmat)larning baho va sifat ko‘rsatkichlarining optimal variantini tanlash investitsiya faoliyatini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda quyidagi muammolar kuzatildi:

- Investitsiya loyihasi doirasida tovar (ish, xizmat)larni sotib olish xarajatlarni optimallashtirish;
- Investitsiya loyihasi doirasida tovar (ish, xizmat)larni sotib olish jarayonida korrupsiyaga yo‘l qo‘ymaslik;
- Investitsiya loyihasi doirasida tovar (ish, xizmat)larni sotib olishda shaffoflik, oshkoralik, tenglik va obyektivlikni ta‘minlash;
- Investitsiya loyihasi doirasida tovar (ish, xizmat)larni sotib olinishini ta‘minlash.

Tender savdolarida yuqoridagi mavjud muammolar bartaraf etilishi muhim ahamiyat kasb etadi.


Muammoni hal etish yo‘llari

¹https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/davlat_haridlari_elektron_tanlov_va_tenderlar_qanday_utkaziladi

Tender savdolari – dunyo amaliyotida tovar (ish, xizmat)larni xarid etishning asosiy mexanizmi sifatida qaraladi. Tender savdolarini tashkil etishning tartib va shartlari umumiy qabul qilingan xalqaro me’yor va qoidalar bilan tartibga solinib turiladi. Ushbu qoidalar yirik xalqaro tashkilotlar, moliyaviy institutlar, donorlik agentlari tomonidan investitsiya loyihasi bo’yicha xarid qilinayotgan tovar (ish, xizmat)lar jarayonida yaqqol namoyon bo’ladi. Bundan tashqari, tender orqali tovar (ish, xizmat)larni xarid qilish usullari har bir mamlakatning milliy qonunchilik me’yorlari va boshqa hujjatlar bilan belgilab beriladi.

O‘zbekistonda shakllantirilayotgan investitsiya loyihalari bo’yicha tender savdolari mexanizmi, investitsiya loyihalari bo’yicha tender savdolarini xorij tajribasidan farq qiladi. Shu sababli, tender savdolarini tashkil etishning samarali mexanizmlarini joriy etishda, uni tashkil etish bo’yicha rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, bu sohada AQSH, Yevropa Ittifoqi, Xalqaro moliya tashkilotlari va boshqa rivojlanayotgan davlatlar amaliyotini o‘rganish hamda ularning ijobiy tajribalaridan mamlakatimiz tender savdolari tizimini shakllantirishda foydalanish muhim ahamiyatga ega.

AQSH hukumati mudofaani ta’minlash, ta’lim, shifoxonalar yo‘l qurilishi va boshqa umumjamiyat ehtiyojlari uchun investitsiya loyihalari uchun tender savdolarini amalga oshiradi. AQSHda shtatlar hukumati va mahalliy o‘z-o‘zini boshqarish organlari Tovar va xizmatlar sotib olish uchun federal hukumatga nisbatan ham ko‘proq loyihalarni amalga oshiradi.



1-rasm. AQSHda investitsiya loyihalari bo’yicha tender savdolari turlari¹

Federal xarid agentliklari tomonidan amalga oshiriladigan barcha tender savdolari 1984-yilda ishlab chiqilgan davlat xaridi bo’yicha tender savdolarini tartibga soluvchi qoidalar yig‘indisi (Federal Acquisition Regulation (FAR)) bilan tartibga solinadi. Unda xaridni tashkil etishning barcha bosqichlari – xaridni

¹ Сорокин В.Ю. “Развитие системы международных тендеров в РФ”. Диссертация на соискание ученой степени кандидат экономических наук Москва 2012 с.291

rejalashtirish, davlat xaridini amalga oshirishda tender savdolarini boshqarish va uni tugallashgacha bo‘lgan barcha bosqichlar o‘z aksini topgan. Federal Acquisition Regulation (FAR)dan ko‘zlangan asosiy maqsad – davlat ehtiyoji uchun investitsiya loyihalar doirasida xaridni amalga oshiruvchi barcha federal agentliklar tomonidan yagona xarid siyosatini amalga oshirish va yagona xarid qoidalaridan foydalanishni ta’minlashdan iborat. AQSHda markazlashgan manbalar hisobiga moliyalashtiriladigan investitsiya loyihalari doirasida tender savdolari bir necha shakllarda amalga oshiriladi.

Bugungi kunda Yevropa mamlakatlarida investitsiya loyihalari doirasida tovar (ish, xizmat)lar xaridini tartibga solish, uning hajmidan va boshqa shartlardan kelib chiqib, 3 darajada tartibga solinadi: milliy, xalqaro va Yevropa qonunchilik asosida.

Yevropa Ittifoqi investitsiya loyihalari doirasida tender savdolariga nafaqat arzon va sifatli tovar (ish, xizmat)lar sotib olish balki davlatning ijtimoiy siyosatini amalga oshiruvchi muhim quroli sifatida qaraydi.

1-jadval

Yevropa Ittifoqining investitsiya loyihalari bo‘yicha tender savdolarining tashkil etish xususiyatlari¹

№	Ijtimoiy sohada	Ekologik sohada
1	Ish sharoitlari talablarini o‘z ichiga oluvchi shartnoma shartlarini ishlab chiqish	Zaruriy texnik xususiyatlarni ishlab chiqish
2	Tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchini to‘g‘ri tanlash	Ma’lum xom ashy ova materiallardan foydalanish
3	Qonunchilik bo‘yicha ijtimoiy sohaga to‘g‘ri kelmaydigan tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchilarni mol yetkazib beruvchilar ro‘yxatidan chiqarish	Maxsus texnologik jarayonlardan foydalanish
4	Tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchilarni tanlashda qo‘shimcha ijtimoiy mezonlardan foydalanish	Mos ravishda, Tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchilarni tanlash
5	Ijtimoiy talablarni inobatga olgan holda, eng yaxshi taklifni baholash uchun tavsifnomalar berish	Ekologik talablarni inobatga olgan holda, eng yaxshi taklifni baholash uchun tavsifnomalar berish

Yevropa Ittifoqi tovar (ish, xizmat)lar xaridi tizimi amaliyotida quyidagi 4 ta asoiy tamoyillarga amal qilinadi:

- Shaffoflik (transparency);
- Ochiq va samarali raqobat (open and effective competition);
- Hisob berish va shartlarga amal qilishlik (accountability and due process);
- Haqqoniylik (fairness).

¹ O’sha manba, 291-b.

Umuman, raqobat asosida tashkil etilgan xarid sotib olingan tovar (xizmat)larga xarajatlarni qisqartirishga, xarajatlarni amalga oshirish samarasini ta'minlaydi va davlat mablag'lari hisobidan buyurtmalarni joylashtirishda korrupsiya darajasini tushirishga yordam beradi.

Xulosa va takliflar

Mavzu doirasida amalga oshirilgan tadqiqotlar va o'rganilgan amaliy jihatlariga asoslanib, quyidagi xulosalar shakllantirildi:

– Investitsiya loyihalarini amalga oshirishda tender savdolarini boshqarishda loyihalarning texnik va boshqa tomonlari mukammal va puxta tahlil qilish va baholanishi, kelib chiqishi mumkin bo'lgan risklar baholanishi hamda ularni oldini olish yoki pasaytirilishi muhim vazifalar hisoblanadi, bu esa, loyihaning ko'zlangan darajadagi yuqori samarasini hosil qilishga imkon beradi;

– Tender savdolarida ishtirok etuvchi taalbgorlarning moliyaviy-iqtisodiy ahvoli va tajribasi, moddiy texnik ta'minotini chuqur tahlil etib, so'ngra tender savdolariga jalb qilinishi talab etilganda ijobiy holatga erishiladi;

– Tender savdolarini tashkil etish va boshqarishda AQSH tajribasini o'rganish jarayonida yirik investitsiya loyihalari doirasida tender savdolarini tashkil etishda loyiha qiymatini kichik qismlarga bo'lish orqali kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini tender savdolariga keng jalb qilish imkoniyati yuzaga keladi. Bu esa, tender takliflarini ko'paytirib savdolardan ko'zlangan maqsadlarga erishish imkoniyatini oshiradi;

– Rivojlangan davlatlar tajribasini tahlil qilish natijasida investitsiya loyihalari bo'yicha tender savdolarini tashkil etish va boshqarishga axborot-texnologiyalarini qo'llash savdolar samaradorligini oshishiga hamda tender tamoyillariga to'liq amal qilinishini ta'minlashga guvoh bo'lindi. Tender savdolarining yaxlit yagona ma'lumotlar bazasini shakllantirish lozim va bu bozor iqtisodiyoti sharoitida xarajatlar tejalishiga hamda savdolar samaradorligini tahlil qilish imkoniyatini kengaytiradi.

AHOLINI MOLIYAVIY SAVODXONLIGI VA UNI OSHIRISH YO'LLARI

Raxmatova Shaxnoza Shukurovna
Moliyaviy tahlil kafedrasida o'qituvchisi
Toshkent moliya instituti

So'nggi yillar ichida aholi daromadlarining o'sishi bilan bir qatorda moliyaviy xizmatlar bozoringa, birinchi navbatda, iste'mol kreditlarining rivojlanishi sezilarli darajada jamiyatda moliyaviy savodxonlik yetishmasligi bilan bog'liq muammolarning ahamiyatini oshirmoqda. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida "Haqiqatan ham, biz faqat faol tadbirkorlik, tinimsiz mehnat va intilish orqali

taraqqiyotga, faravon hayotga erisha olamiz” deya ta’kidlashi aholi orasida tadbirkorlik faoliyatini keng targ’ib qilishda har bir fuqaroning bu boradagi imkoniyatlaridan to’laqona foydalanish lozimligiga dalolat qiladi.

Bugungi kunda aholining moliyaviy savodxonligini oshirish ham davlat, ham bozor ishtirokchilari uchun ustuvor vazifaga aylandi. Turli dasturlar ishlab chiqilmoqda, o’quv qo’llanmalari yozilmoqda, bu borada anjumanlar, davra suhbatlari o’tkazilmoqda, nodavlat notijorat tashkilotlari, axborot resurslari yaratilmoqda. Taraqqiyot sari, innovatsion tuzilmalarni rivojlantirish sari, iqtisodiy bilimlarni oshishi sari inson kapitalini - shaxslarda mujassamlangan bilimlar, malakalar va xususiyatlar yig’indisini asosiy omilga aylantiradi. Inson kapitalini baholash mezonlaridan biri bu aholining savodxonlik darajasidir ya’ni moliyaviy savodxonlikni baholashni nazarda tutadi.

Moliyaviy savodxonlik – o’z mablag’ini boshqarish va uni ko’paytirish qobiliyati, mahorati bo’lib, u moliyaviy bozorni bilish va uni ishtirokchilari tomonidan taklif qilinayotgan xizmat va maxsulotlari haqida axborotga ega bo’lish hamda ushbu ma’lumotlarni to’g’ri tahlil qilgan holda munosib qarorlar qabul qilish mas’uliyatini zimmasiga olish demakdir.

O’zbekiston Respublikasida keyingi yillarda aholining moliyaviy savodxonligini oshirish bo’yicha maqsadli ishlar amalga oshirilmoqda, misol tariqasida treninglar, seminarlar, targ’ibot – tashviqot tadbirlarini keltirishimiz mumkin. Ko’pgina ekspertlarning fikricha, fuqarolarning moliyaviy savodxonligini oshirishga qaratilgan treninglarni ancha erta yoshda o’tkazish maqsadga muvofiqdir. Kognitiv rivojlanish nazariyasi va tegishli sohalaridagi tadqiqotlar shuni ko’rsatadiki, boshlang’ich maktabda bolalarga kata hayotdagi moliyaviy xatti-harakatlarni aniqlay oladigan bilimlar berilishi mumkin. Bolalar moliyaviy masalalarni ibtidoiy darajada erta tushunsalar-da, olimlarning taxminicha, jamg’arma, ayirboshlash, taqchillik, talab va taklif kabi asosiy iqtisodiy tushunchalarni yaxshi o’zlashtirishlari mumkin. Oxirgi tadqiqotlar shuni ko’rsatadiki, moliyaviy savodxonlikni anglash yoshlarda erta yoshda shakllanadi va katta yoshdagi moliyaviy kompetentsiya bilan bevosita bog’liqdir.

Bundan kelib chiqadiki, bolalar pulning inson hayotidagi o’rni haqida qanchalik tez bilib olsalar, ularda foydali moliyaviy resurslar shunchalik tez shakllanadi. Aksariyat ekspertlar moliyaviy savodxonlik bo’yicha trening uzluksiz bo’lishi kerak degan fikrga qo’shiladi. Boshqa bilim sohalarida bo’lgani kabi, moliyaviy bilimlar, ko’nikmalar va qarorlar qabul qilish, ularsiz moliyaviy xizmatlar bozori bilan muvaffaqiyatli shug’ullanish mumkin emas, butun o’quv jarayoni davomida va hatto hayot davomida doimiy ravishda singdirilishi kerak.

Boshlang’ich moliyaviy ta’lim maktabda berilsa:

birinchi navbatda, ijtimoiy va moliyaviy ahvolidan qat’iy nazar, aholini ta’lim bilan qamrab olish imkonini beradi;

ikkinchidan, moliyaviy bilim va ko’nikmalarning poydevorini ancha erta shakllantirish imkoniyatini yaratadi, bu esa, albatta, kelajakda yoshlarga muhim afzalliklarni beradi.

Shu sababli, moliyaviy savodxonlikni oshirish bo'yicha zamonaviy dasturlarning aksariyati yosh avlodga qaratilgan bo'lishi kerak. Aynan bolalar moliya bozorining kelajakdagi ishtirokchilari, soliq to'lovchilar, omonatchilar va qarz oluvchilardir. Shu bilan birga, maktablarda faqat iqtisodiyotni o'rganish yetarli emas, banklar, sug'urta, pensiya, investitsiya kompaniyalari xodimlari va bozorning boshqa ishtirokchilari seminarlar, davra suhbatlari, viktorinalar va boshqa tadbirlarni o'tkazishi mumkin bo'lgan fakultativ fanlarni o'tkazish va shu orqali yosh avlodni keng jalb etish orqali moliyaviy madaniyat, moliyaviy savodxonlikni oshirish maqsadga muvofiqdir.

Moliyaviy savodsizlikni bartaraf etish maqsadida quyidagi asosiy vazifalarni hal qilishga qaratilgan chora-tadbirlar kompleksini ishlab chiqish va amalga oshirish zarur:

- moliyaviy savodxonlik masalasiga e'tiborni qaratish, fuqarolarning moliyaviy bilim va ko'nikmalarni egallash zarurligi to'g'risida xabardorligini oshirish;

- aholining turli yosh guruhlariga moliyaviy bilim va ko'nikmalarni o'tkazishga yordam beradigan moliyaviy ta'lim va ma'rifiy tizimini tashkil etish;

- vakolatli organlar tomonidan fuqarolarning ommaviy iqtisodiy faolligiga, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashga, o'z biznesini yaratish g'oyalarini amalga oshirishda qo'llab-quvvatlash va shu kabilar.

Har bir inson shaxsiy moliyaviy maqsadlariga erishishi uchun yuqori darajadagi moliyaviy savodxonlik zarur. Aniq maqsad qanday bo'lishidan qat'iy nazar, moliyaviy savodxonlikni oshirish aholi turmush darajasi va ertangi kunga ishonchni, moliyaviy xizmatlar sifatini, jamiyat va umuman iqtisodiyotda barqarorlikni oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 22 декабрь. – www.uza.uz.

2. Еремина О.И. Финансовая грамотность населения и пути ее повышения// Финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 26, стр. 1563–1582.

3. Huston S.J. Measuring Financial Literacy. The Journal of Consumer Affairs, 2010, vol. 44, no. 2, pp. 296–316.

4. Measuring Financial Literacy: Core Questionnaire in Measuring Financial Literacy: Questionnaire and Guidance Notes for conducting an Internationally Comparable Survey of Financial literacy, Paris, OECD, 2011, 31 p.v.

THE ROLE OF FINANCE IN BUSINESS ETHICS

Marcombe Anne-Charlotte, *Master's Degree, Senior Lecturer at Yeosu Technical Institute in Tashkent*

Many consider the field of business ethics, which is the academic field which seeks to study business situations where right or wrong behavior is not

clear, as an oxymoron (Crane & Matten, 2016). And with scandals such as that of Enron in the 2000s, the fraudulent activity of Jordan Belfort a few years earlier, and even more recently, the attempt of Starbucks and Amazon to evade taxes in the United Kingdom, this can seem even more so in the field of finance.

However, generally defined as the activity interested in the management, creation, and study of money and investments, finance is an integral part of business. Even more so, some activities directly emanating from the financial sector, such as audits, have been transferred, transformed and adopted by business ethics, notably in the form of social audits (*ibid.*).

For these reasons, it is argued here that there is definitely a role for finance in business ethics, and vice versa.

First of all, the finance industry itself is starting to demonstrate an interest in the field of sustainable. This budding concern is for example represented by sustainable indices. Sustainable indices can be defined as instruments to measure the responsibility of a certain company in social and environmental areas (*ibid.*).

The most famous of such indices is, of course, the Dow Jones Sustainability Index (DJSI). By comparing companies in each industry, this financial tool seeks to identify sustainability leaders in each area of business. In addition to financial indicators, the DJSI studies companies' environmental and social performance. For example, this index will be interested in a company's attempt at eco-design or activities to open stakeholder dialogue (*ibid.*).

Even though the Dow Jones Sustainability Index is a nascent tool still seldom used and sometimes the center of criticism (*ibid.*), the emergence of such indices indicates that the influence of the financial sector in business ethics can be developed.

Secondly, in addition to the tools created by financial markets in the field of sustainability, the fact that new actors are starting to emerge on the financial scene is also indicating a certain shift of mindset in the field. Indeed, a number of investment funds proposing an alternative way of investing are starting to propose their services to financial actors. These new actors, whose investing policies focus on ESG investment and away from companies refusing to reduce their use of fossil fuels are encouraging a movement called socially responsible investment (SRI). A socially responsible investment can be defined as an investment decision that combines the search for financial returns with the achievement of social, ethical, and environmental goals (*ibid.*).

Even though SRI lags far behind conventional investments, with a market of \$3.74 trillion in the United States in 2012 (*ibid.*), this steady rise in popularity definitely leads the way for finance to take on a bigger in the promotion of financial initiatives that are more than share-value minded. Furthermore, socially responsible investments, which are proven to reduce risks, also demonstrate the positive role that business ethics can play in this area of the economy as well.

Finally, finance can also constitute a real force for change when it comes to the way business is conducted (Moqbel et al, 2014). This can become possible

for example by prioritizing investment in social purpose corporations or the creation of social enterprises. Both types of companies have one thing in common, they erect social or environmental purposes at the heart of their business model. The difference between them appears in the way that they are created.

A social purpose corporation is a legal status adopted by companies that wish to permanently etch social considerations on the way they operate. In France, this status also gives access to special government funding. A social enterprise, on the other hand, is a hybrid company that was first created in the non-profit sector, but which ended adopting market-based solutions to solve social or environmental problems (Crane & Matten, 2016).

A famous example of a social enterprise is the one created in the 1970s by Bengali economist, Muhammad Yunus, in the under the name of Grameen Bank. This micro-finance initiative founded to provide small loans to poor rural communities in Bangladesh started as a small civil society organization in the corner of a conventional bank. This initiative became so successful that the organized was registered as a bank in 1983.

By voluntarily choosing to provide support to initiatives that include social and environmental consideration in their operations, the financial sector can not only improve its image, but also contribute to a shift of mindset towards sustainability.

In conclusion, finance has a role to play in business ethics in at least three ways. It can first participate in the creation of tools to monitor and evaluate the social and environmental performance of businesses worldwide. By doing so, it can help investors get involved in socially responsible investments. Finally, financial actors encourage a quicker adoption of sustainable business models by prioritizing the funding of initiatives that have shown best practices in the field of social and environmental concerns.

In return, business ethics can also provide advantages for finance. First, business ethics can work as a tool to improve and maintain the reputation of finance globally. More importantly, business ethics-related activities can help reduce risks for all sides of a financial transaction.

And in this search for ways to improve the impact of the financial sector on society, countries like Uzbekistan, who are starting to adopt tools and practices of the modern capitalist system, can help in two ways, first of all by bringing a new and fresh point of view to the table to analyze the impact of current practices and the effectiveness of new ones. Secondly by learning from past mistakes of older actors and directly encouraging practices focused on sustainability.

References

1. Byars, S. M., & Stanberry, K. (2018). *Business Ethics*. OpenStax.
2. Crane, A., & Matten, D. (2016). *Business Ethics. Managing Corporate Citizenship and Sustainability in the Age of Globalization*. (Fourth). Oxford University Press.
3. Dobson, J. (1993). *The Role of Ethics in Finance*. 49(6), 57–61. <https://doi.org/10.2469/faj.v49.n6.57>.

4. Moqbel, W. N., Amran, A., & Nejati, M. (2014). Evaluating the association between financial stakeholder pressure and stakeholder integration: A study of palm oil companies. *Business and Globalization*, 13(2), 209–224. <https://doi.org/10.1504/IJBG.2014.064135>.

5. Werhane, P. H., & Freeman, R. E. (n.d.). Business Ethics: The State of the Art. *International Journal of Management Reviews*, 1(1), 1–16.

WAYS OF STRENGTHENING TAX BASES OF LOCAL BUDGETS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Scientific adviser: **Nuriddinova V.Sh.**
Docent at the “Finance” Department
Murtozaeva Zarnigor Komol kizi student
Tashkent Institute of Finance

Annotation: *Ensuring the pace of economic growth and achieving financial stability is an important strategic task in strengthening the stability of the budget system in the current period of reforms, in particular in improving the financial capabilities of local budgets. In the system of state measures of revenue management of local budgets, it is permissible to pay attention to the tax potential of the regions in the practice of establishing budgetary relations as one of the important priorities of the budgetary policy.*

Key words: *budgetary policy, financial capabilities, local budget, budget system.*

Market relations in the Republic of Uzbekistan budget system for the conduct of radical economic reforms on the formation of, in particular, it further increases the importance of local budgets. Because, socio-economic development of the regions is local it is tied to the financial stability of budgets. Reforms by local budgets with deepening they will also increase the volume of funded measures profits that remain at your disposal will also continue.

Local budgets are needed not only to assess the opportunities of revenue bases and to determine the direction of their improvement and strengthening, but also to analyze the current nature of the formation of the base of local budgets revenues, this need is also felt in the justification of changes in the state policy of local budgets management, as well as in the determination.

In modern statehood, the effective organization of local budget revenue policy plays an important role in solving the tasks of socio-economic development of the regions. To evaluate the possibilities of tax and payment mobilization regions in the budget system in the development of income policy, it is important to assess the impact of factors affecting the formation of local budget revenues on the productivity and the possible negative socio-economic consequences. Local taxes and levies are classified in a specific way. They are state bodies and local self-government depending on the authority of the governing bodies, their fiscal significance and the period of validity can be divided into two:

1) the legislation to be introduced by the authority and local taxes valid in all regions of the country and collection;

2) in accordance with the decision of local self-government bodies applicable local taxes and fees.

President of the Republic of Uzbekistan 2020 year 19 March's " coronavirus pandemic and global crisis cases the first to mitigate its negative impact on the sectors of the economy adoption of the decree" on measures in the queue" dated PF-5969 it was done. According to this decree: Finance of the Republic of Uzbekistan

without the organization of a legal entity under the ministry, 10 trillion soums in the amount of Establishment of anti-Crisis Fund and the following are from the funds of the anti-Crisis Fund the main directions of use have been identified:

- support entrepreneurship and employment;
- attracted under the state guarantee of the Republic of Uzbekistan repayment of loans;
- monthly top of Social tax for individual entrepreneurs reduce the amount of the minimum amount up to 50 percent of the amount of the base calculation;
- engaged in wholesale trade of alcohol products decrease in the amount of allocations of enterprises from 5 percent to 3 percent;
- alcohol products for public catering enterprises the amount of fees for the right to retail sale in fixed amounts 25 percent reduction.

This decree is based on the radical strengthening and decentralization of the revenue base of local budgets, sustainable financing of the development of the regions, further improvement of budgetary relations, increasing financial freedom of local government bodies, facilitating the development of small business and private entrepreneurship, creating new jobs for the account of employment, engineering and Communication, Road transport and rapid development of social infrastructure to increase their responsibility in the implementation of measures aimed at the specific expansion of tax potential received in order to ensure. The following are the local budgets at the level of tax-reaching the priorities of the budget policy determined.

1. Radical consolidation of the revenue base of local budgets by combining them with specific types of taxes and other mandatory payments;

2. In the solution of the issues of subsidization of the budgets of Regions, Cities and districts, gradual reduction of their dependence on the allocation of high-resident budgets, on the basis of which the issues of social economic development of the regions are addressed, the local state land of authorities and increase responsibility;

3. Strengthening the income bases of local budgets to ensure timely, targeted financing of approved parameters of expenditure, the further development and appropriate maintenance of objects and infrastructure of the social sphere, the responsibility of local public authorities, financial and tax authorities.

Proceeding from the above, we can conclude that, the effectiveness of the reforms carried out in Uzbekistan and the effectiveness of timely and in the required amount of local budgets financial funds, ensuring the income of local budgets increase in the volume of sources, in particular, local authorities in this regard the role of the authorities in ensuring budget execution the broad public in the process of expanding local budgets providing feedback and participation is an important priority.

References

4. Speech of the president of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the extraordinary summit of the Cooperation Council of Turkic-speaking states. <https://president.uz/>
5. Mirziyoyev Sh.M. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the Daily rule of the activities of each leader. Report on the expanded meeting of the Cabinet of Ministers dedicated to the main results of socio-economic development of our country in 2016 and the most important priorities of the economic program for 2017, January 14, 2017. - Tashkent: Uzbekistan, 2017.

XALQIMIZNING MOLIYAVIY SAVODXONLIGI - MAMLAKATIMIZNI IQTISODIY O‘SISHINI KAFOLATIDIR

**Allayorov Isroil Xaykalovich,
Boboqulov Fayoz Farxod o‘g‘li**

“Ta’lim menejmenti” kafedrası, Nizomiy nomidagi TDPU

Xalqimizni moliyaviy savodxonligini oshirish, iqtisodiy bilimlarini yuksaltirish jamiyatimizni yuksak ma’naviyatini shakllantirish kabi muhim xisoblanadi. Fuqarolarimizning moliyaviy savodxonligi nafaqat o‘zlarining moddiy farovonligiga ta’sir qiladi, balki mamlakatimizdagi ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatning ob’ektiv o‘lchovi xisoblanadi. Iqtisodiy qarorlarni ongli ravishda qabul qilish aholimizni kelajakka, davlatimizni iqtisodiyotimizdagi o‘zgarishlarni idrok etadigan fuqarolarning ko‘payishini ta’minlaydi. Aksariyat hollarda moliyaviy bilimlarning yetishmasligi, aholimizni hayot darajasini pasaytiribgina qolmay, balki mamlakatimizni iqtisodiy o‘sinh sur‘atlarini pasayishiga xam olib keladigan eng jiddiy to‘siqlardan biridir.

Xush moliyaviy savodxonlik o‘zi nima va unga iqtisodiy adabiyotlarda qanday ta’rif berilgan? “Moliyaviy savodxonlik – bu insonlarning moliyaviy xulq – atvori va madaniyati sohasidagi uning farovonligini yaxshilash va hayot sifatini oshirishga olib keluvchi bilim, ko‘nikma va qadriyatlar majmui: hayotdagi voqealar va iqtisodiy shart-sharoitlardagi o‘zgarishlarni hisobga olgan holda qisqa muddatli qarorlar va uzoq muddatli moliyaviy rejalashtirish orqali shaxsiy moliyani boshqarishdagi qobiliyat va qat’iylikni, asosiy moliyaviy tushunchalarni anglab yetishni ifodalovchi darajadir”, shuningdek “Moliyaviy

savodxonlik- bu hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan, insonning iqtisod sohasidagi bilimlar to'plamidir.

Davlatlarning iqtisodiy o'sishi mamlakatlar aholisining moliyaviy savodxonligi darajasiga bog'liq. Aholining moliyaviy savodxonligi har bir mamlakat uchun muhimdir. Har bir davlat uni darajasini oshirish choralari ishlab chiqishi kerak. Bolalarga bog'cha yoshidan boshlab pul, bozor, reklama kabi oddiy iqtisodiy so'zlarni mazmun-mohiyatini tushuntirib borish kerak. Mamlakatimizda bolalar bilan pul masalalarini muhokama qilish yoki maslahatlashish odat tusiga kirmagan. Ota-onalarimiz bolalarga moliyaviy savodxonlikni o'rgatishmaydi va bu borada bilimlarini nazorat qilishmaydi. Maktablarda iqtisodiy bilim asoslari fani tarix yoki geografiya fani o'qituvchisi tomonidan nomigagina o'tiladi. Jahon amaliyoti shuni ko'rsatmoqdaki aholi o'z mablag'laridan to'g'ri foydalanish, o'z xarajatlari va jamg'armalarini rejalashtirish, favqulotdagi vaziyatlar uchun zarur bo'lgan mablag'larni ko'paytirish borasida yetarli darajada bilim va ko'nikmalarga ega bo'lmaganliklari sababli, samarasiz qarorlar qabul qilishadi va o'zlarini moddiy farovonligini oshirish uchun salohiyatlaridan, imkoniyatlaridan to'liq foydalana olmaydilar. Kishilarni qabul qilayotgan moliyaviy qarorlarini samaradorligini oshirish uchun aholining moliyaviy savodxonligi tizimini joriy etish zarur.

Xalqimizning pul jamg'arishga yuqori darajada moyilligi, millatimizni moliyaviy savodxonligini yuqori darajada bo'lishini nazarda tutadi. Bunday savodxonlik aholiga bank xizmatlaridan keng miqyosda va unumli foydalanish imkoniyatini beradi. shaxsiy byudjetlaridan samarali foydalanishni, uzoq muddatli maqsadlaridan kelib chiqqan holda shaxsiy moliyaviy qarorlarini qabul qilishni, shaxsiy qarzdorlik darajasini ortib ketishini oldini olishni ortiqcha xavf-xatarlarni oldi olinadi. Bu esa moliyaviy savodxonlikni mamlakatimizning uzoq muddatga mo'ljallangan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida muhim o'rin egalashini aks ettiradi.

Oxirgi o'n yillikda moliya bozorlarida iste'molchilar sektorini kengayishi, moliyaviy mahsulotlar turlari va murakkabligini ortishi, aholi daromadlari va yalpi jamg'armalarining o'sishi aholining qabul qilgan moliyaviy qarorlarida shaxsiy javobgarlikni ortganligini aks ettiradi. Ushbu holat ham aholi moliyaviy savodxonligini oshirish muammosining dolzarbligini ko'rsatadi. Jahon amaliyoti shuni ko'rsatmoqdaki moliyaviy jihatdan savodxon kishi quyidagi afzalliklarga ega bo'ladi:

Birinchidan, pul va narxlar borasida to'g'ri qarorlar qabul qila olish;
ikkinchidan, o'zining oilaviy byudjetini oqilona boshqarish qobiliyatiga ega bo'lish;

Uchinchidan, moliyaviy aktivlar va xarajatlarini samarali boshqarish ko'nikmalariga ega bo'lish;

To'rtinchidan, o'z moliyaviy majburiyatlarini ko'rsatilgan muddatda bajarish;

Hozirgi davrda qanday insonlarni biz zamon bilan xamnafas yashaydigan deb ayta olamiz:

Birinchidan, shaxsiy daromadlar va xarajatlarning oylik xisobotini qiladi;

Ikkinchidan, mavjud mablag'lar asosida o'z hayotini tashkil etadi (keraksiz qarzlarsiz puli etarli bo'lmaganida, har hil narsalarni sotib olmaydi)

Uchinchidan, kelajakdagi xarajatlar va daromadlarni rejalashtiradi (kutilmagan holatlar bo'yicha xarajatlarni hisobga oladi)

To'rtinchidan, Moliyaviy mahsulotlar va moliyaviy xizmatlarni oqilona tanlaydi. Dush kelgan bankga borib hisob-raqam ochmaydi yoki, beshta bankda bittadan karta ochmaydi, shartlarni taqqoslab, eng munosibini tanlaydi, ortiqcha xizmatlardan voz kechadi.

Xalqimizni moliyaviy savodxonligini oshirish maqsadida ko'plab amaliy ishlar qilinmoqda. Davlatimiz rahbarining 13.04.2021 yildagi PF-6207 sonli farmonida moliyaviy savodxonlikni oshirish bo'yicha quyidagi ustuvor vazifalar belgilab berilgan;

Aholi va tadbirkorlik sub'ektlarining moliyaviy savodxonligini oshirish, ularni moliyaviy xizmatlar va mahsulotlar, jumladan kapital bozori hamda moliyaviy instrumentlar haqida xabardor qilish bilan bog'liq tashabbuslarni hamjihatlikda amalga oshirgan holda mutasaddi tashkilotlar bilan faol hamkorlikni yo'lga qo'yish;

Ilg'or xorijiy o'quv muassasalari va tadqiqot institutlari, moliya tashkilotlaridan etakchi mutaxassislarini moliyaviy savodxonlik darajasini oshirishga oid ta'lim tadbirlariga keng jalb etish;

Umumta'lim maktablari o'quvchilari hamda noiqtisodiy yo'nalishdagi oliy ta'lim tashkilotlari talabalari uchun "Moliyaviy savodxonlik" o'quv kursini fan sifatida joriy etish. Ushbu fan doirasida mablag'larni to'g'ri boshqarish, oqilona moliyaviy qarorlar qabul qilish, jumladan moliyaviy instrumentlar bo'yicha o'qitish metodologiyasini ishlab chiqish hamda "Moliyaviy savodxonlik olimpiadalari"ni tashkil orqali o'quv kursining samaradorligini baholash;

Aholi va tadbirkorlik sub'ektlarining moliyaviy, shu jumladan investitsiya bo'yicha savodxonligini oshirish borasidagi barcha tadbirlarni 2021-2023 yillarga mo'ljallangan moliyaviy xizmatlar ommabopligini oshirish milliy strategiyasi doirasida amalga oshirish.

Shuningdek, nemis mutaxassislari rahbarligida Respublikamizning 6 ta hududida Germaniya jamg'arma kassalari fondi tomonidan bank xizmatlaridan foydalanuvchilar o'rtasida so'rovlar o'tkazilmoqda. Aynan ular asosida moliyaviy savodxonlikni oshirish bo'yicha strategiya ishlab chiqiladi. O'zbekiston Respublikasi markaziy bankining Finlit.uz axborot ta'lim veb-saytini ishga tushirdi. Unda iqtisod, bank va moliya sohasiga tegishli maqolalar, o'quv materiallari e'lon qilinadi, interaktiv xizmatlar va loyihalar doimiy ravishda yangilanib, takomillashtirib boriladi. Mazkur loyiha oldiga mamlakatimiz aholisi tomonidan moliyaviy xizmatlarni tanlash va ulardan foydalanish, shuningdek, oqilona va mas'uliyat bilan moliyaviy qarorlar qabul

qilish hamda moliya bozoridagi imkoniyatlarni to'g'ri baholashga yordam beruvchi bilim va ko'nikmalarni shakllantirish vazifalari qo'yilgan.

Xulosa o'rnida aholi savodxonligini oshirishda OAV o'rni va ta'sirini kengaytirish mamlakatimizni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta'minlash, yuqori o'sish sur'atlari, faol tadbirkorlik hamda to'liq bandlik darajasiga erishishning muhim shartidir. Insonlar moliyaviy jihatdan oqilona qarorlar qabul qilmasalar iste'mol va ipoteka qarzlari ortib boradilar, ko'plab firibgarlar paydo bo'ladi, jinoyatchilik darajasi ko'tariladi, iqtisodiy barqarorlik pasayadi va odamlar ishonchsiz banklarga murojaat qilishadi yoki, daromadni oshirish uchun shubhali vositalardan foydalanadilar. Aholimizni moliyaviy savodxonlik darajasini oshirish jonajon O'zbekistonimizning jadal rivojlanishini zaruriy qismidir.

O'ZBEKISTONDA LIZING MUNOSABATLARI VA XORIJ TAJRIBASI


Zoxidova Saodat Voxid qizi

DMXM-3k guruh magistranti, Toshkent moliya instituti

Mavzuning dolzarbligi. Bozor iqtisodiyotiga o'tishda O'zbekistonning sanoat korxonalarida oldida bir qator muammolar vujudga keldi. Bu muammolar ichida raqobatchilik o'sib borayotgan sharoitlarga moslashish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar narxining yuqoriligi sababli sotuv bozorining qisqarishi, to'lovlar bilan bog'liq muammolar, xom-ashyo va materiallar yetkazib beruvchi ta'minotchilarni izlab topishdagi qiyinchiliklar hamda moliyaviy resurslarning cheklanganligi eng asosiylari hisoblanadi. Hozirgi paytda korxonalar o'z o'rnini yo'qotmaslik uchun bir qator xususiyatlarga – moslashuvchanlikka, raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishga, ishlab chiqarilayotgan tovar assortimentini tez o'zgartira olish xususiyatiga ega bo'lishi lozim. Buning uchun korxonalar zamonaviy ishlab chiqarish vositalariga ega bo'lishlari zarur, bu esa katta miqdorda investitsiyalar jalb etishni talab qiladi. Yuzaga kelgan vaziyatda respublikamiz uchun an'anaviy bo'lmagan yangi investitsiya manbalarini izlab topish zarur. Oxirgi yillar mobaynida asosiy ishlab chiqarish fondlarini sotishning asosiy shakllariga muqobil sifatida lizing faoliyati namoyon bo'lmoqda. U tadbirkorlikda yangi, yanada kuchli motivatsion stimullarni yaratadi, ishlab chiqarishga yangi texnikalarni kiritishni tezlashtirishga ko'maklashadi.

2021 yilning 1-yarim yilligi yakunlari bo'yicha e'tibor qaratish kerak bo'lgan birinchisi –bu respublikada lizing portfeli hajmlarining biroz pasayishi, u 2020 yil yakunlari bilan solishtirganda 4,3% ga pasaygan. Bu qisman 2020 yil davomidagi va 2021 yilning 6 oyi mobaynidagi koronavirus pandemiyasi va u bilan bog'liq karantin choralarining samarasi. Biroq yangi bitimlar hajmi o'sish tendensiyasiga ega bo'lib, 2021 yilning ikkinchi yarmida yangi bitimlar hajmi

yilning birinchi yarmi bilan solishtirganda sezilarli darajada oshadi hamda taxminan 5-10% o'sish bilan lizing amaliyotlari portfelida ijobiy aks etadi. O'zbekiston Lizing Uyushmasi muntazam ravishda O'zbekistonda lizingni rivojlantirish, mamlakatda lizing xizmatlari o'sishi uchun to'siqlarni bartaraf etish bo'yicha ish olib boriladi. Xususan, ayni paytda lizing kompaniyalari uchun O'zbekiston Respublikasida lizing qonunchiligini takomillashtirish masalasi dolzarb bo'lib qolmoqda.




1-rasm. 2021-yilning 1-yarim yilligi yakunlari bo'yicha O'zbekiston lizing bozori¹

Qishloq xo'jalik sektorida tuzilgan yangi lizing bitimlarining summasi 494,4 mlrd so'mni tashkil qilgan. Ushbu sektorda xizmatlarni taqdim etish bo'yicha lizing beruvchilar orasida «O'zagrolizing» AJ (456,2 mlrd. so'm) yetakchilik qilmoqda, undan keyin «China Leasing Group» MChJ (8,7 mlrd. so'm) va «Asaka-Trans-Leasing» LK MChJ (7,9 mlrd. so'm) kelyapti.

Avtotransport vositalarini lizingga taqdim etish sohasida yangi lizing bitimlarining hajmi 377,3 mlrd so'mni tashkil qilgan. Ushbu sektorda «Fincom Leasing Group» kompaniyalar guruhi (147,7 mlrd. so'm) yirik lizing beruvchi hisoblanadi. Undan keyin «Kamaz Asia Leasing» MChJ QK (118,8 mlrd. so'm) va «O'zavtosanoat-Leasing» MChJ (48,0mlrd. so'm) kelmoqda.

2021 yilning birinchi yarim yilligi yakunlari bo'yicha texnologik uskunalar lizingining umumiy hajmi 274,0 mlrd.so'mni tashkil qildi. Lizingga berilgan texnologik uskunalar ob'ektlari hajmi bo'yicha lizing beruvchilar orasida «Uzbek Leasing International A.O.» AJQK (116,1 mlrd. so'm) yetakchilik qilmoqda. Undan keyin «Nano Lizing» MChJ (108,3 mlrd.so'm) va «Partner Business Leasing» MChJ (6,8 mlrd. so'm) kelmoqda.

¹ Ula.uz sayti



1-rasm. 2021-yilning 1-yarim yilligida tarmoqlar bo'yicha yangi lizing bitimlarining taqsimlanishi¹

2021 yilning 1-yarim yilligi yakunlari bo'yicha qurilish sohasidagi bitimlar hajmi 95,9 mlrd. so'mni tashkil qildi. Ushbu sektorda lizing beruvchilar orasidagi eng katta hajm «Uzbek Leasing International A.O.» AJ QKda (28,6 mlrd. sum), ikkinchi o'rinda - «Turkiston»XATB (15,6 mlrd. so'm), uchinchi o'rinda – «Orient Finance Bank» XATB (8,0 mlrd. so'm)bormoqda.

Ko'chmas mulk sektorida yangi lizing bitimlari summasi avvalgiday ancha past darajada.

Ko'chmas mulkni lizingga taqdim etish sohasida eng katta summani «Infin Leasing» (13,8 mlrd. so'm), «Taiba Leasing» MChJ ChEK (5,5 mlrd. so'm) va «Uzbek Leasing International A.O.» AJ QK(2,5 mlrd. so'm) namoyish etdi.

Sanoat korxonalarini odatda yangi texnika uchun pulni birdaniga to'lash imkoniyatiga ega bo'lmaydi, ular buni asta-sekinlik bilan, ushbu texnikani ekspluatatsiya qilishdan olinuvchi daromadlar hisobiga amalga oshirishlari mumkin. Bunda sanoat texnikasi ishlab chiqaruvchilar iste'molchilarga bu muammoni hal qilishga yordam bera olmaydilar, chunki ularning o'zlari ishlab chiqarishni tashkil qilish uchun katta aylanma mablag'lariga muhtojlik sezadilar. Shu tariqa bir tomondan, mahalliy iste'molchilar mamlakatimizda ishlab chiqarilgan texnikani ishlab chiqaruvchilar kreditga sotganda xarid qilishlari mumkin bo'lsa, ikkinchi tomondan korxonalar zarur mulkni xaridor darhol pul to'lagan taqdirdagina ishlab chiqarishga tayyor bo'ladi. Natijada mahalliy sanoat korxonalarini zarur texnikani ko'pincha G'arb mamlakatlarida lizing krediti asosida turli xil texnikalar sotish tajribasini keng qo'llovchi chet ellik ishlab chiqaruvchilardan sotib oladilar. Iqtisodiyotning hozirgi holati investitsiya siyosati va uni amalga oshirish mexanizmi, shuningdek, davlatning bu sohada

¹ Ula.uz sayti

ro'y berayotgan jarayonlarga ta'sir ko'rsatish shakllariga yangicha yondashishni talab qiladi.

Yevropada esa lizing turlaridan biri bo'lgan moliyaviy lizing 50-yillar oxiri 60-yillar boshlarida rivojlanishni boshladi. G'arbiy Yevropada moliyaviy lizingni rivojlanishiga bir qancha omillar sabab bo'ldi. Eng asosiysi bu 50-yillardagi ilmiy-texnika inqilobi bo'lib, bu korxonalar tomonidan asosiy vositalarni yangilashning katta hajmdagi ehtiyojiga olib keldi. Moliyaviy lizing mexanizmi esa uskunlarni bank kreditlari orqali sotib olishdan ko'ra korxonalar uchun qulay bo'ldi. Xuddi shu davrga kelib moliyaviy xizmatlar bozori jadal rivojlanishi tufayli, yangi shakldagi moliyaviy kreditlash va past foizli stavkalar taklifi ko'paydi.

Ushbu holat lizing faoliyatini soliqqa tortishning har tomonlama qulayligi bilan birgalikda lizing kelishuvlarini rivojlantirdi. Lizingni lizing beruvchilar uchun qulay qilib, lizing sektorini rivojlantirishda ijobiy rol o'ynadi.

AQSHda lizingning juda tez rivojlanib ketishi sabablaridan soliq imtiyozlari: ya'ni jadallashtirilgan amortizatsiya va investitsiyalangan soliq imtiyozi (yangi investitsiyalar qiymatining 10 % gacha soliq summasidan chiqarib tashlandi) sabab bo'ldi. Ammo soliq imtiyozlariga huquq-shartnoma AQSH moliya vazirligining ichki daromadlar boshqarmasi tomonidan lizinglar uchun o'rnatilgan qoidalarga muvofiq kelgan taqdirdagina paydo bo'ladi. Ya'ni:

- lizingning davomiyligi 30 yildan kam bo'lishi shart; • lizing mulkni oqilona bozor narxidan past narxda sotib olinishi imkoniyatini ko'zda tutmasligi kerak;

- lizing dastlabki to'lovlar bitimining oxirigacha keyingilaridan ko'p bo'ladigan to'lovlar jadvalini ko'zda tutmasligi lozim. Agar bunga yo'l qo'yilsa, oldi-sotdi bitimi ba'zi soliqlardan qochish maqsadida amalga oshirilgan lizing sifatida tuzilganligidan dalolat berishi mumkin;

- lizing ijara beruvchini foyda olishning bozordagi me'yoriy darajasi bilan ta'minlashi zarur;

- lizingni uzaytirish imkoniyati uskunalarining bozordagi me'yoriy bahosini hisobga olishi kerak

Lizing bozor infratuzilmasining ajralmas qismi bo'lib, mamlakatimiz uchun nisbatan yangi moliyaviy dastakni o'zida mujassam etadi. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish zarur:

- ilmiy yutuqlardan samarali foydalanish, shuningdek, ilmiy-texnik va innovatsion faoliyatni ta'minlashga imkon beruvchi infratuzilmani yaratish va modernizatsiyalash;

- ilmiy faoliyat natijalarini tijorat jihatidan samarali texnologiyalar va raqobatbardosh mahsulotga aylantirishni ta'minlash;

- kadrlar tayyorlashni qayta qurish;

- lizing shakllarini ko'paytirish;

– lizing rivojlanishiga xizmat qiluvchi va uni rag‘batantiruvchi institutlar tizimini, xususan, lizing kompaniyalari assotsiatsiyasi, lizing tizimini rivojlantirish jamg‘armasi, lizing rivojlanishini muvofiqlashtiruvchi markaz va brokerlik kompaniyalarini yaratish;

– xalqaro miqyosdagi lizing kompaniyalari bilan aloqalarni yo‘lga qo‘yish va boshqalar.

Lizing bozor infratuzilmasining ajralmas qismi bo‘lib, mamlakatimiz uchun nisbatan yangi moliyaviy dastakni o‘zida mujassam etadi. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish zarur: - ilmiy yutuqlardan samarali foydalanish, shuningdek, ilmiy-texnik va innovatsion faoliyatni ta‘minlashga imkon beruvchi infratuzilmani yaratish va modernizatsiyalash; - ilmiy faoliyat natijalarini tijorat jihatidan samarali texnologiyalar va raqobatbardosh mahsulotga aylantirishni ta‘minlash; - kadrlar tayyorlashni qayta qurish; - lizing rivojlanishiga xizmat qiluvchi va uni rag‘batantiruvchi institutlar tizimini, xususan, lizing kompaniyalari assotsiatsiyasi, lizing tizimini rivojlantirish jamg‘armasi, lizing rivojlanishini muvofiqlashtiruvchi markaz va brokerlik kompaniyalarini yaratish;

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ataniyazov J.X., Alimardonov E.D. “Xalqaro moliya munosabatlari” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. – T.: TMI, 2021. 61-bet.

2. Fozilchayev Sh. Q. Xidirov N. G. “Investitsiya va lizing asoslari” fanidan o‘quv qo‘llanma.-T.:2017

3. G‘.D.Dusmuratov, S.S.Ismailova. “Lizing asoslari”. O‘quv qo‘llanma. - Toshkent, 2016 y

IQTISODIYOTNING REAL SEKTORIDAGI KORXONALARNI RAQAMLI TRANSFORMATSIYALASH

Sultonov.SH.N., PhD, dotsent

*Zokirova Diyora, BBI-80 guruh talabasi
Toshkent moliya instituti*

Kirish. Bugungi kunda sanoat korxonalarini rivojlantirish ,ular faoliyatiga innovatsion jarayonlarni tatbig‘ etish, iqtisodiyotning real sektoridagi tarmoqlar va korxonalarini raqamli transformatsiya qilish, boshqaruvning zamonaviy usullaridan foydalanish iqtisodiy taraqqiyotning muhim vositalaridan biriga aylanmoqda. Iqtisodiyotning real sektoridagi korxonalarini raqamli transformatsiya qilish ish samaradorligini oshirish, ishlab chiqarishda o‘shish, faoliyatni shaffofligini ta‘minlash va raqobatbardoshlikni oshirish imkonini beradi. 2019-yilda sanoat korxonalarini raqamli transformatsiya qilish jahon raqamli iqtisodiyotining 84,3 % ini va jahon yalpi ichki mahsulotining 35% ini tashkil etdi. Rivojlangan mamlakatlarda sanoatni raqamlashtirish raqamli

iqtisodiyotning 86,3% ini, YaIM ni 78,6 % ini tashkil etgan¹. Bu esa rivojlangan mamlakatlar iqtisodining rivojlanishida sanoat korxonalarini yetakchi ustuvorlikka ega ekanligi hamda bozor iqtisodiyotiga o'tayotgan mamlakatlar uchun sanoat sohasidagi raqamlashtirish jarayonlarini yanada jadallashtirishi zarur ekanligini ko'rsatadi. 2017-yil fevral oyida qabul qilingan 2017-2021 yillarda O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirish Harakatlar strategiyasida ham sanoat sohasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilgan edi. Umuman olganda sanoat korxonalarini faoliyatining samaradorligi ko'p jihatdan ushbu tarmoqda olib borilayotgan transformatsiya jarayonlarining xususiyatiga, boshqaruv uslubiga va tarkibiy tuzilmasiga bog'liq. Chunki milliy ishlab chiqarish korxonalarining barqaror holatda rivojlanishi va jahon bozorida yuqori o'rinlarni egallashi bevosita transformatsiya jarayonlari va ularning samarali natijasiga bog'liq hisoblanadi. Transformatsiya jarayonlarining tezlashuvi natijasida ishga tushirilayotgan zamonaviy ishlab chiqarish vositalari raqobatbardosh mahsulotlarning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini ko'payishiga va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda yuksak natijalarni qo'lga kiritishiga olib kelmoqda. Bu esa mamlakatimiz iqtisodiy salohiyatini sezilarli darajada oshganidan darak beradi.

Tahlil va natijalar.


O'zbekistonda milliy ishlab chiqarish va sanoat korxonalarini hukumat tomonidan rag'batlantirish siyosatining maqsad va vazifalari, yo'nalishlari, eng avval har bir sohaning o'ziga hos xususiyatlari, ishlab chiqarish imkoniyatlari va mahsulotning raqobatbardoshligi hamda korxonalarining innovatsion salohiyati bilan belgilanadi. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, "Mamlakat sanoatini rivojlantirishning fundamental drayverlari hisoblangan sohalarda mehnat unumdorligini yanada oshirish, sohaning raqobatbardoshligini kuchaytirish, shuningdek, mazkur jarayonda texnik reglamentlarni zamon talablaridan kelib chiqib yangilash va samarali foydalanish masalalari ham alohida e'tiborni talab qilmoqda"². So'nggi yillarda respublikada yengil sanoatning kiyim ishlab chiqarish, tikuv-trikotaj, to'qimachilik kabi tarmoqlarni rivojlantirish, ishlab chiqarilayotgan tayyor mahsulotlarning turlari va assortimentini kengaytirish, shuningdek, tarmoq korxonalarini investitsiya va eksport faoliyatini har tomonlama qo'llab-quvvatlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Kiyim ishlab chiqarish sanoatini jadal rivojlantirish va to'yingan bozorlar shakllanayotganligini e'tiborga olib, ushbu sohaga raqamli marketing strategiyasini qo'llash zarurligini taqozo etmoqda. Butunjahon veb-texnologiyalari rivojlanayotgan davrda odamlar ijtimoiy tarmoqlar orqali brend mahsulotlarni qidirishga ko'p vaqt sarflashmoqda. Shunday ekan korxonalarda to'ishchilarni ro'yxatga olishdan tortib tayyor mahsulotlarini sotishgacha hammasini raqamli transformatsiya qilish maqsadga muvofiq. Iste'molchilarning an'anaviy mediadan raqamli mediaga o'tishi marketologlarga maqsadli

¹ Euroasian Journal Of Academic Research. Raqamli sanoat tarmoqlarini modellashtirish dasturiy ta'minoti va vositalarini ishlab chiqish. G'afurov Azizbek. Orziqulob Shoxrux. Fozilova Xayrinso

² Sh. Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. Toshkent-O'zbekiston nashriyoti. 2021-y. 132-bet

auditoriyaga yanada samarali erishishiga yordam beradi. Bu orqali xabardor qilish ya'ni, yangiliklar, chegirmalar, bo'sh ish o'rinlari haqida va h.k. Ishlab chiqarilgan mahsulotlariga haridorlarni reklamalari orqali jalb etish, ularni sotish, yetkazib berish xizmatlari va shunga o'xshash ko'plab imkoniyatlarni yaratadi. Ijtimoiy tarmoqlar natijasida korxonalarining rivojlanishi va bozorga olib chiqish usuli o'zgarib yangi to'siq va imkoniyatlarni keltirib chiqarmoqda. Raqamli marketing noo'rin yoki malakasiz amaliyotchilar tomonidan qo'llanilganda biznesga zarar yetkazishi mumkin. Shu sababli korxonalar ijtimoiy media bo'yicha etarli bilimlarga ega bo'lishlari kerak. Korxonalar o'zlarining raqamli marketing strategiyalarini umumiy biznes maqsadlariga muvofiqlashtirishiga e'tibor qaratishi lozim. Raqamli marketing veb-saytlar, qidiruv tizimi marketing, raqamli reklama, ijtimoiy media va tarmoqlar va elektron aloqalarni boshqarish orqali inernetdan foydalanishdir. Umumiy holda raqamli marketing-axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va tizimlaridan foydalangan holda marketin tadqiqotlarini olib borish va iste'molchilarning potensial talabini o'rganishdir.

Tarmoq ishlab chiqarish salohiyatini yanada rivojlantirish maqsadida mamlakatimizda investitsiya dasturlari amalga oshirilmoqda. 2021-yil yakuniga ko'ra kiyim ishlab chiqarish sanoati tarkibida investitsiya dasturi doirasida ko'plab loyihalar bo'yicha 243,3 mln. AQSH dollari miqdorida investitsialar o'zlashtirildi, soha bo'yicha 22 mingdan ortiq yangi ish o'rinlari yaratildi.



1-rasm. Ishlab Chiqarish sanoatida ayrim faoliyat turlari bo'yicha sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish (mlrd. So'm)¹

O'zbekiston Respublikasida 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida kiyim mahsulotlari ishlab chiqarish sanoati korxonalar tomonidan 13 284,1 mlrd. so'm qiymatga teng mahsulotlar ishlab chiqarildi. Tarmoqning 2020-yil yanvar-dekabr ko'rsatkichlari 10 402,4 mld. so'm ga eng bo'lgan, bu esa 2021-yil yakunida o'tgan davrga nisbatan 2 281,7 mlr. so'mga ortganini hamda fizik hajm indeksi 2020-

¹O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

yilga nisbatan 118,7 % ni tashkil etganini ko'rsatadi. Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, mamlakatda kiyim ishlab chiqarish sanoati yildan-yilga o'sish sur'atiga erishgan bo'lsada, oziq-ovqat mahsulotlari va toqimachilik sanoati ishlab chiqarish hajmiga nisbatan ancha kam ko'rsatkichni tashkil etmoqda.

Xulosa va takliflar.

Bugungi kunda milliy mahsulotlar ishlab chiqarish sanoati asosan ishlab chiqarishga yo'naltirilgan bo'lib, tikuv va to'quv texnologiyalaridagi yangi ishlanmalar, katta hajmdagi avtomatlashtirish va boshqarish jarayonlari orqali mehnat unumdorligini oshirish va moddiy chiqindilarni minimallashtirishga qaratilgan. Shu sababli ham hududlarda sanoat korxonalarini rivojlantirishda raqamli marketingdan foydalanish nafaqat mahalliy ishlab chiqarishni yuksaltirish balki tarmoqning jahon bozoridagi mavqeini o'stirishiga sabab bo'ladi. Mamlakatimizda kiyim ishlab chiqarish sanoati korxonalarida raqamli marketing strategiyasidan foydalanish, tarmoq faoliyatini yanada rivojlantirish, uni raqobatbardosligini oshirishda va sanoat ishlab chiqarish ulushida milliy mahsulotlarni ishlab chiqarish hajmini oshirishga katta hissa qo'shadi. Fikrimizcha, iste'molchilar tanlovining ustunligi va axborot-kommunikatsiyani e'tiborga olgan holda aynan raqamli marketing ishlab chiqarish korxonalarining jahon bozoridagi ustunligini ta'minlaydi.

Xulosa o'rnida aytishimiz mumkinki, kiyim ishlab chiqarish sanoatida raqamli marketingdan foydalanish, ushbu sohaning rivojlanishiga to'siq bo'lgan bir qator muammolari hal qilishga yordam beradi: birinchidan, tarmoqda raqobatchi korxonalarining an'anaviy reklama faoliyatidan foydalanish imkoniatlarining ko'pligini e'tiborga olgan holda, korxonalarda raqamli aloqa va media infratuzilmasini yaratish, mahsus onlayn savdo platformasi yordamida mahsulotning sifat darajasi va tavsifi kabi zarur ma'lumotlar bilan ta'minlash; ikkinchidan, milliy mahsulotlar iste'molchilar auditoriyasini kengaytirish maqsadida marketing texnologiyalari ordamida elektron tijorat bozorlaridagi potensial talabni aniqlash va raqamli takliflarni taklif etish uchun yangi biznes modellarni ishlab chiqish; uchinchidan, milliy mahsulotni ishlab chiqarish va jahon bozorlarida munosib raqobatlashishga qodir bo'lgan milliy brendlarni xorijiy rivojlarga sanoat korxonalarini bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish orqali shakllantirish.

IJTIMOIIY SOHA XARAJATLARINI MOLIYALASHTIRISH BORASIDA XORIJ TAJRIBALARIDAN FOYDALANISH

Kimsanboyeva Maftuna Bahodirovna

"Moliya-kredit" kafedrasi, Toshkent moliya instituti

XXI asr boshida ko'pgina mamlakatlar oldida iqtisodiy rivojlanishning yangi yo'llarini va iqtisodiy muammolarni hal etishning yangi metodlarini izlash masalasi ko'ndalang bo'ldi. Jahon iqtisodiy rivojlanishining global

tendentsiyalari bunda eng istiqbolli yo‘l jamiyatdagi butun iqtisodiy tizimni ijtimoiy omillarini kuchaytirish va hatto ustuvorlik roli tomon qayta qurish ekanligidan dalolat beradi. Bu tendentsiya nazariy jihatdan barcha yetakchi iqtisodiy maktablar tomonidan tan olinadigan ijtimoiy bozor iqtisodiyoti kontsepsiyasida o‘z aksini topgan.

Hozirgi kunda mamlakatimizda ijtimoiy sohani moliyalashtirish mexanizmini yangicha yo‘nalishlarini amaliyotga kiritish uchun xorijiy mamlakatlar tajribasini o‘rganish muhim masalalardan biridir. Shu sababli iqtisodiyoti rivojlangan Yaponiyada, ijtimoiy siyosatini moliyalashtirish tajribasini ko‘rib chiqamiz.

Yaponiya Moliya tizimi markaziy hukumat budjeti (ummumiy xisob raqam), mahalliy hokimiyatlar budjeti va maxsus fondlar shuningdek markaziy va mahalliy hokimiyatlarga tegishli muassasalar, xizmatlar va korporatsiyalar hisob raqamlarini o‘z ichiga oluvchi maxsus xisob raqamlardan iborat¹.

Yaponiyada ijtimoiy siyosatni moliyalashtirish uchun hukumat budjeti, mahalliy hokimiyatlar, maxsus fondlar va korxonalarining o‘z mablag‘lari hisobidan qilingan xarajatlar miqdori davlat xarajatlarining uncha katta bo‘lmagan ulushini tashkil etadi. Ijtimoiy sohaga yo‘naltirilgan mablag‘larning asosiy qismi maxsus fondlar tomonidan ajratiladi. Bu fondlar milliy daromadni davlat tomonidan aholining ma‘lum ijtimoiy guruhlariga foydasiga qayta taqsimlash vazifasini bajaradi. Maxsus fondlar ichida Yaponiyaning ijtimoiy fondlari alohida ahamiyatga ega. Ijtimoiy fondlar – aholiga ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish uchun mo‘ljallangan fondlardir.

Yaponiyada to‘rtta yirik ijtimoiy fondlar mavjud bo‘lib, ular quyidagilardir:

- sog‘liqni sug‘urtalash fondi;
- milliy nafaqa fondi;
- ishlab chiqarish sinishini sug‘urtalash fondi;
- ishsizlikni sug‘urtalash fondi;

Bu fondlarning daromadlari shakllanishiga quyidagi moliyaviy manbalar asos bo‘ladi:

- sug‘urtalanuvchilarning sug‘urta to‘lovlari;
- korxonalarining sug‘urta to‘lovlari;
- davlat subsidiyalari;

Yaponiyada davlat tomonidan aholiga ijtimoiy yordam ko‘rsatishning keng tarqalgan turlari quyidagilardan iborat:

- 1) hayot kechirish uchun subsidiyalar;
- 2) ta‘lim olish uchun nafaqalar;
- 3) uy-joy uchun nafaqalar;

¹ Sébastien Lechevalier, Pauline Debanes, Wonkyu Shin. Financialization and industrial policies in Japan and Korea: Evolving institutional complementarities and loss of state capabilities//Structural Change and Economic Dynamics, Volume 48, March 2019, Pages 69-85// <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0954349X16301102>

- 4) tibbiy nafaqalar;
- 5) bola tug‘ilishi munosabati bilan beriladigan nafaqalar;
- 6) dafn etishga beriladigan nafaqalar;
- 7) ishga tayyorgarlik ko‘rish uchun beriladigan nafaqalar(kiyim, transport xarajatlari va boshqalar);

Aholini ijtimoiy muhofazalash va ijtimoiy ta‘minot tizimi quyidagilarni o‘z ichiga oladi: ijtimoiy sug‘urta va tibbiy sug‘urta, ijtimoiy xizmat ko‘rsatish va jamoatchilik yordami.

Yaponiyada ijtimoiy sug‘urta o‘zining milliyligi va o‘ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadi. Bu yerda ijtimoiy sug‘urta tushunchasi keng tushuncha bo‘lib, ish bilan bandlik sug‘urtasi, bemorlik, shikastlanish, nogironlik va keksalik nafaqasi sug‘urtalari va boshqalarni nazarda tutadi. Yaponiyada umumiy sug‘urta instituti tashkil etilgan bo‘lib, shuning hisobiga tibbiy yordam va nafaqa sug‘urtasi huquqiga barcha aholi qatlamlari ega bo‘ladilar. Mazkur sug‘urtalar turida ishlab chiqarish jarayonida orttirilgan shikastlanish va kasalliklarga sarflanadigan xarajatlar qoplanadi. Ijtimoiy sug‘urta mablag‘lari hisobidan ishsizlik nafaqasini to‘lash bilan bir qatorda, avvalgi maoshining 60-80 foizni tashkil qiladigan va 3 oydan 10 oygacha to‘lab boriladigan nafaqa, ish bilan bandlikni barqarorlashtirish, ishsizlikning oldini olish kabi tadbirlar ham moliyalashtiriladi. Shu bilan birga, ish joyini yo‘qotganlar uchun yangi mutaxassislikni egallashda yordam ko‘rsatish yo‘li bilan ularning mehnat bozorida raqobatbardoshligini oshirish ham nazarda tutilgan. Yaponiyada ishsizlarga ajratilgan nafaqa xarajatlari ancha kam bo‘lib, bu o‘z navbatida ishsizlar sonining ham ancha kam bo‘lishini taqazo etadi.

Xulosa tarzida aytsak bo‘ladiki, bozor iqtisodiyoti rivojlangan davlatlari tajribasining ko‘rsatishicha, ijtimoiy muhofaza qilish tizimini davlat, xususiy strukturalar, jamoat birlashmalari o‘zaro hamkorlikda tashkil etishlari maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда инновацион кластерларни ривожлантириш истиқболлари. Монография. –Т.: ИТА-PRESS. 2017. - 204 б.
2. Рахмонов Д. Ўзбекистон ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори (DSc) даражасини олиш учун диссертация автореферати.Т., 2018. 71-б.;

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ВА СОЛИҚ САЛОҲИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Рахимов Эшмурод Нормуродович, *мустақил тадқиқотчи, Тошкент молия институти*

Мамлакат ва унинг ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати республика ва маҳллий бюджет даромадаларининг

асосий қисмини ташкил этувчи солиқлар тушумига боғлиқ ҳисобланади. Бу борада солиқ базаси, мамлакат бюджет тизимининг барча даражаларидаги солиқ тушумларининг динамикаси асосида шаклланган солиқ салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда, албатта, солиқларни режалаштириш ва солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг мақбул тизимларидан фойдаланиш, шу жумладан салоҳиятли даромадлар даражаси ҳақидаги маълумотларни яратиш муҳимдир.

